



**Озодликдан маҳрум
этиш жойларида жинсий
ва гендерга асосланган
зўравонликнинг олдини олиш
ҳамда унга қарши курашиш**

ЕХХТ мінтақасидан стандартлар, ёндашувлар ва мисоллар

**ЕХХТ
ДИИХБ**

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик
институтлар ва инсон хуқуқлари бўйича бюроси

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ
ЭТИШ ЖОЙЛАРИДА
ЖИНСИЙ ВА ГЕНДЕРГА
АСОСЛАНГАН
ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШ ҲАМДА УНГА ҚАРШИ
КУРАШИШ

ЕХҲТ минтақасидан стандартлар, ёндашувлар ва мисоллар



Мазкур нашр, "Preventing and Addressing Sexual and Gender-based Violence in Places of Deprivation of Liberty: Standards, Approaches and Examples from the OSCE Region" номи билан, илк маротаба ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси томонидан 2019 йилда чоп этилган. Ўзбек тилига норасмий таржима килинган, бироқ унда кўрсатилган фикр ва маълумотлар ДИИХБнинг сиёсати ва муносабатини тулиқ акс эттираслиги мумкин. Матнда тафовутлар мавжуд бўлган ҳолларда инглиз тилидаги нашр охирги ва расмий нусха сифатида кўрилсин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ушбу нашр этишда кўрсатган амалий ёрдами учун Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ўз миннатдорчилигини билдиради.

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари
бўйича бюроси томонидан нашр этилган (ЕХХТ ДИИХБ)

Миодова кўчаси, 10
00-251 Варшава
Польша

www.osce.org/odihr

© ЕХХТ/ДИИХБ, 2023

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган. Мазкур нашр
мазмунининг аҳборот манбаи ЕХХТ ДИИХБ эканлиги
кўрсатилган ҳолда ундан бепул нусха олиш ҳамда
таълим бериш ва нотижорат мақсадларида
фойдаланиш мумкин.

ISBN 978-83-66690-93-6

Муқова ва ички варақлар дизайни "Inga Ciumac" томо-
нидан тайёрланган.

МИННАТДОРЧИЛИК

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) ЕХХТ минтақасида ҳибсда сақлаш амалиётини фаол кузатиб келаётган жиноий судлов институтлари, миллий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтлари, миллий превентив механизмлар, Омбудсман институтлари ва турли нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалиётчи мутахассислари ва экспертларига тақдим этилган муҳим маълумотлар ва маслаҳатлари учун ўз миннатдорчилигини билдиради. ДИИХБ Халқаро Қизил хоч қўмитаси (ХҚҲҚ), БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (БМТ НЖБ), “Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти” (Prison Reform International – PRI) ташкилоти, Женева Қуролли қучлар устидан демократик назорат маркази (ҚКДН), Қийноқларнинг олдини олиш ассоциацияси (ҚOA) ва “Адолатли ҳибсда сақлаш шароитлари учун” халқаро ташкилоти томонидан (Just Detention International – JDI) ушбу нашрнинг тадқиқот босқичида берилган маслаҳатларни юксак баҳолайди.

Ушбу нашрни тайёрлаш ва матн ёзиш жараёнининг бош маслаҳатчиси – Элизабек Дубан. Шунингдек, матнни тайёрлашда Шэрон Критоф иштирок этди.

МУНДАРИЖА



1

Миннатдорчилик
3

Сүзбоши
6

Қисқартмалар
ва аббревиатуралар
8

1. Кириш **10**

- 1.1. Мақсад ва аудитория
13
- 1.2. Мазмун қамрови
ва фойдаланилган атамалар
15

2

2. Асосий түшүнчалар **18**

- 2.1. Гендердега асосланған
зұравонник, тенгсизлик
ва камситиш
18
- 2.2 Жинсий ва гендердега
асосланған зұравонник
(ЖГАЗ)
22
- 2.3 Жинсий ва гендердега
асосланған зұравонникнинг
бошқа шакллари
27
- 2.4. Жинсий ва гендердега
асосланған зұравонник
ва қыйноқлар ҳамда бошқа
ғайриинсоний ёки қадр-
қимматни мұомала ёки жазо
турлари
29

3

3. Таңыч маълумот:
озодликдан маҳрум
қилиш жойларыда жинсий
ва гендердега асосланған
зұравонник ҳақида
нималарни биламиз?
42

- 3.1. Озодликдан маҳрум
қилиш жойларининг ўзига
хос табиати
42
- 3.2. Құрбонлар ва зұравон-
лар – улар кимлар?
43
- 3.3. Жинсий ва гендердега
асосланған зұравонникка
нисбатан заифликни
оширадиган омиллар
58
- 3.4. Динамик ва кесишган
заифликлар
64

- 3.5. Ҳибсга олиш ҳамда күч
ва назорат динамикаси
67
- 3.6. Муаммо миқёси
74
- 3.7. Жинсий ва гендердега
асосланған зұравонник
яширилігі ва хабар
бермаслик
78
- 3.8. Жинсий ва гендердега
асосланған зұравонник
оқибатлари



4

86
4. Хавф-хатарлар ва эҳтиёж-ларни баҳолаш
90

4.1. Баҳолаш ўтказиш

5

90
5. Муайян ҳолатларда хавф-хатарларни камайтириш
98

5.1. Полиция билан ўзаро хатти-ҳаракатлар: ушлаш, ҳибсга олиш ва қамоқда сақлаш
98

5.2. Тергов босқичи: сұхбатлар ва сўроқлар
100

5.3. Шахсий тинтувлар
102

5.4. Маҳбусларни ташиш ва бошқа муассасага кўчириш
109

5.5. Маҳбусларни жойлаштириш
110

5.6. Алоҳида сақлаш

6

112
6. Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича бошқа чоратадбирлар
116

6.1. Даилилларга асосланган сиёсатни ишлаб чиқиш мақсадида ЖГАЗ бўйича тадқиқотлар
116

6.2. Қонунчиллик ва сиёсат
120

6.3. Статик ва динамик хавфсизлик
133

6.4. Ҳуқуқлар, қоидалар ва кутилган хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар бериш
139

6.5. Тиббий кўрик ва тиббий хизматлар
142

6.6. Маҳбуслар учун тадбирлар ва дастурлар
145

6.7. Ходимларни ёллаш, касбий тайёрлаш ва назорат қилиш
154

6.8. Шикоят бериш механизми, шикоятлар бўйича жавобан ҳаракатлар ва терговлар
161

6.9. Назорат ва мониторинг
165

6.10. Жамоатчилик хабардорлигини ошириш

7

170
7. Хулоса
174

1-илова. Асосий тавсиялар
176

2-илова. Озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик ҳолатларни ўрганиш учун мониторинг ташрифларини ўтказиш бўйича текширув варақаси
188

3-илова. Озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича ЕХХТга аъзо давлатлар учун ДИИҲБ сўровномаси
195

СҮЗБОШИ

Озодликдан маҳрум этиш жойларида инсон ҳуқуқлари меъёрларига риоя қилиш ҳам улардаги маҳкумларнинг, ҳам бутун жамиятнинг хавфсизлиги учун ўта муҳимдир. ЕХҲТнинг кенг қамровли хавфсизлик концепцияси инсон ҳуқуқлари бузилиши ва хавфсизлик таъминоти орасидаги боғлиқликни тушуниш учун асос сифатида хизмат қиласи.

Жинсий зўравонликни гендерга асосланган зўравонликнинг бир шакли сифатида тушуниш ва шу тариқа ҳокимият ва камситиш ўртасидаги муносабатни англаш бундай зўравонлик сабабларини тўлиқ бартараф этадиган профилактика чораларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ушбу нашрда озодликдан маҳрум қилиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг асосий сабаблари, шунингдек, бу муаммонинг камдан-кам ҳолларда тан олиниши ва кўпинча эътибордан четда қолиши ёки тоқат қилиниши сабаблари ёритилган.

Унда ЕХҲТ минтақасидан мисоллар келтирилган бўлиб, ушбу мисоллар орқали давлатлар инсон ҳуқуқларига риоя қилган ва гендер билан боғлиқ муаммоларни эътиборга олган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жойларида қай тарзда жинсий ва гендерга асосланган зўравонликка қарши курашиб ва унинг олди-

ни олиш мүмкінлиги күрсатылған. Шунингдек, нашрда мазкур мавзу бүйича ҳуқуқий амалиёт ривожининг муҳим босқичларини намойиш этувчи суд амалиётидан мисоллар келтирілған. Муҳим суд қарорлари, халқаро ҳужжатлар, миллій амалиёт ва академик тадқиқотлар ҳисобига құшымча равишида, ушбу нашр минтақадаги жиной судлов тизимлари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари амалиётчилари иштирокида иккі йил давомида түпланған тадқиқотлар натижаларига асосланған.

Умуман олғанда, нашр жиной адリア муассасаларидан жинсий ва гендерга асосланған зўравонлик ва жабрланувчиларнинг эҳтиёжлари ҳақида хабардорликни оширишга қаратылған. Шу билан бирга нашрда бундай зўравонликнинг олдини олиш учун қўлланилиши мумкин бўлған бир қатор ҳимоя чоралари таклиф этилган.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланған зўравонлик кам тадқиқ қилинаётгандылық сабабли, ушбу нашрнинг мақсади миллій ва халқаро миқёсда баҳс-мунозараларни қўзғатиш ҳамда кейинги ҳаракатларни амалга оширишга чақиришдан иборатдир. Шундай қилиб, мазкур нашр озодликдан маҳрум қилиш жойлари учун мўлжалланған мавжуд воситалардаги бўшлиқларни тўлдиради.



Ингибьёрг Сольрун Гисладоттир,
EXХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бүйича бюроси директори

Қисқартмалар ва аббревиатуралар

АНКБК	Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариға барҳам бериш түғрисидаги конвенция.
БМТ НЖБ	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси.
ГАЗ	Гендерга асосланган зўравонлик.
ДИИХБ	ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси.
ЕИ	Европа Иттифоқи.
ЕХХТ	Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти.
ЖГАЗ	Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик.
ЖССТ	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.
ИҲЕК	Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси.
ИҲМИ	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт.
ИҲУД	Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.
ЛГБТИ	Лесбиян, гей, бисексуал, трансгендер ва/ёки интерсекс.
МСҚ	Маҳкумлар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари; “қайта кўриб чиқилган МСҚ” деганда “Нельсон Мандела қоидалари” ёки “Мандела қоидалари” деб ҳам номланувчи янгилangan версия (2015 йил) тушунилади.
ННТ	Нодавлат нотижорат ташкилот.
МПМ	Миллий превентив механизм.
ФЖТ	Фуқаролик жамияти ташкилоти.
ХҚИ	Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти.
ХҚҲҚ	Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси.
ҚВКТ	Қўриқлаш видеокузатув тизимлари.
ҚOA	Қийноқларнинг олдини олиш ассоциацияси.
ҚOEҚ	Қийноқларнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси.
ҚҚҚ	Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога қарши конвенция.
ҚҚҚФП	Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога қарши конвенциянинг Факультатив протоколи.

1. КИРИШ

1. КИРИШ

Озодликдан маҳрум қилинган шахслар дунёдаги энг кўзга кўринмайдиган одамлардир. Уларнинг жиноий судлов тизими муассасаларидағи тажрибалари бутун ҳаётига катта таъсир кўрсатиши мумкин ҳамда бу тажрибалар оқибатлари қамоқхонадан чиққанларидан кейин ҳам намоён бўлиши мумкин.

Қамоққа олинганлар ва жазони ижро этиши муассасаларидағи маҳкумлар, агар зарурий ҳимоя чоралари мавжуд бўлмаса ёки номувофиқ қўлланилса, зўравонликка дучор бўлиши мумкин. Эркаклар хукмрон бўлган ёпиқ муҳитда аёллар зўравонлик ва шафқатсиз муносабат қурбонига айланиши мумкин ва бу ҳолат бутун жамиятдаги камситиш ва жинсий ҳамда гендерга асосланган зўравонликка олиб келадиган гендер тенгсизлигининг кенг тарқалганлигини акс эттиради. Эркаклар куч ва устунликка асосланган стереотипик эркаклик шаклларига мос келиши кутилади. Ушбу тасаввурга мос келмаган ёки ор-номус кодексини бузган деб ҳисобланганлар ҳам зўравонлик ва шафқатсиз муносабат хавфи остида бўлиши мумкин.

Кўпгина мамлакатларда қамоқхоналарда жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик мавзуси тақиқ остидаги мавзу бўлиб қолмоқда, гарчи муаммо ҳақиқатда мавжуд бўлса ҳам. Кўпинча, жинсий зўравонликни бошидан кечирганлар, ҳодиса контекстидан қатъи назар, ваколатли органларга нима бўлганлиги ҳақида хабар бермайдилар (низоли шароитларда содир бўладиган жинсий зўравонлик ҳолатдарида бўлгани каби), жумладан гапирмаслик маданияти ва зўравонликни “турдош зарар” сифатида қабул қилиш, шунингдек, зарур ҳимоя механизмларининг йўқлиги, тенг бўлмаган кучлар нисбати, бундан ҳам каттароқ жазодан қўрқиш ва бундай зўравонликнинг умуман қораланиш табиати сабабли бундай ҳолатларда ҳақиқат ва қурбонларнинг бошидан кечирганлари яширин бўлиб қолади.

Жинсий зўравонликни гендерга асосланган зўравонликнинг бир шакли сифатида тушуниш ва бу маънода муҳим рол ўйнайдиган куч ва камситиш омилларини ҳисобга олиш бундай зўравонлик мотивларини тўлиқ ҳисобга оладиган профилактика чораларини ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик (ЖГАЗ) камситишнинг экстремал шакли ва инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилиши бўлиб, у бир қатор инсон ҳуқуқларига, жумладан, яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, шунингдек, қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолардан холи бўлиш ҳуқуқига таъсир қилиши мумкин. ЖГАЗ ҳолатлари жабрланганларнинг соғлиғи, қадр-қиммати, хавфсизлиги ва мустақиллигига таҳдид солади, шу билан бирга улар назар писанд қилинмайди ва рўйхатга олинмайди, айниқса, улар жамоатчилик эътиборидан четда қолган ҳолларда.

ЖГАЗ муаммоси ЕХХТ миңтақасидаги озодликдан маҳрум қилиш жойларига хос муаммо ҳисобланади¹. Бу нафақат жамиятнинг бундай зўравонликка қанчалик тоқат қилиши ёки қилмаслигини, балки қамоқхоналар ва озодликдан маҳрум қилиш жойлари кўп ҳолларда ушлаб турилган ва маҳбусларни ҳимоя қилиш бўйича ўз бурчларини бажара олмаётганлигини ҳам кўрсатади. Агар ушбу муассасалар муносиб тарзда бошқарилмаса, зўравонлар жазосиз ҳаракатларини давом эттиришлари ва жабрланувчиларнинг жимгина азоб чекишдан бошқа чораси қолмаслиги мумкин.

Вазиятнинг бундай кечишига қарамасдан, ЕХХТ миңтақасида зўравонликнинг ушбу шаклининг табиати ва даражасини ўрганишга, шунингдек, бундай зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг энг самарали усусларини топишга кам эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, ҳукumatлар энг заиф қатламларни ҳимоя қилиш ва ЖГАЗнинг қурбонларга, жиноятчиларга ва умуман жамиятга таъсирини бартараф этиш учун етарлича ҳаракат қилмаяпти.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларида ЖГАЗнинг олдини олиш ва уларга қарши чора кўриш, биринчи навбатда, давлат масъулияти ҳисобланади. Ҳукumat органдари барча ушлаб турилганлар ва жазони озодликдан маҳрум қилиш жойларида ўтаётган маҳкумлар, шунингдек, қамоқхона ходимлари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар вакиллари ва ташриф буюрувчиларнинг камситилмаслиги, ҳар доим хавфсиз ва зўравонликдан ҳимояланиши учун жавобгардир. Бироқ, ушбу нашрда кўрсатилганидек, турли нодавлат субъектлар ва шахслар, шу жумладан ушлаб турилганлар ва ҳибсга олингандарнинг ўzlари ҳам ЖГАЗ билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнаши мумкин.

Ҳибсда сақлаш пайтида гендер омилларини эътиборга олиш нафақат зўравонликнинг олдини олишга ёрдам беради, балки барча маҳбусларнинг этиб келганидан то озод этилишигача бўлган ҳукуқларини ҳимоя қилиш учун жуда муҳим чорадир. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум этиш жойларидаги эркакларнинг эҳтиёжларини жинсга боғлиқ “сценарийлар”ни ҳисобга олган ҳолда ҳам ўрганиш, баъзи бир эркакларнинг тор ва тажовузкор хусусиятлари озодликдан маҳрум этиш жойларида ва умуман жамиятда зўравонлик учун қандай шароит яратиши мумкинлигини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Худди шу тарзда, аёллар озодликдан маҳрум этиш жойига тушишидан олдин ҳам жинсий зўравонлик ва камситишдан номутаносиб равища жабр кўришини тушуниш уларнинг самарали реабилитациясига, шунингдек, муассасаларда зўравонликнинг олдини олишга катта ҳисса қўшади.

Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги хавфсизлик чораларининг эркаклар ва аёллар, ўғил болалар ва қизларга, шу жумладан атипик гендер идентификаторлари ва жинсий ориентацияга эга бўлганларга турли хил таъсирини баҳолаш ушбу

1 Ушбу нашрда “озодликдан маҳрум этиш жойи” атамаси ушлаш ёки ҳибсга олишнинг ёки шахсни бу шахс ўз хоҳиши билан тарк эта олмайдиган давлат ёки хусусий озодликдан маҳрум этиш жойига Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога қарши конвенциянинг Факультатив протоколига (4(2)-модда) мувофиқ ҳар қандай суд, мъмурний ёки бошқа орган буйруғи билан жойлаштиришнинг ҳар қандай шаклига нисбатан қўлланилади.

муассасаларни янада инсонпарвар ва хавфсизроқ қилишга, шунингдек, уларда тартибни янада самарали сақлашга ёрдам беради ва бу маҳбусларнинг реабилитацияядан муваффақиятли ўтиш имкониятларини максимал даражада оширади.

ЖГАЗ кўп жиҳатларга эга бўлган мураккаб мавзудир. Мазкур нашрда ушбу ҳодисанинг энг кенг тарқалган иккита шакли кўриб чиқилади:

- 1) ушлаб турилганлар/маҳбуслар томонидан бошқа ушлаб турилганлар/маҳбусларга нисбатан содир этилган зўравонлик (маҳбуслар ўртасидаги зўравонлик);
- 2) ҳодимлар томонидан ушлаб турилганларга/маҳбусларга нисбатан зўравонлик.

Мазкур нашрда озодликдан маҳрум этиш жойидаги зўравонликни қўзгатувчи гендер камситиш ва тенгсизликнинг умумий маданиятига эътибор қаратиш мақсадида ушлаб турилганлар/маҳбуслар томонидан ҳодимларга нисбатан жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик, шунингдек, ҳодимлар ўртасидаги шунга ўхшаш ҳодисалар ҳақида сўз боради.

Ушбу нашр ЕХХТ минтақасидаги мамлакатлардаги тегишли амалиёт ва сиёсалар маълумотларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, жиноий адлия тизимида ишловчи эксперталар ва амалиётчилар билан маслаҳатлашувлар ҳамда икки мамлакатга ташрифлар натижаларига (Грузия ва Норвегия) асосланган².

Ушбу нашр, шунингдек, ЕХХТга аъзо 27 давлатдан турмалар ва вақтинча сақлаш изоляторларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик ҳақида сўровномага жавоблар шаклида тўпланган маълумотларга асосланади³. Ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича миллий ёндашувлар ҳақида маълумот (2016 йил октябрь ойида бўлиб ўтган маҳсус йигилишда) ЕХХТга аъзо 14 давлатнинг хавфсизлик сектори институтлари, миллий инсон ҳуқуқлари институтлари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари амалиётчиларидан иборат ишчи гурухи томонидан тақдим этилди⁴. Бундан ташқари, бир қатор эксперталар, жумладан, 2016 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган кўриб чиқиши йигилиши иштирокчилари нашр матни лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилар.

2 Иқтибос келтирилган нашрларнинг баъзилари бир неча ўн йилликлар олдин чоп этилган бўлса-да, уларни эскирган деб ҳисобламаслик керак; уларда биз кўриб чиқаётган муаммо бўйича улардан кейин чиқсан нашрлар нуқтаи назаридан ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган тавсиялар берилади.

3 Албания, Беларусь, Белгия, Босния ва Герцеговина, Канада, Хорватия, Дания, Эстония, Финляндия, Грузия, Германия, Венгрия, Италия, Латвия, Литва, Мальта, Шимолий Македония, Польша, Руминия, Россия, Сербия, Испания, Швеция, Швейцария, Туркия, Украина ва Ўзбекистон.

4 Албания, Канада, Хорватия, Италия, Қозогистон, Латвия, Польша, Россия, Сербия, Испания, Швеция, Буюк Британия, АҚШ ва Украина.

ЕХХТ доирасидаги тегишли мажбуриятлар:

- Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ва гендер тенглиги⁵.
- Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш⁶.
- Гендерга асосланган таъқиб, зўравонлик ва эксплуатация-нинг олдини олиш⁷.
- Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазони тақиқлаш⁸.
- Озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан муомала⁹.

1.1. Мақсад ва аудитория

Ушбу нашрнинг мақсади давлат органлари ва фуқаролик жамияти томонидан ЖГАЗ ҳодисасини тушунишни яхшилаш, шу жумладан озодликдан маҳрум этиш жойларида бундай зўравонлик намоён бўлиш шаклларини тушунишdir. Нашрда шунингдек, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг заифлигини оширадиган омилларни ҳам ўрганилади. Нашрнинг умумий мақсади озодликдан маҳрум қилиш жойларида ЖГАЗни камайтириш ва келажакда бутунлай йўқ қилишга ҳисса қўшишdir.

Ушбу нашр олдига тўртта асосий мақсад қўйилган:

1. Озодликдан маҳрум қилиш жойларида ЖГАЗнинг сабаблари, динамикаси ва оқибатларини ёритиш.

5 ЕХХТ Инсонийлик мезонлари бўйича конференциясининг Москва йигилишининг ҳужжати, Москва, 1991 йил 3 октябрь (Москва, 1991); ЕХХТ Истанбул ҳужжати, Истанбул, 1999 йил 19 ноябрь (Истанбул, 1999); ва ЕХХТ Вазирлар Кенгашининг ўн иккинчи йигилишининг якуний ҳужжати, София, 2004 йил 6–7 декабрь (София, 2004).

6 ЕХХТ Вазирлар Кенгашининг 15/05-сонли қарори: Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш (Любляна, 2005); Вазирлар Кенгашининг 7/14-сонли қарори: Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш (Базель, 2014); Вазирлар Кенгашининг 4/18-сонли қарори: Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш (Милан, 2018).

7 Москва, 1991 йил; Истанбул 1999 йил; София 2004 йил ва Вазирлар Кенгашининг ўн учинчи йигилишининг якуний ҳужжати, Любляна, 2005 йил 5–6 декабрь (Любляна, 2005).

8 Вена учрашувининг якуний ҳужжати — Келгуси қадамлар доирасидаги учинчи йигилиш, Вена, 1989 йил 15 январь (Вена, 1989); ЕХХТ Инсонийлик мезонлари бўйича конференциянинг Копенгаген йигилишининг ҳужжати, Копенгаген, 1990 йил 29 июн (Копенгаген, 1990); Янги Европа учун Париж Хартияси / Янги Европа учун Париж Хартиясидаги айрим қоидаларни амалга ошириш учун қўшимча ҳужжат, Париж, 21 ноябр 1990 й. (Париж, 1990); Москва, 1991 йил; ЕХХТ Будапешт якуний ҳужжати, 1994 йил 6 декабр (Будапешт, 1994); Истанбул, 1999; Любляна, 2005; Хельсинки, 2008 йил 4–5 декабр (Хельсинки, 2008 йил), ЕХХТ Вазирлар Кенгашининг ўн олтинчи йигилиши ҳужжати; Вазирлар Кенгашининг ўн еттинчи йигилишининг ҳужжати, Афина, 2009 йил 1–2 декабр (Афина, 2009).

9 Вена, 1989 ва Москва, 1991.

2. Озодликдан маҳрум қилиш жойларида ЖГАЗНИНГ олдини олишда қандай ёндашувларга асосланиши лозимлигини аниқлаш.
3. ЕХХТ минтақасида кўлланилаётган ташаббус ва ёндашувларни тизимлаштириш, шунингдек, ижобий ва салбий амалиётларни акс эттирувчи аниқ ҳолатларни кўриб чиқиш.
4. Иштирокчи-давлатларни ўз амалиётлари ЕХХТ мажбуриятлари ва инсон хуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш учун ислоҳотлар ўтказишига чақириш.

Ушбу нашр биринчи навбатда жиноий адлия тизимида ишлаётган сиёсат ишлаб чиқарувчилар, қонун чиқарувчилар ва амалиётчиларга, шу жумладан адвокатлар, прокурорлар, судялар ва гумон қилинувчиларни, жиноятларда айбланувчиларни, шунингдек маҳбусларни ёки ушлаб турилганларни ҳисбса олиш, тергов қилиш, сўроқ қилиш ва ҳисбда сақлаш иштирок этувчиликни бошқа барча ходимларга мўлжалланган.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗНИНГ олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш учун ЕХХТ аъзо давлатлар комплекс ёндашувга муҳтоҷ. Бу адлия тизими ичида ҳам, ташқарисида ҳам ишлаётган манфаатдор томонларни жалб қилишни назарда тутади. Шу муносабат билан ДИИҲБ ушбу нашр фойдаланувчиларниң кенг доираси, жумладан миллий превентив механизмлари (МПМ), миллий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтлари (МИҲИ), халқаро ва фуқаролик жамияти ташкилотлари, жумладан, инсон ҳуқуқлари ва маҳбуслар ташкилотлари (айниқса, озодликдан маҳрум этиш жойидан яқинда озод қилинган шахслар билан ишлайдиганлар) учун фойдали манба бўлишига умид қиласди.

Ушбу нашрда ҳисбхоналардаги ЖГАЗ муаммосига турлича ёндашувларни кўрсатиш учун ЕХХТга аъзо турли давлатларнинг ташабbusлари мисоллари келтирилган. Мисоллар ДИИҲБ сўровномасига берилган жавоблардаги баҳолашлар асосида танлаб олинган, бу эса муайян мамлакатларда ушбу ташабbusларнинг самарадорлигини кўрсатади. Бироқ, Бюро бу амалий чораларни мустақил равишда баҳоламаган.

Ҳисбда сақлаш сиёсати ва амалиёти мамлакатдан мамлакатга сезиларли даражада фарқ қилганлиги сабабли, миллий амалиётларни тўғридан-тўғри таққослаш керак эмас. Ҳар бир ёндашувни бошқа давлатларга шунчаки кўчириб бўлмайди, аммо ушбу нашрда келтирилган барча мисолларни турли мамлакатлар шароитларига мослаштириш мумкин. Ушбу мисоллардан қонун чиқарувчилар ва жазони ижро этиш муассасалари расмийлари ўз фаолиятлари доирасида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликка қарши курашда гендер омилларини ҳисобга олиш бўйича фояларни ўзлаштиришлари мумкин.

Ушбу нашрда, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг асосий қарорларидан олинган ЕХХТ минтақасидаги ЖГАЗ ҳолатлари мисоллари келтирилган.

1.2. Мазмун қамрови ва фойдаланилган атамалар

БМТнинг Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога қарши Конвенциясига Факультатив Протоколида (ҚҚКФП)¹⁰ озодликдан маҳрум қилиш “ҳар қандай суд, маъмурий ёки бошқа органнинг буйруғи асосида шахс ўз хошишига кўра тарк этишга ҳақли бўлмаган ўша шахснинг ҳар қандай шаклдаги қамоққа олиниши ёки озодликдан маҳрум этилиши ёки шахсни жамоат ёки хусусий қамоққа сақлаш жойига жойлаширилиши” деб таърифланади.¹¹ ЖГАЗ ҳар қандай мажбурий сақлаш жойларида, шу жумладан полиция изоляторлари, турмалар, мигрантлар ва қочқинларни сақлаш марказларида, гиёхванд моддалар ва алкоголизм билан касалланганлар учун реабилитация марказларида, ҳарбий гауптвахталар, психиатрия ва бошқа тиббий муассасаларда содир бўлиши мумкин. Ушбу нашрнинг асосий эътибори жиноий адлия институтларига қаратилган бўлса-да, таклиф қилинган кўплаб хулосалар бошқа озодликни чеклаш жойларида ҳам қўлланилиши мумкин.

Расмий қамоққа олиш ҳолатларига қўшимча равишда, ЖГАЗ шахслар давлат органдари томонидан гумон қилинувчи ёки гувоҳ сифатида ҳам ушланган ҳолларда ҳам содир бўлиши мумкин. Аёлларга нисбатан зўравонлик, унинг сабаблари ва оқибатлари бўйича Махсус маърузачи таъкидлаганидек, “кўп ҳолларда қамоққа олиш факти яширин бўлиши мумкин”. Мисол учун, қонун устуворлиги етарли бўлмаган мамлакатларда фуқаролар полиция бўлимлари ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан ташқари бошқа жойларда ҳам зўравонлик хавфи остида бўлиши мумкин.¹²

Ушбу нашрда умумий атама сифатида қўлланилган “озодликдан маҳрум этиш жойи” тушунчаси муайян юрисдикцияга қараб ўз маъносига кўра фарқ қилиши мумкин. Иштирокчи давлатларда терминология ва жиноий адлия тузилмаларидағи тафовутлар туфайли ушбу нашрда жиноий адлия тизимида шахслар ҳисбста олинган ҳолатларга ишора қилиш учун бир нечта атамалардан фойдаланилади. Шу билан бирга, тўғридан-тўғри манбалардан цитаталар келтиришда асл матнда қўлланилган атамалар сақланиб қолади.

-
- 10 Нашр қилинган сана ҳолатига EXXТнинг 41 аъзо давлати ҚҚКФПни ратификация қилган: Албания, Арманистон, Австрия, Озарбайжон, Босния ва Герцеговина, Болгария, Хорватия, Кипр, Чехия, Дания, Эстония, Финляндия, Франция, Грузия, Германия, Греция, Венгрия, Италия, Қозогистон, Қирғизистон, Лихтенштейн, Литва, Люксембург, Малта, Молдова, Мўгулистан, Черногория, Нидерландия, Шимолий Македония, Норвегия, Польша, Португалия, Руминия, Сербия, Словения, Испания, Швеция, Швейцария, Туркия, Украина ва Буюк Британия. Протоколни имзолаган, аммо ратификация қилмаган давлатлар: Белгия, Исландия ва Ирландия.
- 11 Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога қарши Конвенциянинг Факультатив протоколи (2002 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг эллик еттинчи сессиясида A/РЕС/57/199 резолюцияси билан қабул қилинган; 2006 йил 22 июняда кучга кирди. 4(2)-модда, https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/torture_prot.shtml.
- 12 Аёлларга нисбатан зўравонлик, унинг сабаблари ва оқибатлари бўйича махсус маърузачининг ҳисоботи, 1998 йил 26 январ, E/CN.4/1998/54, п. 126, <https://undocs.org/E/CN.4/1998/54>

Полицияда ушлаб турилиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ушлаб турилишни (одатда жиноятда гумон қилиниш на-тижасида, шунингдек, полиция билан ҳар қандай ўзаро муносабат-лар жараёнида) англатади, ва бунда ЖГАЗ содир бўлиши мумкин. Бу жиноий иш юритилишининг исталган вақтида, гумон қилинувчи шахсларни ташиш вақтида, уларни гувоҳ сифатида суҳбатга тортиш ёки сўроқ қилиш вақтида – расмий қамоққа олиниш ёки олинмас-ликдан қатъи назар – содир бўлиши мумкин.

Дастлабки қамоққа олиш жиноят содир этишда айбланаётган шахс-ни жиноий тергов, суд жараёни доирасида ёки ҳукмни кутиш пайтида қамоққа олиш тўғрисидаги суд қарорини ижро этиш билан боғлиқ.

Ушлаб турилган шахс – жиноят учун судланганликдан ташқари ҳар қандай сабабга кўра озодликдан маҳрум қилинган ҳар қандай шахс.

Озодликдан маҳрум этиш деганда суд ҳукми билан судланган ва му-айян жиноят учун жазога ҳукм қилинган шахсни озодликдан маҳрум қилиш тушунилади.

Маҳбус жиноят содир этганлиги учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинган шахс.¹³

Нашрда озодликдан маҳрум этиш жойларидағи вояга етмаганларнинг алоҳида заифлиги тан олиниши ва таъкидланиши билан бирга, унда балоғатга етмаган ушлаб турилганлар ёки маҳбусларга муносабат бўйича аниқ кўрсатмалар тақдим этилмайди, чунки болалар ва ўсмирларнинг алоҳида эҳтиёжлари алоҳида вояга етмаган болаларга оид адлия тизимида ушбу нашр доирасидан чиққан ҳолда қамралиши мумкин. Бироқ, ушбу нашрда вояга етмаганларни ЖГАЗ хавфи остига кўядиган баъзи омиллар кўриб чиқилади.

13 Одил судловни амалга оширишда инсон ҳуқуқлари: Судялар, прокурорлар ва адвокатлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича қўлланма (Human Rights in the Administration of Justice: A Manual on Human Rights for Judges, Prosecutors and Lawyers) Нью-Йорк ва Женева: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2003-й.), <<https://www.ohchr.org/Documents/Publications/training9chapter8en.pdf>>.

2. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР



2. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

ЖГАЗ кўп жиҳатларга эга бўлган муаммо бўлиб, ушбу ҳодисани тавсифловчи асосий тушунчалар, шунингдек, ушбу муаммони ҳал қилишнинг ёндашувлари ҳам кўп компонентлидир. Муайян давлатнинг жиноий қонунчилигига мувофиқ ЖГАЗга (ҳам озодликдан маҳрум этиш жойида, ҳам жамиятда) турлича ёндашувлар мавжудлиги сабабли амалиётчилар ва ушбу нашрнинг ўқувчилари ўртасида ушбу масала бўйича турли хил тушунчалар бўлиши мумкин.

Турли хил ҳуқуқий режимларга қарамасдан, барча иштирокчи давлатлар ЖГАЗнинг барча ҳолатларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича бир хил ҳалқаро ҳуқуқий мажбуриятларга эга; улар ЕХХТ доирасида ҳам худди шундай мажбуриятларга эга. Ушбу бўлимда ЖГАЗ билан боғлиқ бир қатор муҳим тушунчалар муҳокама қилинади ва инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро ҳуқуқда мавжуд бўлган тегишли тушунчалар баён этилади.

2.1. Гендерга асосланган зўравонлик, тенгсизлик ва камситиш

“Гендерга асосланган зўравонлик” (ГАЗ) атамаси биринчи марта аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг гендер камситиш ҳолатлари билан ўхшашлигини тасвиrlаш учун ишлатилган ва “аёл бўлганлиги сабабли ёки аёлларга номутаносиб тарзда таъсир ўтказувчи аёлга қаратилган зўравонлик” деб таърифланган.¹⁴

Ўшандан бери бу атама гендер камситишлари, гендер роллари ва/ёки гендер стереотиплари ҳақидаги ғоялар ёки тасаввурлар асосида ёки гендер билан боғлиқ кучлар тенгсизлиги асосида кимгadir руҳий, жинсий ёки психологик зарар ёки азоб-уқубатларга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган зўравонликка нисбатан қўлланила бошланди.¹⁵

ГАЗ чуқур илдиз отган тизимли камситишнинг натижаси бўлиб, давлатлар унга қарши курашиши шарт. Бу ҳодиса, шунингдек, эркаклик билан боғлиқ гендер меъёрларига таянади, улар назорат ёки ҳокимиятни намойиш қилиш, белгиланган ролларни бажариш ёки ижтимоий жиҳатдан белгиланган меъёрларга мос келмаслиги сабабли қабул қилиниши мумкин бўлмаган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва жазолашни ўз ичига олади.

14 Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича кўмита, Аёлларга нисбатан зўравонлик тўғрисида 19-умумий тавсияси., 1992, п. 6, <<https://www.refworld.org/docid/52d920c54.html>>.

15 БМТ Аёллар, Аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш учун виртуал билимлар маркази,<<http://www.endvawnow.org/en/articles/347-glossary-of-terms-from-programmetting-essentials-and-monitoring-and-evaluation-sections.html>

Гендерга асосланган зўравонлик нафақат инсон ҳуқуқларининг бузилиши сифатида қаралади: бундай зўравонлик Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (АҚБК) қоидалари томонидан қамраладиган камситишнинг экстремал шакли ҳамdir. Бу бошқа ҳуқуқ ва асосий эркинликлардан, шу жумладан қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолардан озод бўлиш ҳуқуқига, шахсий дахлсизлик ҳуқуқига ва қонунга мувофиқ teng ҳимояяга эга бўлиш ҳуқуқидан фойдаланишга тўққинлик қилади ёки улардан фойдаланишни бутунлай йўққа чиқаради.¹⁶

Гендер меъёрлари – бу одатда гендерни англашга мос келадиган ва маълум бир жамият, маданият ва жамоат доирасида маълум бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган стандартлар ва кутилган тасаввурлар

Манба: (ЮНИСЕФ, ЮНФПА, БМТТД, БМТ Аёллар. “Гендер тенглиги, БМТ тизимидағи ҳаракатлар уйғунылиги ва Сиз”.

Халқаро ҳамжамият, айниқса, халқаро ташкилотлар ГАЗ ва унинг турли шакллари, унинг сабаблари ва шахсларнинг ушбу ҳодисага заифлиги, шунингдек, давлатларнинг ушбу муаммога нисбатан жавобгарлиги таърифини такомиллаштиришда сезиларли ютуқларга эришиди. Бу борада халқаро ҳамжамиятда ГАЗни шахслараро зўравонликнинг бошқа шаклларидан ажralиб турадиган ҳодиса сифатида тушуниш кераклиги тўғрисида тобора кучайиб бораётган консенсус алоҳида аҳамиятга эга, чунки у камситишдан келиб чиқади ва ўзи ҳам камситишнинг намойиши ва давоми ҳисобланади.

ГАЗ гендер омилларига асосланган кучлар тенгсизликлари натижасидир; зўравонлик қурбонлари, эркак ёки аёл, алоҳида шахслар ёки гурухлар бўлишидан қатъи назар, айнан ўз гендер мансублиги туфайли зўравонликка дучор бўлади.¹⁷

2018 йилда ЕХХТ Вазирлар Кенгashi аёллар ва қизлар турли хил, баъзан бир вақтнинг ўзида бир нечта камситишларга дучор бўлишлари мумкинлигини таъкидлади, яъни бундай ҳолатлар уларга нисбатан зўравонлик хавфининг ошишини англатади; шу билан бирга, омилларнинг бу комбинацияси янада кучлироқ камситишга олиб келиши мумкин.

16 Шу ерда, п. 7.

17 Тенгсизликларни тузатиши: ЕХХТ мінтақасида эркаклар ва гендер тенглиги (Вена: ЕХХТ, 2011) <<https://www.osce.org/gender/80978?download=true>>.

**Суд амалиётидан мисол: “Ингрид Абрамова Беларусга қарши”
(АКБКга Факультатив протокол, 2011 й.)**

Инга Абрамова оммавий тадбирда қатнашаётганда майда безориликда айбланиб ҳибсга олинган. У вақтингча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштирилди ва беш суткага маъмурий қамоқقا олинди. Ҳибсга олинганда у турли хил шафқатсиз муомалага дучор бўлганини, шу жумладан, ходимлари фақат эркаклардан иборат муассасада сақланганлигини айтди ҳамда ушбу ходимлар унга нисбатан камситувчи сўзларни айтишган. Шунингдек, у ҳибсда ушлаб туриш вақтида муассаса ходими ноўрин тегинишга йўл қўйиб, шахсий тинтуб ўтказганини, бошқа ходим эса уни қип-яланғоч қилиб қўйиш билан дўйқ қилган.

Ариза берувчининг таъкидлашича, уни ҳибсда сақлаш шароитлари “эркак маҳбусларнидан ҳам ёмонроқ эди, чунки у эркак зобитлар томонидан жинсий тазиيқ ва қадр-қимматни камситувчи муносабатга учраган”¹⁸ Кўмита хулосасига кўра, ариза берувчига нисбатан муомала, шунингдек, маҳбус аёлларнинг алоҳида эҳтиёжларига эътибор қаратмаслик гендерга асосланган зўравонлик ва АКБК бўйича камситиш сифатида баҳоланиши мумкин.

Умуман олганда, жамиятда ГАЗга номутаносиб равища аёллар, шунингдек, қизлар, уларнинг аёллиги туфайли кўп учрайди. Бу нотўғри тушунча ва камситиш, жамиятдаги гендер тенгсизлиги, зарарли гендер стереотиплари ва гендерга асосланган кучлар нисбатидаги тенгсизлик билан боғлиқ. Шу билан бирга, асосан эркаклардан иборат бўлган баъзи жамоаларда — масалан, озодликдан маҳрум қилиш жойларида — ГАЗ эркаклар ва ўғил болаларга нисбатан ҳам уларни камситиш, ҳақорат қилиш ва назорат қилиш воситаси сифатида қўлланилади. Ҳақиқий ёки тахмин қилинган жинсий ўзига хослиги ёки жинсий ориентацияси туфайли эркаклик ҳақидаги жамиятда қабул қилинган тушунчаларга мос келмайдиган эркаклар ҳам озодликдан маҳрум этиш жойларида ва умуман жамиятда ГАЗ қурбонларига айланиши мумкин. Аёллик ва эркаклик ҳақидаги умумеътироф этилган тасаввур ўртасидаги тафовут туфайли, трансгендер ва интерсексуал шахслар ҳам озодликдан маҳрум этиш жойларида хавф остида қолади.

Тенгсизлик ГАЗнинг асосий сабаби ва натижасидир, чунки у қурбонларнинг ўз инсон ҳуқуқлари бузилганлиги учун ҳимоя ёки компенсация олишига тўсқинлик қилиши мумкин. Шу боисдан ҳам, озодликдан маҳрум этиш жойларида гендер тенглигини таъминлаш ва шахсларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ГАЗнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

18 БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича қўмитасининг фикрлари, 23/2009-сонли хабар, 2011-йил 27-сентябр, п. 3.3.

ЕХХТнинг Гендер тенглигини таъминлаш бўйича 2004 йилги ҳаракатлар режаси:

- ЕХХТ минтақасида гендер тенглигига эришиш йўлида гендер омилларининг ҳисобга олинишининг самарадорлигини таъминлаш инсон капиталидан тўлиқ фойдаланиш учун муҳим аҳамиятга эга. Гендер тенглиги кенг қамровли хавфсизликни таъминлаш мақсадига, яъни ЕХХТнинг барча уч мезони саъй-ҳаракатлари қаратилган мақсадга эришишга ёрдам беради.

ГАЗнинг энг асосий хусусиятлари:

- * ушбу ҳодисанинг манбаи гендерга асосланган ижтимоий тасаввурлардир (гендер стереотиплар);
- * ГАЗ кўпинча жамиятда гендер роллари ҳақидаги қабул қилинган ва кенг тарқалган тушунчага номувофиқ деб ҳисобланган шахсларга нисбатан қўлланилади;
- * бундай зўравонлик гендер фарқлари билан боғлиқ бўлган тенг бўлмаган куч муносабатларининг натижасидир ва эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқларга, эркаклар ўртасидаги фарқларга ва аёллар ўртасидаги фарқларга асосланади;
- * ГАЗнинг ҳаракатлантирувчи кучи бу назорат ёки кучни намойиш қилиш истагидан иборатdir.

ГАЗга қарши курашда энг муҳим ютуқлардан бири биринчи марта БМТнинг 1993 йилдаги Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларациясининг 4(с)-моддасида баён этилган “муносиб эътибор қаратиш” стандартини қўллаш бўлди. Ушбу стандарт давлатларнинг ГАЗ муаммоси бўйича тарихий шаклланган ҳаракатсизлигига қарши курашишга қаратилган ва давлатларнинг “миллий қонунчиликка мувофиқ аёлларга нисбатан зўравонлик ҳаракатларининг олдини олиш, тергов қилиш ва жазолашга тегишли эътибор бериш” мажбуриятини назарда тутади.¹⁹ Бу борадаги давлатларга қўйиладиган талаблар халқаро ҳуқуқ ва суд амалиёти билан белгиланади. ГАЗнинг барча ҳолатларининг олдини олиш, уларни тергов қилиш ва бундай қилмишлар учун жазолаш билан бир қаторда, давлатлар бундай зўравонлик хатти-ҳаракатлари давлат субъектлари (масалан, полиция ёки озодликдан маҳрум этиш жойи хизматлари), хусусий шахслар ёки ушлаб турилганлар/маҳбуслар томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, тегишли чоралар кўрилишини таъминлаши керак.²⁰

19 Қаранг: БМТнинг Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси, 1993 йил 20 декабр, п. 4(c), <<https://www.un.org/documents/ga/res/48/a48r104.htm>>.

20 Шу ерда.

ГАЗга қарши тадбирларнинг асосий тамойиллари:

- * давлатлар ГАЗга қарши курашда ҳуқуқларга асосланган ва гендерга сезгир ёндашувни қўллашлари ва гендер тенгсизлиги ГАЗнинг ҳам сабаби, ҳам оқибати бўлишини тан олишлари керак;
- * давлатлар ГАЗнинг олдини олиш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш, ГАЗ ҳолатларини текшириш ва зўравонларни жавобгарликка тортиш чораларини кўришлари керак;
- * давлатлар айбдорларни жавобгарликка тортиш ва ГАЗга нисбатан мутлақо муросасизлик сиёсатини қабул қилиш орқали жазосиз қолдириш ҳолатларини тугатишлари керак;
- * Адлия тизими томонидан жавоб чоралари ишлаб чиқилаётгандага ГАЗдан зарар кўрган шахслар тажрибалари ҳисобга олиниши керак;
- * ГАЗга қарши кураш чора-тадбирлари кенг қамровли ва мувофиқлаштирилган бўлиши ҳамда зўравонликнинг ушбу шаклини йўқ қилишга қаратилган идоралараро ҳамкорликни ўз ичига олиши керак;
- * қурбонлар/жабрланларнинг инсон ҳуқуқлари, эҳтиёжлари ва хавфсизлиги устувор бўлиши керак (бу тамойил одатда “қурбонлар манфаатларига йўналтирилган ёндашув” деб аталади).

2.2. Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик (ЖГАЗ)

► 1991 йилги Москва ҳужжати: “Иштирокчи давлатлар озодликдан маҳрум қилинган барча шахсларга инсонпарварлик ва инсоннинг ажralmas қадр-қимматини ҳурмат қилиш муносабатида бўладилар ва одил судловни амалга ошириш ва ушлаб турилганларнинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро миқёсда тан олинган стандартларни қўллаб-қувватлайдилар”.

Асосий тавсия

- ✓ Миллий қонунчилик жинсий ва гендерга асосланган зўравонликни аниқ белгилаши ва бундай зўравонлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутиши керак.

Жинсий зўравонлик ГАЗнинг маҳсус шакли бўлиб, жинсий характердаги ҳар қандай ҳаракатни, шунингдек, бундай ҳаракатларни содир этишга уринишларни; ноўрин жинсий табиатта эга сўзлар ёки шилқимликни; жабрланувчининг у билан муносабатларидан қатъи назар ва ҳар қандай шароитда одам савдоси ёки шахсга нисбатан ҳар қандай шахс томонидан мажбурлашдан фойдаланган ҳолда бошқа ҳаракатларни ўз ичига олади.²¹ Жинсий зўравонлик ўз моҳиятига кўра гендерга асосланган жиноятдир, чунки у асосан гендер тенгсизлиги ва гендер стереотиплари, масалан, жинсий соҳада аёллар бўйсунувчи ролга эга бўлиши кераклиги ҳамда жинсий агрессия ва ҳукмронлик эса эркакликнинг асосий компонентлари бўлиши ҳақидаги тушунчалар туфайли юзага келади.

Шундай қилиб, жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик (ЖГАЗ) атамаси жуда муҳим, чунки у бундай зўравонликнинг икки томонлама хусусиятини акс эттиради – бу жинсий хусусиятта эга ва айни пайтда гендер ва жинсий ориентация ёки ўзига хосликка асосланган камситиш шаклидир.

Кўпгина озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий зўравонликни аниқлаш ва бартараф этиш механизмлари мавжуд бўлса-да, бундай зўравонликнинг гендер ўлчови ҳар доим ҳам тан олинмайди ва ҳисобга олинмайди. Шу сабабли, “жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик” атамаси ушбу зўравонлик шаклиниң ҳам жинсий, ҳам гендер таркибий қисмларига эътиборни қаратгани учун ҳам фойдалидир.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ҳаракатлар кўп ҳолларда ман этилади ҳамда бу мавзу тақиқланган ҳисобланади. Аксарият муассасаларда субъектларнинг рози бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар барча жисмоний алоқа ва жинсий хатти-ҳаракатларга аниқ тақиқлар қўйилган; бундай тақиқлар мастурбацияга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Шундай қилиб, ушлаб турилганлар ёки маҳбуслар ўзаро розиликдаги жинсий ҳаракатда иштирок этганликлари учун интизомий жазога тортилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ деб ҳисобланиши керак бўлган аниқ таърифнинг йўқлиги, шунингдек, ушбу муаммога жавобан ҳаракатлар бўйича аниқ қоидаларнинг йўқлиги ва ходимларнинг ЖГАЗни аниқлаш бўйича етарли даражада тайёр эмаслиги жинсий хоҳиш ифодаси ва зўравонлик ҳаракатлари ўртасидаги чегара ноаниқ деб топилиши мумкин бўлган вазиятларга олиб келиши мумкин. Одамлар озодликдан маҳрум этилганда, ҳақиқий розилик бўлганлигини аниқлаш қийин. Шу сабабли, озодликдан маҳрум этиш жойларидаги кўплаб жинсий характердаги ҳаракатлар жинсий зўравонлик ҳаракатлардир деган тахмин тўғри бўлиши мумкин.

21 “Ўтиш даври одил судлови контекстида жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик”, БМТ Инсон хукуқлари бўйича Олий комиссари идораси, 2014-йил октябр, https://www.ohchr.org/Documents/Issues/Women/WRGS/OnePagers/Sexual_and_gender-based_violence.pdf.

Жиной адлия тизимининг кўплаб муассасаларида, турмалар ва бошқа озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳбус учун инсонпарварлик шароитларини яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларга қарамай, ўз табиатига кўра, бир гурух шахслар (муассаса ходимлари) бошқа гурух шахсларни (ушланганлар ва маҳбуслар) назорат қилиш ва уларнинг ҳаракатларини чеклаш ҳуқуқига эга бўлган босим ҳолатини назарда тутади. Маҳбусларнинг мустақиллик даражаси ходимларга ва бир-бирига бўлган қарамликнинг юқори даражасига нисбатан анча паст.²²

Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик қўидаги зўравонлик ва шафқатсиз муомала турларини ўз ичига олиши мумкин: зўрлаш ва зўрлашга уриниш, жинсий зўравонлик билан таҳдид қилиш, жинсий зўравонлик, эксплуатация, камситиш, ҳужум, шилқимлик, жинсий бартер²³, қийноқлар, розиликсиз ёки зарар етказиш ниятида жинсий аъзо тешикларига буюмларни киритиш. Шунингдек, бунда мажбурий уруғлантириш, мажбурий стерилизация, ҳомиладорликни мажбурий тўхтатиш, жинсий эксплуатация мақсадида одам савдоси, жинсий қуллик, мажбурий суннат, кастрация, мажбурий яланғочлантириш ҳам тушунилиши мумкин.

Ушбу нашрда ЖГАЗ алоҳида масала сифатида батафсил тавсифланади, аммо амалда озодликдан маҳрум этиш жойларидаги зўравонликнинг турли шакллари ўзаро боғлиқ бўлиб, улар жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик билан биргаликда юзага келиши мумкин. Масалан, ушлаб турилганлар ёки маҳбуслар ўртасидаги гендерга асосланмаган жисмоний зўравонлик ЖГАЗ билан бирга содир этилиши мумкин. Бу ҳолатда зўравонлик ҳаракатлари бир-биридан сунъий тарзда ажратилса-да, ЖГАЗ алоҳида кўриб чиқилиши керак, чунки бу турдаги зўравонлик биринчи навбатда гендер омилларни ҳисобга олиши керак бўлган аниқ қарши чораларни талаб қиласди.

2.2.1. Озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик шакллари

Шафқатсиз муомала ва зўравонлик қаторига инсон ҳуқуqlари бузилишларининг энг жиддийлари (зўрлаш ва жинсий таҳқирлаш) каби турма ва озодликдан маҳрум этиш жойларига хос кучлар номутаносиблиги шароитида содир бўлиши мумкин бўлган бошқа жинсий эксплуатация ва гендерга асосланган камситиш ҳаракатлари ҳам киради.

22 Қамоқдаги жинсий зўравонлик (Женева: Ҳалқаро Қизил ҳоч кўмитаси, 2017-й.), <https://www.icrc.org/en/publication/4293-sexual-violence-detention>.

23 Жинсий бартер – кучларнинг номутаносиблиги ёки кучлар балансидаги фарқларга асосланган маҳбуслар орасидаги ёки маҳбуслар ва ахлоқ тузатиши муассасалари ходимлари орасидаги жинсий хизматларни товарлар ва/ёки хизматларга алмашишдан иборат айирбошлиш муносабатлари. Pardue, A., Arrigo, B. A., & Murphy, D. S. (2011), *Sex and Sexuality in Women's Prisons: A Preliminary Typological Investigation* [Аёллар қамоқхоналарида жинсий алоқа ва жинсий алоқа: дастлабки типологик текширув], The Prison Journal, 91(3), 279–304. <https://doi.org/10.1177/0032885511409869>.

Муайян ҳатти-ҳаракатларнинг ЖГАЗ сифатида белгиланиши ушбу ҳодиса миллий қонунчиликда қай тарзда кўриб чиқилишига боғлиқ. Мисол учун, баъзи мамлакатларда зўрлаш ҳолатлари гендерга боғланмасдан белгиланади ҳамда зўравонлик жинсий зўравонлик сифатида аниқланиши учун мажбурий тарзда жинсий аъзолар орқали алоқа қилинганилиги шарт эмас. Яна бир қатор мамлакатларнинг жиноий қонунчилигига зўрлаш деб фақат эркак томонидан аёлга нисбатан амалга оширилган жинсий алоқа тан олинади.

Зўравонлик қилмиши зўравон ва жабрланувчи (ходим ёки ушлаб турилган/маҳбус) ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятига ҳамда зўравон ва жабрланувчининг жинсига қараб турлича квалификация қилиниши мумкин. Қуйида ЖГАЗ билан боғлиқ баъзи атамаларнинг таърифлари келтирилган.

Шуни таъкидлаш керакки, қуйида санаб ўтилган зўравонлик шакллари бир-бирини истисно қилмайди, яъни ЖГАЗ ҳаракати бундай зўравонликнинг турли шаклларини ўз ичига олган ҳолда тавсифланиши мумкин.

Жинсий зўравонлик

Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси таъкидлайди: “Жинсий зўравонлик деганда муайян шахс томонидан бошқа шахсга нисбатан мажбурий тарзда содир этилган жинсий характердаги ҳаракатлар тушунилади. Мажбурлаш зўравонлик билан қўрқитиши, босим, жисмоний куч, жисмоний куч ишлатиш таҳдида, психологик босим ёки ҳокимиятни суиистеъмол қилиш каби ҳолатлар туфайли юзага келиши мумкин. Жинсий зўравонлик босимли умумий ҳолатдан фойдаланиш ёки шахснинг бундай ҳатти-ҳаракатларга самимий розилик бера олмаслиги натижасида содир этилган жинсий характердаги ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади”.²⁴

Зўрлаш ёки зўрлаш таҳдида

Зўрлаш – бу жабрланувчи ёки бажарувчи танасининг бирон-бир қисмига “жинсий олат ёки бирон-бир нарса ёки тананинг бирон-бир қисмининг, ҳатто энг сезиларсиз даражада бўлса ҳам, жабрланувчининг орқа чиқариш тешигига ёки жинсий аъзо тешигига киритилишига олиб келган ҳаракатни содир этиш орқали шахснинг танасига тажовузкор ҳаракат”.²⁵ Зўрлаш куч ишлатиш, куч ишлатиш билан таҳдид қилиш ёки мажбурлашни ўз ичига олади. Шуни таъкидлаш керакки, мажбуран ушлаб туриш ёки ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ҳолати мажбурлаш мезонига мос бўлиши учун етарли бўлиши мумкин.

Жинсий зўравонлик мақсадидаги ҳужум

Жинсий зўравонлик мақсадида ҳужум – бу шахсга нисбатан унинг розилигисиз содир этилган жисмоний ёки жинсий зўравонлик ҳаракати, бу унинг тана дахлсизлиги

24 Қамоқдаги жинсий зўравонлик, 22-изоҳ.

25 Бу зўрлашнинг халқаро ҳуқуқ доирасида тан олинган кенг қамровли таърифидир. Рим статутига тушунтириш хати, зўрлаш жинояти элементлари, 7(1)(г)-1-модда

ва жинсий мустақиллигига ҳужумдир. Бундай ҳужумларнинг бажарувчилари ва қурбонлари ҳам эркаклар, ҳам аёллар бўлиши мумкин.²⁶

Жиноий характерга эга жинсий алоқа

“Жиноий характерга эга жинсий алоқа” атамаси зўрлаш ёки жинсий зўравонлик мақсадида ҳужум ташкил этмайдиган, лекин турмалар ва озодликдан маҳрум этиш жойларида “манраб вазифаларини бузиш деб ҳисобланадиган” жинсий алоқа ёки жинсий хусусиятга эга бўлган тегинишга ишора қилиш учун ишлатилади (бу ҳолатда, ходимлар томонидан бажариладиган ҳаракатлар назарда тутилмоқда).²⁷ Бундай хатти-ҳаракатлар, хусусан, жабрланувчининг сезгир тана қисмларига, шу жумладан жинсий аъзоларига, анусига, думбаларига, човига, кўкрагига ёки сонларига номақбул тегинишни ўз ичига олади.

Жинсий табиатга эга қийноқлар

Маълумот олиш ёки айбни тан олдириш мақсадида, шунингдек жазолаш, кўрқитиши ёки мажбурлаш мақсадида ёки ҳар қандай турдаги камситиш билан боғлиқ ҳар қандай сабабга кўра қасддан қаттиқ оғриқ ёки руҳий ёки жисмоний азоб беришдан иборат бўлган жинсий зўравонлик, халқаро гуманитар ҳуқуқ ва халқаро инсон ҳуқуқига мувофиқ қийноқлар таърифига киради. Шахсни шахси ёки бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, қасддан шарманда қилиш ёки камситиш мақсадида қийноқлар ёки шафқатсиз муомалаларга жинсий тус берилиши мумкин. Жинсий зўравонлик қасд элементи бўлмаган ҳолатда ҳам шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо сифатида кўрилиши мумкин. Жинсий зўравонлик қийноқ, шафқатсиз муомала ёки жазо сифатида қўлланиладиган зўрлаш, шунингдек, худди шу мақсадда қўлланиладиган жинсий тажовуз ва камситишнинг бошқа шаклларини ўз ичига олиши мумкин.²⁸ Жинсий қийноқларга бошқалар қаторида зўрлаш ва зўрлаш билан таҳдид қилиш, анусга бегона буюмларни киритиш, мажбуран яланғочлантириш, жинсий аъзолар, думба ёки кўкракка электр токини ишлатиш, жинсий тусга эга ҳақоратлар ва камситишлар киради.

Жинсий камситиш ва ҳуқуққа хилоф жинсий ҳатти-ҳаракатлар

Жинсий таҳқирлаш ва ҳуқуққа хилоф жинсий ҳаракатларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари томонидан таҳқирлаш, шилқимлик ва эксплуатация қилиш, шунингдек, ҳуқуққа хилоф жинсий ҳулкавтор киради. Бундай ҳаракатларга мажбурий яланғочлантириш, тинтуб пайтида ходимларнинг номақбул ҳатти-ҳаракатлари ва тана бўшликларига нисбатан ҳаддан ташқари қўпол тинтувлар киради.

26 “Жинсий тажовуз ва бошқа элементларнинг таърифи”, “БМТ Аёллар” аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликни тугатиш бўйича виртуал билимлар маркази, <<http://www.endvawn.org/en/articles/453-definition-of-sexual-assault-and-other-elements.html>>.

27 Niyi Awofeso ва Raymond Naoum, “Қамоқхоналардаги жинсий алоқа ҳолатлари бўйича чора кўриш қўлланмаси”, Australian Health Review, 25-том, 4-сон, 2002-й, 155-бет.

28 Қамоқдаги жинсий зўравонлик, оп.сит., 22-изоҳ.

Баъзи давлатларда “озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган аёллардан бошқалар олдида ечиниш ёки чўккалаб ўтиришни талаб қилиш, шунингдек, тананинг сезир қисмларини текшириш, шу жумладан вагинал ва анал йўлларини текширишни ўз ичига олади”.²⁹ Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларининг олдини олиш бўйича қўйи қўмита маълумотларига кўра, бундай тинтувлар “жинсий зўравонлик сифатида баҳоланиши мумкин ва шунинг учун тақиқланиши керак”.³⁰

Жинсий таҳқирлашнинг бошқа шаклларига маҳбусларни душ қабул қилиш ёки ҳожатхонадан фойдаланиш вақтида номақбул ва жинсий тусга эга кузатиш (вуайеризм), беҳаё ҳақоратлар, беҳаё сўзлар ёки имо-ишоралар (масалан, ходимлар ёки бошқа ушлаб турилганлар/маҳбуслар томонидан ҳуштак чалиш ёки жилмайишлар) киради.

Жинсий ориентация ёки гендер мансублигига асосланган камситиш ва тазийклар

Жинсий ориентация ёки гендер мансублигига асосланган камситиш ва тазийклар ноанъанавий жинсий ориентация ва/ёки гендерга мансублигини ифодаловчи шахсларга нисбатан номақбул хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади. Ходимлар бундай таъқибларда шерик бўлишлари мумкин, масалан, маҳбуснинг розилигисиз ҳаддан ташқари қўпол шахсий тинтув ёки текширувлар ўтказиш. Улар ушлаб турилган/маҳбуслар томонидан бундай зўравонлик содир этилишига ҳеч қандай чора кўрмасалар ҳам зўравонликка шерик бўлган деб ҳисобланади.

2.3. Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг бошқа шакллари

Зўравонликнинг фақат аёлларга ёки фақат эркакларга қаратилган бошқа шакллари ҳам мавжуд. Жумладан, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган аёлларни ҳомиладорликни сақлаб қолиш ёки ҳомиланинг туширилишига мажбурлаш, шунингдек, “бокираликни текшириш” кабилар шулар жумласидандир.

Озодликдан маҳрум этилган аёлларнинг бокиралигини текшириш суд-тиббиёт мақсадларда эмас, балки кўпроқ ҳолларда аёлларни камситиш ва қўрқитиш усули сифатида қўлланилиши мумкин. Ушбу тартибни қўллаб-қувватловчи далил шундан иборатки, у озодликдан маҳрум этиш жойида содир этилган зўрлашни аниқлаш учун қўлланилади ва аёллар жазони ижро этиш муассасасига кириш ва чиқишида текширилишини назарда тутади; шунингдек, бундай текширувлар фоҳишалик бўйича полиция терговларининг таркибий қисми бўлиши мумкинлиги ҳам таъкидланади.

29 Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларининг олдини олиш бўйича қўйи қўмита, “Озодликдан маҳрум этилган аёлларга нисбатан қийноқлар ва шафқатсиз муносабатнинг олдини олиш”, 2016 йил 18 январ, CAT/OP/27/1, 27-п.

30 Шу ерда.

Қамоқдаги аёллар³¹ ва эркаклар³² стерилизацияси ҳам, агар мажбурлаш орқали ёки розиликсиз амалга оширилса, ЖГАЗ сифатида қабул қилиниши мумкин.³³

ЖГАЗнинг яна бир ўзига хос тури баъзи озодликдан маҳрум этиш жойларида гиёхванд моддаларни ноқонуний истеъмол қилиш билан боғлиқ. Бирлашган Қироллик жазони ижро этиш тизимидағи бошқа аёллар томонидан зўрланган маҳбус аёллар ҳолатларини ўрганиш шуни кўрсатдики, бундай хатти-ҳаракатларнинг аксарияти гиёхванд моддалар билан боғлиқ. Хусусан, зўрловчи яширин контрабанда йўли билан киритилган (“тиқинлар” ёки “пробкалар” деб атала-диган) наркотикларни бошқа маҳбуснинг тана бўшлиқларидан мажбуран чиқариб олишга ҳаракат қилиши мумкин. Кўпинча бундай зўравонлик эпизодлари ташриф буюувчилар билан учрашувлардан кейин содир бўлган.³⁴ Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, “гетеросексуал зўрлаш – маҳбуслар орасида жуда кам учрайдиган ҳодиса, чунки кўпчилик озодликдан маҳрум этиш жойларида фақат бир жинсга мансуб маҳбуслар сақланади” деган фикр асосида “бу хатти-ҳаракатлар аёллар сақланадиган озодликдан маҳрум этиш жойларидағи зўрлаш ва таъқиб қилиш ўртасидаги фарқни йўққа чиқариб қўяди”.³⁵

2.3.1. Иш жойидаги жинсий шилқимлик

Иш жойидаги жинсий шилқимлик жисмоний, оғзаки ва тана ҳаракатларини ўз ичига олиши мумкин. Озодликдан маҳрум этиш жойларида ходимларга нисбатан жинсий зўравонлик ҳолатларига нисбатан муросасизлик сиёсати юритилиши муҳим, чунки жавобгарликка тортилмаслик ЖГАЗнинг асосий сабаблари бўлган гендер камситиш ва тенгсизликни келтириб чиқаради. Ходимлар учун хавфсиз меҳнат муҳитини таъминлаш, шунингдек, таъқиб қилиш ва айборларга нисбатан интизомий чоралар кўришнинг самарали механизмларини таъминлаш озодликдан маҳрум этиш жойлари ходимларининг бурчидир.

31 Аёл маҳбусларнинг розилигисиз стерилизация қилиниши бир қатор мамлакатларда, жумладан АҚШда ҳам ҳужжатлаштирилган. Эътибор беринг, Калифорния ахлоқ тузатиш ва реабилитация департаменти томонидан аёл маҳбусларни стерилизация қилиш амалиёти бўйича тадқиқот нашр этилгандан сўнг, 2014 йилда бу амалиётни тақиқловчи штат конуни қабул қилинган.

32 Германияга мамлакат ташрифлари контекстида (2010 й., 2013 й.) Қийноқлар ва ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазонинг олдини олиш бўйича Евropa қўмитаси исбот-ланган жинсий ҳуқуқбузарларни жарроҳлик йўли билан кастрация қилиш амалиёти қадр-қимматни камситувчи муомала деб ҳисобланиши мумкинлигидан ҳавотир билдири.

33 Евropa Кенгаши аъзо давлатларда мажбурий кастрация ёки стерилизация амалиёти жуда кам учрайдиганлигини таъкидлайди, бироқ маҳбусларнинг жарроҳлик кастрациясига келсак, бунга розилик берилган-берилмаганлигини маҳбус бу тартиби “узоқ муддатга қамоққа олишнинг ягона муқобили” деб ҳисоблаши мумкинлиги туфайли аниқлаш қийин бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Қаранг: “Мажбурий стерилизация ва кастрацияларга чек қўйиш”, Ижтимоий масалалар, саломатлик ва барқарор ривожланиш қўмитаси, Евropa Кенгаши Парламент Ассамблеяси, 2013 йил 26 июнь.

34 Awofeso ва Naoum, op.cit., 27-изоҳ, 156-бет.

35 Шу ерда.

2.4. Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик ва қийноқлар ҳамда бошқа ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турлари

Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларини мутлақ ман этиш халқаро ҳуқуқнинг қатъий (*jus cogens*) нормаси ва асосий тамойилидир.³⁶ БМТнинг Қийноқларга қарши Конвенцияси (ҚҚК) қийноқларга қуйидагича таъриф беради:

Қийноқ “шундай исталган ҳаракатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда у гумон қилинадиган ҳаракат учун жазолаш, шунингдек уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш ёки зўрлаш мақсадида, ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатдаги бошқа шахс, ёки уларнинг гижгижлаши билан, ёки уларнинг хабардорлигига ёки индамай розилиги билан ҳар қандай тусдаги камситиш асосланган исталган сабаб бўйича атайлаб кучли оғриқ ва азоб берилади”.³⁷

ЕХХТнинг барча 57 иштирокчи-давлатлари БМТнинг Қийноқларга қарши конвенциясини ратификация қилди ва қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларини мутлақо тақиқлаш мажбуриятини олди.³⁸

Давлатлар қийноқлар, шунингдек, ҚҚКдаги қийноқ таърифига кирмайдиган бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо, шу жумладан, бундай ҳаракатлар давлат мансабдор шахси ёки расмий мақомга эга бошқа шахс томонидан ёхуд унинг далолатчилигига ёки хабардорлигига ёхуд индамай берган розилиги билан содир этилган ҳаракатларининг ҳам олдини олишга мажбурдир.³⁹

Қийноқларни бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларидан фарқлаш учун кўп ҳолларда ҳар бир ҳолатни синчковлик билан таҳлил қилиш талаб қилинганлиги сабабли,⁴⁰ шуни таъкидлаш керакки, ушбу

36 Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 7-моддаси; Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларига қарши конвенция; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 3-моддаси.

37 ҚҚК, 1-модда.

38 Тегишли ЕХХТ мажбуриятлари Вена 1989, Копенгаген 1990, Москва 1991, Истанбул 1999, Любляна 2005, Хелсинки 2008, Афина 2009 ҳужжатларида мавжуд

39 ҚҚК, 16-модда

40 The Definition of Torture, Proceedings of an Expert Seminar [Определение термина «пытка»: материалы семинара экспертов], Geneva, APT, November 2001, https://www.apt.ch/content/files_res/Definition%20of%20Torture_Seminar_EN.pdf.

нашрда “қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муюмала турлари” атамаси қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муюмала турларига нисбатан қўлланилади. Ушбу таъриф, давлатлар, давлат мансабдор шахслари ёки расмий мақомдаги бошқа шахслар ёки нодавлат субъектлар томонидан содир этилган ҳаракатларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин, агар давлат томонидан ўз юрисдикцияси остидаги ҳар қандай худудда қийноқлардан фойдаланишнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар, жумладан, қонунчилик, маъмурий, суд ёки бошқа табиатга эга чоралар кўрилмаган бўлса.

БМТнинг Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муюмала ёки жазолар турлари бўйича Махсус маърузачилари озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик, маълум шароитларда, қийноқقا tenglashтирилиши мумкинлигини таъкидлайди. 1986 йилда БМТнинг Қийноқлар бўйича маҳсус маърузачиси Петер Койманс озодликдан маҳрум этиш жойларидағи зўрлашни қийнок деб ҳисоблаш керак деган хуносага келди. Мазкур воқеа илгари беписандлик билан қараб келинган масала доирасидаги нормаларнинг муҳокамасини ва кодификациясини бошлаб берди.⁴¹ Махсус маърузачининг хуносасига кўра, зўрлаш маҳбусларга нисбатан қўлланиладиган қийноқлардан иборат кўп сонли методларнинг биридир.⁴²

2008 йил январ ойида БМТнинг маҳсус маърузачиси Манфред Новак ўз ҳисоботида қамоқдаги аёлларга нисбатан зўравонлик кўпинча зўрлаш ва жинсий зўравонликнинг бошқа шаклларини ўз ичига олишини таъкидлади — масалан, зўрлаш таҳди迪, пайпаслаш, “бокираликни текшириш”, яланғоч қилиб ечинтириш, инвазив шахсий тинтувлар, жинсий табиатга эга ҳақоратлар, таҳқирлаш ва бошқалар. Агар зўрлаш давлат мансабдор шахслари томонидан ёки уларнинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан содир этилса, у қийноқ деб топилиши кенг эътироф этилган (жумладан, Қийноқлар масаласи бўйича собиқ маҳсус маърузачилари, шунингдек, минтақавий хуқуқшунослар томонидан) фактдир.⁴³

41 Felice D. Gaer, “Зўрлаш қийноқ шакли сифатида: Қийноқларга қарши қўмита тажрибасидан”, 15 CUNY Law Review, 15-том, 2-сон, 2012-й., 293–308 бетлар, <<http://academicworks.cuny.edu/clr/vol15/iss2/14>>.

42 Қаранг: Қийноқлар бўйича маҳсус маърузачи, Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муюмала ёки жазолар бўйича ҳисобот, Петер Койманс, Инсон хуқуқлари бўйича қўмита, U.N. Doc. E/CN.4/ 1986/15, 119 (1986)

43 Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муюмала ёки жазолар бўйича маҳсус маърузачи Манфред Новакнинг ҳисоботи, A/HRC/7/3, 2008-йил 15-январ, 34-п, <<https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/G08/101/61/PDF/G0810161.pdf?OpenElement>>.

Асосий тавсия

- ✓ Суд органлари жабрланувчилар, гувоҳлар ва судланувчи-ларнинг далилларини тинглашда барча тегишли ишларда жабрланувчиларнинг қийноқларга дучор бўлиш эҳтимолини ҳисобга олишлари керак. Бундан ташқари, улар ЖГАЗнинг оғир ҳолатларида, жумладан зўрлашда қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалаларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқишилари керак. Бундай вазиятларда қарорлар ҳар бир алоҳида ишнинг ҳолатларидан келиб чиқсан ҳолда ва жабрланувчининг хоҳишига кўра қабул қилиниши керак.

Собиқ Югославия бўйича Халқаро трибуналнинг Челебичи концлагери иши бўйича ва Фурунджия иши бўйича қарорлари халқаро жиноий ҳуқуқ соҳасида зўрлашнинг халқаро миқёсда қийноқ тури сифатида тан олинишига хизмат қилди. Бундан ташқари, халқаро трибуналлар ўз юриспруденцияларида зўрлаш сифатида жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган зўравонлик билан боғлиқ жинсий жиноятлар таърифини кенгайтириб, эндиликда бу таъриф ўз ичига оғиз орқали жинсий алоқани, шунингдек, қин ёки анал тешигига турли буюмлар ёки зўравон танасининг бирон-бир қисмининг киритилиши орқали бўлган алоқани ҳам ўз ичига олади.⁴⁴ Бундан ташқари, “давлат мансабдор шахслари томонидан зўрлаш қўлланилганда, етказилган азоб-уқубатлар оддий қийноқлар етказадиган азоб-уқубатлардан оғирроқ бўлиши мумкин, чунки бундай ҳолларда жабрланувчини қасдан изоляция қилиш мумкин. Баъзи мамлакатлар анъаналарига кўра, зўрлаш қурбонлари жамиятдан ёки оиласдан четлаштирилади ёки қувғин қилинади. Бундай четлаштириш жабрланувчининг психологик қайта тикланишига жиддий тўсқинлик қиласи ва кўп ҳолларда унинг оғир аҳволга тушишига

олиб келади ва ўта қашшоқликка маҳбус қиласи”.⁴⁵

2016 йил январ ойидаги ҳисботида қийноқлар бўйича маҳсус маърузачи Хуан Э. Мендес озодликдан маҳрум этиш жойларидаги жинсий таҳқирлаш, зўравонлик ва қийноқлар ўртасидаги боғлиқлик борлигини таъкидлади.⁴⁶ Унинг таъкидлашича, “аёллар дастлабки қамоққа олиш вақтида қийноқлар ва шафқатсиз муомалага дуч келиши хавфи остидадир, чунки жинсий таҳқирлаш ва зўравонлик мажбурлаш ва айбни тан олиш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин”.⁴⁷ Одатда, гендер омилларига боғлиқ ҳолда ташкил этилмаган ёки бошқарилмайдиган тергов ҳибсхоналарида аёллар учун ихтисослаштирилган соғлиқни сақлаш, таълим ёки ўқитиш

44 Шу ерда, 35-п.

45 Шу ерда, 36-п.

46 Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолар бўйича Маҳсус маърузачининг ҳисботи, A/HRC/31/57, 5-январ 2016-йил, <<https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/G16/000/97/PDF/G1600097.pdf?OpenElement>>.

47 Шу ерда.

дастурларидан фойдалана олмайди. Эркак маҳбуслар ёки ушлаб турилганлар билан бир муассасаларда сақланган ёки эркак қўриқчилар назорати остида бўлган ҳолларда, улар жинсий тусга эга ҳужумлар ва жинсий зўравонлик хавфига дуч келишади.⁴⁸ Қийноқларга қарши қўмитанинг фикрича, “қамоққа олишнинг судгача бўлган даврини асоссиз равища чўзиш, жабрланувчи қамоққа олинмаган бўлса ҳам, шафқатсиз муомаланинг бир тури хисобланади”.⁴⁹ Қийноқларга қарши қўмита қўйидагиларни таъкидлади: “Кўп ҳолларда узоқ муддатта қамоққа олиш баъзан зўрлаш, шаън ҳимояси мақсадидаги зўравонлик ва бошқа суистеъмолликлар қурбонлари бўлган аёлларни “ҳимоя қилиш” баҳонасида ёки уларнинг судда зўравонга қарши гувоҳлик беришларини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Бундай амалиётлар аёлларнинг қурбонга айланиш жараёнини янада кучайтиради, уларнинг зўрлаш ва жинсий зўравонлик ҳақида хабар бермасликларига олиб келади ва ўз-ўзидан қийноқ ва шафқатсиз муомалага тенглаштирилишлари мумкин”.⁵⁰

Асосий тавсиялар

ЖГАЗнинг олдини олиш учун мавжуд сўроқ усуллари ва амалиётларини қайта кўриб чиқиши керак. Қўйидаги талабларни акс эттирувчи аниқ сўроқ тартиб-қоидлари мавжуд бўлиши керак:

- ✓ қамоққа олинган ҳар қандай шахсга адвокат хизматларидан, шу жумладан, сўроқ пайтида тезда ва маҳфий равища фойдаланиш, шунингдек, қариндошлари ёки бошқа алоқада бўлган шахсларнинг, қамоққа олингани ва жойлашуви ҳақида хабардор қилиш имконияти берилиши керак;
- ✓ барча ҳозир бўлганларнинг шахсини кўрсатган ҳолда барча сўроқлар қайд қилиниши керак; ва
- ✓ сўроққа жалб қилинган барча мансабдор шахслар тегишли тарзда, шу жумладан ЖГАЗни тақиқлаш мавзуси бўйича ўқитилиши керак.

Бундан ташқари, Махсус маърузачи “қийноққа тортилиш ҳолати жабрланувчи бошқа шахснинг тўлиқ назорати остида бўлган чорасиз ҳолатни англатади” деб таъкидлади.⁵¹ “Эркаклар ҳам, аёллар ҳам, ўғил болалар ва қизлар ҳам ижтимоий белгиланган гендер ролига ҳақиқий ёки эҳтимолли тарзда мос келмасликлари сабабли [ҚҚҚ] ҳуқуқбузарлик қурбонига айланишлари мумкин”.⁵² Агар зўравонлик ҳаракати гендерга асосланган бўлса ёки шахсларга нисбатан “жинси, гендер мансублиги,

48 Шу ерда.

49 Шу ерда, 20-п.

50 Шу ерда, 24-п.

51 БМТнинг қийноқлар бўйича махсус маърузачиси, A/63/175, 50-п

52 БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси, 2-сонли умумий изох, Иштирокчи давлатлар томонидан 2-модданинг бажарилиши 2008-й., CAT/C/GC/2, 21-п.

ҳақиқий ёки фараз қилинган жинсий ориентацияси ёки гендер ва жинсий хусусиятларга тегишли ижтимоий меъёрларга риоя қилмаслик асосида” содир этилган бўлса, яъни хатти-ҳаракат табиатан камситиш хусусиятига эга бўлса, ҚҚКга мувофиқ бундай ҳолларда “мақсад” ва “ният” каби қийноқларни белгилаш мезонлари доимо мавжуд бўлади.⁵³

БМТ ҚҚК мувофиқ қийноқларни таърифлашда тўртта асосий мақсадли элемент, жумладан, айбни тан олишга эришиш, жазолаш, кўрқитиш/мажбурлаш ва камситиш келтирилади. АҚБҚ ўзининг 19-сонли Умумий тавсиясида ГАЗни аёлларга нисбатан камситишнинг бир шакли сифатида таърифлайди. Шунга ўхшаб, Қийноқлар бўйича маҳсус маъruzачининг 2016 йилги ҳисоботида айтилишича, гендерга асосланган ҳолда амалга оширилган қилмишларда доим мақсад мавжуд бўлади. Судгача қамоқقا олиш ҳақида гап кетганда, бундай қилмиш айбга икрор бўлиш ёки маълумот олиш учун қўлланиладиган мажбурлаш шакли бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Яъни, бу ҳолда, бир вақтнинг ўзида бир нечта, ҳар бири ҚҚК бўйича қийноқлар мезонларига жавоб берадиган мақсадлар мавжуд бўлиши мумкин.

Қийноқлар ва шафқатсиз муомала ҳолатларини ҳар қандай таҳлил қилишда гендер жиҳатларини ҳисобга олиш “камситувчи ижтимоий меъёрларга асосланган хукук-бузарликлар тўлиқ тан олиниши, йўқ қилиниши ва тузатилишини таъминлашда энг катта аҳамиятга эга”.⁵⁴ ҚҚКда жинсий зўравонлик аниқ келтирилмаганлиги ва унинг гендер жиҳатдан бетараф тарзда тузилганлигига қарамасдан, унда қийноқларга ҳар қандай турдаги камситишлар сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр мавжуд.

Инсон хукуqlari бўйича Европа судининг таъкидлашича, қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалаларни тақиқловчи қоидаларнинг бузилиши “давлатнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг мақсади ёки нияти жабрланувчини шарманда қилиш, камситиш ёки жазолашдан иборат бўлмасдан, лекин барibir бундай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижаси айнан шуларга олиб келганда” содир бўлиши мумкин”.⁵⁵ БМТнинг Қийноқлар бўйича маҳсус маъruzачиси қийноқнинг гендер билан боғлиқ турига таъриф берар экан, “мақсад элемети ҳар доим аёлларга нисбатан гендер асосидаги зўравонлик ҳақида гап кетганда мавжуд бўлади, чунки бундай зўравонлик табиатан камситишdir ва Конвенцияда санаб ўтилган мумкин бўлган мақсадлардан бири камситишdir”⁵⁶.

Шундай қилиб, полицияда, тергов ҳибсонасида ёки қамоқхоналарда содир этилган ЖГАЗ ҳаракатлари давлат ёки нодавлат субъектлар томонидан содир этилганидан

53 Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолар бўйича Махсус маъruzачининг ҳисоботи, 15 январ 2008 й., A/HRC/7/3 ва Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолар бўйича Махсус маъruzачининг ҳисоботи, 5 январ 2016 й., A/HRC/31/57.

54 Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолар бўйича Махсус маъruzачининг ҳисоботи, 5 январ 2016 йил, 6-п.

55 Қаранг: Пирс Грецияга қарши, ариза рақами – 28524/95 (2001), 68 ва 74 п.; Грори Албанияга қарши, ариза рақами – 25336/04 (2009-йил), 125-банд

56 БМТнинг қийноқлар бўйича маҳсус маъruzачиси, A/HRC/7/3, п. 68

қатъи назар, қийноқлар ва бошқа шафқатсиз мұомалани ташкил қилиши мүмкін. Давлатлар маҳбусларни ГАЗдан ҳимоя қилишга ва унинг олдини олишга мажбур. Агар давлат органлари ёки мансабдор шахс сифатида иш юритувчи бошқа шахслар ГАЗнинг олдини олиш учун тегишли чораларни күрмасалар ёки ишларни тергов қилиш, жазолаш ва жиной жавобгарликка тортиш бўйича чоралар күрмасалар, бу мансабдор шахслар ҳам жиноятга шерик деб ҳисобланиши керак”.⁵⁷ Агар давлат мансабдор шахслари қамоқхоналардаги зўравонлик ҳолатларидан хабардор бўлса ёки уларда муайян гурухлар ёки шахсларга хужум қилинаётган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, улар жиноятга шерик бўлмаслик учун вазиятни фаол равишда кузатиб боришлири, таҳлил қилишлари ва унга жавобан ҳаракат қилишлари керак.

Қийноқ сифатидаги ЖГАЗ мисоли



2012 йилнинг март ойида Сергей Назаров полиция ҳибсхонасида, тахминларга кўра Қозон шаҳридаги (Татаристон Республикаси, Россия Федерацияси) 9-сонли “Далний” полиция бўлими ходимларининг қўпол мұомаласи (жумладан, жинсий зўравонлик) натижасида вафот этган.⁵⁸ Қорин оғриғи билан касалхонага ётқизилганидан сўнг ва комага тушишдан олдин Назаров қариндошларига тўрт нафар полициячи томонидан калтакланганини ва шампан шишиаси билан зўрланганлигини айтди. 2012 йилда Назаров иши бўйича беш нафар полиция ходими айбланган. 2014 йилга келиб Татаристонда саккиз нафар собиқ полициячи гумонланувчиларни қийноқлар қўллаганликда айбланиб, икки йилдан 15 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

2018 йил июл ойида Россиянинг “Новая газета” газетаси эркак маҳбуснинг қаттиқ калтакланган, жумладан жинсий аъзолари калтакланган видеони ошкор қилганидан сўнг Ярославл федерал терговчилари Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 286-моддаси бўйича зўравонлик ишлатиш билан мансаб ваколатини суиистеъмол қилганилик учун жиной иш қўзгатдилар. Ушбу ишни ўрганишда Россия Федерацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳам қатнашди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, зўрлаш ҳаракатининг ўзи, ҳаттоки, шафқатсиз мұомаланинг бошқа шакллари билан бирга содир этилган бўлмаса ҳам, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 3-моддасига мувофиқ қийноқ ҳисобланади деб қарор қилди.⁵⁹

57 БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси, умумий изоҳ № 2, Иштирокчи давлатлар томонидан 2-модданинг бажарилиши 2008, CAT/C/GC/2.

58 Қийноқлар ва гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи мұомала ёки жазонинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси томонидан 2012 йил 21 майдан 4 июнгача амалга оширилган Россия Федерациясига ташрифи тўғрисида Россия ҳукуматига ҳисобот, 18-п, <<http://hudoc.cpt.coe.int/eng?i=p-rus-20120521-en-7>>.

59 Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Ойдин Туркияга қарши иш бўйича қарор, 1997 йил 25 сентябр, 86-п.

**Суд амалиётидан мисол: “Мөхмәт Эрен Туркияга қарши”⁶⁰
(Европа Инсон ҳуқуқлари бўйича суди, 2009 йил)**

Даъвогар полиция ҳибсхонасида бўлганида унга турли хил шафқатсиз муомалада бўлганлигини даъво қилган. Хусусан, у вентиляциясиз қоронғу камерада сақланган, озиқ-овқат ва сувдан маҳрум қилинган ва унга ҳожатхонага боришга рухсат берилмаган. У кўп соатлаб бир ҳолатда кўли кишанланган ҳолда туришга мажбурланган. Сўроқ пайтида уни ечинтириб, ҳақорат қилишган, зўрлаш ва ўлим билан таҳдид қилишган. Даъвогар танасининг турли қисмларига калтакланган. Жумладан, қорин қисмига қайта-қайта зарбалар олган, моякларини эзишган ва жинсий зўрланган. Ниҳоят, у маҳбус аёлнинг жинсий зўрланишини кузатишга мажбурланган. Аслини олганда, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди даъвогарнинг жароҳатлари у полиция қамоқҳонасида бўлганида қаттиқ шафқатсиз муомалага учрагани боис пайдо бўлган ва бунинг учун давлат жавобгар деб топди. Процессуал нуқтаи назардан, суд даъвогарнинг шафқатсиз муомалага оид даъволари маҳаллий ҳокимият органлари томонидан Конвенциянинг 3-моддаси талабларини рад қилган ҳолда самарали текширилмаган деган хуносага келди. Шундай қилиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 3-моддаси бузилган.

Мажбурий яланғочлантириш қийноқларга олиб келувчи омилдир, чунки бу ҳолат ушлаб турилган ёки маҳбусни аввалданоқ заиф ҳолатга солади. “Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайри-инсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларини самарали текшириш ва ҳужжатлаштириш бўйича йўриқномага” (Истанбул протоколи) кўра, яланғочлик қийноқларнинг ҳар бир жиҳатининг даҳшатли таъсирини янада кучайтиради, чунки бунда доимий равишда потенциал шафқатсиз муомала ёки зўрлашга тортилиш хавфи мавжуд.⁶¹ Шу муносабат билан, ҳатто пайпаслаш ҳам жароҳат етказиши ва шу боис “бошқа шафқатсиз муомала тури” тоифасида кўриб чиқилиши мумкин.

60 Мөхмәт Эрен Туркияга қарши, ариза рақами – 32347/02, <[61 Мөхмәт Эрен Туркияга қарши, ариза рақами – 32347/02, <\[35\]\(https://hudoc.echr.coe.int/eng#{%22item_id%22:\[%22001-88895%22\]}></p></div><div data-bbox=\)](https://hudoc.echr.coe.int/eng#{%22item_id%22:[%22001-88895%22]}></p></div><div data-bbox=)

Суд амалиётидан мисол: “Хеллиг Германияга қарши”⁶²
(Европа Инсон ҳуқуқлари бўйича суди, 2011 йил)

Герберт Хеллиг Бутцбах қамоқхонасида бир кишилик камерада ушлаб турилган. 2000 йил октябр ойида қамоқхона ходимлари унга кўп ўринли камерага ўтишни таклиф қилишди, лекин у рад этди, чунки камерадаги шароитлар унга мос келмасди. Қаршилиги туфайли у етти кун давомида оғир режимли камерага қамалган; у тинтувдан ўtkазилган ва, таъкидланишича, ўзига зарар етказмаслик учун камерадаги бутун вақт давомида яланғоч ҳолда ушланган. Даъвогар уни қамоқхона қўриқчилари уни оғир режимли камерага кузатиб қўйғанларида калтаклаганидан шикоят қилган, шунингдек, доимий яланғоч юришга мажбур бўлганилиги сабабли уни оғир режимли камерада ушлаб туришнинг қонунийлигига эътиroz билдирган. Иккала даъво ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 3-моддасига мувофиқ берилган. Гарчи суд, даъвогарни оғир режимли камерасига ўтказиш пайтида унга нисбатан муомала қилишнинг ғайриинсоний чегарасига эришилмаган деган холосага келган бўлса-да, суд маҳбусни кийим-кечакдан маҳрум қилиш қўрқув, изтироб ва ташвиш ҳиссини уйғотиб уни камситиш ва ҳақорат қилиши мумкин деб ҳисоблади. Бундан ташқари, қамоқхона маъмурияти даъвогарни йиртилмайдиган кийим билан таъминлаш каби унчалик қўпол бўлмаган воситалардан фойдаланишини кўриб чиқиши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлигини таъкидлаган. Ҳукумат даъвогарнинг қамоқхонада бўлиш муддати давомида кийимидан маҳрум қилиш каби қўпол муносабатни оқлаш учун етарли сабаблар келтира олмади. Суд, даъвогарга 3-моддага зид равишда ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситувчи муомалага дучор бўлган деб ҳисоблади.

Асосий тавсия

- ✓ Изоляцияда сақланаётган барча маҳбуслар ёки қамоққа олинганлар учун СГБВга қарши тегишли кафолатлар таъминланиши керак.

Оғзаки жинсий таҳдидлар, ҳақоратлар ва масхара ҳам жинсий қийноқларнинг кенг тарқалган таркибий қисмидир, чунки улар камситиш ва уят ҳиссини кучайтиради.

62 Хеллиг Германияга қарши, 2011 йил 7 июл (20999/05-сонли илова), <<https://www.conjur.com.br/dl/decisao-corte-europeia-direitos-humanos26.pdf>>.

Жинсий органларга электр токини қўллаш, баъзида анал қийноқлар билан биргаликда, асосан эркакларга қарши қўлланилади. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам мажбурий онанизмга тортилиши мумкин. Оғзаки ҳақорат олинган жароҳатларни янада оғирлаштиради. Маҳбуслар камераларга яланғоч ҳолда оила аъзолари, дўстлари ёки мутлақо нотаниш кишилар билан жойлаштирилиши мумкин, натижада маданий табулар бузилади, уларнинг қадр-қиммати поймол қилинади ҳамда қамоқда сақланиш жараёнига жинсий таҳқирлаш қўшилади. Умумий ҳожатхонадан фойдаланиш эса бу ҳолатнинг янада оғирлашишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, маҳбуслар бир-бирларини жинсий зўрлашга мажбурлаши мумкин, буни бошдан кечириш ўта қийин.⁶³ Аёллар ва қизлар терговга қадар қамоқقا олиш вақтида қийноқлар ва шафқатсиз муомалаларга тортилиш хавфи остида бўладилар, чунки сўроқ қилувчилар айбига иқрор бўлиш ёки маълумот олиш ёки уларни жазолаш ва камситиш учун мажбурлаш воситаси сифатида жинсий шилқимлиқ ва зўравонликдан фойдаланиши мумкин. Ҳомиладор аёлларнинг қийноқларга тортилиш заифлиги айниқса юқори. Қийноқларга дучор бўлган аёл ҳомилани тушириб қўйиш шунингдек, ҳомилага зарар етказиш ва бошқа соғлик учун хавфлар остида бўлади.⁶⁴

Аёлларда мумкин бўлган зўрлашдан қўрқиши, зўрлаш билан боғлиқ чуқур маданий стигмани ҳисобга олган ҳолда, жароҳатни янада кучайтириши мумкин. Фақат Аёллар бошидан кечирадиган бошқа жиддий травмалар орасига потенциал ҳомиладорлик, бокираликни йўқотиш ва фарзанд кўра олмаслик қўрқуви киради.⁶⁵

Қийноқлар, шунингдек, “аёллар сиёсий ва ижтимоий фаолиятда иштирок этганликлари учун зўрланганлар” каби ҳолатлардаги гендер сабабларга кўра ҳам содир бўлиши мумкин.⁶⁶

63 Истанбул протоколи, оп.cit. 61-изоҳ

64 Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия, ҳар қандай шаклда қамоқقا олинган ёки қамоқка олинган барча шахсларнинг инсон ҳуқуқлари масаласи, хусусан: қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолар, Махсус маърузачи Найжел С. Родлининг ҳисоботи. E/CN.4/1995/34. 1995 йил, 18-п.

65 Истанбул протоколи, оп.cit. 61-изоҳ

66 Махсус маърузачининг ҳисоботи, 1995 йил 12 январ, E/CN.4/1995/34, 18-п.

Суд амалиётидан мисол: “Ойдин Туркияга қарши” (1997 й.)⁶⁷

Шукран Ойдин қишлоғига бир гурух күриқчилар ва жандармлар келганида 17 ёшда эди. Гурухнинг 4 аъзоси унинг оиласи яшайдиган уйга келиб, ҚИП аъзоларининг Ойдиннинг уйига яқинда қилган ташрифлари ҳақида сўроққа тутган. Дўқ-пўписа ва ҳақоратга учраган Шукран ва унинг оиласи куч билан уйдан олиб чиқилиб, қишлоқ майдонига олиб кетилган; у ерда бошқа қишлоқ аҳолиси ҳам бўлган. У ерга етиб бориши билан Шукран, отаси ва келининг кўзлари боғланган ҳолда Дерик жандарм қароргоҳига олиб кетилган. Шукран оиласидан ажратилди. Уч кундан кўпроқ вақт давомида уни қаттиқ калтаклашди, ечинтиришди ва унга юқори босимли совуқ сув қуийшди ҳамда шинага солиб думалатишиди. Уни кийинтириб, кўзлари боғланган ҳолда сўроқ қилиш хонасига олиб боришли, у ерда ҳарбий кийимдаги эркак кийимини мажбурлаб ечиб уни зўрлади. Шукран қўйиб юборилишидан аввал у зўрланган хонага яна бир марта олиб келинди. Хонада бир соат давомида у бир нечта киши томонидан калтакланган ва унга нима қилганини айтмаслик ҳақида огоҳлантирилган. Суд қарорига кўра, “қамоққа олинган шахснинг давлат амалдори томонидан, зўравон ўз жабрланувчисининг заифлиги ва заиф қаршилигидан фойдаланиши мумкин бўлган қулайликдан келиб чиқсан ҳолда зўрланиши, шафқатсиз муомаланинг ўта оғир ва жирканч шакли сифатида қаралиши керак. Бундан ташқари, зўрлаш жабрланувчида бошқа жисмоний ва руҳий зўравонлик шакллари каби вақт ўтиши билан тезда йўқолиб кетмайдиган чуқур психологик излар қолдиради”. 3-модда (Қийноқларни тақиқлаш) ва 13-модда (Самарали ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи) бузилганлиги аниқланди.

Ушбу муҳим қарорда суд давлат мансабдор шахси ёки расмий мақомдаги бошқа шахс томонидан содир этилган зўрлаш эндиликда миллий қонунчиликка кўра шунчаки жинсий жиноят эмас, балки инсоннинг қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ва қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларидан ҳоли бўлиш ҳуқуқини бузиш эканлигини тан олди.

Қамоқхоналардаги ЖГАЗга қийноқлар ёки бошқа шафқатсиз муомаланинг потенциал шакли сифатида ёндашибиши муҳим, чунки шунда бундай зўравонликнинг жиддийлиги тан олинади. Халқаро ҳукуққа кўра, қийноқларни тақиқлашда ҳеч қандай қўшимча шартлар бўлмайди. Айборларни жиной жавобгарликка тортиш ва жазолаш нуқтаи назаридан қийноқларда айбланган жиноятлар учун жавобгарликка тортилишдан иммунитет бўлмаслиги керак.

67 “Ойдин Туркияга қарши” иши (57/1996/676/866), 1997 йил 25 сентябр; Шунингдек қаранг: “Ойдин Туркияга қарши”, Аёллар, Тинчлик ва Хавфсизлик Маркази веб-сайти, <<http://blogs.lse.ac.uk/vaw/landmark-cases/a-z-of-cases/aydin-v-turkey/>>.

Бироқ, ГАЗнинг айрим шаклларини қийноқлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш кўшимча муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, “жиноий таъқиб жараёнида зўрлашни қийноқ деб эътироф этиш ҳар иккала жиноят таркибини тасдиқловчи кўшимча далилларни талаб қилиши мумкин”.⁶⁸ Суд-тиббиёт экспертизаси далилларини олишда қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин ва даъво муддати эса “қийноққа қарши қонун мавжуд бўлганда ҳам, жиноий таъқиблар ва чиқарилган ҳукмлар сони нисбатан кам бўлишини ва агар улар содир бўлса, кўпинча ҳокимиётни суистеъмол қилиш, ҳужум ёки оғир тан жароҳатини етказиш каби енгил жиноятлар бўйича ҳукм чиқишини” англатиши мумкин.⁶⁹

ГАЗнинг мураккаб динамикаси ва унинг жабрланувчиларга таъсири кўп ҳолларда ноаниқ бўлиб қолмоқда ва қийноқлар бўйича ишларни олиб борадиган судлар зўравонликнинг ушбу шаклининг гендер жиҳатларини тан олишга шошилмаяптилар. Эркакларнинг ушбу шаклдаги қурбонларга айланиши кўпинча “шафқатсиз муомала” ёки “қийноқ” иборалари соясида кўринмай қолмоқда. Шунинг учун зўрлаш бўйича жиноий ишлар қўзғатилиши ушбу шаклдаги зўравонликка ойдинлик киритиши мумкин, шунингдек, “эркакларнинг ўзлари жинсий алоқанинг ташаббускори бўладилар; улар зўрлаш қурбони бўлмайдилар” ва “эркаклар зўрланиши мумкин эмас, чунки улар ўзларини ҳимоя қилишлари ва бунинг олдини олишлари мумкин” каби стереотипларни йўққа чиқариши мумкин.⁷⁰

Иккинчи томондан, “қийноқ” атамасини аёллар жабрланган зўрлаш ва жинсий зўравонлик ҳолатларига нисбатан гендер омилларини ҳисобга олмасдан қўллаш аёлларга нисбатан содир бўладиган зўравонлик инсон ҳуқуқларининг бузилиши, яъни гендерга асосланган зўравонлик сифатида тан олинмаслигини англатиши мумкин.

Барча мураккабликларни инобатга олган ҳолда, қийноқларга қарши ҳуқуқий базанинг ЖГАЗ ҳолатларига нисбатан қўлланилиши керакми ёки йўқлигини аниқлаш энг самарали тарзда ҳар бир алоҳида ҳолатда ва жабрланувчиларнинг хоҳишлирига кўра, уларнинг эҳтиёжлари ва хабардор розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

68 Сара Фултон, “Зўрлаш учун компенсация: зўрлаш бўйича халқаро суд амалиётидан қийноқ ёки бошқа ёмон муомала шакли сифатида фойдаланиш”, Redress Trust, 2013, 26-бет.

69 “Европадаги қийноқлар: қонун ва амалиёт, миңтақавий конференция ҳисоботи”, Redress Trust, 2012, 28–29 бет

70 Фултон, оп.cit., 68-изоҳ, 26-бет.



3. ТАЯНЧ МАЪЛУМОТ: ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖОЙЛАРИДА ЖИНСИЙ ВА ГЕНДЕРГА АСОСЛАНГАН ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

3. ТАЯНЧ МАЪЛУМОТ: ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖОЙЛАРИДА ЖИНСИЙ ВА ГЕНДЕРГА АСОСЛАНГАН ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Қамоқхоналарда ЖГАЗнинг тарқалиши, зўравонлар ва жабрланувчиларнинг хусусиятлари, бундай зўравонлик шакллари ва ЖГАЗнинг бошқа шаклдаги зўравонликлар билан боғлиқлиги бўйича жуда кам тадқиқотлар олиб борилган. ГАЗнинг бошқа шаклларидан фарқли ўлароқ, бу масала бўйича кўп мамлакатлар қамровидаги тадқиқотлар ўтказилмаган ва ЕХХТга аъзо давлатлар и орасида ушбу масала бўйича кенг кўламли сўровлар ўтказгандари кўп эмас. Бироқ, мавжуд тадқиқотлар зўравонликнинг ҳар хил турлари, айбдорлар ва қурбонлар ва ЖГАЗга нисбатан заифликни ошириши мумкин бўлган бошқа омиллар ҳақида муҳим тушунчаларни беради.

3.1. Озодликдан маҳрум қилиш жойларининг ўзига хос табиати

Ўз табиатига кўра, озодликдан маҳрум қилиш жойлари ёпиқ, бегона кўзлардан узоқда жойлашган, қаттиқ назорат остида ва асосан бир жинсли муассасалардир. Ҳокимият ўз иродасига қарши ушлаб турилган ва зўравонликни қўллаш тажрибасига эга ёки ижтимоий муаммолари бор бўлиши мумкин бўлган маҳбуслар устидан ҳар куни амалга оширилади. Назарий жиҳатдан, озодликдан маҳрум қилиш жойларининг назорат остида бўлиши шуни англатадики, бу жойлардаги ЖГАЗнинг олдини олиш чоралари умуман жамиятда қўлланиладиганлардан самаралироқ бўлиши керак.

Гендерга асосланган зўравонлик — бу гендер хусусиятларга кўра шаклланган гурухлар ёки шахслар ўртасидаги куч тенгсизлигининг ифодасидир. Озодликдан маҳрум этиш жойларининг назорат қилинадиган муҳитида ЖГАЗ ҳолатларига хос бўлган тенгсизлик ва назорат элементлари кўринмаслиги мумкин. Бундан келиб чиқадики, зўравонликнинг ушбу шаклининг сабаблари ва оқибатлари тўғри аниқланмаслиги ва бартараф этилмаслиги мумкин. Ҳокимият ва назорат динамикаси кўринмас табиатга эга бўлиб зўравон ва жабрланувчининг жинсидан, шунингдек, ЖГАЗнинг муайян шаклидан келиб чиқиб ҳар хил шаклларга эга бўлиши мумкин. Ушбу динамикани тан олиш инсонларни ЖГАЗдан ҳимоя қилиш йўлидаги биринчи қадамдир.

Асосий тавсиялар

- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ хавфини тадқиқ этиш керак. Бундан ташқари, тегишли чоралар ва ҳимоя механизмларини ишлаб чиқиш учун озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ ҳолатлари бўйича мавжуд бўлган ҳар қандай маълумот таҳлил қилиниши керак.
- ✓ ЖГАЗ бўйича муҳокамаларга барча тегишли вазирликлар, озодликдан маҳрум этиш жойида ишлайдиган амалиётчилар, маҳбуслар уюшмалари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари ва гендер эксперталари жалб қилиниши керак. Ушбу муҳокамаларда ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш учун фойдали маълумотлар йиғилиши мумкин.
- ✓ Полиция ва озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятлари кузатув органларининг ишига, шу жумладан уларга барча ушлаб турилганлар ва/ёки маҳбуслар билан тўсиқсиз ва маҳфий мулоқотни таъминлашга ёрдам бериши керак.

3.2. Курбонлар ва зўравонлар — улар кимлар?

ЖГАЗ қилмишларини содир этиши мумкин бўлган шахслар доираси жабрланувчилар доираси каби кенгdir. Ушбу бўлимда потенциал зўравонлар ва қурбонларнинг умумий тавсифи келтирилган.

Потенциал зўравонлар ва қурбонларга қўйидагилар киради:

- * ҳибсга олиш, қамоққа олиш, тинтуб қилиш, тергов ва сўроқ қилишда иштирок этадиган мансабдор шахслар;
- * озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари ва раҳбарияти, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида ишловчи бошқа шахслар, шу жумладан тиббиёт ходимлари;
- * ушлаб турилганлар/маҳбуслар;
- * ҳибсоналарда ишлайдиган хизмат кўрсатувчилар, тиббиёт ходимлари, адвокатлар ёки маҳаллий ҳамжамият аъзолари;
- * назорат қилувчи органларнинг вакиллари;
- * ташриф буюрувчилар, шу жумладан оила аъзолари (шу жумладан эр ва хотин учрашувлари давомида), дўстлар ва бошқалар.

Хавфли гуруҳга, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларида ота-оналари билан бирга яшовчи болалар ва озодликдан маҳрум этиш жойи ходимларининг фарзандлари киради.

Умуман олганда, ЖГАЗ ҳаракатлари кўпинча эркаклар томонидан амалга оширилади ва қурбонларни аёллар ва қизлар ташкил қиласди. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, эркаклар ва ўғил болалар ҳам ЖГАЗ қурбони бўлишлари мумкин, айниқса озодликдан маҳрум этиш жойларида. Бундан ташқари, нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам бундай зўравонликларни содир этишлари мумкин.

ЖГАЗни содир этган аёллар ҳақида тадқиқотлар жуда кам, аммо озодликдан маҳрум этиш жойларида улар ҳам ЖГАЗ айбори бўлиши мумкин. АҚШдаги амалиётчиларнинг таъкидлашича, кўплаб ахлоқ тузатиш муассасалари ходимлари, барча каби, “аёллар томонидан содир этилган жинсий зўравонликни эркаклар томонидан содир этилган зўравонлик каби жиддий қабул қилмайдилар”. Қамоқхона ходимлари аёллар томонидан содир этилган жинсий зўравонликка “мушуклар талашишига” қарагандек қарайди ёки буни қамоқхонада “оилага хос структура шаклланиши”нинг бир қисми сифатида қабул қиладилар холос.⁷¹

Аёллар томонидан содир этилган зўрлаш ва жинсий зўравонлик умуман яхши ўрганилмаган ва давлат органлари кўп ҳолларда бу ҳодисани аниқлай олмайдилар ёки ундаги гендер аспектларини ёки кучлар динамикасини тушунмайдилар. Мисол учун, АҚШдаги аёллар колонияларида ўтказилган фокус-гурухларда баъзи ходимлар маҳбус аёлларнинг жинсий хулқ-авторини тасвирлаш учун “йиртқич” атамасини ишлатишни истамаган. Аммо улар баъзи маҳбус аёллар кўнгил овлаш тактикасини қўллашларини ёки қўрқитиши орқали қурбонларига таъсирини ўтказишини таъкидладилар.⁷²

ЖГАЗни содир этувчилар ҳақида нималарни биламиз?

ЖГАЗни собир этувчи шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар хавфни баҳолаш методологиясини такомиллаштиришга ёрдам беради. Бу шунингдек, зўравонлик содир этишга мойил бўлганларни аниқлашга ёрдам беради. Гарчи бу мавзу бўйича маълумотлар кам ҳамда улар ҳар хил давлатлардаги вазиятларни солиштириш учун мос бўлмаса-да, қуйидаги рўйхат фойдали бўлиши мумкин.

Америка Қўшма Штатларида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки тергов изоляторларида жинсий зўравонлик содир этилиши мумкинлигига ишора қилувчи хавф кўрсаткичлари сифатида ҳам статистик, ҳам динамик омиллар хизмат қилиши мумкин⁷³ (таъкидлаш лозимки, зўравон-

71 Дэвид Кайзер ва Ловиса Стэнноу, “Қамоқхоналаримизнинг шармандаси: янги далиллар”, The New York Review of Books, 2013 йил 24 октябр, <<http://www.nybooks.com/articles/2013/10/24/shame-our-prisons-new-evidence/#fn-3>>.

72 “Аёллар қамоқхоналарида жинсий зўравонлик: мақсадли гурух билан сухбатлар натижалари”, Ходимлар нуқтаси назари: катталар учун қамоқхоналарда жинсий зўравонлик”, Миллий Адлия институти, жилд. 2009 йил 3 март, 8–9 бетлар.

73 Ким Инглиш ва бошқалар. “Қамоқхоналарда ва вояга етмаганлар учун муассасаларда жинсий тажовуз: олдини олиш ва жавоб чораларини кўришнинг истиқболли амалиётлари”, Якуний ҳисобот, Америка Қўшма Штатлари Адлия вазирлиги, 2011 йил, 6-бет.

ларнинг жинси кўрсатилмаган):

- * 30 ёшдан кичик, лекин ёши жабрланувчидан каттароқ;
- * жабрланувчига қараганда кўпроқ жисмоний кучга эга;
- * панжара ортида ҳаёт кечиришга мослашувчанлиги жабрланувчинига қараганда юқорироқ.

Шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойлари ёки вақтинча сақлаш изоляторларида жинсий зўравонлик содир этадиган маҳбуслар:

- * кўпинча ўтмишда вояга етмаган ҳуқуқбузарлар муассасаларида сақланиш тажрибасига эга бўладилар;
- * кўпинча қамоқقا тушишдан олдин шаҳарда яшаган бўладилар;
- * кўпинча зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни содир этган бўладилар;
- * кўпинча жиноий гурӯҳ билан боғлиқ бўладилар;
- * кўпинча ички қоидаларнинг бошқаларини ҳам бузадилар.

3.2.1. Аёллар

Озодликдан маҳрум этилган аёллар нафақат гендер тенгсизлиги, ҳокимиятнинг номутаносиблиги ва умуман жамиятдаги камситиш туфайли, балки қамоқда сақлаш жойлари турли хил ҳаёт шароитлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олмайдиган жойлар бўлганлиги сабабли ҳам ЖГАЗ хавфи остига тушадилар. Аёлларнинг жиноий одил судлов тизимиға дуч келган ҳолатлари кўпинча аёллар жамиятда учрайдиган камситиш ва тенгсизликдан далолат беради. Шундай қилиб, қамоқхоналарда содир бўлиши мумкин бўлган ЖГАЗнинг олдини олиш бўйича саъй-ҳаракатларни самарали кучайтиришни тушуниш учун уларни таҳлил қилиш керак.

Аёлларнинг озодликдан маҳрум қилиш жойларига тушиб қолишининг ўзига хос жиҳатлари озодликдан маҳрум этиш жойларидаги аёлларнинг аҳволи бўйича биринчи кенг қамровли халқаро қўлланма бўлган “БМТнинг Маҳбус аёлларга нисбатан муомала ва ҳуқуқбузар аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолаш чоралари тўғрисидаги қоидалари”да (Бангкок қоидалари) баён этилган.⁷⁴

Аёллар зўравон жиноятлар учун қамоқхоналарга эркакларга қараганда камрок тушади.⁷⁵ Глобал миқёсда аёллар ҳибсда ёки қамоқхонада сақланаётганларнинг кичик қисмини ташкил қиласди — бутун дунё бўйлаб икки фоиздан тўққиз фоизгача. Гарчи маҳбусларнинг катта қисми эркаклар бўлса-да, Жаҳон аёллар қамоқхона-

74 Тўлиқ Бангкок қоидаларини бу ерда кўринг: <https://www.unodc.org/documents/justice-and-prison-reform/Bangkok_Rules_ENG_22032015.pdf>.

75 Қаранг: “Асосий фактлар”, Penal Reform International веб-сайти, <<https://www.penalreform.org/priorities/women-in-the-criminal-justice-system/key-facts/>>.

лари рўйхати учун тузилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, озодликдан маҳрум этилган аёллар сони эркакларникига қараганда анча тез суръатларда ўсиб бормоқда. 2000–2017 йиллар оралиғида озодликдан маҳрум этиш жойларидаги аёллар ва қизлар сони 50 фоизга, эркаклар сони эса қарийб 20 фоизга ошган⁷⁶.

Масалан, АҚШда маҳаллий (суддан олдинги) изоляторларда сақланадиган аёллар сони 1970 йилдан 2014 йилгача беш бараварга ошган. Бу ўсиш гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятларни жиноий жавобгарликка тортиш соҳасидаги ўзгаришлар ва аёлларнинг пастроқ даражадаги жиноятлар учун ҳибсга олинишининг кўпайиши каби омиллар билан боғлиқ.

Аёлларнинг аксарияти иқтисодий, зўравонликсиз жиноятлар учун озодликдан маҳрум этилади, бунинг сабаби кўпинча уларнинг молиявий аҳволи ёки бошидан кечирган зўравонлик билан боғлиқ тажрибасига бориб тақалади. Қашшоқлик, камситувчи қонунлар, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг ҳурмат қилинмаслиги ва бу билан боғлиқ адолатга эришишдаги тўсиқлар аёлларнинг ҳибсга олиниши эҳтимолини оширади. Масалан, ҳуқуқбузар аёлларда кўпинча адвокат ёки жарима ёки гаров каби қамоқ жазосига муқобил чоралар учун пул тўлашга молиявий имкониятлар йўқ.

Озодликдан маҳрум этилган аёллар кўпинча қамоққа олинишидан олдин зўравонликка дучор бўлган бўлиши мумкин, бу эса уларнинг озодликдан маҳрум этилиш пайтидаги зўравонликка бўлган мойиллигини янада оширади. Аёлларга нисбатан зўравонлик бўйича маҳсус маърузачининг таъкидлашича, ЖГАЗга бўлган заифликнинг энг муҳим омили “қамоққа олинишдан олдин, қамоқда сақланиш пайтида ёки ундан кейин содир қилингандигидан қатъи назар аёлларга нисбатан зўравонлик билан аёлларнинг озодликдан маҳрум этилиши орасидаги тифиз боғлиқликдадир”.⁷⁷

Аёлларнинг ЖГАЗ қурбони бўлиш хавфини таҳлил қилганда, аёллар озодликдан маҳрум этилишидан олдин бошдан кечирган ҳар қандай жисмоний, жинсий ёки психологияк зўравонлик, шу жумладан оиласиб зўравонлик каби бир қатор омилларни ҳисобга олиш керак. Бунда руҳий саломатлик эҳтиёжлари, гиёҳвандлик ёки спиртли ичимликларга қарамлик ва оила аъзоларини парвариш қилиш масъулиятини ҳам ҳисобга олиш керак. Буюк Британияда олиб борилган тадқиқотлар аёл маҳбуслар орасида мия травматик шикастланишининг юкори даражасини аниқлади. Мия шикастланишининг скрининг индексидан фойдаланган ҳолда скрининг қилинган 173 нафар зўравон аёлнинг 64%да травматик мия шикастланиши топилган ва уларнинг кўпчилиги оиласидаги зўравонликдан жароҳат олган.⁷⁸

Шунингдек, озодликка чиққандан сўнг қурбонга айланиш ва ЖГАЗ билан боғлиқ тажрибаси туфайли оиласлари томонидан ташлаб кетилиши эҳтимолини ҳам ҳисобга олиш керак.

76 Roy Walmsley, Жиноятчиликка қарши сиёсатни ўрганиш институти, Жаҳон аёллар қамоқлари рўйхати, 4-нашр, 2017 йил.

77 Аёлларга нисбатан зўравонлик бўйича маҳсус маърузачи “Аёлларни қамоққа олишининг йўллари, шартлари ва оқибатлари” 2013 йил 21 август, А/68/340, 2-банд.

78 Penal Reform International, 2019-йилги қамоқхона тенденцияларининг глобал ҳисботи, MAXCUS ЭЪТИБОР: қамоқхонадаги саломатлик, <https://cdn.penalreform.org/wp-content/uploads/2019/05/PRI-Global-prison-trends-report-2019_WEB.pdf>.

Номус, оилавий зўравонлик ёки одам савдоси ва фоҳишалик деб аталаидиган жиноятларнинг қурбони бўлган аёллар, гўёки уларни ҳимоя қилиш ёки реабилитация қилиш учун маъмурий қамоққа олиниши мумкин.

Бу мисоллар шуни кўрсатадики, аёллар озодликдан маҳрум этилишидан олдин ёки уларнинг қамоққа олинишига олиб келган жараённинг бир қисми сифатида зўравонликка дучор бўлишлари мумкин. Шундай қилиб, озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ЖГАЗ ҳолатлари уларнинг жисмоний ва руҳий шикастларини янада кучайтириши ва/ёки уларга нисбатан такрорий шафқатсиз муомала ва зўравонлик хавфини янада оширадиган қайта кураш механизмларининг ривожланишига олиб келиши мумкин. Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗни бошдан кечириш узоқ муддатли руҳий саломатлик муаммолари, депрессия, ташвиш, травмадан кейинги стресс, ўз-ўзини шикастлаш ва бошқа жиддий тиббий ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Умуман олганда, қамоқхона тизимларида аёллар озчиликни ташкил этганлиги сабабли, ходимлар ва раҳбарият уларнинг ўзига хос эҳтиёжларини қондириш учун етарли даражадаги билимга эга бўлмасликлари мумкин. Бу эҳтиёжлар “эркакларнидан, гендер мансублик ва биологик фарқлар, ёки зўравонликдан жабр кўриш каби камситиш шакллари туфайли анча фарқланиши мумкин”.⁷⁹

Баъзи ЕХХТнинг иштирокчи-давлатлари бошқа воситалар қаторида шахснинг янги жиноят содир этиш хавфи даражасини, қайси озодликдан маҳрум этиш жойига ва қандай жойлаштирилганини ҳамда унга тегишли бўлиши керак бўлган дастур ва хизматлар турларини аниқлаш учун баҳолаш воситаларидан фойдаланадилар. Бироқ, бу воситаларнинг аниқлиги, одатда, факат ёки асосан эркакларни ўз ичига олган гуруҳларда синовдан ўтказилади. Ушбу медотикалар аёлларда эркакларнига қараганда, одатда, қайта жиноят содир этиш ёки бошқа жиноят содир этиш эҳтимоли камроқ эканлигини кўрсатадиган тадқиқот натижаларини ҳисобга олмайди.⁸⁰ Натижада, аёллар чин вазиятдан кўра кўпроқ хавф олиб келувчилар сифатида таснифланади ва бу уларнинг қамоқхонадаги маҳбусларга тақдим этиладиган кўплаб таълим, касбий, реабилитация ва бошқа дастурларда иштирок этишига тўсқинлик қиласи. ⁸¹ Тадқиқотлардан бири шуни кўрсатдики, ушбу баҳолаш воситаларининг аксарияти ирқий жиҳатдан камситувчи, айниқса асл келиб чиқиши африкалик бўлган шахсларни камситувчи табиатга эгадир.⁸²

79 Jo Baker ва Therese Rytter, “Қамоқхонадаги аёллар учун шарт-шароитлар, эҳтиёжлар, заифликлар ва яхши амалиётлар”, Дания Қийноқларга қарши институти, 2014, 23-бет.

80 Асосий фактлар”, op.cit. 75-изоҳ.

81 Stephanie S. Covington, “Women in Prison: Approaches in the Treatment of Our Most Invisible Population”, Women and Therapy Journal, Vol. 21, No. 1, 1998, 141–155 бетлар, <<https://www.centerforgenderandjustice.org/assets/files/15.pdf>>

82 Anthony W. Flores, Christopher T. Lowenkamp and Kristin Bechtel, “False Positives, False Negatives, and False Analyses: A Rejoinder to ‘Machine Bias: There’s Software Used Across the Country to Predict Future Criminals. And it’s Biased Against Blacks’” (Энтони В. Флорес, Кристофер Т. Лоуенкамп ва Кристин Бечтел, “Алдамчи ижобий натижалар, алдамчи салбий натижалар ва нотўғри таҳлиллар: бўлажак жиноятчиларни башорат қилиш учун бутун мамлакат бўйлаб фойдаланиладиган дастурий таъминот), <http://www.scrj.org/assets/2017/07/9_Machine_bias_rejoinder.pdf> and <<http://www.motherjones.com/politics/2016/05/machine-police-future-crime-algorithm-bias>>

Маҳбус аёлларнинг гигиеник эҳтиёжларидан тортиб касбий таълим имкониятларини оширишгача бўлган турли ҳил эҳтиёжларга эга. Аммо уларнинг жисмоний, руҳий ва ҳиссий эҳтиёжлари, масалан бошидан кечирган зўравонлик билан боғлиқ тажрибаларни енгиб ўтиш каби эҳтиёжлари эркак маҳбусларнидан фарқ қиласди. Шунингдек, аёллар “хавфсизлик режимларига ҳам бошқача муносабатда бўлишади. Уларга жисмоний чеклашнинг камроқ оғир шаклларини қўлласа ҳам бўлади”.⁸³

Маҳбус аёллар ҳаётлари давомида дучор бўлган ГАЗ ҳолатлари бўйича миллий тадқиқотлар



Англия ва Уэлс: маҳбуслар ўртасида ўтказилган сўровномада маҳбус аёлларнинг болалиги ва оилавий аҳволи тўғрисида ўтказилган сўров шуни кўрсатди, уларнинг 53% ўтмишда, жумладан, болалигига ҳам руҳий, жисмоний ёки жинсий зўравонликнинг қандайдир шаклларини бошдан кечирганликларини билдиришган.⁸⁴

Европа Иттифоқи давлатлари: сўровлар шуни кўрсатди, маҳбус аёлларнинг 30,7% (Финляндия)⁸⁵ ва 57% (Германия)⁸⁶ умри давомида жинсий зўравонликка дучор бўлган, 58% (Венгрия)⁸⁷ қамоққа тушишдан олдин жисмоний зўравонликка дучор бўлган.

Арманистон, Грузия, Қозоғистон ва Қирғизистон: ушбу тўртта давлатда олиб борилган тадқиқотлар аёлларнинг қамоққа олиниши билан жисмоний ва/ёки жинсий зўравонликнинг ўтмишдаги тажрибаси ўртасида аниқ боғлиқлик борлигини кўрсатади. Мисол учун, Қирғизистонда оила аъзоларидан бирини қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида ўлдиришда айбланган аёл маҳбусларнинг бир қисмининг деярли ярми жинсий зўравонликка дучор бўлганини айтишган. Арманистон ва Грузияда сўровдан ўтган маҳбусларнинг деярли учдан бир қисми ўтмишда камида бир марта жинсий зўравонликка дучор бўлганини маълум қилган.⁸⁸

83 “Қамоқхонадаги аёллар: Европа Кенгашига аъзо давлатлардаги шароитларни кўриб чиқиш”, Европа ишлари бўйича Kvaker кенгаши, 2007, 8-бет.

84 Кети Робинсон, “Қамоқдаги аёллар вазиятини кўриб чиқиш”, Миллий хуқуқбузарларни бошқариш хизмати, 2013 йил, 26-бет.

85 Anniiia Jokinen ва Natalia Ollus, “STRONG: WC2-WC4 натижалари тақдимоти; Финляндия ва Скандинавия”, БМТ билан боғлиқ Европа жиноятчиликнинг олдини олиш ва назорат қилиш институти, 2012 йил.

86 Мариона Бош ва бошқалар, “Киёсий ҳисбот: Венгрия Германия, Испания”, ALTRA лойихаси: Уйдаги зўравонлик қурбонлари ва айборларини қамоқхонада қўллаб-куватлаш ва терапияси, 2007, 23-бет.

87 Шу ерда, 22-бет.

88 Frances Sheahan, “Маҳбус аёллар кимлар? Қозоғистон ва Қирғизистондан сўров натижалари”, Penal Reform International (PRI), 2014, 14–15 бетлар; Томрис Атабай, “Маҳбус аёллар кимлар? Арманистон ва Грузиядан сўров натижалари”, PRI, 2013, 20-бет.

Асосий тавсия

- ✓ Қамоққа олинганда ёки озодликдан маҳрум этиш жойига олиб келинганда, ЖГАЗ хавфи остида бўлган аёллар, шу жумладан олдинги зўравонлик қурбонлари бўлган аёллар аниqlаниши керак ва уларга нисбатан шошилинч ҳимоя чоралари кўрилиши лозим.

Қамоқхоналар, полиция бўлимлари ёки тергов ҳибсхоналари каби ёпиқ муассасаларда мавжуд бўлган куч номутаносиблиги туфайли ўтмишда жисмоний ва жинсий зўравонликка дучор бўлган аёлларнинг жинсий эксплуатацияга бўлган заифлиги юқори бўлади. Маҳбусларнинг ходимларга тобелиги сабабли, маҳбус аёл жинсий алоқага рози бўлишга ёки буюмлар ёки яхши муомала эвазига жинсий алоқага бўлишга мажбурланиши мумкин.

Ўтмишда зўравонликни бошдан кечирган маҳбуслар бошқа маҳбуслар ёки ходимлар томонидан содир қилинадиган қилмишлар қурбонига айланишлари мумкин. ЖГАЗни бошдан кечирганлар, одатда, ўзларининг қайта кураш стратегияларини⁸⁹ ишлаб чиқадилар, бу эса уларнинг қамоқхонадаги заифлигини ошириши мумкин. Айрим озодликдан маҳрум этиш жойларидағи тартиб-қоидалар, масалан, тинтув ўтказиш ва кийиниш, чўмилиш ёки ҳожатхонадан фойдаланиш чоғида кузатиб туриш ҳолатлари аёллар учун жуда оғир кечиши мумкин, айниқса аёл ЖГАЗ қурбони кузатувчи эса эркак бўлса. Ўтмишда зўравонликни бошдан кечирганларга нисбатан ЖГАЗни содир этаётган маҳбуслар ҳам ўз қурбонларининг қўрқуви, ўзини хурмат қилмаслиги ва зўравонликни муқаррар ҳолат сифатида “қабул қилишларидан” фойдаланадилар. Кўпгина аёллар учун гендерга асосланган зўравонлик қамоққа тушишдан олдин, қамоқ пайтида ва ундан кейин ҳам давом этадиган узлуксиз жараёндир.⁹⁰

Маҳбус аёлларнинг зўравонлик қурбонига айланган ҳолатлари кўп ҳолларда озодликдан маҳрум этиш жойлари раҳбарияти томонидан эътиборга олинмайди ёки рад қилинади. Жабрланганларнинг, айниқса бошдан кечирган зўравонлик билан боғлиқ қўшимча муаммолари бор бўлганларнинг алоҳида эҳтиёjlари ҳар доим ҳам қондирилмайди. Бунинг сабаблари озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳбус аёллар озчиликни ташкил этишига, шунингдек, гендерга асосланган зўравонлик муаммосини англаш ҳали турмалар ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг қай тарзда ташкил этилишига ва ишлашига деярли таъсир қилмаслигига бориб тақалади.

Аёл маҳбусларга нисбатан зўравонликларнинг кўпчилиги эркак ходимлар томонидан содир этилишига қарамасдан, ЖГАЗ фақат аёллар сақланадиган ва фақат

89 Вояга етган жинсий тажовуз қурбонлари билан ишлашиш стратегиялари”, Жиноий аддия веб-сайти, <<http://criminal-justice.iresearchnet.com/forensic-psychology/coping-strategies-of-adult-sexual-assault-victims/>>.

90 Аёлларга нисбатан зўравонлик бўйича маҳсус маърузачи, “Аёлларни қамоққа олишнинг йўллари, шартлари ва оқибатлари”, 2013 йил 21 август, А/68/340, 2-банд.

аёллар ишлайдиган муассасаларда ҳам содир бўлади. Мазкур ҳуқуқбузарликлар аёллар сақланадиган жойларда эркакларнига қараганда камроқ зўравонликлар учрайди деган тахмин туфайли эътибордан четда қолиши ёки жиддий қабул қилинмаслиги мумкин. АКБК шуни аниқ кўрсатадики, агар давлат мансабдор шахслари ушлаб турилган ёки ҳисбса олинган аёлларга нисбатан жинсий жиҳатдан номақбул ёки шилқимларча муносабатда бўлса, бундай ҳаракатлар ҳам ГАЗ, ҳам гендерга асосланган камситиш деб ҳисобланиши керак.

Аёллар ва қизлар нафақат ўзлари қийноқларга дучор бўлиш хавфи остида бўлади, балки бошқаларни қийноққа солиш воситаси сифатида “ишлатилади”. Эркаклар ва аёллар ўз оила аъзолари, жумладан, хотинлари, опа-сингиллари, шериклари, қизлари ёки оналарининг зўрланишини кузатишга мажбурланганда, бу қийноқнинг алоҳида психологик шакли ташкил қиласи. Аёлларга нисбатан зўравонлик, унинг сабаблари ва оқибатлари бўйича маҳсус маъruzazinинг ҳисботига кўра, кўп ҳолларда зўрлаш актининг ўзи қийноқ сифатида таснифланмайди, балки “қийноққа солувчининг қуроли”, “эркакка ҳужум қилиш” ва эркак қурбонни қийноққа солиш сифатида кўрилади.⁹¹

3.2.2. Эркаклар

Эркаклар ва ўғил болаларга нисбатан содир этиладиган ГАЗ жинсий зўравонликка олиб келадими ёки йўқми, жинси, жинсий ориентацияси ва/ёки ижтимоий жиҳатдан қурилган гендер роллари туфайли эркаклар ва ўғил болаларга қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади. Ҳисботлар камлиги сабабли маълумотлар ҳажми чекланган бўлса-да, экспертларнинг фикрича, жинсий зўравонлик қамоқхоналардаги эркаклар ва ўғил болаларга нисбатан содир этиладиган ГБВнинг кенг тарқалган кўринишидир. Бундай зўравонлик, хусусан, маҳбусларга нисбатан маҳбуслар томонидан содир қилинади. Қамоқхоналарда ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида зўравонликнинг бу тури зўрлаш, бир неча шахс томонидан зўрлаш, жинсий қуллик, мажбуран ечинтириш ва жинсий алоқага мажбуrlash каби турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Қамоқхоналардаги эркакларга нисбатан ЖГАЗ – бу куч-қудратни кўрсатиш ва шахслар ёки гуруҳларнинг руҳий ҳолатини синдиришdir. Эркакларнинг озодликдан маҳрум этиш жойларида шафқатсиз муомала ва зўравонликка дучор бўлишининг сабаби жамиятда мавжуд бўлган ва ёпиқ муассасаларда эса янада кескин намоён бўладиган ҳокимиятнинг гендер жиҳатлари билан боғлиқ.

Бундай ёпиқ институтлар, одатда, эркаклар ҳукмрон бўлганлиги сабабли, эркакликнинг доминант шакли зўравон бўлиши мумкин ва эркаклардан кенг тарқалган ёзилмаган қоидаларга асосланган ҳолда уларга мос тасаввурлар кутилади. Акс ҳолда, улар хавф остида қолади. Аёллар ҳолатларида бўлгани каби, эркакларга келгандা ҳам ЖГАЗ кўп компонентли ҳодиса сифатида кўрилиши керак. Масалан, муайян шахснинг ЖГАЗ хавфига дуч келиши даражасини баҳолашда маданий жиҳатлар, дин ва озчиликка мансублик, ёш ва ижтимоий ҳолат каби омиллар ҳам ҳисобга

91 Аёлларга нисбатан зўравонлик, унинг сабаблари ва оқибатлари бўйича маҳсус маъruzazinинг ҳисботи, 1998 йил 26 январ, E/CN.4/1998/54, 131-п.

олиниши керак. Ёпиқ муассасаларда эркаклар бошқа маҳбуслар томонидан жазолаш, куч-қудрат ва назоратни кўз-кўз қилиш, қўрқитиш ёки шахслар гурухини ҳуқуқ ва имкониятларидан маҳрум қилиш мақсадларида зўравонликка солиниши мумкин. Баъзи жамоаларда эркакларни таъқиб этиш кўпинча жабрланувчининг заифлиги ва ўз оиласи ёки жамоасини ҳимоя қила олмаслигини намойиш этиш сифатида кўрилади.

2002 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эркаклар ва ўғил болаларга нисбатан жинсий зўравонликни тиббиёт мутахассислари, нодавлат ташкилотлар, давлат идоралари, суд тизими ва бошқалар эътиборидан четда қолган асосий муаммо сифатида аниқлади.⁹² Бироқ, қамоқҳоналардаги эркаклар ва ўғил болалар учун ЖГАЗнинг кўлами ва жиддийлиги ҳақидаги умумий тушунча ва уни тан олиш даражаси пастлигича қолмоқда ва ЖГАЗ ҳалиям асосан қийноқлар ва шафқатсиз муомалани тергов қилиш контекстида кузатилади. Амалиётчилар ўртасида хабардорликни ошириш қийинчилиги шундан иборатки, кўплаб ҳуқуқий тизимларда зўрлаш эркак ҳам қурбони бўладиган жиноят ҳисобланмайди. Эркаклар жинсий зўравонликни номусдан маҳрум этувчи ҳолат деб билишлари мумкинлиги сабабли, улар бу ҳақда хабар беришни истамасликлари ва бундай ҳолатларни шафқатсиз муомала ёки қийноқ деб келтиришлари мумкин. Жабрланувчи бесоқолбоз деб ёки унинг ўзи зўравонликка интилган деб тахмин қилинганда, айниқса, жабрланувчи зўравонлик натижасида жисмонан лаззатланган бўлса, бундай фикрлар янада кескинлашади.

Аёллар ҳолатларида гидек, эркакларга нисбатан жинсий зўравонликнинг жисмоний оқибатлари қурбонларнинг репродуктив ёки жинсий қобилиятига заар етказилиш, жинсий йўл билан юқадиган ва бошқа инфекцион касалликлар, жинсий аъзоларнинг шикастланиши, сийдикни тутолмаслик ва сурункали оғриқларни ўз ичига олади. Эркак қурбонлар азоб чекаётган психологик оқибатлар орасида узоқ муддатли руҳий саломатлик муаммолари, руҳий тушкунлик, ташвиш, травмадан кейинги стресс, ўз-ўзига заар етказиш ва бошқалар мавжуд. Асосий психо-ижтимоий оқибатлардан бири бу туюлма хотинчалиш шахсга айланиш ва эркаклигини йўқотиш туфайли жабрланувчининг ахлоқий бузилишидир. Жабрланувчилар бошдан кечирган стигма баъзи ҳолларда уларнинг турмуш ўртоқлари ва болаларига ҳам ўтиши мумкин.⁹³

Эркакларга нисбатан ЖГАЗ ҳолатлари ҳақида давлат органларига хабар бермаслик давлатнинг ушбу муаммони ҳал қилиш қобилиятига тўсқинлик қилади. ЖГАЗ ҳақида хабар берилмасликнинг сабаблари кўп. Мисол учун, юқорида айтиб ўтилганидек, баъзи юрисдикцияларда эркаклар зўрлаш қурбони сифатида қабул қилинмайди. Бундан ташқари, агар ЖГАЗ эркак томонидан эркакка нисбатан содир этилган бўлса, жабрланувчилар бесоқолбозликда айбланишдан қўрқишлиари ёки ўзларини шармандага қолдим деб ҳисоблашлари мумкин.

92 Этиенне Г. Круг ва бошқалар. Зўравонлик ва саломатлик бўйича Жаҳон хисоботи (Женева: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2002), <https://www.who.int/publications/list/9241545615/ru/>.

93 “Хеч ким буни зўрлаш деб атамаса: ўтиш даври шароитида эркаклар ва ўғил болаларга нисбатан жинсий зўравонликка қарши ҳаракатлар”, Халқаро ўтиш даври адолат маркази, 2016 йил декабр, 2016, <https://www.ictj.org/sites/default/files/ICTJ_Report_SexualViolenceMen_2016.pdf>.

Хукуқий ва ижтимоий тўсиқларнинг бартараф этилиши жабрланувчиларнинг тажрибалари автоматик тарзда қабул қилинади дегани эмас. Кўпгина ҳолларда, тиббий ходимлар эркак қурбонларни аниқлаш ва даволаш бўйича ўқитилмаган бўлиши ёки улар эркаклар қурбонга айланиши мумкинлигига ишонмаслиги мумкин.⁹⁴ Баъзи мамлакатларда эркакларнинг эркаклар томонидан зўрланиши қурбони бўлган маҳбуслар алоҳида ажратилади ва уларнинг файлига ёки кийимига, камерасига ёки жетонларига маҳсус ёрлиқ ёки белги қўйилади.⁹⁵ Шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойлари ходимлари бундай шафқатсиз муомалани тўхтатиш ёки унинг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрмасликлари, ўзлари буни амалга оширишлари ёки доимий равища камситиши ва вазиятни суистеъмол қилишда иштирок этишлари мумкин.

Асосий тавсиялар

- ✓ Хукуқий базада эркакларга нисбатан жинсий зўравонлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши тўғрисида аниқ қоидалар бўлиши керак.
- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойларида эркаклар ҳам уларга нисбатан ЖГАЗ ҳолатлари ҳақида хабар бера олишлари учун барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириш керак.
- ✓ Тиббиёт ходимлари ўзларига маълум бўлган ЖГАЗ белгиларини ҳужжатлаштиришлари ва иложи борича, ушлаб турилган шахс/маҳбуснинг розилиги билан ваколатли органларга хабар беришлари керак.

3.2.3. Вояга етмаган ушлаб турилганлар

Гарчи бу нашрда балогатга етмаганларга нисбатан одил судлов мавзуси тўлиқ ёритилмаган бўлса-да, ёшларнинг қурбонга айланиш хавфини оширувчи бир қатор омиллар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.⁹⁶ Вояга етмаган маҳбусларнинг биографиялари ва ҳаётларидағи вазиятлари жуда хилма-хилдир, шу боис давлат органлари ходимлари уларнинг ҳар бир эҳтиёжини алоҳида хисобга олишлари керак. Яъни, бундай маҳбусларнинг нафақат ёшини, балки уларнинг жинсини, ривожланиш ва етуклик, билим даражасини, озодликдан маҳрум этиш жойидаги хулқ-атвор билан қанчалик таниш эканлигини, шунингдек, бошидан кечирган зўравонлик, эксплуатация ва мажбурлаш ҳолатларини ҳисобга олиш керак.

94 Шу ерда.

95 Томрис Атабай, Маҳсус эҳтиёжли маҳбуслар бўйича қўлланма (Вена: БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, 2009 йил), 106-бет, <https://www.unodc.org/pdf/criminal_justice/Handbook_on_Prisoners_with_Special_Needs.pdf>.

96 БМТнинг Бола хукуқлари тўғрисидаги конвенцияси болани 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахс деб белгилайди, аммо давлатлар жиноий жавобгарлик ёшини пастроқ даражада белгилаши мумкин. БМТнинг Вояга етмаганлар учун одил судловни амалга ошириш бўйича минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари сифатида танилган) “балогатга етмаган жиноятчи” атамаси “7 ёшдан 18 ёшгacha ва ундан юқори бўлган турли хил ёши [...]” қамрашини таъкидлайди.”

Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар ҳибсга олингандан кейинги даврда, сўроқ пайтида ва айниқса, “ота-оналари ёки васийлари билан тезкор боғланиш ва юридик ёрдамдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаганларида” ходимлар ёки бошқа маҳбуслар томонидан ЖГАЗ хавфи остида қоладилар.⁹⁷ Тashiш пайтида ва тергов изоляторларида ёш ҳуқуқбузарлар катталар билан бирга бўлиб қолишлари мумкин; бундан ташқари, суд жараёнини кутаётган даврда, вояга етмаган жиноятчилар аллақачон судланган вояга етмаган зўравонлар билан бирга сақланиши мумкин.

Вояга етмаганларни катталар билан бир хил муассасаларга жойлаштириш амалиёти ёшларни катталар маҳбуслари томонидан жинсий мажбуrlаш ёки бошқа зўравонликларнинг бевосита хавфига дучор қилади. Шу билан бирга, вояга етмаганлар муассасаларида маҳбуслар томонидан бир-бирига нисбатан, шунингдек, муассасалар ходимлари томонидан маҳбусларга нисбатан ЖГАЗ содир этиш ҳолатлари мавжуд. Ўғил болалар ва қизлар ёки кичик ва каттароқ болалар бирга жойлаштирилганда ҳам хавф ортади.⁹⁸ Турли хил эҳтиёжларга эга ва заифлик даражаси турлича бўлган ёшлар бир жойда жойлашганида ҳам муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

Вояга етмаганлар қамоқҳоналарида қизлар ва ўғил болаларни бирга сақлаш тажрибаси бўйича тадқиқотлар кўп эмас, аммо АҚШда олиб борилган тадқиқотлар вазиятга аниқлик киритади. Уларга кўра, фақат қизлар сақланадиган муассасаларда ўсмиirlар ўртасида жинсий зўравонлик даражаси фақат ўғил болалар сақланадиган муассасаларга нисбатан уч баравардан юқори (5,3 фоиз ва 1,5 фоиз). Бироқ, фақат ўғил болалар сақланадиган муассасаларда вояга етмаганларнинг 5,7%, фақат қизлар сақланадиган муассасаларда ўсмиirlарнинг 1,4% ходимлар томонидан содир этилган жинсий зўравонлик ҳақида хабар берган⁹⁹. ЖГАЗ кўрсаткичларидаги фарқлар бир қатор омилларга боғлиқ бўлишига қарамасдан, аниқланган маълумотлар қамоққа олинган қизлар ва ўғил болаларнинг заифликлари турлича эканлигини кўрсатади. Шунинг учун уларнинг эҳтиёжларини қондириш чораларини ишлаб чиқиша гендер омилларини ҳисобга олиш керак.

Болалар қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалаларга айниқса заиф бўлиб, жисмоний ва ҳиссий ривожланиши ва алоҳида эҳтиёжлари туфайли оғриқ ва азобларни катталар сезгандек сезмайдилар. Шундай қилиб, шафқатсиз муомала ёки қийноқларни ташкил қиласидиган хатти-ҳаракатларни аниқлашда жисмоний ва руҳий оқибатларга ҳамда жабрланувчининг ёшига эътибор қаратиш лозим.

Болаларга нисбатан муомала ва жазони шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи сифатида баҳолашда юқорироқ стандартлар қўлланилиши керак. Бундан ташқари, болаларнинг ўзига хос заифлиги давлатларга уларнинг ҳаёт, соғлиқ, қадр-қиммат, жисмоний ва руҳий дахлсизлик ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш мажбуриятини юклайди.

97 “Jean-Jacques Gautier МПМ Симпозиуми, Натижа ҳисоботи: Камоқдаги болаларнинг заифликларини кўриб чиқиши”, Кийноқларнинг олдини олиш ассоциацияси, 2014 йил, 14-бет.

98 Шу ерда.

99 “Вояга етмаганларни сақлаш муассасаларида жинсий виктимизациянинг муассаса ва индивидуал даражалари орасидаги нисбатлари, 2012 йил”, Адлия статистикаси бюроси, 2016-й., 12-бет.

3.2.4. ЛГБТИ гуруҳларига мансуб ушлаб турилганлар ва маҳбуслар

Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЛГБТИ шахслар бошқа маҳбусларга қараганда жинсий зўравонлик қурбони бўлиши, руҳий касалликлардан азият чекиши, бир кишилик камерада сақланиши ва интизомий чораларга тортилиши эҳтимоли кўпроқ.¹⁰⁰ Улар гендер билан боғлиқ тасаввурларга мос келмасликлари туфайли камситиш, зўравонлик ва таъқибларга кўпроқ дуч келишади.

Қийноқларнинг олдини олиш ассоциацияси таъкидлаганидек, ЛГБТИ шахслар ёки ушбу гуруҳга мансуб деб ҳисобланганлар озодликдан маҳрум этиш жойларида айниқса заиф бўлиб, инсон ҳуқуқлари бузилиши ва (шу жумладан, бошқа маҳбуслар томонидан) шафқатсиз муомалага дучор бўлиш хавфи остида бўладилар; бу ҳолат бутун жиноий адлия тизими миқёсида содир бўлади.¹⁰¹

2010 йилда Европа Кенгаши Вазирлар кўмитаси аъзо давлатларга мўлжалланган жинсий ориентация ёки гендер ўзига хослиги асосида камситишларга қарши курашиб чоралари бўйича тавсияларни маъқуллади. 4-сонли тавсияда шундай дейилади: “Аъзо давлатлар қамоққа олинган ёки бошқа йўл билан озодликдан маҳрум қилинган барча шахсларнинг, шу жумладан ЛГБТИ шахсларнинг хавфсизлиги ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш учун тегишли чораларни кўришлари, хусусан, жисмоний зўравонлик, зўрлаш ва жинсий тажовузнинг бошқа шаклларидан, бундай жиноятлар ҳибсда сақланётган шахслар ёки ходимлар томонидан қатъий назар, химояланиш чораларини кўришлари керак; бу чора-тадбирлар трансгендер шахсларнинг гендер мансублигини муносиб ҳимоялаш ва ҳурмат қилиш мақсадида амалга оширилиши керак”.¹⁰²

БМТнинг Қийноқлар бўйича маҳсус маърузачиси ЛГБТИ шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий, жисмоний ва руҳий зўравонлик ҳолатлари бошқа маҳбусларга қараганда кўпроқ тарқалганлигини таъкидлади.¹⁰³ Бу ҳолат озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳбуслар орасидаги қатъий иерархия билан ҳам боғлиқ. Шу билан бирга, иерархиянинг энг қуий поғонасидагилар, одатда, икки ёки уч карра кўпроқ камситишларга дучор бўлишади.¹⁰⁴ Баъзи муассасаларда бошқа маҳбуслар томонидан ЛГБТИ деб ҳисобланадиганлар қамоқхонанинг норасмий ижтимоий иерархиясида энг паст поғонани эгаллайди. Масалан, Грузиядаги эркаклар сақланадиган озодликдан маҳрум этиш жойларининг ёзилмаган қоидаларга кўра, гейлар, бисексуаллар ва эркаклар билан жинсий алоқада бўлган эркаклар бошқа маҳбуслар билан бир камерада бўлишлари мумкин эмас. Бошқа маҳбуслар

100 Қамоқхоналарда соғлиқни сақлаш, 78-изоҳ.

101 Қийноқларнинг олдини олиш ассоциацияси, ЛГБТИни самарали ҳимоя қилиш йўлида, 2018, <<https://apt.ch/en/resources/lgbti-monitoring-guide/>>.

102 Озодликдан маҳрум этилган шахслар: Мониторинг бўйича қўлланма: <https://wcd.coe.int/ViewDoc.jsp?id=1606669>

103 Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолар бўйича Маҳсус маърузачининг ҳисоботи, 2016 йил 5 январ, А/HRC/31/57, п. 34.

104 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгашига қийноқлар бўйича маҳсус маърузачининг ҳисоботи, дунёда қийноқлар, шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо ходисаларини ўрганиш, шу жумладан қамоқда сақлаш шароитларини баҳолаш, 2010 йил 5 феврал, А/HRC/13/39/5-қисм, 231-банд

уларга “бирга овқатланиш, бир идишдан фойдаланиш ёки қўл бериб кўришишга” йўл қўймайди.¹⁰⁵

ЛГБТИ шахслар бутун жамиятда дуч келадиган стигма, дискриминация ва ҳуқуқий ҳимоянинг этишмаслиги озодликдан маҳрум этиш жойларида такроран содир этилиши ёки кучайиши ҳам мумкин.

Озодликдан маҳрум этилган ЛГБТИ аёллар ва эркаклар қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалага дучор бўлиш хавфи остидадир, чунки “жиноий адлия тизимлари уларнинг барча даражадаги маҳсус эҳтиёжларини эътиборсиз қолдиради”.¹⁰⁶ Ёпиқ муассасаларда ЛГБТИ шахсларга ёки ЛГБТИ деб ҳисобланган шахсларга нисбатан қийноқлар ва шафқатсиз муомалалар ҳолатлари “полиция ходимлари, қамоқхона қўриқчилари ёки уларнинг ҳамкаслари томонидан ҳужжатлаштирилган, аммо давлат амалдорлари бунга кўз юмган”.¹⁰⁷

Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомала турли шаклларга, жумладан камситувчи ва беҳаё тарздаги шахсий тинтуб қилиш, шунингдек, гей эркакларни гомосексуаллигини “исботлаш” учун уларни анал текширувдан ўтказиш шаклларига эга бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир алоҳида гуруҳ турли хил муаммолар ва қийинчиликларга дуч келади: масалан, озодликдан маҳрум этиш жойларида трансгендер ва интерсекс шахслар дуч келадиган заифлик лесбиянлар, гейлар ёки бисексуаллар дуч келадиган заифликдан жуда фарқ қилиши мумкин. Жазоланишдан қўрқиш ва шикоят қилиш механизмларига ишонмаслик уларнинг зўравонлик хақида хабар бермаслигига сабаб бўлиши мумкин. Бундай шахсларни гўёки уларнинг ўзларини “ҳимоялаш” учун бир кишилик камерада ёки маъмурий изоляцияда сақлаш қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалаларга қўйилган тақиқнинг бузилиши бўлиши мумкин. Ҳукумат органлари турли жинсий ориентация ва гендер идентификаторларига эга шахсларга нисбатан бошқа ушлаб турилганлар/маҳбуслар томонидан содир этиладиган зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш учун мазкур шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда оқилона чоралар кўришлари шарт.

105 “Грузиядаги ЛГБТИ шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати”, Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва мониторинг маркази (ЭМС), 2016, 65-бет.

106 Шу ерда.

107 Ахборот материал: гомофобия ва трансфобия асосидаги зўравонлик, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, <https://www.unfe.org/system/unfe-5-UN_Fact_Sheets_v6_-_Homophobic_and_transphobic_violence.pdf>.

Асосий тавсиялар

- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойлари раҳбарлари ходимлар ва ушлаб турилган шахслар/маҳбуслар томонидан ЛГБТИ шахсларга нисбатан камситишларга нисбатан муросасизлик сиёсатини қўллаб-қувватлашлари керак.
- ✓ Хавфсизликни таъминлаш мақсадидаги изоляция фақат ушлаб турилган шахснинг/маҳбуснинг розилиги билан қўлланилиши мумкин; бундай чоралар ҳимоя кафолатлари ва мунтазам текширувлар билан биргаликда амалга оширилиши керак.

БМТ НЖБнинг Maxsus эҳтиёжга эга маҳбуслар бўйича қўлланмасида қайд этилишича, “кўпгина озодликдан маҳрум этиш тизимларида “тажовузкор гомосексуаллар” ҳақидаги мифлар, яъни бир хил жинсий ориентацияга эга бўлган одамларнинг ўзлари жинсий зўравонлик ва зўрлашнинг айборлари эканлиги тўғрисидаги нотўғри фикрлар сақланиб қолмоқда”.¹⁰⁸ Ҳақиқатга қарайдиган бўлсак, ЛГБТИ маҳбуслар ёки жинсий ориентацияси ёки гендер мансублиги “гетеронорматив ижтимоий контекстда кутилганидан”¹⁰⁹ фарқ қиласидиган шахслар самарали ҳимоя механизмлари ва олдини олиш чоралари йўқлигига бошқа ушлаб турилганлар, маҳбуслар ёки ходимлар томонидан содир этиладиган ЖГАЗ қурбонига айланиши хавфи юқори бўлади. Масалан, АҚШда 2005 йилда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, озодликдан маҳрум этиш жойларида гей ва бисексуал эркакларнинг 41 фоизи жинсий зўравонликка учраган, гетеросексуал эркакларга тегишли худди шу кўрсаткич эса 9 фоизга teng. АҚШнинг учта турмасида зўравонликка дучор бўлган маҳбус аёлларнинг тўртдан бир қисми бисексуал ёки лесбиян бўлган.¹¹⁰

Эркаклар сингари, аёллар ҳам ўзларининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган жинсий ориентацияси ёки гендер мансублиги асосида ЖГАЗ қурбони бўлишлари мумкин. Бу зўравонлик бошқа маҳбуслар ёки ходимлар, ҳам эркаклар, ҳам аёллар томонидан содир этилиши мумкин. Аёлларга нисбатан зўравонлик бўйича маҳsus маърузачи лесбиян маҳбуслар “қамоқхона ходимларининг беҳаё қўнгил овлашларини рад этган ҳолда эркаклар билан бирга камераларга жойлаштирилгани”дан хавотир билдириди. Шунингдек, у “қўриқчилар фикрига кўра “эркакнамо” кўринишга эга деб ҳисобланган маҳбус аёллар таъқиб, жисмоний зўравонлик ва “мажбурий феминизация”га учраганини” қўшимча қилди”.¹¹¹

108 Atabay, op.cit., 95-изоҳ, 105-бет.

109 Jean-Jacques Gautier МПМ симпозиуми, якуний ҳисобот, “Қамоқхонадаги ЛГБТ шахсларнинг заифлиги ҳолатларини ҳал қилиш”, Кийиноқларнинг олдини олиш ассоциацияси, 2015, 13-бет.

110 Алоҳида эҳтиёжли маҳбуслар бўйича қўлланма”, 105-бет. op cit, 95-изоҳ.

111 “Жинсий ориентация ва гендер мансублиги кўра камситиш ва зўравонлик”, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, 2015 йил 4 май, A/HRC/29/23, п. 36.

Баъзи турмаларда аёл маҳбуслар ўртасидаги бир жинсли муносабатлар эркак маҳбусларнига қараганда яққолроқ ва мақбулроқ тусга эга бўлиши мумкин. Мисол учун, 2009 йилда ўтказилган фокус-гуруҳда АҚШдаги аёллар қамоқхоналаридағи баъзи офицерлар “аёллар ўртасидаги жисмоний меҳр ва тегинишлар маҳбуслар ҳаётининг мақбул қисмидир” деган фикрларни билдирилар. Баъзи ходимлар эса, “ўзаро муносабатлардаги аёллар ўртасидаги жисмоний алоқа ҳақида интизомий ҳисобот тузиш ҳолати улар учун зиддиятли” эканлигини таъкидлаган¹¹². Агар қамоқхона маъмурияти аёлларнинг гомосексуаллиги эркакларнига қараганда камроқ тақиқланган деб ҳисобласа, у ҳолда улар аёл маҳбуслар ўртасидаги ЖГАЗнинг олдини олиш учун ҳеч қандай чора кўрмасликлари мумкин.

Трансгендер ва интерсексуал шахслар жамиятда уларга нисбатан ҳукмрон бўлган ижтимоий камситиш ва фобиялар сабабли маҳбуслар ёки ходимлар томонидан таъқиб қилиниши мумкин. Бундай шахслар қамоқхоналар ёки камераларга жойлаштириш ва шахсий тинтувлар ҳолатларида ҳукумат уларнинг эҳтиёжларини эътиборга олмайдиган заиф вазиятга тушиб қолишлари мумкин. Бундай ҳолларда маҳбусларга аёллар ёки эркаклар муассасасида сақланиши ва улар учун тинтув эркак ёки аёл томонидан қилингани маъқуллиги тўғрисида маслаҳатлар берилиши керак.

Буюк Британияда Миллий ҳуқуқбузарлар билан ишлаш хизмати томонидан чиқарилган Қамоқхона хизматининг 17/201656-сонли (Трансгендер ҳуқуқбузарларга кўрсатиладиган ғамхўрлик ва муомала) йўриқномаси дастлабки баҳолаш вақтида барча зўравонларнинг ҳуқуқий жинсини аниқлаш учун чоралар кўришни назарда тутади. Трансгендер маҳбуслардан қамоқхона ҳудудининг қайси қисми улар танлаган жинсни яхшироқ акс эттириши ҳақидағи фикрларини сўраш керак. Агар трансгендер маҳбус қамоқхона ҳудудининг унинг қонуний жинсига мос келмайдиган қисмини ажратишни истаса, “Трансгендерлар ишлари бўйича кенгаш” ҳар бир ҳолат бўйича қарор қабул қиласди. Бунда “транссексуал” эмас, “трансгендер” атамаси атайлаб қўлланилган ва баъзи ҳуқуқбузарлар ўз гендерларини ўзгарувчан ёки нейтралроқ тарзда аниқлаши мумкинлиги тан олинади¹¹³.

Ушбу соҳадаги амалиёт ҳали ҳам ривожланмоқда ва вақт ўтиши билан яхши амалиётларнинг далиллар базаси пайдо бўлишига умид қилинади.

112 Аёллар сақланадиган қамоқхоналар ва турмалардаги жинсий зўравонлик, оп. cit., 72-изоҳ, 5-бет

113 Қийноқларнинг олдини олиш ассоциацияси, Озодликдан маҳрум бўлган ЛГБТИ шахсларни самарали ҳимоя қилиш йўлида, (Женева: 2018) <https://apt.ch/content/files_res/apt_20181204_towards-the-effective-protection-of-lgbti-persons-deprived-of-liberty-a-monitoring-guide-final.pdf>

Асосий тавсия

- ✓ ЛГБТИ шахсларни шахсий тинтуб қилиш ва трансгендер ёки интерсексуал шахсларни жойлаштириш бўйича сиёsat, иложи борича, ушлаб турилган/маҳбус ЛГБТИ шахслар ва тегишли экспертлар/маслаҳатлашув гурухлари билан маслаҳатлашган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

Жавоб тариқасидаги ҳаракатлар амалиётини ишлаб чиқиш жараёни ЛГБТИ маҳбусларга эътибор қаратувчи халқаро стандартларнинг йўқлиги, уларнинг қамоқхоналардаги тажрибаси тўғрисидаги маълумотларнинг чекланганлиги ва турмада ЛГБТИ масаласига қандай ёндашишни тушунмасликдан тортиб очик гомофобия ёки трансфобиягача бўлган уларга нисбатан душманона муносабат билан мураккаблашади.

Бошқа жинсий ориентацияга ва гендер мансублигига эга бўлган шахслар ҳибсда сақланаётганда зўравонликка дучор бўлмасликларини таъминлаш ташабbusлари ҳимояга бўлган эҳтиёж ва изоляцияга йўл қўймаслик ва муассаса хизматлари ҳамда фаолиятидан маҳрум бўлиш ўртасида эҳтиёткорлик билан мувозанатни сақлашни талаб қиласилар. Ҳимоя чоралари маълум бир ушлаб турилган ёки маҳбуснинг ЛГБТИ мақомига ортиқча эътибор қаратмайдиган тарзда қўлла-нилиши керак.

3.3. Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликка нисбатан заифликни оширадиган омиллар

Ушлаб турилганлар ва маҳбусларни заиф аҳволга соладиган омиллар “маҳбуслар ва уларни назорат қилувчи шахслар ўртасидаги ҳокимият мувозанатининг бузилиши ва маҳбусларнинг уларни озодликдан маҳрум қилувчи ёки ҳаракатини чекловчи муассасага деярли тўлиқ боғлиқлиги, шунингдек, қамоқда сақлаш билан боғлик ижтимоий муносабатлар заифлашувини ва стигматизацияни акс эттиради”.¹¹⁴

114 “Заифлик ҳолатига тушган гурухлар”, Қийноқларнинг олдини олиш ассоциацияси маркази веб-сайти, <<http://www.apt.ch/detention-focus/en/groups-in-situation-of-vulnerability/>>.

Асосий тавсиялар

- ✓ Қамоққа олиш жойларида, жумладан, полиция бўлимлари, тергов ҳибсоналари ва ахлоқ тузатиш муассасаларида ЖГАЗнинг тарқалиши ҳақидаги мавжуд маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун ресурслар ажратиш керак. Алоҳида гуруҳларнинг заифлигига, қамоққа олиш натижасидаги заифликка ва ЖГАЗ энг кўп содир бўладиган жойларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.
- ✓ Хавф остидаги гуруҳлар ва шахслар учун ЖГАЗ хавфини камайтириш учун маҳсус стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак. Стратегияларни ишлаб чиқиша экспертлар, тегишли ташкилотлар ва ЖГАЗни бошидан кечирганлар билан маслаҳатлашиш зарур.

Жиноий адлия тизими муассасаларига тушиб қолганлар ўтмишда четланиш ва қувғинларни бошдан кечирган бўлиши мумкин. Уларнинг биографиясида ижтимоий четланиш ҳолатлари, масалан, мактабдан четлатилиш, ишсизлик ёки уйсизлик каби ҳолатлар бўлган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ушлаб турилганлар ва маҳбуслар орасида болалигига шафқатсиз муомала ва зўравонликка учраган, гиёҳвандлик ёки алкоголизмга мойил бўлган ёки ривожланган руҳий касалликлардан азият чекадиганлар кўп учрайди. Бу ҳолатларнинг барчаси ушбу шахслар учун ЖГАЗ хавфини ошириши ва уларнинг қамоқдаги қийинчиликларга чидаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларидаги потенциал шафқатсиз муомалага дош бериш қобилиятига таъсир қилиши мумкин.

Маъмурият озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг келиб чиқиши ва алоҳида эҳтиёжлари уларнинг заифлигини ошириши мумкинлигини билиши ва бу заиф шахсларнинг муносиб ҳимоя қилинишини таъминлаш учун барча чораларни кўриши керак. Бундай заифликларга эътибор бермаслик (қўйида батафсилроқ тавсифланган) баъзи ҳолларда қўпол муомалага тенглаштирилиши мумкин.¹¹⁵

115 Jim Murdoch ва Václav Jiříčka, Қамоқхонада шафқатсиз муносабатда бўлишга қарши кураш: қамоқхона на ходимлари учун қамоқхонада шафқатсиз муносабатнинг олдини олишга қаратилган қўлланма (Страсбург: Европа Кенгashi, 2016), 47-бет.



Қийноқларнинг олдини олиш ассоциацияси (ҚОА) **заифликни оширадиган хавф омилларини** шахсий, экологик ва ижтимоий-маданий турларига бўлиб таснифлайди:

- **шахсий омиллар:** ёши, жинси, таълим даражаси, миллати ва этник келиб чиқиши, жисмоний ва руҳий саломатлиги, ҳуқуқий ҳолати, молиявий аҳволи, хабардорлик дараҷасининг пастлиги, ўзига паст баҳо бериши, ҳозирги ёки ўтмишдаги жароҳат билан боғлиқ вазият (шу жумладан қийноқлар, оиласвий ва жинсий зўравонлик), ҳаётий тажрибалари ва бошқалар;
- **муайян атроф-муҳит билан боғлиқ омиллар:** қўриқчиларнинг муносабати, қўриқчилар сонининг маҳбуслар сонига нисбати, бошқа маҳбусларнинг муносабати, тиббий (шу жумладан психиатрик) ёрдам, юридик ва ижтимоий хизматларнинг мавжудлиги ва профессионал даражаси; норасмий имтиёзлар тизимлари; озодликдан маҳрум этиш жойининг тузилиши, шу жумладан маълум мақсадлар учун биноларни қайта қуриш/мослаштириш имконияти; маҳбуснинг қариндошлари билан алоқаларининг йўқлиги, камераларнинг тўлиб кетганлиги ва бошқалар;
- **ижтимоий-маданий омиллар:** жамият ва оммавий ахборот воситаларининг озодликдан маҳрум этилган шахсларга муносабати, стигматизация ва ижтимоий четланиш, жамият томонидан эътиборнинг этишмаслиги (“ижтимоий маконда кўзга тушмаслик”), жамиятнинг озчиликларга муносабати, коррупция ва бошқалардир.¹¹⁶

Озодликдан маҳрум этиш тизими реабилитация ва озодликка эмас, балки жазога кўпроқ эътибор қаратса, маҳбусларнинг ҳуқуқлари ва хавфсизлигини яхшилашга қаратилган ислоҳотлар имкониятлари чекланиб қолади. Бундай вазиятда маҳбусларнинг ҳуқуқлари устувор ҳисобланмаслиги ёки умуман эътиборга олинмаслиги мумкин.

Озодликдан маҳрум этилган барча шахсларнинг ЖГАЗ олдида заифлиги ошиши мумкин, лекин энг оғир даражадаги заифлика, агар муассасада зарур ҳимоя механизmlари мавжуд бўлмаса, умуман олганда турма ташқарисида ҳам маргиналлаштирилган ёки камситилган шахслар дучор бўлади.¹¹⁷ Маъмурият кўпинча қамоқдаги маргиналлашган шахсларнинг эҳтиёжларини таъминламайди.¹¹⁸

¹¹⁶ “Заифлик ҳолатига тушган гурухлар” APT.ch, <<http://www.apt.ch/detention-focus/en/groups-in-situation-of-vulnerability/>>.

¹¹⁷ Шу ерда.

¹¹⁸ Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолар бўйича маҳсус маъruzачининг оралиқ ҳисоботи, 2013 йил 7 октябр, А/68/295, п. 67.

Жамиятда “ўрнатилган камситувчи муносабатлар туфайли ЖГАЗ мақбул ҳодиса сифатида қабул қилиниши” мумкинлигига қўшимча равишда, жабрланувчиларнинг маргиналлашганлигининг ўзи ҳам уларнинг “айбдорларнинг жавобгарликка тортилишига эришиш имкониятини пасайтиради ва натижада жазосизлик янада кучаяди”.¹¹⁹

Қуйидаги жадвал, гарчи тўлиқ бўлмаса-да, эҳтиёжлари ва хавфсизлиги маъмурият томонидан таъминланмаган ҳолатда заифлиги ошиши мумкин бўлган гурухлар ҳақидаги маълумотдан иборат.

Омил	ЖГАЗ билан боғлиқлик
Ёш	Ёш ушлаб турилганлар/маҳбуслар ёши, етуклиги ва ёш кўриниши туфайли жинсий эксплуатация ва гендерга асосланган зўравонликдан алоҳида ҳимояга муҳтож бўлиши мумкин. ¹²⁰ 2003 йилги Озодликдан маҳрум этиш жойларида зўрлашларга барҳам бериш тўғрисидаги қонуннинг асоси бўлган АҚШ Конгрессининг маълумотларига кўра, вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик содир этиш даражаси катталар муассасаларида вояга етмаганлар муассасаларига қараганда беш баравар кўпдир, зўравонлик ҳаракатлари кўпинча ҳибсга олингандан кейинги биринчи 48 соат ичida содир бўлади. ¹²¹ Бундан ташқари, кекса маҳбуслар ёш маҳбуслар томонидан зўравонлик хавфи остида бўладилар.
Этник ва/ ёки “ирқий” мансублик	Этник ва ирқий озчиликлар, шунингдек, маҳаллий миллатлар вакиллари кўп ҳолларда маҳбуслар ва қамоққа олингандар орасида номутаносиб равишда кўп учрайди ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ хавфи остида бўлиши мумкин, чунки жамиятда мавжуд бўлган камситиш кўпинча турмалар ва озодликдан маҳрум этиш жойларида янада кучяди. ¹²² Миллатлараро низолар содир бўлиб келган мамлакатларда этник озчиликлар жазо ёки қасос сифатидаги зўравонликка дучор бўлиши мумкин. Турмалар ва озодликдан маҳрум этиш жойларида озчиликларнинг номутаносиб равишда кўп учраши кўпинча жиноий адлия тизими томонидан уларга нисбатан камситувчи муносабатни акс эттиради. Бундай камситишлар озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам мавжуд. ¹²³

119 Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолар бўйича Maxsus маърузачининг ҳисоботи, 2016 йил 5 январ, A/HRC/31/57, п. 9

120 “Кутулиш йўқ: АҚШ қамоқхоналарида эркакларни зўрлаш”, Human Rights Watch, <<https://www.hrw.org/reports/2001/prison/report4.htm>>.

121 “Қамоқхонада ўсмирлар ўлжага айланади”, The New York Times, 5 июн 2012 йил, <<https://www.nytimes.com/roomfordebate/2012/06/05/when-to-punish-a-young-offender-and-when-to-rehabilitate/in-prison-teenagers-become-prey?mcubz=0>>.

122 Масалан, Испанияда лўли аёллар аҳолининг 1,4 фоизини, лекин маҳбус аёлларнинг 25 фоизини ташкил қиласди. Қаранг: Меган Бастик ва Лорел Таунхед, “Қамоқхонадаги аёллар: БМТнинг маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидаларига шарҳ”, БМТнинг Квакер идораси, 2008 йил, 99-бет. Кўшма Штатларда афро-америкалик аёллар (100 000 кишига 109) 2014 йилда оқ танли аёллардан икки баравар кўпроқ әди. Қаранг: “Fact Sheet: Incarcerated Women and Girls”, The Sentencing Project, 2015, 2-бет.

123 Масалан, Европа лўлилар ҳуқуқлари маркази Европанинг бир қанча давлатларида полиция ҳибсонасида бўлган лўли эркаклар ва аёлларнинг зўравонликларини ҳужжатлаштирган. <http://www.errc.org/index> сайтида Европа лўлилар ҳуқуқлари маркази томонидан тайёрланган ҳужжатларга қаранг.

Дин ёки маданият	Муайян диний ёки маданий гуруҳлар аъзолари эътиқодлари ёки жинсий сабаблар билан боғлиқ тақиқлар туфайли ЖГАЗга дучор бўлишлари мумкин.
Фуқаролик	Чет элликлар зўравонларнинг алоҳида мақсадли гуруҳини ташкил этадилар (улар муҳожирлар ва қочқинлар ёки баъзилар миллий манфаатлар учун хавфли деб ҳисобланган шахслар, масалан, ҳақиқий ёки потенциал террорчилар ёки радикаллар деб тахмин қилинадиган шахслар бўлиши мумкин). Бундан ташқари, чет эллик ушлаб турилганлар ва маҳбуслар кўпинча озодликдан маҳрум этиш жойларида қўлланиладиган асосий тилни билишмайди. Бундай маҳбуслар ўз уйларидан олисда бўлиб қамалган мамлакатда уларни қўллаб-қувватлайдиган қариндошлари ёки дўстлари бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолат уларнинг заифлигини янада оширади.
Ногиронлик (жисмоний ва руҳий саломатлик)	Ногиронларнинг эҳтиёжлари етарли даражада қондирилмаган ва турма ёки озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти улар учун хавфсиз муҳит яратиб бермаган ҳолларда улар зўравонлик хавфи остида бўлиши мумкин. Ногирон ушлаб турилганлар ва маҳбуслар ҳамда бошқалар қаторида асосан когнитив нуқсонлари бор шахслар камситиш ва виктимизацияга дучор бўлишлари мумкин. Бу эса “ходимлар ва бошқа маҳбуслар томонидан камситишлар, шафқатсиз муомала ва зўравонликка, шу жумладан зўрлашларга олиб келиши мумкин” ¹²⁴ . Бундай зўравонликларни содир этувчилар кўпинча ақлий заифлиги бўлган шахс жинсий зўравонлик ҳақида шикоят қиласа, улар жиддий қабул қилинмайди деган тахминга асосланади. Озодликдан маҳрум этиш жойи ва тергов изоляторлари ходимлари бу вазиятни ҳисобга олишлари керак.
Таниқли шахслар	Бу тоифага таниқли шахслар, давлат амалдорлари ёки таниқли кишиларнинг қариндошлари кириши мумкин. Улар жамиятдаги мавқелари туфайли зўравонликка дучор бўлишлари мумкин. Агар уларнинг сиёсий ёки бошқа турдаги инқирозга алоқаси бўлса, бу ҳам зўравонлик ва шафқатсиз муомалага ундейдиган омил бўлиши мумкин.

124 “Ногиронлиги бор шахслар”, APT.ch, <http://www.apt.ch/detention-focus/en/vulnerable_groups/3/>.

Фоҳишалик билан шуғулланган шахслар	Фоҳишалик билан шуғулланган шахслар ЖГАЗ олдида айниқса заифдир ва ўзларининг маргинал мавқелари туфайли ўзларини хавфсиз ҳис қилмасликлари ёки керакли ёрдамни олмасликлари мумкин, натижада улар зўравонлик ҳаракатларига жавобан чоралар кўрмайдилар. Қайд қилинган фоҳиша аёлларга нисбатан полиция томонидан содир этилаётган зўравонлик ва таъқиб қилиш ҳолатлари ҳеч қандай қонуний асоссиз рейдлар, ҳибсга олишлар, шунингдек, зўравонлик, зўрлаш, товламачилик, жинсий зўравонлик ва ҳибсдан озод қилиш эвазига жинсий хизматлар кўрсатишига мажбурлаш каби шаклларга эга ¹²⁵ . Трансгендер фоҳишалар ҳам ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан зўравонниклар ҳақида хабар беришади.
--------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Буюк Британия турмаларидаги рома ва синтига мансуб шахслар



Буюк Британиянинг Озодликдан маҳрум этиш жойлари инспекцияси томонидан 2012 ва 2013-йилларда ўтказилган сўровларга кўра¹²⁶, ўзларини “лўлилар, рома ва сайёр кишилар”¹²⁷ дейдиган маҳбуслар бошқа маҳбусларга қараганда қамоқдаги кечинмалари тўғрисида салбийроқ муносабат билдиришган. Ушбу маҳбуслар гуруҳи бошқалардан фарқли ўлароқ анкета саволларининг 57%га салбий ва атиги 7%га ижобий жавоблар берган.

Ушбу тоифадаги маҳбусларнинг кўпчилиги қамоқхонага олиб кетилаётганларида ва/ёки қамоқхонадаги биринчи кечада ўзларини хавфсиз сезмаганини айтишган. Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 46 фоизи (ромага мансуб бўлмаган маҳбусларнинг 33 фоиз) у ёки бу вақтда ўзини хавфсиз ҳис қилганини, 24 фоизи (ромага мансуб бўлмаган маҳбусларнинг 13 фоизи) эса Қамоқхоналар бўйича инспекция томонидан ўтказилган сўров пайтида ўзларини хавфсиз ҳис қилганларини қайд этган. Ушбу гуруҳдаги респондентларнинг 36 фоизи (сўровнинг қолган респондентларининг 23 фоизи) бошқа маҳбуслар томонидан, 40 фоизи сўровнинг (қолган респондентларининг 27 фоизи) эса қўриқчилар томонидан зўравонликка дучор бўлганликларини айтишди.

125 Масалан, “Структурал зўравонлик бўйича ҳамжамият ҳисоботига” қаранг, Европада фоҳишалар ҳуқуқлари бўйича халқаро қўмита, 2015 йил.

126 “Қамоқхонадаги одамлар: лўлилар, ромалар ва сайёр кишилар”, HM Inspectorate of Prisons, <<https://www.justiceinspectorates.gov.uk/prisons/wp-content/uploads/sites/4/2014/04/gypsies-romany-travellers-findings.pdf>>.

127 Манбадаги терминологияси қўлланилган.

3.4. Динамик ва кесишган заифликлар

Муайян шахслар турмалар ва озодликдан маҳрум этиш жойларида қамоқقا олингандардан ажралиб туриши сабабли зўравонликка дучор бўлиши мумкин. Шу билан бирга, заифликнинг динамик компоненти ҳам мавжуд. “Динамик заифлик” деб аталадиган ҳодиса маълум шароитларда ёки жойларда мавжуд бўлиб, шахсий хусусиятларга камроқ боғлиқдир. Мисол учун, Германия озодликдан маҳрум этиш жойларидаги зўравонликларни ўрганиш шуни кўрсатдики, жисмоний ва жинсий зўравонлик аксарият ҳолларда вақтинча сақлаш камералари ва душ хоналарида содир бўлади.¹²⁸ Ушбу биноларда маҳбусларнинг заифлиги ошади. Заифликнинг динамик компоненти ҳибсга олиш, сўроқ қилиш ва бошқа ерга кўчириш вақтида, тиббий кўриклар пайтида ва тунги вақтда кучайиши мумкин.¹²⁹

Заифликлар кўп сонли ёки ўзаро кесишган ҳам бўлиши мумкин. Масалан, гендер мансублигига, этник келиб чиқишига ёки чет эл фуқароси мақомига асосланган заифлик бир вақтнинг ўзида маҳбуснинг содир этган жинояти табиати, аввал ҳам қамалган ёки қамалмаганлиги ёки гиёхванд моддаларга қарамлиги каби бошқа омиллар билан кесишиши мумкин. Шунингдек, маҳбуснинг заифлик даражаси камерани ким билан бўлишаётганига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Маъмурият маҳбусларнинг хавф-хатарлари ва ҳимоя эҳтиёжларини баҳолашда бир қатор омилларни, шу жумладан кўп сонли заифликни ва муайян маҳбуснинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиши керак.

Заифликнинг мумкин бўлган омиллари:

- * **содир қилинган жиноятнинг табиати.** Жиноятларнинг муайян турлари бўйича гумон қилинган, айбланаётган ёки судланган ушлаб турилганлар/маҳбуслар учун ЖГАЗ хавфи юқори бўлиши мумкин. Масалан, жинсий табиатга эга жиноятлар, айниқса, жинсий зўравонлик, зўрлаш ёки болалар иштирокидаги жиноятлар учун судланганлар алоҳида хавф остида бўладилар. Агар бошқа маҳбуслар маълум бир шахснинг вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятларда айблангандигини билишса, бу ҳолат шахснинг озодликдан маҳрум этиш жойида жинсий зўравонликка дучор бўлиш эҳтимолини сезиларли даражада оширади. Бундай жиноятлар учун ҳукм қилинган кўплаб маҳбуслар бошқа маҳбуслар томонидан жинсий зўравонлика дучор бўлганлари ҳақида хабар беришган ҳамда уларнинг барчаси шуни таъкидлаганки, улар томонидан собир этилган

128 Steffen Bieneck and Christian Pfeiffer, “Viktimsierungserfahrungen im Justizvollzug”, Research Report No. 119, Kriminologisches Forschungsinstitut Niedersachsen e.V., 2012, 14-бет.

129 Қўшма Штатларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, маҳбусга нисбатан жинсий зўравонликнинг аксарияти жабрланувчининг камерасида кечки пайт содир бўлади. Қаранг: “Қамоқхоналар ва вояга етмаганлар учун муассасаларда жинсий тажовуз: олдини олиш ва жавоб чораларини кўриш бўйича истиқболли амалиётлар”, Якуний ҳисобот, 2011 йил ноябр, 6-бет, <<https://www.ncjrs.gov/pdffiles1/nij/grants/236738.pdf>>.

жиноятларнинг табиати бундай зўравонликларга сабаб бўлган ёки эҳтимолини оширган;¹³⁰

- * **қамоқда бўлиш тажрибаси.** Озодликдан маҳрум этиш жойи маданияти билан таниш бўлмаган, “янги келганлар” ва зўравонликсиз жиноятларни содир этган маҳбуслар учун ҳам ЖГАЗ хавфи юқори бўлиши мумкин;
- * **қамоқда ўтказилган вақт.** Заифлик ёки хавф даражаси шахснинг ҳибса ўтказган вақтига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. ЖГАЗ биринчи марта қамалган ҳамда ҳали озодликдан маҳрум этиш жойи муҳитига кўникмаган маҳбусларга нисбатан босим ўтказиш ёки қўрқитиш орқали ҳамда дўстлик ёки ҳимоя ваъда қилган ҳолда содир этилиши мумкин. Иккинчи томондан, заифлик вақт ўтиши билан кучайиб узоқ муддатли ёки умрбод қамоқ жазосини ўтаётган шахслар заифлиги янада ошиши мумкин, чунки узоқ муддатли қамоқ уларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин;
- * **ёмон одатлар ва қарамлик.** Бунда алкоголь, гиёхвандлик, қимор ўйинлари ва бошқа муаммолар – масалан, бошқа маҳбуслар/ушлаб турилганларга қарзни қайтариш зарурати ҳақида гап кетиши мумкин. Маҳбусларга ёмон одатлар ёки гиёхвандликдан халос бўлиш учун зарур ёрдам кўрсатиласа, заифлик янада кучайиши мумкин;
- * **шахсий ва хулқ-атвор омиллари.** Бошқаларга қўшилмайдиган ва/ёки заифлик белгиларини (ўзига шубҳа, уятчанлик, ўйчанлик) намойиш қиласидиган маҳбуслар ёки ушлаб турилганлар учун ЖГАЗ хавфи юқори бўлади;¹³¹
- * **ижтимоий изоляция/молиявий ҳолат.** Камбағал одамлар қамоқда ўз хавфсизлигини таъминлаш учун маблағларга эга бўлмасдан пул ва озиқ-овқат учун ўзларини заиф аҳволга солишга мажбур бўладилар;
- * **ҳар қандай жиноий гуруҳга мансублик.** Муайян жиноий гуруҳга ёки жиноий иерархиядаги мавқега мансублик маҳбусларни бошқа душман гуруҳлар ёки ўз гуруҳининг юқори лавозимдаги бошқа аъзолари томонидан зўравонликка дучор қилиши мумкин;
- * **ташқи дунё билан алоқалар.** Қариндошлари, дўстлари, адвокатлари ёки озодликдан маҳрум этиш жойи ташқарисидагилар билан деярли алоқада бўлмаган ёки умуман алоқада бўлмаган ушлаб турилганлар/маҳбуслар зўравонлик хавфи остида бўлиши мумкин. Бу қисман изоляция қилинганилиги сабабли ҳам бўлиши мумкин, лекин шу билан бирга ташқи дунё билан

130 ДИИҲБнинг ҳуқуқшунослар билан сұхбатларида тўпланган маълумотлар.

131 Бу омиллар амалиётчилар томонидан аниқланган ва Германиянинг ДИИҲБ сўровига берилган жавобига киритилган.

алоқа қилиш шафқатсиз муомала ёки бундай муомала таҳди迪
ҳақида хабар бериш имкониятини ҳам беради; ва

- * **жиноий адлия тизими билан боғлиқлик.** Собиқ мансабдор шахслар, айниқса полиция, озодликдан маҳрум этиш жойи ёки суд аъзолари, полиция маълумотчилари ва илгари давлат органдар билан ҳамкорлик қилган бошқа шахслар учун ҳам ЖГАЗ хавфи юқори бўлади;
- * **хавфсизлигини таъминлаш учун ҳимоя остидаги шахслар, ма-
салан,** жиноий иш бўйича гувоҳлар ёки уларга нисбатан “ор-но-
мус билан боғлиқ жиноят” содир этилиши таҳди迪 остидаги
аёллар ҳам қамоқда сақлананаётганлигида ўта заиф ҳолатда
бўладилар.

Суд амалиётидан мисол: “Й. Л. Латвияга қарши” (Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 2012 й.)

2005 йилда даъвогар бошқа шахсга қарши жиноят иши бўйича далил тўплашда полицияга ёрдам берган. 2006 йилда даъвогарнинг ўзи бошқа жиноятда айбланиб озодликдан маҳрум этиш жойига ўтказилган. У ерда бошқа 11 маҳбус билан бирга фильтрлаш камерасига жойлаштирилган ҳамда илгари полиция билан ҳамкорлик қилгани учун ҳужумга учраган ва зўрланган. Даъвогар илгари ўзи қарши кўрсатма берган шахслар таҳдидлари туфайли бошқа турмага ўтказилишини сўраган. Кейинчалик у бошқа ерга кўчирилади, аммо маҳбус учун потенциал хавф ва олдинги воқеалар ҳақидаги маълумотлар маъмурият томонидан тўғри қайд этилмаганлиги сабабли унинг ҳолати заифлигича қолади.

Суднинг хулосасига кўра, полиция Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясини (қийноққа солишини тақиқлаш тўғрисидаги 3-модданинг процессуал жиҳати) бузган. Суд шунингдек, “жиноий ҳуқуқбузарликларни очишда ёрдами туфайли ўта заиф аҳволга тушиб қолган ва зўравонликка учраган маҳбусларга нисбатан мумкин бўлган қўпол муносабатнинг олдини олиш мақсадида терговчилар, прокурорлар ва жазони ижро этиш муассасалари ўртасида тегишли мувофиқлаштириш йўқлигига” эътибор қаратди¹³².

132 Й. Л. Латвияга қарши, Якуний ҳукм, 2012 йил 17 апрел.

3.5. Ҳибсга олиш ҳамда куч ва назорат динамикаси

Қамоққа олиш жойларида назоратнинг юқори даражаси шуни кўрсатадики, озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлиги умуман олганда жамиятдаги худди шундай чораларнинг самарадорлигидан кўра яхшироқ текширилиши мумкин. Бироқ, гендерга асосланган зўравонлик табиатан ҳокимият тенгсизлигининг ифодаси бўлганлиги сабабли, озодликдан маҳрум этиш жойларида назорат остидаги муҳит ЖГАЗ ҳодисаларини тавсифловчи тенгсизлик ва назорат элементларини яшириши мумкин, чунки айнан турмалар ва озодликдан маҳрум этиш жойларида кучлар нисбати тенг эмас. Натижада, маъмурият ЖГАЗни тўхтатиш учун тегишли чоралар кўрмаса, бундай зўравонлик ёпиқ муассасаларда одатий ҳолга айланиши мумкин.

Бундан ташқари, агар тергов изоляторлари муносиб тарзда бошқарилмаса, ЖГАЗ жабрланувчилари зўравонларга нисбатан фаол қаршилик кўрсата олмаслиги мумкин. Улар вазиятни назорат қилмаётганликларини ҳис қила бошлайди ва баъзи ҳолларда шикоят қилиш уларни янада каттароқ хавф остига солади.

Асосий тавсиялар

- ✓ Қамоққа олингандан ёки тергов изоляторига келтирилгандан кейин ЖГАЗ хавфи остида бўлган шахслар, шу жумладан ўтмишда бундай зўравонликни бошдан кечирганлар дарҳол аниқланиши ва уларни ҳимоя қилиш учун тегишли чоралар кўрилиши керак.
- ✓ Муассасада ушлаб турилганлар/маҳбуслар қай тарзда шикоят қилишлари, шунингдек, шикоят келиб тушгандан кейин кўрилиши мажбур бўлган жавоб чоралари кўрсатилган ёзма кўрсатмалар бўлиши керак. Бундан ташқари, зўравонлик ёки бошқа ҳолатлар бўйича шикоят қилган ва хавф остида бўлган шахслар учун махсус кузатув тартиб-қоидалари мавжуд бўлиши керак.

Ёпиқ муассасалар маъмурияти ва ходимлари куч динамикаси мавжудлиги ва бунинг зўравонлик контекстидаги оқибатларидан хабардор бўлишлари муҳимдир. ЖГАЗ хатти-ҳаракатлари аёлларга нисбатан эркаклар томонидан содир этилганда куч динамикасини аниқлаш қийин эмас. Эркакларга нисбатан ЖГАЗ ҳолатларида ёки бундай зўравонлик аёллар томонидан содир этилган ҳолларда муқаррар равища юзага келадиган муаммоларни назорат қилиш билан боғлиқ куч динамикасини тушуниш қийинроқ.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида бошқа эркакларга нисбатан ЖГАЗ хатти-ҳаракатларини содир этган эркаклар, одатда, жабрланувчи устидан ўз кучини ва обўсини намойиш этиш истагида бўладилар. Кўпгина жамиятларда эркаклар аёллар устидан ҳукмронлик қилиши одатий ҳисобланади ва шунинг учун бошқа эркакларга нисбатан ЖГАЗ содир этган эркаклар “бошқалар назарида бу эркакларни “аёллашибириш” учун ҳаракат қилгандек туюлиши мумкин,... “нормалар”га мос келмайдиган эркаклар [эса] [масалан, трансгендер аёллар ёки гомосексуал деб ҳисобланган шахслар] [...] уларни маълум гендер ролларга мослашишга мажбурашга қаратилган жинсий зўравонликка дучор бўлишлари мумкин”¹³³.

Халқаро ҳуқуққа кўра, давлатлар ЖГАЗнинг олдини олиш ва маҳбусларни ушбу турдаги зўравонликдан ҳимоя қилиш чораларини кўришлари шарт. Шу муносабат билан, ҳукумат вакиллари – ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва озодликдан маҳрум этиш жойи расмийлари, сиёсатчилар, соғлиқни сақлаш мутахассислари ва тегишли муассасалар раҳбарлари – турмалар ва озодликдан маҳрум этиш жойларидағи куч динамикаси билан боғлиқ зўравонликнинг турли сабаблари ва оқибатларидан бохабар бўлишлари керак. Қарши чоралар зўравонликни ким содир этганига (ходим ёки маҳбус) ва зўравонлик қандай шароитда содир этилганига қараб фарқланиши керак. Бу гендер билан боғлиқ заифликларни, шунингдек, хавф омиллари ва зўравонлик ҳодисалари ҳақида хабар бермаслик сабабларини аниқлаш учун ҳам муҳимdir.

Асосий тавсия

- ✓ Озодликдан маҳрум қилиш жойларида гендерни ҳисобга оладиган бошқарув сиёсати, шунингдек, ходимлар учун одоб-ахлоқ қоидалари бўлиши керак; ушбу ҳужжатлар ЖГАЗнинг олдини олишга қаратилган бўлиши ҳамда зўравонлик ва камситишига мутлақ муросасизлик тамойилини ўз ичига олиши керак.

3.5.1. Озодликдан маҳрум этиш жойларидағи маданият ва субмаданиятлар

Ёпик муассасаларни бошқариш усуслари ҳамда ушлаб турилганлар ва маҳбуслар орасидаги маданиятлар ва субмаданиятлар уларнинг ҳурматни ошириш ёки оширмаслигига ҳамда зўравонлик ва эркакликнинг салбий ифодаларига йўл қўйиши ёки қўймаслигига қараб ЖГАЗнинг кенг тарқалишига ёки тарқалмаслигига кўмаклашиши мумкин. Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ муаммосини кучайтиришда озодликдан маҳрум этиш жойи маданияти ва ўзига хос субмаданиятларнинг роли ҳақида турли хил назариялар мавжуд.

Қамоқхоналарда зўравонлик субмаданиятлари ривожланиши потенциал сабабларини тушунтиришга ёрдам берадиган ва ушлаб турилганлар/маҳбуслар ўртасидаги

¹³³ Callum Watson, “Эркакларга нисбатан жинсий ва майний зўравонликнинг олдини олиш ва уларга жавоб бериш: Хавфсизлик сектори институтлари учун кўрсатма DCAF, 2014, 12-бет.

зўравонликни камайтириш учун уларнинг ҳаётини яхшилаш йўлларини таклиф қиласидиган иккита назария мавжуд:

- эркинлик, автономия, хавфсизлик, физиологик ва ҳиссий қониқиш ва ҳатто асосий неъматлардан маҳрум бўлган шахслар “чукур психологик жароҳат”-ни бошдан кечириши мумкинлигига асосланган ва зўравонликни ўз-ўзини бошқариш воситаси сифатида рағбатлантирадиган субмаданиятнинг пайдо бўлишига олиб келадиган **маҳрумлик модели**;¹³⁴
- ушлаб турилганлар/маҳбуслар ўзларининг ҳаёт тарихини, ижтимоий алоқаларини ва жиноий гурухлар билан алоқаларини озодликдан маҳрум этиш жойи ҳамжамиятига олиб келиши мумкинлигига асосланган **импорт модели**.¹³⁵

Маълумки, ёпиқ муассасаларда зўравонлик мавжудлигига сабаб бўлган омиллар — бу маҳбусларнинг индивидуал хусусиятлари, муассаса тузилмаси ва ундаги вазиятларга асосланган хусусиятлар (масалан, унинг меъморий тузилиши ва хавфсизлик даражалари), бошқарув амалиёти (ходимларни ёллаш ва ўқитищ, бошқариш услуби) ва ҳатто ташқи таъсирларни (масалан, мамлакатдаги сиёсий масалалар) акс эттирадиган муассасалардаги (озодликдан маҳрум этиш жойлар ва бошқалар) “ижтимоий ва жисмоний муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари”.¹³⁶

Баъзи ҳолларда озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти назоратни маҳбусларнинг ўзини ўзи бошқариш тузилмалариiga ёки ўзларининг ёзилмаган хулқ-атвор қоидаларини ўрнатадиган бошқа норасмий иерархик тузилмаларга топшириб қўйиши мумкин. Бундай озодликдан маҳрум этиш жойи субмаданиятлари заифроқ маҳбусларни эксплуатация қилишлари ва ёзилмаган хатти-ҳаракатлар қоидаларини бузганларга нисбатан зўравонлик ишлатишлари мумкин. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш учун маҳбуслар гурухлари ёки тўдаларининг ташкил этилиши куч ишлатиш монополияси маъмурият қўлида эмаслигини кўрсатиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ муаммоасини ечиш ҳукмрон турма субмаданияти зўравонлик ва шафқатсиз муомалага қандай муносабатда бўлишини тушунишни талаб қиласиди. ЖГАЗни рағбатлантирадиган озодликдан маҳрум этиш жойи субмаданиятининг ривожланишига ҳисса қўшадиган омилларнинг мураккаб табиати ва ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу турдаги зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш бўйича аниқ чора-тадбирларни аниқлаш қийин бўлиши мумкин. Шу муносабат билан ҳукумат, сиёsatчилар ва жиноий адлия институтлари барча омилларни ҳисобга оладиган ва илгор тажрибага асосланган ёндашувни қўллашлари керак. Шу тарзда, улар турмалар ва озодликдан маҳрум этиш жойларида инсон ҳуқуқлари риоя қилинадиган (хавфсизлик талаблари билан мувозанат сақланган ҳолда) ва ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни акс эттирувчи маданиятга эга бўлган муҳитни самарали яратишлари мумкин.

134 Awofeso ва Naoum, op.cit., 27-изоҳ, 149-бет.

135 Ross Homel ва Carleen Thompson, “Қамоқхоналарда зўравонлик сабаблари ва унинг олдини олиш”, Griffith University, 2005, 1-бет

136 Шу ерда., 2-бет.



Озодликдан маҳрум этиш жойи субмаданиятларига мисоллар

ЕХХТ минтақасининг бир қатор бошқа мамлакатларида жиной ва қамоқхона субмаданиятлари мавжуд бўлиб, уларда маҳбуслар гуруҳлари ўзларининг кодекслари ва хулқ-атвор қоидалари билан бошқариладиган норасмий иерархияларга бирлаштирилган. Бундай субмаданиятлар муассаса норасмий равишда маҳбуслар томонидан ўзини-ўзи бошқарганда ва маъмурият фақат ташқи периметрни назорат қилиш билан банд бўлганда осонрок ривожланади. Иерархиянинг қуий бўғинларидаги маҳбуслар қамоқхона маъмурияти томонидан эмас, балки бошқа маҳбуслар томонидан қўлланиладиган камситувчи муомала, зўравонлик ва бошқа жазоларга дучор бўлиши мумкин.

Америка Қўшма Штатлари: Миллий одил судлов институти АҚШ қамоқхоналарида маҳбуслар “жинсий хулқ-атворга оид мураккаб эътиқодлар ва меъёрлар тизими”га эга эканлигини аниқлади, уларнинг барчаси маҳбусларнинг хулқ-атворига кучли таъсир қиласди.¹³⁷ Тадқиқот шуни кўрсатдики, барча муассасалар ходимлари “маҳбуслар ҳаётининг маданий ва ижтимоий динамикаси ҳақида чекланган тушунчага эга бўлган. Бу ҳолат ходимларнинг маҳбуслар муаммоларига жавоб чора кўриш ва хатти-ҳаракатларидаги ўзгаришларни аниқлаш қобилиятини сусайтирди”.¹³⁸ Маҳбуслар ҳимоя ижтимоий механизмларини яратган ҳолда қамоқхона ҳамжамиятидаги “тартибни ўзлари саклаши” аниқланди.

Грузия: мутахассислар шунга ишора қилмоқдаки, ҳаракатлари учун жазоланмайдиган юқори мавқели маҳбуслар (“қонун ичидаги ўғрилар”) мавжудлиги сабабли қамоқхоналарда эркак маҳбуслар ўртасидаги зўравонлик назоратсиз ва жазосиз қолмоқда.¹³⁹

Молдова ва Латвия: қийноқлар ва ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазонинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси (ҚОЕК) ҳар икки мамлакатда ҳам “тубанлаштирилган” деб аталадиган маҳбусларга нисбатан номақбул муоммалани қайд қилган (яъни, бошқача жинсий ориентацияси ёки жинсий зўравонликка дучор бўлган ёки жинсий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги сабабли қамоқхона иерархиясида паст ўринни эгаллаганлар)¹⁴⁰.

137 Mark S. Fleisher ва Jessie L. Krienert, “Қамоқхонадаги жинсий зўравонлик маданияти”, АҚШ Адлия Департаменти, 2006, 15-бет, <<https://www.ncjrs.gov/pdffiles1/nij/grants/216515.pdf>>.

138 Шу ерда, 18-бет.

139 Тбилиси, Грузия, 2016-йил сентябр ойида сайёр ташриф чогида олинган маълумотлар.

140 Эътибор беринг, Кўмита ҳисботида муайян маҳбусларнинг жинси ва ёшлари кўрсатилмаган.

Латвия: ҚOEК Латвиядаги қамоқхоналардан бирида маҳбуслар ўртасидаги зўравонлик даражасидан хавотир билдири – у ерда “кўплаб заиф маҳбуслар учун калтакланиш, жинсий тажовуз, товламачилик ва бошқа бир қатор бошқа зўравонликлар эҳтимоли ҳар кунги одатий ҳол эди”. Ушбу муассасада маҳбуслар хавфсизроқ бўлимга ўтказилишлари учун бир неча бор ўзларига жароҳат етказишган. ҚOEК, хусусан, “қамоқхонанинг норасмий иерархијасидаги маҳбусларнинг энг қуий табақаси, яъни “дахлсизлар” деб аталадиган” маҳбуслар ҳолати бўйича ҳавотир билдири, “улар кўпинча бошқа маҳбуслар ва бундан ташқари, ходимлар томонидан камситилиб келган. [...] бундай маҳбуслар кўпинча бошқа маҳбуслар томонидан (сигарет ёки чой каби кичик нарсалар эвазига) жинсий зўравонликка тортилган”.¹⁴¹

Россия Федерацияси: Россия Федерациисидаги жазони ўташ колониялари норасмий равишда “қизил” (қамоқхона маъмурияти томонидан назорат қилинадиган) ва “қора” (аксарият вазиятларда маҳбуслар томонидан бошқариладиган) колонияларга бўлинади. Аёллар колониялари ҳар доим “қизил” бўлган ва ҳатто ҳар қандай эркак колонияларидан ҳам “қизилроқ” деб таърифланган.¹⁴²

141 Қийноқлар ва гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазонинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси, 2007 йил, Латвия ҳукуматига Латвияга ташрифи тўғрисидаги ҳисбот, п. 40.

142 Judith Pallot, Laura Piacentini and Dominique Moran, Gender, Geography, and Punishment: The Experience of Women in Carceral Russia [Гендер, география ва жазо: Россия қамоқхоналаридаги аёллар тажрибаси]. Oxford, Oxford University Press, 2012 <<https://ssrn.com/abstract=2240944>>.



Озодликдан маҳрум этиш жойи субмаданиятини ўзгартириш бўйича чоралар

Польша: Польша ҳукумати қамоқхона субмаданиятининг таъсирини минималлаштириш ва жиноий судлов муассасаларида озодликдан маҳрум этилган барча шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун бир қатор чоралар кўрди.¹⁴³ Ахлоқ тузатиш хизмати Бош директорининг 2016 йилги кўрсатмаси қамоқхона ходимларидан қуидаги чораларни кўришни талаб қиласди:

- маҳбусларнинг субмаданиятларга қўшилиш сабабларини таҳлил қилиш;
- маҳбусларни хавфсизлик ва жамоавий аъзоликка бўлган эҳтиёжларини қондириш учун муқобил воситалар билан таъминлаш;
- таъқиб ва тажовуз нишонига айланиши мумкин бўлган маҳбусларни аниқлаш; ва
- бошқа маҳбуслар билан алоқаларини чеклаш орқали субмаданиятлар норасмий раҳбарларининг ролини минималлаштириш.

Маҳбуслар қамоқхонага қабул қилингандан сўнг, Польшадаги қамоқхона ходимлари маҳбуснинг зўравонлик содир этиш ёки зўравонлик қурбони бўлиш эҳтимолини баҳолайдилар. Кейин улар ушбу маҳбусларнинг хавфсизлигини қандай таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқадилар. Шунингдек, улар потенциал ҳуқуқбузарларга қамоқхона қоидаларини бузиш уларнинг шахсий реабилитациясига олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар ҳақида маълумот беради.

Маҳбуснинг қамоқхонада бўлган вақтида озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб борадилар. Ушбу кузатишлар асосида улар маълум бир маҳбуснинг ходимларга, бошқа маҳбусларга ва ўзига туғдириши мумкин бўлган потенциал хавфни баҳолайдилар.

Россия Федерацияси: 2002 йилда Россиянинг «Инсон ва қонун» жамоат ташкилоти маҳбусларни камситиш, зўравонлик қўллаш ва вояга етмаган зўравонларнинг 36 даражадан иборат иерархияли субмаданияти билан машҳур бўлган вояга етмаганларни сақлаш марказларидан бири билан ишлай бошлади. Субмаданият ходимлар томонидан қўллаб-қувватланиб келган, чунки улар ёпиқ тизимда вояга етмаган зўравонлар билан муомала қилиш услугу-

143 ДИИХБ сўровига жавобан Польша томонидан тақдим этилган маълумотлар.

лари бўйича ўқитилмаган. Ўн йил давомида «Инсон ва қонун» ушбу субмаданиятни йўқ қилиш ва ЖГАЗни тоқат қилмайдиган мухитни яратиш устида ишлади. Уларнинг ёндашувининг энг са-марали элементларидан бири қамоқхона ва фуқаролик жамияти эксперклари ўртасида алоқа ўрнатиш ва уни қўллаб-қувватлаш эди. Қўлланилган ўзига хос усувлардан баъзилари қуидагилардир:

- толерантлик каби мавзуларда тренинглар, тадбирлар ёки сухбатлар ўтказиш учун вақтинча сақлаш ҳисбхонасида мун-тазам бўлиш;
- ходимлар ҳам, ўсмирлар ҳам жиноий жаргон ёки ҳақоратли сўзлардан фойдаланмаслигини талаб қилиш;
- қамоқхона иерархиясининг ёзилмаган қоидаларига эътибор бермаслик ва қуи касталар вакиллари ҳисобланган вояга етмаганларга атайлаб ҳурмат кўрсатиш;
- ходимлар ва маҳбусларнинг муассасадан ташқарига бирга-ликда саёҳатларини ташкил этиш, бу қамоқхона субмаданияти “қоидалари” ни бузиш ва уларни янада ижобий муносабат билан алмаштириш имконини берди;
- ходимлар учун инсон ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва низо-ларни зўравонликсиз ҳал қилиш каби мавзуларда ўқув семинарларини ўтказиш; ва
- тергов изоляторида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича танлов ўтказиш. Мусобақа олти ой давом этди ва энг хушму-малали ходим, энг муваффақиятли вояга етмаганлар бўлими ёки ҳар бир бўлинмадаги энг муваффақиятли ўсмир қаби бир нечта тоифалардан иборат эди. Голиблар учун ҳам маҳбуслар, ҳам ходимлар овоз беришди, бу эса болалардан ўз тентдош-лари ва амалдорларнинг ишончини мустаҳкамлаши ва ишон-чини қозонишини талаб қилди.

2012 йилга келиб, муассаса ходимлари ва болалар ўртасида ўтка-зилган баҳолаш зўравонлик, шу жумладан ЖГАЗ ҳолатлари содир бўлмаганлигини кўрсатди.¹⁴⁴

144 “Инсон ва қонун” ҳам раиси Сергей Подузов томонидан тақдим этилган маълумотлар, 2016 йил декабр.

3.6. Муаммо миқёси

Асосий тавсиялар

- ✓ Жиноий адлия институтлари ЖГАЗ ҳолатлари бўйича маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун барча саъй-ҳаракатларини амалга оширишлари керак.
- ✓ Маълумотлар маълум тоифаларга, жумладан, олинган шикоятлар сони, муайян гурухларга нисбатан зўравонлик шакллари ва қайд этилган жароҳатлар турига бўлинган бўлиши керак.
- ✓ Кейинги жавоб чоралари ва назорат чоралари ҳужжатлаштирилиши керак.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ муаммосини ҳал қилиш бўйича чоралар кўришни қийинлаштирадиган омиллардан бири бу ЖГАЗнинг кенг тарқалганлиги тўғрисида маълумотларнинг етишмаслигидир. Маълумотларнинг етишмаслиги бир қанча сабабларга боғлиқ бўлиши мумкин, жумладан, муаммонинг етарли даражада расмий тан олинмаганлиги, жабрланувчилар ва бошқалар томонидан зўравонлик ҳодисалари ҳақида хабар бермаслик ва ушбу мавзу бўйича тадқиқотлар сони чекланганлиги.

ЖГАЗнинг тарқалишини бир неча манбалар, жумладан, маҳбуслар ва собиқ маҳбуслар ўртасида сўровлар, расмий маъмурий ҳужжатлар ва назоратчилар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, миллий судлар ёки халқаро органлар томонидан ушлаб турилганлар/маҳбуслардан олинган шикоятлар асосида баҳолаш мумкин.

Манбаларнинг хилма-хиллиги, маълумотларни йиғиш методологиясидаги фарқлар ва ЖГАЗнинг умумий тан олинган таърифининг йўқлиги маълумотларнинг кўп ҳолларда номукаммал бўлишини англаради. Шу билан бирга, мутахассислар бир овоздан мавжуд маълумотлар муаммо кўламини тўлиқ акс эттирмайди, деган фикрда.

Бир қатор ЕХХТ иштирокчи давлатлари озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ тўғрисида маълумотлар йиғилмаслигини тасдиқлади. Бошқа давлатларда хабар қилинган ҳодисалар сони йилига 30 дан тортиб бир неча йил давомида бирортаси содир бўлмаган деб берилади.

Босния ва Герцеговина, Грузия, Ўзбекистон ва Швециядан олинган сўровномаларга кўра, сўнгги йилларда бу мамлакатларда ЖГАЗ ҳолатлари қайд этилмаган. Италияда 2009 йилдан бери маҳбуслар ва/ёки ушлаб турилган шахслар 35 та жинсий зўравонлик ҳолатлари ҳақида расмийларга хабар беришган. 2011–2016 йилларда Венгрияда маҳбуслар томонидан билдирилган ёки қўриқчилар томонидан аниқланган жинсий зўравонлик ҳолатлари сони йилига ўртacha 29 тани ташкил этди. Испания, Латвия, Литва, Польша, Шимолий Македония ва Эстонияда бир неча йил давомида йилига

бешдан ортиқ ҳодиса қайд этилмаган. Анкетага берилган жавобларга кўра, федерал ва минтақавий даражада озодликдан маҳрум қилиш жойлари (полиция ҳисбхоналари ва озодликдан маҳрум этиш жойлар) учун алоҳида қайдлар юритиладиган Германияда воқеалар сони йилига нолдан дан олтитагача ўзгариб туради.

Бир мамлакат маълумотларини бошқа мамлакатлар маълумотлари билан солиштириб бўймайди, чунки ҳодиса қайдлари мамлакатдан мамлакатга фарқ қиласиди ва натижалар ҳисботлар сони, тасдиқланган шикоятлар ёки судларга юборилган ишлар эътиборга олинишига боғлиқ.

Қўйидаги танланган статистик маълумотлар озодликдан маҳрум этиш жойларида содир этилган зўравонлик типологиясини кўрсатади. Улар, шунингдек, ЖГАЗ ҳолатларини рўйхатга олиш ва бу ҳолатлар ҳақиқатда содир бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш қийинлигини таъкидлайдилар.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ бўйича миллий сўровлардан олинган статистик маълумот- ларга мисоллар



Канада. 2007 йилда озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳбусларнинг юқумли касалликлари ва хавфли хатти-харакатлари бўйича мамлакат бўйлаб ўтказилган сўровда деярли ҳар бешинчи эркак (17%) ва ҳар учинчи аёл (31%) олдинги олти ойлик қамоқ муддати давомида жинсий алоқада (бу оғиз орқали, вагинал ёки анал жинсий алоқа) иштирок этганликларини хабар қилишиб¹⁴⁵. Сўровда жинсий ҳаракатларнинг розилик билан ва розиликсиз содир этилганлиги фарқланмади.

Дания. 2015 йилда Дания жазо ижроси ва пробация хизмати 2000 дан ортиқ тергов пайтида ушлаб турилган шахслар ва жазо муддатини ўтаётган маҳбуслар (жами озодликдан маҳрум этиш жойи контингентининг 64%) ўртасида сўров ўтказди. Эркак респондентларнинг 2% ва аёл респондентларнинг 9% бошқа маҳбуслар томонидан жинсий тажовузга учраганликларини, 4% эса ҳодимлар томонидан бундай ҳужумларга дучор бўлганликларини маълум қилишган, бунда эркак ва аёл маҳбуслар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқ кузатилмаган. Маълум қилинишича, маҳбуслар ва ҳодимлар томонидан зўрлаш ниятида тажовуз қилиш ҳолатлари маҳаллий озодликдан маҳрум этиш жойларига қараганда умумдавлат даражасидаги озодликдан маҳрум этиш жойларида кўпроқ бўлган¹⁴⁶.

145 See “2007-йилги маҳбусларнинг юқумли касалликлари ва хавф-хатти-харакатлари миллий тадқиқоти натижасида аниқланган маълумотларнинг қисқача мазмуни”, Канада Жазони ижро этиш хизматлари веб-сайтига қаранг, <<http://www.csc-scc.gc.ca/research/005008-0211-01-eng.shtml#Toc253473351>>.

146 Дания томонидан ДИИХБ сўровига жавобан тақдим этилган маълумотлар.

Германия. 2011–2012 йилларда Қуий Саксония криминологик тадқиқотлар институти¹⁴⁷ Германиянинг беш федерал штатидаги (Бранденбург, Бремен, Қуий Саксония, Саксония ва Тюриңгия) 33 та озодликдан маҳрум этиш жойидаги зўравонлик ҳолатларини аноним анкетадан фойдаланган ҳолда ўрганиб чиқди. Анкета мазмуни озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятига маълум қилинмаган. 6384 респондентнинг 78,7%ни катта ёшдаги эркаклар, 7,2%ни катта ёшдаги аёллар ва 14,7%ни ҳар икки жинсдаги вояга етмаган маҳбуслар ташкил этган. Анкета респондентлар олдинги ой давомида бошдан кечирган зўравонликнинг бир неча шаклларига оид саволларни ўз ичига олган. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, катта ёшдаги эркакларнинг 4,5%, катта ёшдаги аёлларнинг 3,6% ва вояга етмаганларнинг 7,1% жинсий зўравонликка дучор бўлган. Респондентлардан уларнинг зўравонликни содир этишдаги иштироки ҳақида ҳам сўралган.¹⁴⁸ Респондентларнинг жуда катта қисми тажовуз ва жисмоний зўравонлик ҳаракатларида иштирок этганликларини айтган бўлса-да, сўровда қатнашгандарнинг атиги 1% жинсий зўравонлик содир этишда иштирок этганликларини тан олишган¹⁴⁹.

АҚШ. АҚШда озодликдан маҳрум этиш жойларидағи жинсий зўравонлик ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар стандартлаштирилган миллий сўровлар орқали тўпланади. Вояга етган маҳбуслар ҳақидаги энг сўнгги маълумотлар қуийдагилар:¹⁵⁰

- Штат ва федерал озодликдан маҳрум этиш жойларидағи маҳбусларнинг 4% ва вақтинчалик ҳибсда сақланаётгандарнинг 3,2%¹⁵¹ ҳибсда бўлганида бошқа маҳбус ёки ходимлар томонидан бир ёки бир нечта жинсий зўравонлик ҳолатларини бошдан кечирганликларини маълум қилишиди.
- Турмалардаги маҳбусларнинг 2,9% ва изоляторлардаги-ларнинг 1,6% бошқа маҳбус томонидан зўравонликка дучор бўлганлиги ҳақида хабар берган. Турмалардаги маҳбусларнинг 2,4% ва изоляторлардагиларнинг 1,8% қўриқчилар иштирокидаги ҳолатлар ҳақида хабар берилган.

147 Қуий Саксония Криминология илмий-тадқиқот институти (Kriminologisches Forschungsinstitut Niedersachsen e.V.): <http://en.kfn.de>. <<http://en.kfn.de>>.

148 Bieneck and Pfeiffer, op. cit., 128-изоҳ, 11-бет.

149 Шурда.

150 Маълумотлар қуийдаги нашрдан келтирилган: Sexual Victimization in Prisons and Jails Reported by Inmates [Маҳбуслар хабар берган турмалар ва изоляторлардаги жинсий зўравонлик ҳолатлари], 2011–12. National Inmate Survey, 2011–12, 2013, 6-б., 17 and Supplemental Tables: Prevalence of Sexual Victimization Among Transgender Adult Inmates [Кўшимча жадваллар, Маҳбус-трансгендерларга нисбатан жинсий зўравонликнинг тарқалганилиги], 2-бет.

151 Турмалар узоқ муддатли, марказдан бошқариладиган ҳибсхоналарни, изоляторлар эса кўпинча маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан бошқариладиган қисқа муддатли ҳибсхоналарни назарда тутади.

- Маҳбуслар ўртасидаги жинсий зўравонлик даражаси эркакларнига қараганда аёллар ўртасида юқори бўлган (мос равища 6,9% ва 1,7%). Эркак маҳбуслар томонидан айтилган қўриқчилар томонидан жинсий зўравонлик даражаси аёлларнига тенг (мос равища 2,4% ва 2,3%).
- Этник келиб чиқишидан “оқ танли” маҳбуслар этник озчиликларга қараганда маҳбуслар ўртасидаги жинсий зўравонлик кўрсаткичлари юқорироқ эканлигини хабар қилишди. Олинган маълумотлар озодликдан маҳрум этиш жойи қўриқчиларининг оқ танлиларга қараганда озчиликларга нисбатан жинсий тажовуз қилиш эҳтимоли кўпроқ эканлиги ни ҳам кўрсатади.
- Вояга етган трансгендер маҳбуслар (ҳам турмаларда, ҳам изоляторларда) вояга етган цисгендер маҳбусларга қараганда кўпроқ жинсий зўравонликка (бошқа маҳбуслар ва қўриқчилар томонидан) дучор бўлиши ҳақида хабар беришди.¹⁵²

АҚШда тўпланган маълумотлар муассасалар бўйича гурухланган ва натижада муайян озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ тарқалиши ҳақида муҳим маълумот беради.

Маҳбуслар ўртасида ўтказилган сўровлар маълумотлари озодликдан маҳрум этилган шахслардан келиб тушган шикоят ва аризаларнинг расмий статистик маълумотларидан кескин фарқ қиласди. Сўровларга кўра, АҚШдаги маҳбусларнинг таҳминан 4% жинсий зўравонликка дучор бўлган; аммо, 2006 йилда озодликдан маҳрум этиш жойлари, тергов изоляторлари ва бошқа катталар учун ахлоқ тузатиш муассасаларида маҳбусларнинг бир фоиздан камроғи (0,29%) маъмуриятга ЖГАЗ га дучор бўлганларни ҳақида хабар берган.¹⁵³

Миллий ҳисоб-китоб тизимларидаги фарқлар расмий маълумотларнинг ЖГАЗ даражасини қанчалик аниқ акс эттиришига таъсир қиласди. Мисол учун, баъзи мамлакатларда фақат тасдиқланган ҳодисалар қайд этилиши мумкин. ЖГАЗ бўйича кенг қамровли статистик маълумотларга прокуратура органлари томонидан ЖГАЗ малакасини беришнинг турли усуслари ҳам тўсқинлик қилиши мумкин. Масалан, айрим мамлакатларда жиноят қонунчилигида фақат аёллар зўрланиши мумкинлиги кўрсатилган. Бошқа ҳолларда, прокуратура органлари ЖГАЗни қийноқча солиш ёки ҳокимиятни суиистеъмол қилиш сифатида таснифлаши мумкин. Шунингдек, қамоқда ўлган шахслар ҳолатларида, жинсий жиноятлар учун назарда тутилган

152 “Цисгендер” атамаси шахсий ўзига хослик ҳисси ва жинси тугилган жинсига мос келадиган одамни англатади

153 Kim English, Peggy Heil and Robert Dumond, Sexual Assault in Jail and Juvenile Facilities: Promising Practices for Prevention and Response, Final Report [Қамоқхоналар ва вояга етмаганлар муассасаларида жинсий тажовуз: олдини олиш ва назорат қилишда истиқболли амалиёт — Якуний ҳисобот], United States Department of Justice, 2011, 1-бет.

айловлар оғирроқ жиноят ҳисобланган қотиллик бўйича айловлар эвазига “кун тартибидан” олиб ташланади.

3.7. Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик яширинлиги ва хабар бермаслик

Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ яширин тусга эга муаммо: кўплаб қурбонлар зўравонлик ҳодисалари ҳақида хабар бермасликни афзал кўради. Кенг жамиятида содир бўладиган ЖГАЗни ўрганиш шуни кўрсатадики, жабрланувчилар турли сабабларга кўра содир бўлган ҳолатлар ҳақида давлат органларига хабар бермайдилар, бундай ҳолатларнинг барчаси озодликдан маҳрум этиш жойларида янада каттароқ аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, турмалар ва озодликдан маҳрум этиш жойларида бундай жиноятлар ҳақида хабар беришда муайян тўсиқлар бўлиши мумкин.

Евropa Иттифоқининг 28 мамлакатда 42.000 маҳбус аёллар ўртасида ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, ўзининг яқин шериги бўлмаган шахс томонидан жинсий зўравонликка дучор бўлган аёлларнинг учдан биридан камроғи ҳуқуқ-тартибот идораларига ёки бошқа ихтисослашган ташкилотга шикоят қилган.¹⁵⁴

Эркак қурбонлар ҳақида шунга ўхшаш маълумотлар йўқ, аммо бир қатор кичикроқ тадқиқотлар шуни кўрсатдики, эркаклар жинсий зўравонлик ҳақида аёлларга қараганда давлат органларига камроқ хабар беришади. Масалан, АҚШдаги бир жамоат ичида жинсий зўрлаш қурбонлари бўлган катталар ўртасида ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, эркакларнинг атиги 13% (аёлларнинг 19%га нисбатан) полицияга зўрланганлик ҳақида хабар берган.¹⁵⁵

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари ҳамкаслари ёки ушлаб турилганлар/маҳбуслар томонидан юзага келиши мумкин бўлган норозиликдан кўрқиб, ЖГАЗ ҳолатлари ҳақида хабар беришни истамаслиги мумкин. Улар муаммо ҳақида хабар берганликлари учун бошқа ходимлар томонидан қораланишидан ёки бундай ҳодисалар ҳақида хабар бериш натижасида ишини йўқотишдан ёки лавозимини пасайтириб юборишдан кўрқишлиари мумкин. Кейинги бўлимларда жабрланувчилар ЖГАЗ ҳолатлари ҳақида хабар бермасликларининг баъзи мумкин бўлган сабаблари келтирилган.

154 “Аёлларга нисбатан зўравонлик: Евropa Иттифоқи бўйлаб ўтказилган сўров, асосий натижалар”, Асосий ҳуқуқлар бўйича Евropa Иттифоқи агентлиги, 2014 йил, п. 60.

155 English, Heil and Dumond, op. cit., 153-изоҳ, 7-бет.

Асосий тавсиялар

- ✓ Давлат мансабдор шахслари, шу жумладан қонун чиқарувчилар, озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ ҳақида хабар бериш ва тергов қилишдаги тўсиқлар ҳақидаги жамоатчилик муҳокамаларини қўллаб-куватлашлари ва иштирок этишлари керак.
- ✓ ЖГАЗ ҳолатларидан хабардор бўлиб, ушбу ҳодисанинг олдини олиш ёки унга қарши курашиш учун тегишли чораларни кўрмаган озодликдан маҳрум этиш жойи раҳбарияти ва ходимларига нисбатан аниқ чоралар кўриш керак. Агар бундай чоралар тизими аллақачон мавжуд бўлса, уларнинг самардорлигини кўриб чиқиш керак.

3.7.1. Психологик тўсиқлар ва стигматизация

Ижтимоий меъёрлар ва гендер стереотиплари ҳам ЖГАЗ қурбонлари, айниқса жинсий зўравонлик қурбонларининг ўзларини камситилган ва таҳқирланган ҳисқилишларини янада кучайтириши мумкин. Юқорида тилга олинган ЕИ миқёсида ўтказилган сўровда аёлларнинг яқин шериги бўлмаган шахс томонидан ЖГАЗни бошдан кечирганидан кейин полицияга мурожаат қилмасликларининг асосий сабаблари сифатида шармандалик ва хўрланиш кўрсатилган (респондентларнинг 26%).¹⁵⁶ Ушлаб турилганлар ва маҳбуслар ҳам жинсий зўравонлик ҳақида хабар беришни истамайдилар ва бундай одамлар учун уят ҳиссини енгиш янада қийинроқ бўлиши мумкин, чунки қамоқ ташқарисида мавжуд бўлиши мумкин бўлган психотерапевтик ва жароҳатдан кейинги ёрдам хизматларидан фойдаланиш имкони қамоқ ичida йўқ. Жабрланувчилар уларнинг гапларига бошқалар ишонмаслигидан қўрқиб, шунингдек, жамият фикри асосидаги айбдорлик ҳисси ва адлия тизимига ишонч йўқлиги туфайли зўравонлик ва шафқатсиз муомала ҳолатлари ҳақида хабар бермайдилар.

Асосий тавсиялар

- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ қурбонлари зўравонлик ҳолатлари ҳақида мансабдор шахсларга хабар беришлари учун зарур шарт-шароитлар ва ҳимоя кафолатлари яратилиши керак.
- ✓ ЖГАЗ ҳолатлари ҳақида хабардор бўлган маҳбуслар ва қамоққа олинганларга хавфсиз ва маҳфий тарзда улар ҳақида хабар бериш имконияти таъминланиши керак.
- ✓ Барча ЖГАЗ жабрланувчилари учун, иложи борича, ташқи ихтисослаштирилган хизматлар ва ННТлар билан ҳамкорликда ташкиллаштириладиган зарур профессионал кўмак ва тиббий ёрдам таъминланиши керак.

156 Шу ерда. 64-бет.

Эркак ва ўғил болаларга нисбатан зўрлаш ва жинсий зўравонлик ҳақида жамиятда кўплаб нотўғри тушунча ва стереотиплар мавжуд. Бу тасаввурлар эркак қурбонларнинг зўравонлик билан боғлиқ кечинмалари ҳақида гапирмасликларига сабаб бўлиши мумкин. Эркаклар уят ва айбдорлик ҳамда “бошидан кечирган воқеа туфайли ишончсизлик ёки қораланишдан” қўрқиб, ЖГАЗ тўғрисида мансабдор шахсларга хабар бермасликлари мумкин.¹⁵⁷ Эркакларнинг жинсий ҳаётига нисбатан нотўғри қарашлар туфайли, бошқа эркаклар томонидан жинсий зўравонликка дучор бўлган эркаклар, ёпиқ муассасаларда ёки бошқа вазиятларда, жинсий зўравонлик қурбонлари дуч келадиган стигма туфайли, айниқса, гомофобик туйғулар ҳукмрон бўлган жамиятда бу ҳақда хабар беришни истамайдилар. “Эркаклар бошқа эркаклар томонидан жинсий зўравонликка дучор бўлганда “қўшалоқ стигма”дан қўрқишиади, яъни улар ҳам қурбон, ҳам “бесоқолбоз” сифатида нафратга учрашдан қўрқишиади, ҳатто иккинчиси бўйича ҳеч қандай асослар бўлмаса ҳам”.¹⁵⁸

Асосий тавсиялар

- ✓ Турмалар маъмурияти озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган сўровлар, муҳокамалар ва гурух тадбирларида ходимлар, маҳбуслар, қариндошлар, хизмат кўрсатувчилар ва мавзу бўйича эксперталарнинг иштирокини рағбатлантириши керак. Ушбу фаолиятга хабардорликни ошириш ташабbusларини қўллаб-қувватлаш учун қурбонлар билан ишлайдиган маҳаллий жамоат ташкилотларини ҳам жалб қилиш керак.

Суд амалиётидан мисол: “В. Л. Швейцарияга қарши” (Қийноқларга қарши қўмита, 2007 й.)

Швейцариядан бошпана сўраган даъвогар БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитасига берган даъвосида Беларусда эрининг сиёсий фаолияти юзасидан сўроқ пайтида уч полициячи томонидан зўрланганини маълум қилган. Қўмита полиция томонидан содир этилган калтаклаш ва зўрлаш қийноқ таърифига кўра жинсий тажовуз эканлигини аниқлади, гарчи буларнинг барчаси расмий ҳибсхоналардан ташқарида содир этилган бўлса ҳам.¹⁵⁹ Қўмита Беларус ҳукумати полиция ходимларини бу ҳаракатлар учун тергов қилмаган, жиноий жавобгарликка тортмаган ёки жазоламаганилиги ҳам таъкидлади.

Қўмита қийноқ қурбонларининг ўzlари билан содир бўлган воқеа ҳақида хабар беришига тўсқинлик қиладиган баъзи омилларга,

157 Круг ва бошқалар. оп.cit., 92-изоҳ, 154-бет

158 Watson, op. cit., 133-изоҳ, 27-бет.

159 Қийноқларга қарши қўмита, қарор, 262/2005-сонли хабарнома, 2007 йил 22 январ, п. 8.10.

жумладан, гендерга асосланган омилларга батафсил тўхталиб ўтди. «Маълумки, шахсий маълумотларнинг ошкор этилиши ва ҳолатлар ҳақида хабар бериш орқали камситилишга учраш эҳтимоли аёллар ва эркаклар зўрланганликларини ва/ёки жинсий зўравонликнинг бошқа шаклларини бошидан кечирганларини яширишга ҳаракат қилишларини англатиши мумкин. Аёлларга келсак, улар қўшимча равишида эри/шериги ёки оила аъзолари томонидан камситилиши ва рад этилишидан қўрқишиади»¹⁶⁰.

3.7.2. Таъқиб ва қасосдан қўрқишиш

Асосий тавсия

- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти барча маҳбуслар ва ходимларни шикоят қилиш механизми мавжудлиги ҳақида хабардор қилиши ҳамда улар қасосга учраш ёки бошқа салбий таъсирлардан қўрқмасдан, тўлиқ маҳфийлик шароитида ЖГАЗ ҳолатлари бўйича шикоят қила олишларини таъминлаши лозим.

Зўравондан ва қасосга учрашдан қўрқишиш аёллар жинсий зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар бермасликларининг энг кенг тарқалган сабабларидан биридир. Масалан, аёлларга нисбатан зўравонлик бўйича Европа Иттифоқи бўйлаб ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатдики, жабрланувчининг зўравондан ёки қасосга учраш қўрқуви жисмоний эмас жинсий зўравонликка дучор бўлган ҳолларда юқорироқ бўлиши мумкин.¹⁶¹ Ёпик турдаги муассасаларда қасосга учраш қўрқуви ва зўравонлар томонидан мумкин бўлган таҳдидлар янада кучаяди. АҚШ озодликдан маҳрум этиш жойлари маданиятини ўрганиш бўйича бир тадқиқотда таъкидланганидек, жинсий зўравонлик билан таҳдид қилинган маҳбуслар қийин танловга дуч келишиади: улар маъмуриятга зўравон устидан шикоят қилишлари мумкин, аммо бунинг натижасида улар чақимчи деб ном қозониши мумкин, бу эса “потенциал жабрланувчи қутулмоқчи бўлган жинсий тажовуздан ҳам ёмонроқ бўлиши мумкин” бўлган қасос нуқтаи назаридан жабрланувчини янада заифроқ ҳолатга туширади.¹⁶² Шикоят беришга муқобил чора сифатида “тажовузкорга қаршилик кўрсатиш ёки бўйсуниш” бўлади.¹⁶³ Айниқса, вояга етган жиноятчилар билан бирга сақланаётган вояга етмаганлар қасосга учрашдан қўрқишилари мумкин.

160 Шу ерда, para. 8.8.

161 “Аёлларга нисбатан зўравонлик: Европа Иттифоқи бўйлаб сўров, асосий натижалар”, op.cit., 154-изоҳ, 64-бет.

162 Fleisher and Krienert, op. cit., 42-бет.

163 Шу ерда, 42-бет

Ходимлар ва воқеа гувоҳлари ҳам қасосга учрашдан кўрқиб зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар бермайдилар.

3.7.3. Зўравонлик ҳақида хабар беришнинг бошқа мумкин бўлган оқибатлари

Асосий тавсия

- ✓ Ушлаб турилганлар/маҳбусларни зўравонликтан ҳимоя қилиш чоралари камситиш ва стигматизацияга ёки хизматлар ва дастурлардан фойдаланишини чеклашга олиб келмаслигини таъминлаш керак. Хавфсизлик мақсадидаги изоляция фақат маҳбуснинг розилиги билан, кафолатлар билан бирга ва мунтазам қайта кўриб чиқилиш шарти билан қўлланилиши керак.

Қасосга учрашдан ва келажакда яна оғирроқ зўравонлиқдан кўрқувга қўшимча равища, муассасаларда ЖГАЗ қурбонлари ўзларининг зўравонлик билан боғлиқ кечинмалари ҳақида маъмуриятга хабар бермасликлари мумкин, чунки улар бунинг учун жазоланиши мумкинлигини билишади. Масалан, улар хавфсизлик мақсадида қолган маҳбуслардан алоҳида ажратилиши ва шу орқали умумий тадбирлардан маҳрум этилиши мумкин. Бундан ташқари, улар шароитлари ёмонроқ бўлган бошқа муассасага ўтказилиши мумкин; аёллар учун бундай ҳолат “жуда катта эҳтимоллик билан, уйдан янада узоқлашишни англатади”.¹⁶⁴

Озодликдан маҳрум этилган шахслар зўравонлик ҳақида хабар бермаслиги ҳам мумкин, чунки улар тажовузкор тиббий кўриклар ва сўроқлар ўтказилишини билишади. Бундан ташқари, ўтмишда жароҳатларни бошидан кечирганлар ЖГАЗ таҳдидига дуч келганда “кураш, қоч ёки қотиб қол” реакциясига асосан ҳаракат қиласидилар. Бундай реакцияни муассаса раҳбарияти кўпинча тушунмайди ва шу боис жазо чораларини қўллаши мумкин.¹⁶⁵

3.7.4. Жабрланувчи ва зўравон ўртасидаги муносабатларнинг табиати

ЖГАЗ ҳам маҳбуслар, ҳам қўриқчилар томонидан содир этилиши мумкинлиги сабабли, зўравон ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатларнинг ўзи зўравонлик ҳақида маъмуриятга хабар берилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Мисол учун,

164 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳбус аёлларга нисбатан муомаласи ва жиноятчи аёлларга нисбатан қамоққа олинмайдиган чора-тадбирлар бўйича Қоидалари бўйича йўл-йўриқ ҳужжати (Бангкок қоидалари) (Лондон: Penal Reform International, 2013 йил), 70-бет.

165 Swavola, Riley ва Subramanian, Эътибордан четда қолганлар: ислоҳотлар давридаги аёллар ва қамоқхоналар, Вера Адлия институти (Нью-Йорк: 2016 йил август) <<https://www.vera.org/publications/overlooked-women-and-jails-report>>, 14-бет.

Буюк Британияда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, ЖГАЗдан жабрланган маҳбуслар камдан-кам ҳолларда кўриқчиларга бундай ҳодисалар ҳақида хабар беришади, чунки “жабрланганлар ва зўравонлар кўпинча алоҳида гурух бўлмайди ҳамда бошқаларга нисбатан зўравонлик қилганларнинг ўзлари ҳам бошқаларнинг қурбони бўлишлари мумкин”.¹⁶⁶

Кўриқчилар томонидан содир этилган ЖГАЗ қурбонлари маъмурият уларнинг даъволарига ишонмаслигига тўқнаш келиши мумкин. Бундай ҳолат, айниқса, жабрланувчи эркак ва зўравон аёл бўлган тақдирда юзага келади.

ЖГАЗ (кўриқчи ёки бошқа маҳбус томонидан) қандайdir фойда эвазига жинсий зўравонлик ҳаракати шаклида бўлган ҳолларда, жабрланувчилар ўз “имтиёзларини” йўқотишдан ёки қандайdir суистеъмолликка шерик бўлишдан кўрқиб, бу ҳақда хабар бермасликлари мумкин (масалан, жабрланувчига бошқача муомала қилинса ёки жинсий хусусиятга эга бўлган хизматлар эвазига озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятидан буюмлар олган бўлса).

3.7.5. ЖГАЗни “жазонинг бир қисми” ёки муқаррар ҳодиса сифатида қабул қилиш

ЖГАЗ динамикаси ва жабрланувчининг айбдорлиги ҳақидаги нотўғри тушунчалар жабрланувчиларда айбдорлик туйғуларини ёки уларнинг ўзлари уларга нисбатан зўравонлик содир этилишига у ёки бу тарзда ҳисса қўшган деган ишончни кучайтиради. Умуман олганда, жамиятда аёллар жинсий зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар бермаслиги мумкин, чунки бунда улар ўзларини айбдор ҳис қилишади.¹⁶⁷ Аммо шуни таъкидлаш жоизки, маҳбуслар озодликдан маҳрум бўлган пайтдан бошлаб қўпол муомалага тоқат қилиш керак, чунки бу ҳам жазонинг бир қисми деб ўйлашлари мумкин.

АҚШдаги озодликдан маҳрум этиш жойларида ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, танишув сухбати давомида кўриқчилар янги маҳбусларга озодликдан маҳрум этиш жойидаги зўрлаш одатий ҳол эканлигини, улар “бунга кўнишиб яашни ўрганишлари” кераклигини ва “жинсий зўравонлик қамоқ ҳаётининг бир қисми” ва ҳатто “жазосининг бир қисми” эканлигини айтиб келишган.¹⁶⁸ Бундай амалийтлар нафақат шахсларнинг заифлигини оширади, балки жабрланган шахсларни зўравонлик ҳақида шикоят қилишдан қайтаради.

Ўтмишда ЖГАЗни бошдан кечирганлар зўравонлик содир бўлганидан хабардор бўлмаслиги ёки мажбурлаш элементларини ажратса олмайдиган бўлиб қолган бўлиши мумкин. Озодликдан маҳрум этиш жойи ходимларидан бирининг сўзларига кўра, “бу аёлларнинг [маҳбусларнинг] кўпчилиги шу қадар узоқ вақт зўравонликка учраганки, улар энди буни [жинсий эксплуатация] нотўғри деб ўйламайдилар. Сабаб

166 Homel and Thompson, op. cit., 135-изоҳ, 6-бет.

167 Аёлларга нисбатан зўравонлик: Европа Иттифоқи бўйлаб сўров, Асосий натижалар, op. cit., 64-бет.

168 Fleisher and Krienert, op. cit., 15-бет.

ўзларида ва “балки, ўзим айбдордирман” деб ўйлайдилар.¹⁶⁹ Ўтмишда ЖГАЗни бошдан кечирган шахслар ўзларини ҳақ-хукуқсиз сезиб тегишли хизмат бўлимлари билан мулоқот қилишни истамасликлари мумкин; уларни ҳатто қамоқдан озод бўлишлари ташвишга солишлари мумкин, агар улар ўз зўравонларига қайтишига тўғри келадиган бўлса.¹⁷⁰

Асосий тавсиялар

- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари маҳбусларни бундай муассасаларда бўлишлари давомида ЖГАЗ ҳодисаси муассаса маданияти қисми эмаслигини ва бундай ҳодисаларнинг барчаси текширилиши ва айбдорлар жавобгарликка тортилиши ҳақида хабардор қилишлари керак.
- ✓ Қонун чиқарувчилар ва сиёsatчилар озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ЖГАЗ муаммоси бўйича жамоатчилик мухокамасини қўллаб-қувватлаши ва бундай мухокамаларда иштирок этиши, шунингдек, ЖГАЗ ҳолатлари ҳақида хабар бериш ва тергов қилишдаги тўсиқларни аниқлаши керак. Турмалар маъмурияти озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган сўровлар, мухокамалар ва гуруҳ тадбирларида ходимлар, маҳбуслар, қариндошлар, хизмат кўрсатувчилар ва мавзу бўйича экспертларнинг иштирокини рафбатлантириши керак. Шунингдек, маъмурият уларнинг ушбу тадбирларда иштирок этиши учун хавфсиз мухитни яратиши керак.

3.7.6. Мустақил ва самарали шикоят механизмларининг йўқлиги

БМТнинг Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидаларига (“Нелсон Мандела қоидалари” номи остида маълум) кўра, барча маҳбусларга қай тарзда шикоят қилиш кераклиги ҳақида маълумот берилиши, озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятининг турли даражаларида шикоят қилиш имкониятига эга бўлишлари ва уларга хавфсиз ва маҳфий тарзда шикоят қилиш учун кафолатлар ва шароитлар таъминланиши керак. Шунингдек, Нелсон Мандела қоидалари барча шикоятлар зудлик билан кўриб чиқилиши ва уларга ҳеч қандай кечиктирмасдан жавоб берилиши кераклигини кўрсатади.¹⁷¹

169 Аёллар қамоқхоналарида жинсий зўравонлик, оп. cit., 72-изоҳ, 8-бет.

170 Morag MacDonald and Caren Weilandt, Breaking the Cycle: Responding to the Needs of vulnerable women and female offenders, presentation at the WHO/Health in Prison Programme Conference [Циклни бузиш: заиф аёллар ва ҳукуқбузар аёлларнинг эҳтиёжларини қондириш — ЖССТ/Қамоқхоналар саломатлиги дастури томонидан ташкил этилган конференциядаги тақдимот], Portlaoise, Ireland, 2–3 октябр 2014

171 БМТнинг маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари (54–57-қоидалар).

Айрим озодликдан маҳрум этиш жойларида шикоят қилишнинг расмий тартиблари йўқ. Баъзи муассасаларда эса маҳбуслар қандай қилиб шикоят қилишни билмаслиги ёки бера олмаслиги мумкин.

БМТнинг Қийноқлар бўйича маҳсус маърузачиси “шикоят механизмларига эга бўлишнинг ўзи етарли эмас; улар мустақил ва холис бўлиши ҳамда шундай деб ҳисобланиши ҳамда улар самарадорлик ва тезкорлик кафолатларини таъминлаши шарт”.¹⁷²

Асосий тавсиялар

- ✓ Барча муассасаларда маҳбуслар қандай шикоят қилишлари ва ЖГАЗ ҳолатлари бўйича шикоятларга жавобан ҳаракатлар ҳақида маълумотлардан иборат ёзма кўрсатмалар бўлиши керак.
- ✓ Шикоятларни кўриб чиқиш ва уларга жавобан ҳаракат қилиш муддатларига ҳар доим риоя қилиниш керак ҳамда жабрланувчилар ва барча гувоҳларнинг хавфсизлиги ва мағфилигини таъминлаш учун ҳар доим олдиндан белгиланган чоралар кўрилиши керак.

3.7.7. Шикоят бериш маъносиз деган фикр ва/ёки шикоят механизмларига ишончсизлик

Агар маъмурият ЖГАЗнинг олдини ололмаса ёки айбдорларни жазолаш учун ҳеч қандай чора кўрмаса, жабрланган шахслар умидларини йўқотишлари ва шикоят бериш бефойда ёки хавфли эканлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Агар зўравонлик муассаса ходимлари томонидан содир этилган бўлса, жабрланувчилар бутун тизим бу зўравонликка шерик ва шикоят қилинганидан кейин ҳеч қандай чора кўрилмайди деб ўйлашлари мумкин. Бундан ташқари, муассаса ходимлари ЖГАЗ шикоятларини шунчаки рад этишлари мумкин. Масалан, бесоқолбоз маҳбуслар томонидан зўрланганлик ҳақида шикоятлар қўриқчилар томонидан розилик асосида жинсий алоқа бўлган деган баҳона билан рад этилгани ҳолатлари қайд этилган.¹⁷³

ЖГАЗ жабрланувчиларининг расмий шикоят бериш тўғрисидаги қарори уларнинг жинси ва ёшига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин ва буни эркаклар ва аёллардан келиб тушган шикоятлар сони бўйича қиёсий статистик маълумотлар билан кўрсатиш мумкин. 2013–2014 йилларда Англия ва Уэлсда аёллар ва ёшлар жами озодликдан маҳрум этиш жойи контингентининг 6%ни ташкил қилган бўлса-да, улардан

172 Бразилияга ташриф ҳақида Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларининг олдини олиш бўйича қуий қўмита ҳисоботи, CAT/OP/BRA/1, п. 32

173 Atabay, op. cit., 95-изоҳ, 105, 107 бетлар.

Қамоқҳоналар ва пробация бўйича Омбудсманга келиб тушган шикоятлар ҳар қандай турдаги шикоятларнинг атиги 2,1%ни ташкил қилган. Хотин-қизлар ва ёшлардан келиб тушган мурожаатларнинг камлиги сабаблари орасида шикоятнинг холис кўриб чиқилишига ишонч йўқлиги, шунингдек, шикоят жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигидан қўрқишидир.¹⁷⁴ Озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурларининг маҳбус аёллар, ёшлар ва бошқа гуруҳлардан шикоятларнинг йўқлиги уларга нисбатан ЖГАЗ содир этилмаганлигини англатмаслигини тушунишлари муҳимдир.

Асосий тавсиялар

- ✓ ЖГАЗ ҳолатларидан хабардор бўлиб, ушбу ҳодисанинг олдини олиш ёки унга қарши курашиш учун тегишли чораларни кўрмайдиган озодликдан маҳрум этиш жойи раҳбарияти ва ходимлари учун аниқ жазо чоралари ишлаб чиқилган бўлиши керак. Агар бундай чоралар бор бўлса, уларнинг самародорлигини кўриб чиқиш керак.
- ✓ Шикоят келиб тушгандан кейин ЖГАЗга алоқадор деб тахмин қилинган шахслар тергов бошланмасдан олдин бирон-бир ваколатни амалга оширишдан вақтинча четлатилиши керак.

3.7.8. Ушлаб турилганлар/маҳбуслар ўзларининг шикоят қилиш хуқуқи ёки йўллари ҳақида билишмайди

Ушлаб турилганларнинг/маҳбусларнинг мустақиллиги чекланган бўлади, шунинг учун шикоят бериш масаласида улар муассаса маъмурияти ёки бошқа органларга боғлиқ бўлиб, уларга бундай имконият ва бунинг учун зарур каналлар тақдим этилиши лозим. Озодликдан маҳрум этилган шахслар, агар уларга нисбатан зўравонлик содир этилган бўлса, ўзларининг зўравонлиқдан ҳимояланиш ва компенсация олиш хуқуқлари тўғрисида билмасликлари мумкин. Бундан ташқари, саводсизлиги ёки уларга тақдим этилган маълумотларни тушунмасликлари туфайли улар шикоят қилиш жараёни ҳақида билмасликлари мумкин ва шу боис ЖГАЗ ҳолатлари ҳақида хабар бермайдилар.

3.8. Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик оқибатлари

Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ ҳам шахслар, ҳам муассасалар учун жуда оғир ва кенг қамровли оқибатларга олиб келади. Энг ёмони, ЖГАЗ – ё олинган жароҳатлар туфайли дарров, ё ўз жонига қасд қилиш ёки жароҳат натижасида келиб

174 “Нима учун қамоқдаги аёллар ва ёшлар расмий шикоят қилмайдилар?”, Англия ва Уэлс учун қамоқҳоналар ва пробация омбудсмани, 2015, 6-бет.

чиққан гиёхвандлик ёки спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш натижасида — ўлимга олиб келиши мумкин.

ЖГАЗ жабрланувчиларнинг инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилишини англатади ҳамда узоқ муддатли жисмоний ва руҳий оқибатларга олиб келиши мумкин. Жабрланувчилар учун жиддий жисмоний жароҳатлар олиш ва репродуктив саломатлик билан боғлиқ муаммолар ва жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, шу жумладан ОИВ билан касалланиш хавфи ортиши мумкин. Аёллар ва қизлар исталмаган ҳомиладорлик, ҳомиладорликнинг асоратлари ва ҳомилани тушириб қўйиш каби хавф-хатарларга дуч келишади. Бундан ташқари, муассасаларда ЖГАЗ қурбонлари ўзларига зарар етказиши ва ўз жонига қасд қилиш мойиллигини намоён қилиши мумкин.

Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик жабрланувчининг ҳиссий ва психологик саломатлигига энг салбий таъсир кўрсатиши мумкин. ЖГАЗдан жабрланганлар (зўравонлик қаерда содир бўлишидан қатъий назар) кучли уят ва айбдорлик туйғуларини, шунингдек, фазаб ва шокни бошдан кечирадилар. Узоқ муддатли психологик таъсирлар депрессия, ўз-ўзини айблаш ҳисси, ташвиш, заифлик ҳисси, уйқу ва диққатини жамлай олмаслик муаммолари ва ваҳима ҳужумларини ўз ичига олиши мумкин. Ҳибса да сақланаётган шахслар озодликда ЖГАЗ жабрланувчилари учун мавжуд бўлган ёрдам ва қўллаб-қувватлаш хизматларидан фойдалана олмаслиги мумкин. Бундай хизматлар мавжуд бўлганда ҳам, қамоқда бўладими ёки озодликка чиққандан кейинги ёрдам кўрсатиш шаклида бўладими, улар асосан аёллар ва қизларга мўлжалланган бўлади. Жабрланган эркаклар учун ихтисослаштирилган хизматлар камдан-кам учрайди ва шунинг учун ЖГАЗнинг узоқ муддатли таъсирлари эркаклар ва ўғил болалар учун янада оғирроқ сезилиши мумкин.

Асосий тавсия

- ✓ Барча ЖГАЗ жабрланувчилари учун, иложи борича, ташқи ихтисослаштирилган хизматлар ва ННТлар билан ҳамкорликда ташкиллаштириладиган зарур профессионал кўмак ва тиббий ёрдам таъминланиши керак. Бундай хизматлар сифати озодликдаги хизматлар сифати даражасида бўлиши керак.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ оқибатлари ҳам муайян муассасага, ҳам кенгроқ маънода жамиятга таъсир қиласи. Бундай зўравонлик озодликдан маҳрум этиш жойларида хавфсизликка путур етказади, зўравонликнинг янада кучайишига ва гендер тенгсизлиги, сексизм ва камситишларнинг янада давом этишига олиб келади.

Ичida зўравонликлар содир бўладиган муассасани бошқариш қийинроқ ва қимматроқ бўлади. Зўравонликнинг ходимлар одоб-ахлоқи, хавфсизлиги ва барқарорлигига бўлган таъсирини ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Мисол учун, агар маълум бир муассаса зўравонлик ва шафқатсиз муомала гуллаб-яшнаган жой сифатида


обрўга эга бўлса, бу одамларнинг, айниқса аёлларнинг ушбу муассасага ишга кириш ёки у ерда ишлашни давом эттириш истагини қайтаради.

ЖГАЗ етказадиган иқтисодий йўқотишларни қийноқлар билан боғлиқ йўқотишларга солишириш мумкин. ҚОАга кўра, “қийноқлар жуда катта иқтисодий харажатларнинг сарфланишига олиб келади [...] шафқатсиз муомалага учраган ёки бир кишилик камерада сақланганларга узоқ муддатли руҳий зарар етказиш харажатлари юки соғлиқни сақлаш тизимлари ва иш берувчиларга тушади. Агарда жабрланувчилар компенсация олиш имкониятига эришса, жиноий адлия тизими жуда катта сарф-харажатлар йўқотишига тўғри келиши мумкин”.¹⁷⁵

ЖГАЗнинг тарқалиши, шунингдек, сил ва жинсий йўл билан юқадиган юқумли касалликларнинг тарқалишини камайтириш учун озодликдан маҳрум этиш жойлар томонидан амалга оширилаётган дастурларнинг самарадорлигини камайтириши ва нархини ошириши мумкин. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум этиш жойларидаги зўравонлик реабилитация ва ижтимоий реинтеграция дастурлари обрўсига путур етказади.

ЖГАЗ нафақат шахсларга, балки уларнинг оиласларига, жамоаларга ва бутун жамиятга ҳам таъсир қиласи. Бундан ташқари, агар ёпиқ муассасаларда айборларга жазосиз ҳаракат қилишларига руҳсат берилса, бунда гендерга асосланган зўравонликнинг бу тури оддий ҳодиса сифатида қабул қилина бошлайди. Ёпиқ муассасаларда ЖГАЗнинг тоқат қилиниши ушбу ҳодисанинг бутун жамиятда қандай қабул қилиниши билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин: бундай зўравонликка нисбатан юқори даражадаги бағрикенглик жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва зўравонларни жамоатчилик томонидан қоралаш шаклида зарурий жавоб чоралари кўрил-маслигини кафолатлади; уларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

175 “Қийноқларнинг ҳақиқий харажатларини тушуниб”, APT.ch, <<http://www.apt.ch/en/blog/understanding-the-true-costs-of-torture/>>.



4. ХАВФ-ХАТАРЛАР ВА ЭХТИЁЖЛАРНИ БАҲОЛАШ

4. ХАВФ-ХАТАРЛАР ВА ЭҲТИЁЖ-ЛАРНИ БАҲОЛАШ

Асосий тавсиялар

Тармоқ вазирликлари, сиёсатчилар ва қонун чиқарувчилар аллақачон мавжуд бўлган баҳолаш методологияларини, шу жумладан ЖГАЗ қурбони ёки зўравон бўлиш нуқтаи назаридан шахс учун хавфларни аниқлаш учун аниқ мезонлардан иборат услубларни ишлаб чиқишлиари ёки мослаштиришлари керак фойдаланиш. Бу вазифа амалга ошириш доирасида тегишли мутахассислар, жумладан, имкон қадар фуқаролик жамияти вакиллари билан маслаҳатлашиш зарур.

Озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти ҳар бир ушлаб турилган/маҳбуснинг ўзига, муассаса ходимларига, бошқа маҳбусларга ва ташриф буюрувчиларга ЖГАЗ нуқтаи назаридан олиб келиши мумкин бўлган хавф-хатарни тўлиқ баҳолаши ва маҳбусларни жойлаштиришда ушбу баҳолашни ҳисобга олиши керак.

Assessment teams should be gender-balanced and include experts on SGBV if possible.

4.1. Баҳолаш ўтказиш

Эҳтиёжлар ва хавфларни баҳолаш қобилияти ҳар қандай ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки озодликдан маҳрум этиш жойи муассасаси учун асосий ваколат ҳисобланади. Бундай баҳолаш заифлик ёки тажовуз белгиларини аниқлаш, зарур даволаш ва реабилитацияни таъминлаш, реинтеграция дастурларини режалаштириш ва ҳар бир шахснинг хавфсизлигини таъминлаш учун жуда муҳимдир. Нелсон Мандела ва Бангкок қоидалари маҳбусларни таснифлаш, жумладан индивидуал ва мунтазам хавф ва эҳтиёжларни баҳолашга алоҳида ёндашувни талаб қиласди. Бу маҳбусларнинг шахсий эҳтиёжлари ҳамда хавфсизлик талаблари тўғри ҳисобга олинишини таъминлайди ва таснифлашда нотўғри тоифани танлашнинг олдини олади.¹⁷⁶ Бангкок қоидалари хавф ва эҳтиёжларни баҳолаш гендеррга боғлиқ бўлиши кераклигини аниқ белгилаб беради.¹⁷⁷

176 Нелсон Мандела қоидалари бўйича йўл-йўриқ ҳужжати – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳбусларга муносабатда бўлишнинг қайта кўриб чиқилган минимал стандарт қоидаларини, ДИИХБ ва Халқаро жазо ислохотини амалга ошириш (Варшава: 2018), ODIHR and Penal Reform International (Warsaw: 2018) <<https://www.osce.org/odihr/389912>>, 11-бет, 3-параграф.

177 Бангкок қоидалари, 40- ва 41-қоида.

Эҳтиёжлар ва хавфларни самарали баҳолаш ҳар хил турдаги эҳтиёжлар ва хавфларни ҳисобга олишни талаб қиласи ва ҳар бир маҳбуснинг индивидуал хусусиятларини, шу жумладан шахси ва келиб чиқишининг унчалик аниқ бўлмаган томонларини ҳисобга олади. Самарали баҳолаш ҳам динамик ва мослашувчан бўлиб, вақт ўтиши билан ўзгаришларни ҳисобга олади.

Хавф ва эҳтиёжларни баҳолаш турли мавзу гурухлари, жумладан полиция ва озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари, пробация ходимлари, психологлар ва хизмат кўрсатувчилар томонидан қўлланилиши мумкин. Европа Кенгаши ҳуқуқбузарнинг бутун жамиятга етказадиган хавфини ва бевосита жазони ўташ вақтидаги хавфидан фарқлашни тавсия қиласи; шунинг учун хавфнинг бу икки шакли алоҳида баҳоланиши керак.¹⁷⁸ Ушбу нашрда муайян маҳбус томонидан жазони ўташ пайтида ЖГАЗ содир этилиши билан боғлиқ хавфларни аниқлаш ва уларни бошқариш жараёни батафсил кўриб чиқиласи.

Хавф ва эҳтиёжларни баҳолаш ҳуқуқбузарни ушлаш, ҳибсга олиш ва қамоқда сақлашда; суд томонидан эҳтиёт чораси ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси тўғрисида қарор қабул қилишда; кадрлар тайёрлаш ва динамик хавфсизликни таъминлашда назарда тутилган ёндашувнинг таркибий қисми бўлиши керак. Хавф ва эҳтиёжларни баҳолаш шахснинг озодликдан маҳрум этиш жойида ёки қамоқда сақлаш жойида бўлиши давомида қайта-қайта ўтказилиши керак. Бу соҳада билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилиши керак.

178 Европа Кенгаши, Вазирлар қўмитасининг аъзо давлатларга хавфли ҳуқуқбузарлар бўйича CM/Rec (2014)3 тавсияномаси, 2014 йил.

Хавф ва эҳтиёжларни баҳолаш босқичлари:

Ушлаш	<ul style="list-style-type: none"> * Ушлашни амалга ошираётган ходим * Вақтингчалик сақлаш ҳибсонаси ходими * Прокурор (назорат функцияси) * Ҳибсга олишни кўриб чиқувчи суд
Вақтингчалик сақлаш ҳибсонасига жойлаштириш	<ul style="list-style-type: none"> * Вақтингчалик сақлаш ҳибсонаси ходими * Прокурор * Суд * Қўшимча ходимлар (тиббий ходимлар, психологлар ва бошқалар)
Қамоқда сақлаш	<ul style="list-style-type: none"> * Тергов изолятори инспектори * Прокурор * Суд (эҳтиёт чорасини белгилаш) * Қўшимча ходимлар (тиббий ходимлар, психологлар ва бошқалар)
Озодликдан маҳрум этиш жой- ларида сақлаш	<ul style="list-style-type: none"> * Озодликдан маҳрум этиш жойлари ходимлари * Прокурор * Суд (ҳукм чиқариш, жазо ижроси устидан назорат, озод қилиш шартлари) * Қўшимча ходимлар (тиббий ходимлар, психологлар ва бошқалар)

Хавф ва эҳтиёжларни баҳолашда шахс учун мавжуд бўйланган хавф омилларини ҳисобга олиш керак.

ЖГАЗ хавфини баҳолаш ва олдини олиш бўйича яхши амалиётлар қаторига қуйидагилар киради:

- * потенциал қурбонлар учун хавфларни, шунингдек, маълум бир шахс томонидан ЖГАЗни содир этиш хавфини ўрганиш;
- * қўриқчилар, хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ташриф буюрувчилар томонидан ЖГАЗ хавфини ёки ушбу шахсларга нисбатан ЖГАЗ хавфини баҳолаш;
- * маҳбус тўғрисидаги кенг қамровли маълумот манбаларидан фойдаланиш, шу жумладан судланганилиги ва у содир этган жиноятнинг моҳияти, маҳбуслар ўртасидаги зўравонлик ҳаракатларида илгари иштирок этганлиги, шахсий биографияси фактларидан (зўравонлик билан боғлиқ кечинмалари, соғлиқ, муаммолари, ижтимоий келиб чиқиши, ҳиссий етуклиқ, алкоголь ёки гиёҳвандлик ёки тегишли тобелик) фойдаланиш;
- * шахслар ва гуруҳлар ҳақидаги стереотиплардан келиб чиқадиган хулосаларни рад этиш. Баҳолаш объектив маълумотларга ва алоҳида эҳтиёжли гуруҳлар ёки зўравонлик хавфини оширадиган ўзига хос омиллар ҳақидаги эмпирик билимларга асосланган бўлиши керак. Хатарларни баҳолашда стандартлаштирилган методологиялардан фойдаланиш жуда муҳимdir;
- * маҳбуснинг хавф ва заифлик ҳақидаги тасаввурлари ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олиш;
- * хавфни баҳолаш натижаларини қамоққа олиш, ташиб пайтида ва маҳбусни озод қилишдан олдин барча тегишли ходимларга хизмат зарурати асосида етказиш;
- * ушлаб турилганлар ва маҳбусларга хавфни баҳолаш натижалари ҳақида хабар бериш ва уларга бу тўғрисида фикрларини билдиришга имконият яратиш;
- * вақти-вақти билан хавфларни баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ва керакли ўзгартишларни киритиш;
- * ходимлар учун хавфларни баҳолаш бўйича кенг қамровли ва стандартлаштирилган тренингни ташкил этиш. Жиноий одил судлов тизими ичida ҳам, ташқарисида ҳам хавф ва эҳтиёжларни баҳолаш билан шуғулланадиган барча ходимлар баҳолашни бир хил мезонлар тўпламига мувофиқ олиб боришлари жуда муҳимdir;
- * хатарларни баҳолаш усулларининг самараадорлигини таҳлил қилиш; ва
- * “Маданий, гендер ва ижтимоий таҳминийлик элементларини аниқлаш учун” хавфларни баҳолаш методологиясини таҳлил қилиш”.¹⁷⁹

179 Шу ерда.

Қамоққа олинган ёки маҳбус қамоқда сақлаш жойига келганидан кейин имкон қадар тезроқ хавф ва эҳтиёжларни баҳолаш керак; шу билан бирга, вазият ва хатти-ҳаракатларнинг ўзгаришига жавобан ҳаракат қилиш ва “маҳбуснинг хавф-хатарларини динамик қайта баҳолаш”ни таъминлаш учун баҳолаш жараёни узлуксиз бўлиши керак”.¹⁸⁰

Хатарларни бартараф этиш учун қўлланиладиган чоралар



Канада: Канада жазолар ижроси хизмати Директиваси (CD 550) маҳбусларни бир камерага жойлаштиришга устувор аҳамият беради ва агар иккита маҳбус бир камерага жойлаштирилса, хавфни баҳолашни талаб қиласди. Баҳолаш тўққиз мезонга асосланади: содир этилган жиноятнинг табиати ва оғирлиги, мувофиқлик, заифлик, тажовузкор/бўйсуниш хулқ-атвори, хавфсизлик масалалари, тиббий маълумотлар, судланганлик ҳолати, психологик маълумотлар ва хавфсизлик хавфи тоифаси.¹⁸¹

Чехия: Хавф даражасини баҳолашни ўтказиш тартиби жазони ижро этиш хизматининг ички қоидалари билан тартибга солинади.¹⁸² Мазкур қоидаларга кўра, маҳбусларни қамоққа олиш ва озодликдан маҳрум қилиш бўйича масъул бўлим бошлиқлари ҳар бир маҳбусга қўйидаги тоифалардан бирини ажратадилар: “зўравонликнинг потенциал қурбони сифатида кўрилган маҳбуслар; зўравонлик содир қилишга мойил шахслар; тана вазни сезиларли даражада паст шахслар; ақлий қобилиятлари пастлиги яққол шахслар; бошқа аниқланган шахслар ва касбига қараб тавсифланган бошқа аниқланган шахслар”.¹⁸³ Маҳбусларни таснифлашда уларнинг ҳозирги хатти-ҳаракатларига, шунингдек, шахсий ва жиноий келиб чиқиши ҳақидаги маълумотларга алоҳида эътибор берилади, масалан, уларнинг “ўзини ўзи бошқариш даражаси, соғлиғи ҳолати, содир этилган жиноятнинг оғирлиги, содир этиш услуби ва оқибатлари”.¹⁸⁴

Грузия: Грузия Жазоларни ижро этиш вазирлиги маҳбусларни тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишда маҳсус хавфни баҳо-

180 Европа Кенгashi, Вазирлар қўмитасининг аъзо давлатларга хавфли хукуқбузарлар бўйича CM/Rec (2014)3 тавсияномаси, 2014 йил.

181 CD 550 дан маҳбусларни жойлаштиришни аниқлашнинг тўлиқ мезонлари <<http://www.csc-scc.gc.ca>>.

182 Махсус регламент Чехия Республикаси қамоқхона хизмати Бош директорининг № 30-сонли кўрсатмаси ҳисобланади. Айланувчилар, маҳбуслар ва маҳбуслар ўртасида зўравонликнинг олдини олиш ва ўз вақтида аниқлаш тўғрисида 12/2012 йил.

Šárka Blatníková, Nebezpečnost a násilí ve všeňském prostředí [Турма шароитида хавф ва зўравонлик], Криминология ва ижтимоий профилактика институти, 2016 йил, 96-бет. 183

184 Шу ерда, 97-бет.

лаш ва идентификация қилиш тизимидан фойдаланади.¹⁸⁵ Илгари маҳбуслар муассасаларга содир этилган жиноят турига қараб жойлаштирилар эди. Хозирда барча маҳбуслар еттига мезон бўйича индивидуал равишда баҳоланади ва шу баҳога кўра, улар хавфи паст бўлган, ярим ёпиқ, қаттиқ тартибли ёки ёпиқ муассасаларга жойлаштирилади. Маҳбусни қаттиқ тартибли ёки ёпиқ муассасага жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда, жумладан, қуйидаги мезонлар ҳисобга олинади:

- маҳбус томонидан мумкин бўлган таҳдид;
- маҳбуснинг шахси;
- содир этилган жиноятнинг оғирлиги ва унинг оқибатлари;
- маҳбуснинг қамоқдаги бошқа маҳбуслар ва қўриқчиларга нисбатан хатти-ҳаракати;
- ички тартиб қоидаларига риоя қилиш; ва
- реабилитация ва ижтимоий реинтеграция дастурларида иштирок этиши.¹⁸⁶

Хавфни баҳолаш тармоқлараро гурух томонидан амалга оширилади ва маҳбус унга тайинланган хавф тоифаси бўйича шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Янги тизим узоқ муддатли назорат ва мониторингни ҳам кўзда тутади.¹⁸⁷

Венгрия: Жиноят кодекси ва Адлия вазирининг 16/2014-сон буйруғи асосида Венгрия маҳбусларнинг реинтеграциясини осонлаштиришга қаратилган хавфларни баҳолаш ва таҳлил қилиш дастурини жорий қилди. Ўз жонига қасд қилиш, қочиш, зўравонлик ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш хавфи билан бир қаторда, маҳбуслар озодликдан маҳрум этиш жойи иерархиясида эгаллаши мумкин бўлган жойлари нуқтаи назаридан ҳам баҳоланади. Ўрта ёки юқори хавф тоифасига киритилган маҳбуслар тажовузкорлик даражасини камайтириш бўйича ўқув дастурига киритилиши мумкин¹⁸⁸.


185 In 2015, the Ministry of Corrections approved Order No. 70, which establishes the criteria for placing inmates in particular facilities.

186 Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-кимматни камситувчи муомала ёки жазолар бўйича маҳсус маърузачининг Грузиядаги миссияси бўйича ҳисоботи, 2015 йил 1 декабр, A/HRC/31/57/Add.3, 81-п

187 Тбилиси, Грузия, 2016-йил сентябрьда ташриф давомида берилган маълумотлар.

188 Венгрия томонидан ДИИҲБ сўровномасига тақдим этилган маълумотлар

5. МУАЙЯН ҲОЛАТЛАРДА ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ КАМАЙТИРИШ



5. МУАЙЯН ҲОЛАТЛАРДА ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ КАМАЙТИРИШ

Ушлаб турилганлар ва маҳбуслар ўз мавқеларига кўра аллақачон ўта заиф вазиятдада бўладилар, аммо хавфлар муайян шароитларда ёки маҳбусларнинг муайян гурухлари учун уларнинг ўзига хос ҳолатига қараб янада ошиши мумкин. Ушбу бўлимда ушлаб турилганлар/маҳбуслар айниқса заиф бўлиши мумкин бўлган бир қатор вазиятлар муҳокама қилинади ва ЖГАЗ хавфини камайтириш учун кўрилиши мумкин бўлган чоралар тавсифланади.

5.1. Полиция билан ўзаро хатти-ҳаракатлар: ушлаш, ҳибсга олиш ва қамоқда сақлаш

ЖГАЗ фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан алоқага киришган турли вазиятларда содир бўлиши мумкин. Ҳибсга олиш ва вақтинча сақлаш ҳибс-хонасига расмий жойлаштириш ўртасида даврда маҳбус учун ЖГАЗ хавфи ошади. Тўхтатилган, ноконуний ҳибсга олинган, полиция бўлимига олиб кетилган ёки сўроқ қилинган шахсларга нисбатан полиция томонидан зўравонлик қўлланилганиги ҳақидаги хабарлар озодликдан маҳрум этилган шахсларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини жорий этиш зарурлигини кўрсатади.¹⁸⁹ Хавфсизлик сектори институтларида самарали назорат ҳамда ҳисобдорлик йўлга қўйилмаган бўлса ёки уларнинг структураси жамият структурасини акс эттирмаса (шу жумладан, аёлларнинг қўриқчи сифатида ишлаши), эркак полициячилар аёлларга нисбатан зўравонликлар содир этишлари мумкин. Бунда бундай эркак полициячилар жабрланувчиларнинг шикоят қилганликлари учун жазоланишидан қўрқишлирига ишонган ҳолда иш тутадилар, айниқса қурбонлар нотинч ёки кам таъминланган оиласардан келиб чиқсан ҳолатларда. Ушланган эркакларнинг вазияти жинсий зўравонлик содир этиши ёки бошқа мажбурлаш шаклларини қўллаши мумкин бўлган бошқа маҳбуслар билан бирга жойлаштирилганда заифлашиши мумкин.

БМТнинг Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолар бўйича маҳсус маърузачиси давлатлар одамлар чорасиз қоладиган вазиятларга алоҳида эътибор қаратишлари кераклигини таъкидлайди, “бунинг классик мисоли қамоқда сақлаш ҳолатидир, бунда маҳбус қочиб кутула олмайди ёки ўзини ҳимоя қила олмайди”, шунингдек, масалан,

189 Полиция томонидан ҳибсга олинишини мониторинг қилиш: амалий қўлланма (Женева: Қийноқларнинг олдини олиш уюшмаси, 2013 йил), <https://www.apt.ch/content/files_res/monitoring-police-custody_en.pdf>; “Полиция ҳибсга олишнинг биринчи соатларида ҳимоя чоралари”, Қийноқларга қарши ташабbus тўғрисидаги конвенция, 2017 йил, <<https://cti2024.org/content/docs/CTI-Safeguards-final%20rev.pdf>>.

сиёсий намойишлар пайтида, “шахс полиция фургонида кишанланган ҳолда куч ишлатишга қаршилик кўрсата олмайдиган” ҳолатлар ҳам бунга мисол бўла олади.¹⁹⁰

БМТнинг Ҳар қандай шаклдаги ҳибсга олинган ёки қамоққа олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш йиғма принциплари қамоққа олишнинг ҳар қандай шаклида риоя этилиши керак бўлган бир қатор қоидаларни ўз ичига олади. Бу талаблар ҳибсга олиш сабаблари, уларга қўйилган айблар, қамоқда сақлаш жойи, қамоққа олинганнинг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш, шунингдек, қариндошлари билан боғланиш ва адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.¹⁹¹

Полиция ҳибсхонасида сақланаётганда ЖГАЗнинг олдини олиш бўйича кўрсатма ҳужжатига мисол



Бирлашган Қиролликдаги полиция ходимларининг мала-касини ошириш маркази бўлмиш Полиция коллежи томонидан ишлаб чиқилган “Яхши касбий амалиёт кодекси” полиция ходимларига қонун ва гумон қилинувчи ҳамда ушлаб турилганларга нисбатан муомала стандартларини қўллашда йўл-йўриқ кўрсатиш учун қамоқда сақлаш бўйича батафсил қўлланмадан иборат.

Қамоқда сақлаш хавфсизлигини яхшилашнинг асосий тамойилларидан бири бу чорани тегишли тартибда, ваколатли органларнинг рухсати билан ва зарур бўлган муддатдан ортиқ бўлмаган вақт ичida қўллаш, шу билан бирга, мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг қамоққа олинганларга нисбатан ҳурмат билан уларнинг қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳамда турли индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таъминлашдан иборат. Қамоқхоналар ходимлари, шунингдек, “ҳар куни ҳурмат кўрсатиши ва [...] барча хавф ва заифликлардан хабардор бўлиши ва уларга тўғри чора кўриши керак”.

Ҳибсда сақлаш бўйича қўлланмада ЖГАЗнинг олдини олиш билан боғлиқ бир қатор масалалар бўйича кўрсатмалар мавжуд. Масалан, унда ҳибсга олиш вақтида ва полиция бўлимига етиб келганида заифликни баҳолаш, тажовузкор ва айниқса ҳимоясиз маҳбуслар билан ишлаш, ушлаб турилганларни озод қилингандан кейин тақсимлаш ва вақтинча сақлаш ҳибсхонасидаги хавфларни “вақтинча сақлаш ҳибсхонаси ҳудудида бўлган барчанинг эҳтиёjlари ва хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда бошқариш” ҳақида сўз боради.¹⁹²

190 БМТнинг қийноқлар бўйича маҳсус маъruzачисининг ҳисботи, 2008 йил 15 январ, А/HRC/7/3.

191 “Ҳар қандай шаклдаги ҳибсга олинган ёки қамоққа олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари тўплами”, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, 1988 йил, <<https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/detentionorimprisonment.aspx>>.

192 Яхши касбий амалиёт кодексининг бир қисми бўлган ҳибсга олиш бўйича қўлланманинг тўлиқ матни билан кўйидаги веб-сайтда танишиш мумкин <<http://www.app.college.police.uk/detention-and-custody-index/>>.

ЖГАЗНИНГ олдини олиш учун маъмурият кўриши мумкин бўлган бошқа аниқ чора-тадбирларга айрим тоифадаги шахсларни (масалан, болалар ва руҳий касалликка чалинган шахсларни) вақтингчалик ҳибсоналардан тиббий ёки ижтимоий хизматларга қайта йўналтиришни қўллаб-қувватлаш киради.¹⁹³

5.2. Тергов босқичи: сұхбатлар ва сўроқлар

Асосий тавсиялар

- ✓ ЖГАЗНИНГ олдини олиш учун мавжуд сўроқ усуслари ва амалиётларини, шу жумладан аниқ сўроқ қилиш тартиб-коидаларини жорий этиш орқали қайта кўриб чиқиши керак.
- ✓ Ушлаб турилганларни/маҳбусларни ташиш вақтида, шу жумладан, ташиш нодавлат идоралар томонидан амалга оширилган ҳолларда ЖГАЗНИНГ олдини олиш чораларини кўриш керак. Бундай муассасаларнинг ходимлари тегишли тарзда ўқитилган бўлиши керак ва ЖГАЗ ҳаракатлари содир бўлганда улар ҳам тенг жавобгарликка тортилиши керак.
- ✓ Барча сўроқларда унда иштирок этаётган барчанинг шахслари кўрсатилган ҳолда батафсил баённома олиб борилиши керак. Сўроққа жалб қилинган барча мансабдор шахслар гумон қилинаётганларни сўроқ қилиш, шу жумладан ЖГАЗНИ тақиқлаш тўғрисидаги маълумотлар бўйича тегишли тайёр гарликдан ўтиши керак.

Тергов босқичида гумонланувчилар учун, айниқса, улардан иқрорликларни олиш ёки улардан гувоҳ сифатида маълумот олишга қаратилган сўроқ пайтида, ЖГАЗ хавфи юқори бўлиши мумкин. БМТНИНГ Қийноқлар бўйича маҳсус маърузачиси гумонланувчиларни сўроқ қилиш жараёнини “таҳқирлаш, мажбураш ва шафқатсиз муомалада бўлиш хавфи билан узвий боғлиқ” жараён деб таърифлайди.¹⁹⁴ Қамоққа олиш жойларида сўроқ қилинаётган шахслар юқори хавф остида бўлиб, “бу биринчи навбатда ҳибсга олиш ва қамоқда сақлашнинг дастлабки босқичларига тааллуклидир, бунда қамоқда сақлаш шароитлари ҳам, тергов ҳам бир орган томонидан назорат қилинади”¹⁹⁵

193 Қироллик констебллар корпуси инспекторати (Her Majesty's Inspectorate of Constabulary — HMIC) полиция ҳибсонасидаги заифликни таҳлил қилди ва бошқа чоралар қатори полицияга соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ёрдам бўйича тегишли ҳамкорлар билан биргаликда «таълимга қўшма, кўп агентлик ёндашувини ишлаб чиқиши тавсия қилади. Қаранг: “Полиция ҳибсидаги заиф одамларнинг фаронлиги”, HMIC, 2015, 125-бет.

194 Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолар бўйича Маҳсус маърузачининг оралиқ ҳисоботи, 2016 йил 5 август, А/71/298, 8-п.

195 Шу ерда.

Ҳар қандай шаклда ушлаб турилган ёки қамоққа олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари тўпламининг 21-тамойилида шундай дейилган: “Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахсни айбига икрор бўлишга мажбурлаш, акс ҳолда ўзини айблаш ёки бошқа ҳар қандай шахсга қарши гувоҳлик беришга мажбурлаш учун унинг мансабини суистеъмол қилиш тақиқланади”. Унда яна шундай дейилган: “Ҳеч бир ҳибсга олинган шахс сўроқ пайтида унинг қарор қабул қилиш ёки фикр юритиш қобилиятига путур етказадиган зўравонлик, таҳдид ёки сўроқ усулларига дучор бўлиши мумкин эмас”.¹⁹⁶

БМТнинг Қийноқлар бўйича маҳсус маърузачиси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва тергов ваколатига эга бўлган бошқа шахслар томонидан ўтказиладиган барча сұхбатларга нисбатан кўлланиладиган мажбурий бўлмаган интервью амалиёти учун протокол ва универсал стандартлар тўпламини ишлаб чиқиш таклифи билан чиқди. Барча ушлаб турилганлар учун тавсия этилган кафолатларга қўшимча равишда, протоколда сўроқ қилиш учун айниқса заиф бўлган гуруҳлар, жумладан, болалар, аёллар ва қизлар, ногиронлар, озчилик ёки маҳаллий гурухларга мансуб шахслар, мигрантлар (миграция ҳолатидан қатъий назар), қочқинлар, бошпана изловчилар ва фуқаролиги бўлмаганлар учун маҳсус қоидалар бўлиши керак”.¹⁹⁷

**Ушлаб турилганларнинг тергов босқичида қийноқ сифатида
ЖГАЗга дучор қилинмаслигини таъминлаш учун кафолатлар
қўйидагича:**

- * ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг, шу жумладан, жинси ва ёши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларини зудлик билан аниқлаш ва ушбу эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ҳимоя чораларини кўриш;
- * ушланган шахсни сўровга ёки сўроққа олиб келиш тартибини қатъий тартибга солиш;
- * ушланган шахсга унинг адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида маълумот бериш ва дастлабки босқичда юридик ёрдам олиш имкониятини таъминлаш;
- * ушланган шахснинг учинчи шахсни ушлаб туриш факти ва унинг турган жойи тўғрисида хабардор қилиш ҳуқуқини таъминлаш;
- * ушланган шахсга шифокор кўригидан ўтиш ва тиббий кўрикдан ўтиш имкониятини бериш;
- * ушланган шахснинг қариндошлари билан боғланиш имкониятини таъминлаш;
- * ҳибсга олиш ва қамоқда сақлашнинг қонунийлиги устидан суд назорати таъминлаш;

196 21-тамойил, ҳар қандай шаклдаги қамоққа олишнинг барча шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари тўплами.

197 Оралиқ ҳисобот 2016, оп. сит., 194-изоҳ, пара. 79

- * қийноқлар ва/ёки ЖГАЗ ҳақидаги барча хабарлар бўйича тергов ўтказиш; ва
- * қийноқлар ва ЖГАЗнинг олдини олиш бўйича сўроқ қилиш усуллари ва амалиётларини мунафазам равишда кўриб чиқиш (шу жумладан, полициянинг сўроқ қилиш усуллари устидан мажбурий прокурор назорати).¹⁹⁸

Дастлабки босқичларда адвокат хизматидан фойдаланиш имкониятини таъминлашга мисоллар



Буюк Британия: кўрсатмага кўра, тергов изолятори ходимлари ҳибсга олинган шахсни сўроқ қилувчи ходимга топширишдан олдин адвокат ёрдами сўраб мурожаат қилган ёки килинмаганлигини ва бундай ёрдамдан фойдаланиш имконияти мавжудлигини текшириши; маҳбуснинг барча ҳаракатлари аниқланган чекинишларни кўрсатган ҳолда ҳужжатлаштирилиши керак.¹⁹⁹

5.3. Шахсий тинтувлар

Асосий тавсиялар

- ✓ Сиёсат ишлаб чиқарувчилар ва қонун чиқарувчилар инсон ҳуқуқлари стандартларига, шу жумладан қонунийлик, зарурат ва мутаносиблик тамоилларига мос келадиган шахсий тинтувларни ўтказиш учун норматив базани яратиши керак. Муқобил текшириш усулларини ишлаб чиқиш ва қўллашни рағбатлантириш керак.
- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари аёлларни тинтуб қилишда Бангкок қоидаларига қатъий риоя қилишлари керак.
- ✓ ЛГБТИ шахсларни тинтуб қилиш бўйича алоҳида қоидалар ушлаб турилган/ҳибсга олинган ЛГБТИ шахслар ва имкон қадар, тегишли эксперт гуруҳлари билан маслаҳатлашган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.
- ✓ Барча озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари шахсий тинтув, жумладан, гендерни ҳисобга олган ҳолда тинтуб мезонлари ва тартиб-қоидалари бўйича тегишли тренингдан ўтиши керак.

198 6-модда, БМТнинг барча шахсларни қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги декларацияси.

199 “Сўроқларни ўтказиш”, <<https://www.app.college.police.uk/detention-and-custody-index/>>.

“Шахсий тинтув” атамаси уч хил процедурага нисбатан қўлланилади: кийим устидан олиб бориладиган дастлабки ёки ташқи тинтув; тананинг барча қисмларини визуал текшириш учун кийимни қисман ёки тўлиқ ечишни ўз ичига олган жисмоний контакtsиз тинтув; тана бўшлиқларини тинтиш, шунингдек, инвазив ёки интим тинтув деб аталади, бунда тана очиқликлари — вагина ёки анус — текширилиши назарда тутилади.²⁰⁰ Шахсий тинтув ўтказишида, айниқса, ечинтириб ва тана бўшлиқлари тинтувида аёллар ўзларини ўта заиф сезадилар.

Нелсон Мандела қоидаларига кўра, тинтувлар, шу жумладан, шахсий тинтувлар “тинтув қилинаётган шахснинг инсоний қадр-қиммати ва шахсий дахлсизлигини ҳурмат қилган ҳолда ҳамда мутаносиблиқ, қонунийлик ва зарурият тамойилларини ҳурмат қилган ҳолда” ўтказилиши керак. Шахсий тинтув қилиш “маҳбусни безовта қилиш, қўрқитиш ёки унинг шахсий ҳудудига асоссиз равища бостириб кириш учун ишлатилмаслиги керак” ва интрузив тинтувлар фақат ўта зарур ҳолларда қўлланилиши керак.²⁰¹ Бангкок қоидаларига кўра, аёллар ва қизларни тинтув қилиш «фақат тегишли қидирув усуллари ва белгиланган тартибларга мувофик тегишли тарзда ўқитилган аёл ходимлар томонидан амалга оширилиши керак».²⁰²

Нелсон Мандела қоидалари (60-қоида) “ташриф буюрувчilarни текшириш ва қабул қилиш тартиб-қоидалари камситувчи бўлмаслиги ва маҳбуслар учун ўрнатилганидек, ҳеч бўлмаганда ҳимоя қилувчи тамойиллар билан бошқарилиши”ни назарда тутади.²⁰³

Маъмурият тинтувлар ҳисоботини юритиши керак, уларда тинтув ўтказиш сабаблари, уни ўтказган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ва тинтувлар натижалари кўрсатилади.²⁰⁴ Озодликдан маҳрум этиш жойларида тинтув ўтказишга, шу жумладан маҳбуслар, ташриф буюрувчilar ва ходимларнинг тинтув қилинишига йўл қўйиладиган ҳолатлар, кўрсатилган ёзма қоидалар қабул қилиниши керак.

Шахсий тинтув қилиш тинтув қилинаётган шахсга оғир руҳий ёки жисмоний оғриқ келтириш мақсадида амалга оширилган бўлса, қийноқларга тенгланиши мумкин. Тинтувлар тизимли равища, ўта заруратсиз, маҳбусларнинг муайян гурухларига номутаносиб таъсир кўрсатадиган ва қарама-қарши жинсдаги ходим томонидан амалга оширилган вазиятда шахсий тинтув қилиш қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалага тенг бўлиш хавфи айниқса юқори бўлади.²⁰⁵

Баъзи мамлакатларда ҳибсда сақланаётган аёлларни тинтув қилиш “кўпчилик олдида ечиниш ёки чўккалаb ўтириш талаблари, шунингдек, тананинг жинсий

200 Батафсилоқ таърифлар учун “Шахсий тинтув: Қийноқлар ва ёмон муомалани олдини олиш учун хавф омилларини ҳал қилиш”, АПТ/ПРИ, 2015, га қаранг.

201 Нелсон Мандела қоидалари, 50–52-қоидалар.

202 Бангкок қоидалари, 19-қоида.

203 Нелсон Мандела қоидалари, 60-қоида.

204 Нелсон Мандела қоидалари, 51-қоида.

205 Нелсон Мандела қоидалари бўйича дастурамал ҳужжат, 176-изоҳ.

қисмларини, шу жумладан қин ва анал тешикни текшириш”дан иборат бўлади”.²⁰⁶ Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларининг олдини олиш бўйича қуий қўмита маълумотларига кўра, бундай тинтувлар “жинсий зўравонлик сифатида баҳоланиши мумкин ва шунинг учун тақиқланиши керак”.²⁰⁷

Озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари нафақат қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалалар тақиқланишига риоя қилишлари, балки шахсий тинтув қилишда айrim гурухларнинг заифлиги ортиб бораётганини ҳам тушунишлари керак. Мисол учун, ўтмишда гендерга асосланган зўравонликни бошдан кечирганлар учун шахсий тинтув янги жароҳатлар ва ўткир хўрлаш туйғуларига олиб келиши мумкин. Шахсий тинтувга дучор бўлган барча шахслар учун бундай тинтув камситувчи бўлиши мумкин бўлса-да, эркаклар ҳукмронлик қиласидаги ҳокимият муносабатлари ва аёл танаси ҳақидаги жамиятда ҳукмрон фикрлар билан боғлиқ қўшимча омиллар, шунингдек, аёлларда ЖГАЗни бошдан кечириш эҳтимоли кўпроқ учраши аёлларни тинтув қилиш янада оғирроқ кечиши ва уларга ўтмишдаги жароҳатларни эслатиши эҳтимоли кўпроқ бўлишини англатади. Бундан ташқари, шахсий тинтув ЛГБТИ шахслар учун ўта оғир кечади, “айниқса, агар мазкур шахс [...] очиқчасига лесбиян, очиқчасига гей ёки бисексуал бўлса ёки у қарама-қарши жинс кийимида бўлса ёки жинсини ўзгартириш процедурасидан ўтаётган бўлса”.²⁰⁸

Озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари ҳар бир тинтувнинг ўзига хос мақсади ва бу мақсадга эришишнинг энг кам инвазив усули қандай бўлиши тўғрисида ўзларининг олдига савол қўйишлари керак. Улар дуч келган муайян хавф-хатарлардан келиб чиқиб қарор қабул қилишлари ёки қилмасликларини ёки уларнинг хатти-ҳаракатлари маҳбусларнинг муайян гурухлари ҳақидаги стереотиплар билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини таҳлил қилишлари керак.²⁰⁹

Тинтув ўтказиш қоидалари ушлаб турилганлар/маҳбуслар контингентининг маданий ва диний хилма-хиллигини ҳисобга олиши ва барча шахслар хавфсизлик тартиб-қоидаларига риоя қилишларини таъминлаш учун оқилона тузатишлар киритиш имконини бериши керак. Ҳамма учун бир хил тартибларни қўллаш ўрнига, муассасалар муайян озчилик маданияти нуқтаи назаридан муайян тартибларнинг мақбуллигини тушуниш учун этник ва диний озчиликлар билан бевосита маслаҳатлашиши керак.

206 Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларининг олдини олиш бўйича қуий қўмита, «Озодликдан маҳрум этилган аёлларга нисбатан қийноқлар ва шафқатсиз муносабатнинг олдини олиш», 2016 йил 18 январ, САТ/ОР/27/1, п. 27.

207 Шу ерда.

208 Jean-Sébastien Blanc, “Озодликдан маҳрум қилинган ЛГБТИ шахслар: профилактик мониторинг учун асос”, АПТ/ПРИ, 2013, 9-бет.

209 Нелсон Мандела қоидалари бўйича йўл-йўриқ ҳужжати, 176-изоҳ.

Шахсий тинтув пайтида шикаст етказмаслик бўйича яхши амалиётлар:

- * шахсий тинтув мутаносиблик ва зарурият тамойилларига муво-
фиқ амалга оширилиши керак;
- * тинтувлар фақат охирги чора сифатида ўтказилиши керак
ва шахсий тинтувлар ўрнини босадиган муқобил скрининг усул-
лари йўлга қўйилган бўлиши керак;
- * озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари тинтув ўтказиш за-
рутини тизимли ва тўғри баҳолаб, улар қандай ва ким томо-
нидан ўтказилишини тўғри аниқлашлари керак;
- * тинтув пайтида йўл қўйиладиган ва тақиқланган хатти-ҳаракат-
ларни тартибга солувчи қоидалар гендерга боғлиқ бўлиши
ва инсон ҳуқуқлари стандартларига мос келиши керак; барча
ходимлар ушбу қоидалар бўйича ўқитилиши керак;
- * барча тинтувлар тинтув қилинаётган шахснинг қадр-қиммати
ва шахсий дахлсизлигини тўлиқ ҳурмат қиладиган тарзда ўтка-
зилиши керак;
- * тинтувлар тинтув қилинаётган шахсни бошқа ходимлар ёки уш-
лаб турилганлар/маҳбуслар кўра олмайдиган алоҳида хонада
 ўтказилиши керак;
- * тинтувдан олдин ушлаб турилганларга/маҳбусларга барча
 яширин тақиқланган буюмларни ихтиёрий равишда топшириш
 имконияти берилиши керак;
- * ушлаб турилганлар/маҳбуслардан тўлиқ ечинишларини та-
 лаб қилмаслик керак; тинтув пайтидаги ечинишириш босқич-
 ма-босқич амалга оширилиши керак (биринчи навбатда белдан
 юқориси, сўнгра белдан ост қисми); ва
- * ушлаб турилган ёки ҳибсга олинган шахсни тинтув бир хил
 жинсдаги ходим томонидан амалга оширилиши керак, ЛГБТИ
 шахсларни тинтув қилишда эса тинтув ўтказилаётган шахсга
 тинтувни ўтказадиган ходим жинсини ўзи танлаш имконияти
 берилиши керак.

Шахсий тинтув ўтказишни тартибга солиш бўйича мисоллар



Австрия: Федерал Адлия вазирлиги инсон қадр-қимматини ҳурмат қилишга асосланган шахсий тинтув қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиши мақсадида ахлоқ тузатиш тизимидағи тинтув амалиётини баҳолаб чиқди.²¹⁰

Грузия: Грузия Халқ ҳимоячисининг 2018 йилги ҳисоботига кўра²¹¹, аёллар озодликдан маҳрум этиш жойларига олиб келингандаридан тўлиқ ечинтириш билан тинтув ўтказиш муҳим муаммо бўлиб қолмоқда, бунда улар ҳатто ҳайз кўриш пайтида ҳам чўккалаб туришга мажбурланадилар. Бу муаммо аввалги йилларда ҳам кузатилган. 2016 йилда 5-сонли жазони ижро этиш муассасасига сканер ўрнатилди ва муассаса уставига маҳбусларни тўлиқ тинтувдан ўтказиш тўғрисида тегишли ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра қамоққа ушлаб турилганлар/маҳбуслар тўлиқ тинтув (ечиниш билан тинтув ёки сканердан ўтиш) ўтказиш шаклини ўзлари танлаш ҳуқуқига эга. Ушбу қоидалар низомга мувофиқ шахсларни муассасага қабул қилиш, қайтариш ва муассасадан чиқариш ҳамда низом билан белгиланадиган бошқа ҳолатларни тартибга солади. Бироқ, Ҳимоячининг ҳисоботига кўра, ушлаб турилган/ҳибсга олинган аёллар биринчи марта муассасага келтирилганларидан, улар сканердан ўтказилади ва ечинтирилади ҳамда чўккалаб туришлари сўралади, шунинг учун бу масалани ҳали тўлиқ ҳал қилиш керак.

Испания: полиция учун шахсий тинтув ўтказиш бўйича стандартларни белгиловчи ва полиция ҳибсонасида сақланадиган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган маҳсус қоидалар мавжуд. Ушбу кўрсатмаларга мувофиқ, тинтувлар икки ходим иштирокида ва иложи борича, тинтув қилинаётган шахс билан бир жинсдаги шахс томонидан ўтказилиши керак; шу билан бирга, маҳбуснинг гендер мансублиги ҳурмат қилиниши керак, айниқса трансгендерлар ҳақида гап кетганда афзаллик ташқи юзаки тинтувга берилиши керак.²¹² Ечинтириб ўтказиладиган тинтувлар вазият бир қатор мезон-

210 Австрия Миллий Превентив Механизми фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисобот 2015, Халқаро версия, 115-бет.

211 Грузиядаги Аёллар ва Вояга етмаган маҳбуслар ҳолати (2018), 20-бет, <<http://www.hridc.org/admin/editor/uploads/files/pdf/hrcrep2018/STATE%20OF%20WOMEN%20AND%20JUVENILE%20PRISONERS%20IN%20GEORGIA,%202018.pdf>>.

212 Instrucción Número 19/2005 de 13 de Septiembre del Secretario de Estado de Seguridad Relativa a la Práctica de las Diligencias de Registro Personal por las Fuerzas y Cuerpos de Seguridad [Хавфсизлик масалалари бўйича Давлат котибиятининг № 12/2007 йўриқномаси полиция томонидан ҳибсга олинган ва полиция ҳибсга олинган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан талаб қилинадиган хатти-ҳаракатлар тўғрисида].

ларга, жумладан, юқори турувчи полиция ходимининг рухсати ва тинтув учун тегишли асослар борлигидагина қўлланилиши лозим. Тинтувлар махфийликка риоя қилган ҳолда ўтказилиши керак.²¹³ Ушлаб турилган шахснинг шахсий ишига тинтув ўтказишнинг сабаблари ва асослари тўғрисидаги маълумотлар киритилиши керак.²¹⁴

Гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда аёлларни шахсий тинтувдан ўтказиш қоидаларига мисоллар



Буюк Британия: 2006 йилда Ички ишлар вазирининг буйруғи билан жиной адлия тизимидағи айниқса ҳимоясиз аёлларнинг аҳволи бўйича маҳсус тадқиқот ўтказилди. Якуний ҳисботда (“Корстон ҳисботи” номи остида маълум) “озодликдан маҳрум этиш жойларида чуқур илдиз отган амалиёт” деб таърифланган ечинтириш билан тинтув ўтказиш бўйича тавсиялар берилди”.²¹⁵ Корстон ҳисботида таъкидланишича, тинтувларни мунтазам, такрорий ва ҳаддан ташқари кўп ишлатиш “аёл учун ҳақоратли, камситувчи, беҳаё ва шахсий ҳаётга шафқатсиз тажовуздир. Ўтмишда зўравонликни, айниқса жинсий зўравонликни бошдан кечирган аёллар учун бу озодликдан маҳрум этиш жойи ҳаёти билан жирканч тарзда танишиш ва улар бошдан кечирган зўравонлик ҳақида оғриқли эслатмадир. Бу ходимлар учун ҳам ёқимсиз бўлиб аёллар билан, айниқса, янги келганлар билан яхши муносабатлар ўрнатишга ёрдам бермайди”.²¹⁶ Ҳисботда аёллар озодликдан маҳрум этиш жойларида ечинтириб тинтув ўтказишни “хавфсизлик талабларига мос келадиган мутлақ минимал даражага” камайтириш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида гиёҳванд моддалар ва бошқа контрабандаларни аниқлаш учун тест режимида ион сканерларидан фойдаланиш тавсия этилган.²¹⁷ Корстон ҳисботи нашр этилгандан сўнг, аёлларни тизимли равища өчинтириб тинтув қилиш амалиёти тўхтатилди.

213 Instrucción Número 19/2005 de 13 de Septiembre del Secretario de Estado de Seguridad Relativa a la Práctica de las Diligencias de Registro Personal por las Fuerzas y Cuerpos de Seguridad.

214 Instrucción 20/2015 de Estado de Seguridad, por la que Se Aprueba El «Protocolo De Actuación en las Áreas de Custodia de Detenidos de Las Fuerzas y Cuerpos de Seguridad del Estado».

215 “Корстон ҳисботи”, Ички ишлар вазирлиги, 2007 йил, 31-бет.

216 Шу ерда.

217 Шу ерда, 5-бет.

Россия Федерацияси: Россиядаги аёллар қамоқхонасидан бирида барча аёлларни муассасага қабул қилингандан сүнг уларни жисмөнан тана бўшлиқларини текшириб тинтуб қилишни назарда тутувчи қоида мавжуд эди. Ушбу чорани оқловчи важ сифатида ҳибс-хонага ноқонуний ёки тақиқланган нарсаларни олиб киришнинг олдини олиш орқали хавфсизликни таъминлаш келтириларди, лекин “аслида, тинтуб янги маҳбусларни психологик жиҳатдан эзиш ва уларга бошиданоқ итоаткорлик зарурати гоясини сингдириш учун ишлатилган”.²¹⁸ Бирлашган Қиролликлик ҳамкорлари билан биргаликда Россия расмийлари бундай инвазив тинтувлардан фойдаланишни тизимли равишда тўхтатишга ва улардан фақат хавфсизлик нуқтаи назаридан алоҳида ҳолатларда фойдаланишга қарор қилди.

Гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда трансгендер шахсларни шахсий тинтувдан ўтказиш қоидаларига мисоллар



Франция: миллий превентив механизми жинси қонуний равища ўзгартирилган ёки ўзгартирилмаганидан қатъи назар, жинсни ўзгартириш жараёнини бошлаган маҳбусларни тинтувдан ўтказишида қўлланилиши керак бўлган тартиб-қоидалар бўйича кўрсатмалар берди. Тинтувлар эҳтиёткорлик билан ва тинтуб қилинаётган шахснинг инсоний қадр-қимматини ҳурмат қиласиган шароитларда ўтказилиши керак. Тармоқлараро гуруҳ томонидан жинснинг қайтарилмас ўзгаришининг тиббий далиллари аниқлангандан сүнг, тинтувлар тинтуб қилинаётган шахс ва ходимларнинг инсоний қадр-қимматини ҳурмат қиласиган шароитларда, маҳбуснинг ўзгартирилган жинси билан бир жинсдаги ходимлар томонидан ўтказилиши ва бу ходимларга ушбу масала бўйича раҳбарият томонидан олдиндан кўрсатма берилиши керак.²¹⁹

218 “Гендер ва хавфсизлик сектори ислоҳотлари. “Пенитенциар тизим ислоҳоти ва гендер”, ICPS/INSTRRAW/ Женева Қуролли кучлар устидан демократик назорат маркази, 2008 йил, 8-бет, https://www.dcaf.ch/sites/default/files/imce/GSSR%20Toolkit/EN_Tool%205.pdf.

219 J.-M. Delarue, “Avis du 30 juin 2010 relatif à la prise en charge des personnes transsexuelles incarcérées” [Транссексуал маҳбусларга муносабат тўғрисидаги 2010 йил 30 июндаги бўйрук], Journal Officiel de la République Française, 25 July 2010, https://www.legifrance.gouv.fr/jo_pdf.do?numJO=0&dateJO=20100725&numTexte=32&pageDebut=&pageFin=

5.4. Маҳбусларни ташиш ва бошқа муассасага кўчириш

Асосий тавсия

- ✓ Ушлаб турилганларни/маҳбусларни ташиш вақтида, шу жумладан, ташиш нодавлат идоралар томонидан амалга оширилган ҳолларда ЖГАЗнинг олдини олиш чораларини кўриш керак. Бундай муассасаларнинг ходимлари тегишли тарзда ўқитилган бўлиши ва ЖГАЗ ҳаракатлари содир бўлганда улар ҳам teng жавобгарликка тортилиши керак.

Ушлаб турилганлар ва қамоқقا олинганлар мунтазам равишда озодликдан маҳрум этиш жойидан судга, бир қамоқда сақлаш жойидан бошқасига ёки озодликдан маҳрум этиш жойидан тиббий муассасаларга олиб борилади. Ташиш вақтида кўриқчилар томонидан номақбул хатти-ҳаракатлар ва бир-бирлари билан бошқа пайтда учрашмаслиги мумкин бўлган ушлаб турилганлар/маҳбуслар томонидан ЖГАЗ содир этилиш хавфи ортади. Ушбу хавф ташишлар нодавлат ташкилотлар томонидан ташкиллаштирилганда ортади. Трансгендер аёллар ташиш пайтида бошқа маҳбуслар томонидан турли зўравонлик шаклларига (оғзаки, жисмоний ва жинсий) дучор бўлишлари мумкин. Шу муносабат билан, бундай ҳолатларда зарурий ҳимоя чораларини қўллаш жуда мухим, аммо бу ушлаб турилганларни судга ёки касалхонага олиб боришга тўсқинлик қиласлиги ёки уларни бошқа муассасага кўчиришни кечиктирмаслиги керак²²⁰.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларида зўравонлик хавфини минималлаштириш учун маҳбусларни ташиш шартларини тартибга солувчи аниқ қоидалар бўлиши керак. Ушбу қоидаларда ЖГАЗ ва гендер тамойиллари масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қамоқда сақлашда маҳбусларни ажратиш ва етарлича ходимларнинг мавжудлигига оид ҳимоя чоралари, жумладан, эркак ва аёл, вояга етмаган ва вояга етган маҳбусларни ажратиш вақтида таъминланиши керак. Аёллар фақат аёл ходимлар томонидан назорат қилиниши, трансгендер ва интерсексуал шахсларни ташиш алоҳида эҳтиёткорлик билан амалга оширилиши керак.

Айрим маҳбусларни биргаликда ёки алоҳида ташиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда индивидуал хавфларни баҳолаш натижаларини ҳисобга олиш керак. Шу билан бирга, ушлаб турилганлар ва маҳбуслар қариндошлари ва адвокатлари билан алоқада бўлишлари ёки бошқа учинчи шахсларни ҳаракатланишлари тўғрисида хабардор қилишлари керак.

220 Озодликдан маҳрум этилган ЛГБТИ шахсларни самарали ҳимоя қилиш йўлида, оп.cit., 115-изоҳ, 60-бет.

5.5. Маҳбусларни жойлаштириш

Кўпгина мамлакатларда ёпиқ муассасалар тўлиб кетган бўлади. Мазкур муаммонинг битта ўзи стресс, руҳий қасалликлар ва зўравонлик, шу жумладан ЖГАЗ хавфини оширади. Масалан, Латвиядаги барча озодликдан маҳрум этиш жойлар мониторинги натижаларига кўра, Латвия Омбудсмани зўравонлик, шу жумладан ЖГАЗ кўпроқ бир камерада 40 тагача маҳбус сақланиши мумкин бўлган йирик муассасаларда содир бўлади деган хulosага келди.²²¹

Бундан ташқари, ҳаддан ташқари гавжум ва кам ресурсларга эга бўлган муассасаларни бошқариш қийинроқ ва маъмуриятлар маҳбусларнинг асосий эҳтиёжларини, жумладан, тиббий ёрдам, озиқ-овқат ва сувдан фойдаланишини таъминлашда қийналиши мумкин. Муассасаларнинг ҳаддан ташқари тўлиб кетиши зўравонликни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган реабилитация, таълим ва ўқитиш дастурларининг амалга оширилишига ва натижаларига ҳам салбий таъсири кўрса-тиши мумкин.

Нелсон Мандела қоидаларига кўра, агар ётоқхона алоҳида камералар ёки хоналарда бўлса, у ҳолда «ҳар бир маҳкум тунда бир камера ёки хонани ёлғиз эгаллаши керак. Агар маҳсус сабабларга кўра, масалан, вақтинча тўлиб қолиш сабабли, марказий қамоқхона маъмурияти учун ушбу қоидадан истисно қилиш зарур бўлса, бир камерада ёки хонада иккита маҳбус бўлмагани маъқул. Бундан ташқари, умумий ётоқ жойларидан фойдаланилган ҳолларда, “ётоқхоналарга бундай шароитларда бир-бирлари билан мулоқот қилиш учун мос келадиган эҳтиёткорлик билан танланган маҳкумлар жойлаштирилиши керак” ва бунда мунтазам назорат талаб қилинади.²²² Эркаклар ва аёллар, шунингдек, катталар ва вояга етмаганлар ҳар доим алоҳида жойлаштирилиши керак. ҚOEҚга кўра, “трансгендер шахслар ёки уларнинг жинсига мос келадиган қамоқхона бўлимига, ёки, хавфсизлик ва бошқа сабабларга кўра қатъий зарур бўлса, уларнинг хавфсизлигини энг яхши таъминлайдиган алоҳида бўлимига жойлаштирилиши керак. Алоҳида бўлимига жойлаштирилганда, уларга ўзларини мансуб деб биладиган жинсдаги маҳбуслар билан мулоқот қилиш учун тадбирлар таклиф қилиниши ва вақт ажратилиши керак”²²³. “Нелсон Мандела қоидаларининг 7.а. қоидасида айтилишича, қамоқхона картотекасини жорий этиш “маҳбуснинг ўзини қайси жинсга мансуб деб сезишига асосан ўзига хос шахсиятини аниқлашга имкон бериши” керак. Ушбу қоида трансгендер маҳбусларни ўзлари танлаган, хоҳ эркаклар, хоҳ аёллар сақланадиган муассасаларга жойлаштириши осонлаштириши керак. Қийноқларнинг олдини олиш ассоциациясига кўра, жойлаштириш ўз жинсини ўзи аниқлашга қараб амалга ошириладиган муассасаларда ҳам, маҳбусларни жойлаштириш тўғрисида қарор уларнинг розилиги билан қабул қилиниши керак, чунки трансгендер маҳбусларнинг баъзилари хавфсизлик, ишлаш имконияти ёки қариндошлар билан яқин бўлиш каби сабабларга кўра

221 Латвия Республикаси Омбудсман идораси адвокати Иева Красовсканинг ёпиқ муассасаларда жинсий ва гендер асосидаги зўравонликнинг олдини олиш ва ҳал қилиш бўйича тақдимоти, ДИИҲБ Амалиётчилар йигилиши, 2016 йил 17–18 октябр, Варшава.

222 Нелсон Мандела қоидалари, 12-қоида.

223 Озодликдан маҳрум этилган ЛГБТИ шахсларни самарали ҳимоя қилиш йўлида, op.cit., 115-изоҳ, 34-бет.

туғилгандаридан уларга тайинланган жинсга мансуб маҳбуслар муассасаларига жойлаштиришни афзал кўришлари мумкин.

Барча ҳолатларда озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти бир жойга жойлаштирилаётган маҳбусларнинг сони ва тоифаларини диққат билан кузатиб бориши керак. ЖГАЗ хавфини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бундан ташқари, зўравонликнинг олдини олиш учун ходимлар назоратини ҳам амалга ошириб бориш керак.

Маҳбусларни жойлаштиришда гендер тамоилиларини ҳисобга олиш мисоли



АҚШ: АҚШдаги бир қатор юрисдикциялар зўравонликка дучор бўлиш хавфи остида бўлган маҳбус аёлларни бир кишилик камерага жойлаштираслик усулларини ишлаб чиқди. Ҳар бир ҳолатда жойлаштириш тўғрисидаги қарор “ҳар бир ҳолатда ва раҳбарият назорати остида малакали ходимлар томонидан кўриб чиқилгандан сўнг қабул қилинади”²²⁴. Хавфсизликни таъминлаш учун бошқа усувлар ҳам қўлланилади. Мисол учун, Вайомингдаги жазо ижроси департаменти аёллар учун маҳсус жойлаштириш схемаси билан биргаликда скрининг методологиясидан фойдаланади. Муассасадаги аёлларнинг аксарияти енгилроқ жазо мезонларига мос келиши сабабли, уларнинг жойлаштирилиш режимлари ҳам тегишли равища ўзгартирилди²²⁵.

Баъзи юрисдикцияларда трансгендер аёлларни алоҳида сақлаш камайтирилди, уларнинг аксарияти фақат физиологияси ва анатомиясидан келиб чиқиб эркаклар муассасаларида жойлаштирилади. Денвердаги маҳаллий изолятор трансгендер аёлларни биологик жинсига қараб автоматик равища жойлаштириш амалиётини тўхтатди ва энди трансгендер шахслардан ўзларининг афзал кўрган исмлари ва тегишли олмошларини кўрсатишлари мумкин бўлган “Афзалликлар тўғрисидаги ариза” деб номланган шаклни тўлдиришлари сўралади. Жойлаштириш маҳсус қўмита тавсияси асосида амалга оширилади ҳамда трансгендер маҳбуслар алоҳида душдан фойдаланишлари мумкин ва улар бошқа трансгендерлар билан бир камерага жойлаштирилишини сўрашлари мумкин. Зарур ҳолларда, улар шахсий тинтувни амалга оширадиган қўриқчининг жинсини ҳам ўзлари танлашлари мумкин.²²⁶

224 Swavola, Riley and Subramanian, op.cit., 165-изоҳ, 15-бет.

225 Шу ерда.

226 Шу ерда.

5.6. Алоҳида сақлаш

Асосий тавсиялар

- ✓ Полиция ва озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятлари ҳар қандай турдаги жазога тортилган ва алоҳида сақланаётгандан шахсларни ЖГАЗдан ҳимоя қилишнинг етарли кафолатлари мавжудлигини таъминлаши керак.
- ✓ Хавфсизлик мақсадидаги изоляция фақат ушлаб турилган шахс/маҳбуснинг розилиги билан, ҳимоя кафолатлари таъминланган ҳолда ва мунтазам қайта кўриб чиқилиш шарти билан кўлланилиши керак.
- ✓ Маҳбусларни изоляция қилиш ва етарли ходимларнинг мавжудлиги билан боғлиқ ҳимоя кафолатлари қамоқда сақлашнинг барча ҳолатларида, шу жумладан маҳбусларни ташиш пайтида, уларни ўқитиш вақтида ва озодликдан маҳрум этиш жойининг барча қисмларида қўлланилиши керак.

Айрим ушлаб турилган шахсларни ёки маҳбусларни умумий контингентдан ажратиб сақлаш масаласи ЖГАЗнинг олдини олиш ва унга қарши чора кўриш учун алоҳида аҳамиятта эга, чунки бу амалиёт кўпинча ЖГАЗ хавфининг олдини олиш ёки аллақачон содир бўлган зўравонликка жавоб сифатида кўлланилади. Шу билан бирга, изоляция ушлаб турилган шахслар ёки маҳбусларни заиф ҳолатда қолдириши ва қўриқчиларнинг ёмон муомаласига дучор бўлиш хавфини келтириб чиқариши мумкин, айниқса ташқи дунё билан алоқалар чекланган (хусусан, бир кишилик камерада сақланаётган) ҳолларда.

Баъзи мамлакатларда ЖГАЗ хавфи остида эканлиги аниқланган ушлаб турилган шахслар ёки маҳбуслар ўзларининг хавфсизлиги учун, баъзан эса уларнинг илтиносига биноан асосий контингентдан ажратилади. Ушбу амалиёт муассаса томонидан таклиф қилинадиган тадбирлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятини чеклаши мумкин. Бундан ташқари, бу руҳий салбий оқибатларига олиб келиши, ўз-ўзига зарар етказиш ва ўз жонига қасд қилиш хавфини ошириши ва оила аъзолари ташрифларини чеклашга сабаб бўлиши мумкин. Ушлаб турилганларни/маҳбусларни изоляцияда сақлаш, хусусан улар интизомий жазо учун фойдаланиладиган ёки ўз-ўзига зарар етказиш ёки ўз жонига қасд қилиш хавфи юқори бўлган ёки маҳбуслар учун мўлжалланган қисмларга ўтказилган ҳолатларда, уларнинг шахсий дахлсизлигининг одатдагидан юқори даражада чекланишини ҳам англатиши мумкин.

Ушлаб турилганларни ёки маҳбусларни ЖГАЗга нисбатан заиф бўлган гуруҳга мансублиги сабабли асосий контингентдан ажратиш бундай шахсларни янада кучлироқ стигматизация ҳолатига солиши мумкин. Бу ҳолат бундай маҳбуслар асосий ҳудудга қайтарилигандан сўнг янада кўпроқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин ва ЛГБТИ шахслар ёки айрим турдаги жиноятларни (масалан, зўрлаш) содир этганлар учун айниқса хавфли бўлиши мумкин.

Изоляция камситувчи ҳам бўлиши мумкин. Шу муносабатда, маъмуриятнинг заиф аҳволдаги маҳбусларни ҳимоя қилиш йўлларини синчковлик билан кўриб чиқиши муҳимдир, шунда ҳимоя қилишнинг ушбу усуслари бундай шахсларга нисбатан стигматизация ёки камситишларга олиб келмаслиги керак (бунда изоляцияни назарда тутмайдиган муқобил усувлар ҳақида гап кетяпти). Агар муассаса раҳбарияти ЛГБТИ маҳбусни унинг хавфсизлиги учун алоҳида жойлаштироқчи бўлса, ҚОА ва Penal Reform International тавсияларига мувофиқ, аввало маҳбуснинг розилигини олиш керак.²²⁷

Баъзи мамлакатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятлари ЖГАЗ хавфи остида бўлган шахсларнинг хавфсизлиги учун изоляциядан фойдаланадилар. Бироқ, Нелсон Мандела қоидалари ва Бангкок қоидалари хавфсизлик мақсадида изоляциядан фойдаланишга фақат истисно ҳолатларда, имкон қадар қисқа вақт ичида ва тегишли процессуал кафолатларни хисобга олган ҳолда рухсат берилиши мумкинлигини аниқ кўрсатиб беради.

Суд амалиётидан мисоли: “Х. Туркияга қарши” (Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 2012 йил)

Даъвогар, гомосексуал эркақ, анъанавий жинсий ориентацияга эга бўлган эркаклар билан умумий камерага жойлаштирилган ва таъқиб ва таҳдидларга дучор бўлган. Ўз хавфсизлигидан хавотирланган ҳолда, у гомосексуал маҳбуслар жойлашган камерага ўтказилишини сўради. Озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти уни интизомий жазо чораси сифатида қўлланиладиган якка камера — карцерга — жойлаштириди. Даъвогар бошқа маҳбуслар билан мулоқот қилишдан, шунингдек, очиқ ҳавода умумий машғулотлар ва машқлар қилишдан маҳрум бўлди. Озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш учун даъвогар жинсий ориентацияси туфайли ёмон муомала хавфи остида эканлигига ишора қилди.

Суд Конвенциянинг 3-моддаси (қийноққа солиш ва ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситувчи муомалани тақиқлаш) ва 14-моддаси (камситишни тақиқлаш) бузилган деб хулоса қилди ва ўз қарорида “озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти даъвогарнинг хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган хавфларни баҳолаш бўйича муносиб чора-тадбирларни амалга оширганлигини таъкидлади. Озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти даъвогарнинг жинсий ориентацияси туфайли унинг учун жиддий тан жароҳати олиш хавфи бор деб ҳисоблади. Бундан ташқари, суднинг фикрига кўра, даъвогарни озодликдан маҳрум этиш жойи ҳаётидан бутунлай узиб қўядиган чораларни қўлланилиши ҳеч қандай шароитда оқланмайди деб ҳисобланиши керак”²²⁸.

227 Blanc, op. cit., 208-изоҳ, 11-бет.

228 Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Х. Туркияга қарши, 2012 йил 9 октябрдаги суд қарори



6. ЖИНСИЙ ВА ГЕНДЕРГА АСОСЛАНГАН ЗҮРДЭНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ҮНГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҮЙИЧА БОШҚА ЧОРА- ТАДБИРЛАР

6. ЖИНСИЙ ВА ГЕНДЕРГА АСОСЛАНГАН ЗҮРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҮЙИЧА БОШҚА ЧОРАТАДБИРЛАР

Ушбу бўлимда хавфларни бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган, аммо озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗнинг олдини олиш ва уни бартараф этишга ёрдам берадиган бир қатор амалиётлар ҳақида маълумот берилади.

ЕХХТ аъзо давлатларининг ДИИХБ сўровига берган жавобларига асосланиб, ЕХХТ минтақасида истиқболли амалиётга оид бир қанча мисоллар мавжуд, бироқ ЖГАЗ билан боғлиқ мақсадли сиёсат юритиладиган мамлакатлар кам. Кўпинча, ЖГАЗ ни самарали ҳал этаётган давлатлар қамоқхоналарда очик мулоқот ва хурмат маданиятини шакллантириш ёки муқобил чораларни эрта қўллаш каби умумий илғор тажрибаларни қўллайдилар. Ушбу бўлимда келтирилган амалиётлар мисоллари орасида индивидуал ташабbusлардан тортиб умумий ёндашувларгача келтирилган.

6.1. Даилилларга асосланган сиёсатни ишлаб чиқиши мақсадида ЖГАЗ бўйича тадқиқотлар

Асосий тавсиялар

- ✓ Сиёсатчилар ва қонун чиқарувчилар озодликдан маҳрум этиш жойларида, шу жумладан полиция бўлимлари, тергов изоляторлари ва ахлоқ тузатиш муассасаларида ЖГАЗнинг тарқалиши тўғрисидаги мавжуд маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун ресурслар ажратиши керак.
- ✓ Кузатувчи органларнинг ишини осонлаштириш керақ, шу жумладан, уларга барча ушлаб турилганлар ва маҳбуслар билан маҳфий тарзда ва тўсиқсиз учрашиб мулоқот қилиш имкониятини таъминлаш орқали.

ЖГАЗ билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат муаммони аниқ тушунишга, шунингдек, ушлаб турилганлар ва маҳбуслар, ходимлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг

эҳтиёжларига асосланган бўлиши керак. Бангкок қоидаларига шарҳда айтилишича, жиноий адлия тизимида аёллар ҳақида маълумот ва маълумотларнинг этишмаслиги “хуқуқбузар аёлларнинг эҳтиёжларини адолатли ва самарали ҳал қилишга қаратилган самарали сиёsat ва дастурларни ишлаб чиқишига тўсқинлик қиласди”²²⁹.

Бангкок қоидалари, БМТнинг Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш бўйича минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари) ва БМТнинг қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган чора-тадбирларнинг минимал стандарт қоидаларидаги (Токио қоидалари²³⁰) фактларга таянган ва тегишли равишда асосланиб берилган сиёsatни шакллантириш фундаменти сифатида тадқиқотлар муҳимлигига урғу берилади. Мазкур хужжатлар жиноий судлов тизимида хотин-қизларнинг мақоми тўғрисидаги тадқиқотларни ривожлантиришга асос бўлмоқда. ЖГАЗ ҳақидаги далиллар ва маълумотлар нафақат қарорлар қабул қилиш учун асос бўлибгина қолмай, балки таълим дастурларини белгилаб бериши ва муаммодан хабардорликни ошириш ва сиёsat ҳамда амалиётнинг барча даражаларида тегишли жавобларни топиш учун ишлатилиши керак.

Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш бўйича халқаро кўрсатмаларда аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларининг тарқалиши, сабаблари ва оқибатлари тўғрисида, шунингдек, “зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлиги тўғрисида”ги тадқиқотларни рағбатлантириш, маълумотлар тўплаш ва статистик маълумотларни тақдим этишда давлатларнинг роли таъкидланган”²³¹. ЖГАЗ бўйича тадқиқот натижалари ва тегишли маълумотлар нашр этилиши ва жамоатчиликка тақдим этилиши керак.

Хукумат органлари марказий хукумат кўмагида ЖГАЗ бўйича тадқиқот ва таҳлиллар ўтказиш бўйича ўз салоҳиятини ривожлантириш устида иш олиб бориши керак. Давлат тузилмалари томонидан олиб бориладиган тадқиқотлар кенг қамровли бўлмаслиги мумкинлиги сабабли, давлатлар бошқа субъектларга, жумладан миллий превентив механизmlар, миллий хуқуқни ҳимоя қилувчи институтлар, академик институтлар ва фуқаролик жамияти ташкилотларига ўзларининг мустақил тадқиқотларини ўтказишларига рухсат беришлари тавсия этилади. Бунинг учун уларга қамоққа олиш жойларига кириш, ушлаб турилганлар ва маҳбуслар билан маҳфий сухбатлар ўтказиш имконияти берилиши керак.

229 Бангкок қоидалари, op.cit. 164-изоҳ.

230 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган чоралар учун минимал стандарт қоидалари (Токио қоидалари), Буш Ассамблеяниң 1990 йил 14 декабрдаги 45/110 резолюцияси билан қабул қилинган.

231 Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича қўмита, № 1 умумий тавсияси. Аёлларга нисбатан зўравонлик тўғрисида 19, 1992, п. 24(с). Шунингдек, Истанбул конвенциясининг 11-моддасига қаранг.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ бўйича тадқиқотлар учун амалдаги маълумотларни тўплашда қабул қилинган амалиётлар:

- * ҳозирги ушлаб турилганлар/маҳбуслар, собиқ ушлаб турилганлар/маҳбуслар, ходимлар ва бошқа манфаатдор томонларни ўз ичига олиши мумкин бўлган вакиллик сўровларини ўтказиш;
- * маъмурий маълумотларни – озодликдан маҳрум этиш жойи ва полиция ҳужжатлари, суд ҳужжатлари ва берилган шикоятларни – таҳлил қилиш;
- * миллий судлар ва халқаро органларнинг юриспруденцияси ни ўз ичига олиши мумкин бўлган ва инсон ҳуқуқлари бўйича шартнома органлари ва маҳсус маърузачиларга юборилган шикоятларни қамраб олиши мумкин бўлган суд амалиётини кўриб чиқиш лойиҳасини ишлаб чиқиш;²³²
- * миллий превентив механизmlар, миллий ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтлар ва фуқаролик жамияти ташкилотлари томонидан ташкил этилган мониторинг ва амалдаги маълумотлар тўплаш миссиялари; ва
- * мамлакат даврий маъruzalariда тақдим этилган маълумотларнинг қисқача мазмунини тайёрлаш – масалан, АКБК, ҚҚК, БҲК, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Универсал даврий шарҳ (УДШ) механизми доирасида амалга оширилиши бўйича ҳисоботлар.

Тадқиқот олиб бораётган ташкилотлар ва шахслар турли манфаатдор томонлар, жумладан, ЖГАЗ қурбонлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ахлоқ тузатиш идоралари ходимлари, хизмат кўрсатиш ходимлари, тиббиёт ходимлари, адвокатлар ва ушлаб турилганлар/маҳбуслар оила аъзоларидан маълумот тўплашни назарда тутадиган методологиялардан фойдаланишлари керак. ЖГАЗдан жабрланганлар иштироқида тадқиқот ўтказиша ахлоқий ва хавфсизлик стандартларига, шунингдек, маҳфийлик тамоилилига риоя қилиш керак; бунда бу шахсларнинг қайта қурбон бўлишига йўл қўйилмаслиги керак.²³³

232 Ички ҳимоя воситаларини тугатиш талаби туфайли халқаро судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишларга ички ишлар тарихи ҳам киради.

233 Масалан, Аёлларга нисбатан зўравонликни тадқиқ қилиш: тадқиқотчилар ва фаоллар учун амалий қўлланма (Женева: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ПАТХ, 2005), <http://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/42966/9241546476_eng.pdf;jsessionid=A4F3C8575FB4CBDE86ED753A7EFE54F9?sequence=1>; “Гендерга асосланган зўравонлик бўйича тадқиқотлар учун ахлоқий ва хавфсизлик қоидалари, Профилактика бўйича ҳамкорлар, 2013 йил.

Тадқиқот натижалари бўйича маълумотларни самарали тарқатиш мисоллари



Халқаро қамоқхоналар ва ахлоқ тузатиш муассасалари ассоциацияси бутун дунё бўйлаб “тадқиқотлар натижаларига таянадиган ахлоқ тузатиш бўйича билимларни” тарғиб қилиш учун ишлайди. Ассоциациянинг онлайн маълумотлар базасида 17 тоифадаги материаллар, жумладан, тадқиқот маълумотлари мавжуд.²³⁴

Европа қамоқхоналар ва ахлоқ тузатиш хизматлари ташкилоти (European Organisation of Prison and Correctional Services – EuroPris) илғор тажрибаларни ривожлантириш мақсадида озодликдан маҳрум этиш жойларида ишловчи турли ташкилотлар ва жиноий адлия тизими ўртасида ахборот алмашишни рафбатлантиради. EuroPris олимлар ва амалиётчилар ўртасидаги боғловчи вазифасини бажаради ва ўзининг онлайн кутубхонасига эга.²³⁵

Тадқиқот ва таҳлилдан ЖГАЗнинг олдини олиш ташаббусларини баҳолашда ҳам фойдаланиш мумкин. Қўлланиладиган амалиётларни баҳолаш муҳим, шунда уларнинг самарадорлиги исботланса, улар бошқа жойларда такрорланиши ва агар самарадор бўлмаса, тўхтатилиши мумкин. Афсуски, ҳозирги вақтда ёпик муассасаларда ЖГАЗнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича қўлланиладиган чора-тадбирлар жуда кам баҳоланади ёки умуман баҳоланмайди.

Асосий тавсия

- ✓ ЖГАЗнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг мавжуд усуллари уларнинг самарадорлигини аниқлаш учун мунтазам равишда, шу жумладан ташқи ташкилотлар томонидан баҳоланиб бориши керак.

ДИИҲБ сўровига жавоб берган 27 иштирокчи давлатдан 24 таси озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗга қарши кураш бўйича мавжуд дастурларни баҳоламаганликларини маълум қилди. Респондентларнинг тушунтиришича, баҳолаш қайд этилган ҳодисалар сонининг камлиги сабабли ўтказилмаган, бу эса мавжуд профилактика усулларининг самарадорлигини кўрсатиши керак. Учта давлат — Финляндия, Венгрия ва Литва — танланган озодликдан маҳрум этиш жойларидаги алоҳида дастурларнинг (жинсий зўравонликни содир этган шахсларга мўлжалланган ва зўравонликни камайтириш бўйича дастурлар) самарадорлигини баҳолашни режалаштироқда ёки аллақачон баҳолашни ўтказган.

234 Халқаро қамоқхоналар ва ахлоқ тузатиш ишлари ассоциацияси веб-сайтига қаранг: <http://icpa.ca>.

235 Европа қамоқхоналар ва ахлоқ тузатиш хизматлари ташкилотининг веб-сайтига қаранг: <<http://www.europris.org>>

6.2. Қонунчилик ва сиёсат

Асосий тавсиялар

- ✓ Қонун чиқарувчилар ва сиёсатчилар миллий қонунчиликда ЖГАЗнинг аниқ таърифи ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗни тақиқловчи қоида мавжудлигини таъминлаши керак. Улар, шунингдек, ЖГАЗнинг олдини олиш ва ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш мумкин бўлган соҳаларни аниқлаш учун мавжуд қонунлар, сиёсат ва тартибларни (шу жумладан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобиллар қоидалари) кўриб чиқишлари керак.
- ✓ Қонунчилик озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ ҳолатларини тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш тартибларини тартибга солиши керак ва бундай зўравонлик ҳаракатлари озодликда содир этилган тақдирда қандай жавобгарликка тортилиши керак бўлса, худди шундай тарзда жавобгарликка тортилиши керак.

Озодликдан маҳрум этиш жойлари қонун устуворлиги ва халқаро инсон ҳуқуқлари стандартлари асосида бошқарилиши керак. Миллий жиноий қонунчилик, сиёсат ва тартиблар зўравонлик қаерда содир бўлишидан қатъи назар, ЖГАЗдан зарур ҳимояни ва жабрланувчилар учун зарарни қоплашни таъминлаши керак. ЖГАЗнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш учун барча озодликдан маҳрум этиш жойларида изчил қўлланиладиган ва ҳужжатлаштирилган стратегиялар, шунингдек, ходимларнинг маҳбусларга нисбатан қўпол муносабатда бўлишини тақиқловчи аниқ қоидалар бўлиши керак. ЖГАЗ бўйича шикоятлар тўғри ўрганилиши ва қонунни бузган айборлар жавобгарликка тортилиши керак.

6.2.1. Миллий қонунчилик

Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ЖГАЗ билан боғлиқ миллий қонунлар гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларини акс эттириши керак. Қонунчиликни мажбурий халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича фойдали кўрсатмаларни аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш бўйича халқаро ҳуқуқий ва сиёсий ҳужжатларда топиш мумкин. Ушбу стандартларга риоя этилиши керак ва баъзи ҳолларда улар гендерга асосланган зўравонлик тўғрисидаги қонунларда қўлланилиши мумкин.²³⁶

²³⁶ Аёлларга нисбатан зўравонлик бўйича қонунчилик бўйича қўлланма (Нью-Йорк: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2010), <http://www.un.org/womenwatch/daw/vaw/handbook/Handbook%20for%20legislation%20on%20violence%20against%20women.pdf>.

ЖГАЗ муаммоси қонун ҳужжатларида турлича акс эттирилиши мумкин: масалан, давлатлар ЖГАЗ муаммосига тўлиқ бағишлиган маҳсус қонунлар қабул қилишлари ёки амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиришлар киритишлари ва шу билан уни ушбу қисмда мустаҳкамлашлари мумкин. Жиноий жавобгарликдан ташқари, фуқаролик қонунчилигига назарда тутилган заарни қоплаш механизmlари жабрланувчиларга компенсация тўлаш учун ишлатилиши мумкин.

Самарали қонунчиликнинг асосий хусусиятлари:

- * ГАЗни гендер асосидаги камситишнинг бир шакли, инсон ҳукуқларининг бузилиши ва гендер тенгсизлигининг далили сифатида тан олиш.
 - * Зўравонликнинг олдини олиш, ундан ҳимоя қилиш ва жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, айборларни тегишли жазолашни ўз ичига олган комплекс ва фанлараро ёндашув. Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ хатти-ҳаракатларини содир этган шахслар, ўзлари ҳибсга олинган ёки ушлаб турилган ҳолда, озодликда содир этилган тақдирда қандай жавобгарликка тортилиши керак бўлса, худди шундай тарзда жавобгарликка тортилиши керак.
 - * Қабул қилинган ёндашув гендерни омилларни эътиборсиз қолдирмасдан уларни ҳисобга оладиган бўлиши керак. Бу, айниқса, озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ контекстида муҳим аҳамиятга эга: қонунда аёллар ҳам, эркаклар ҳам зўравонлик қурбони бўлиши мумкинлиги акс эттирилиши керак; шу билан бирга жабрланувчиларнинг гендер мансублигига қараб маҳсус тартиб ва муолажалар назарда тутилган бўлиши мумкин.
 - * Қонунда тегишли идораларнининг салоҳиятни ошириш бўйича ишларни олиб боришга мажбур қилиниши, шунингдек, ЖГАЗга қарши маҳсус жавоб чоралар кўрилиши назарда тутилиши керак (масалан, ЖГАЗ ишларини кўриб чиқадиган маҳсус бўлимлар ёки судлар ташкил этиш). Шуни таъкидлаш керакки, ЖГАЗ билан боғлиқ бўлган миллий қонунлар жиноят таркибини аниқ тавсифлаши ва айборларни тергов қилиш ва жавобгарликка тартиш тартибларини тартибга солиши керак; шу билан бирга, улар тартибга солишнинг кенгроқ доирасини қамраб олиши ва маълумотларни тўплаш, баҳолаш, ўқитиш ва молиялаштириш каби масалаларни ўз ичига олиши керак.
-



ЖГАЗга оид қонун ҳужжатларига мисоллар

Албания: 2014 йилда Албания ҳукумати миллий қонунчиликка БМТнинг Бангкок қоидалариға асосланган ва гендер омилларини ҳисобга оладиган бир қатор тузатишлар киритди. Албаниянинг қонунчилик базаси²³⁷ бундан олдин ҳам озодликдан маҳрум этиш жойларида эркаклар ва аёлларни алоҳида сақлаш ҳамда аёл маҳбусларни аёл ходимлар назорат қилиши бўйича қатъий талабларни ўз ичига олган; янги ўзгартишлар давлат ГАЗнинг олдини олиш мажбуриятини камситишларга йўл қўймаслик қоидалари доирасида назарда тутади. Бундан ташқари, барча ГАЗ жабрланувчиларига зудлик билан ҳимоя ва индивидуал ёрдам, шунингдек, гендер омилларини ҳисобга оладиган тиббий хизматлар, шу жумладан жинсий ориентация ва гендер мансублик билан боғлиқ хизматлар кафолатланади²³⁸. Жиноят кодексига илгари киритилган ўзгартишлар ГАЗ жабрланувчиларига жазони ўташнинг муқобил усусларини, жумладан, ҳомиладор аёллар ва 10 ёшгача бўлган болалари бор аёлларни уй қамогида сақлашни назарда тутади²³⁹.

Испания: 2004 йилда Испания ҳукумати томонидан гендерга асосланган зўравонликдан ҳар томонлама ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Қонуннинг мақсади ГАЗ муаммосига яхлит ва тармоқлараро ёндашувни жорий этишдан иборат. Ушбу қонун ГАЗни камситиш компонентидан иборат зўравонликнинг алоҳида шакли сифатида ажратиб кўрсатади. ГАЗ муаммосини ҳал қилиш учун маҳсус орган — Оила ва аёллар ишлари бўйича полиция марказий бошқармасини ташкил этиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, қонунда аёлларга нисбатан зўравонлик бўйича маҳсус прокурор ва жиноий ҳамда фуқаролик юрисдикциясига эга бўлган маҳсус судлар, шунингдек, жабрланувчиларга ёрдам бериш бўлимлари тармоғи жорий этилган. Шунингдек, унда барча жалб қилинган идоралар (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, прокурорлар, криминалистлар, психологиялар, судлар ва бошқалар) ишини яқиндан мувофиқлаштириш талаби мавжуд. Қонун

237 Қонун №. 1998 йил 16 апрелдаги 8328-сонли “Маҳбуслар ва судгача қамоққа олингандарнинг ҳуқуқлари ва муомаласи ҳамда қамоқхоналарнинг умумий низоми тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган. 2015 йил 20 майдаги 437-сон, ўзгартиришлар киритилган ҳолда, Вазирлар Кенгашининг 2015 йил 20-сонли қарори билан тасдиқланган “Озодликдан маҳрум қилиш жойлари тўғрисида умумий Низом”. 303, 2009 йил 25 март.

238 Jo Baker and DIGNITY, “Албанияда қамоқда сақланаётган аёллар, эхтиёжлар, заифликлар ва яхши амалиёт”, DIGNITY – Данія Кийнокларга қарши институти, 2015, 22–23 бетлар, https://dignity.dk/wp-content/uploads/pubseries_no10.pdf.

239 Шу ерда, 21-бет. Шуни таъкидлаш жоизки, Жиноят кодексининг моддалари ҳали тўлиқ амалга оширилмагани маълум қилинган.

ҳам жамиятда, ҳам озодликдан маҳрум қилиш жойларида содир этилган гендерга асосланган зўравонлик ҳолатларини қамрайди²⁴⁰.

АҚШ: бир неча адвокатлик гурӯҳлари ЖГАЗ қурбонлари номидан озодликдан маҳрум этиш жойлар ходимлари томонидан кенг тарқалган жинсий зўравонлик ҳолатларини, шу жумладан бундай зўравонликнинг олдини олиш, аниқлаш ва жазолаш чораларини кўрмаганликлари учун судга штатлар ҳукumatларига қарши даъво аризалари билан мурожаат қилишди. Одатда, бундай ҳолатлар кўп сонли қурбонлар ва бир неча йиллар давомида такрорланган кўплаб зўравонлик эпизодларини кўриб чиқиш билан тавсифланиди. Жамоавий фуқаролик даъволари натижасида озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятлари катта ислоҳотларни амалга оширишга ва ГАЗ қурбонларига пул компенсацияси тўлашга мажбур бўлишди²⁴¹.

Муайян мисолни кўриб чиқиши: Қамоқҳоналарда зўрлашларни йўқ қилиш тўғрисидаги қонун (АҚШ)

2003 йилда АҚШ Конгресси АҚШдаги озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий зўравонликни чекловчи биринчи федерал фуқаролик қонуни бўлган “Қамоқҳоналарда зўрлашларни йўқ қилиш тўғрисидаги қонун”ни (Prison Rape Elimination Act – PREA) бир овоздан қабул қилди²⁴². Ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти ташкилотлари ва озодликдан маҳрум этиш жойидаги зўрлашдан жабрланган шахсларнинг ўн йиллик тадқиқотлари ва саъй-ҳаракатларининг якуни ҳисобланади; шунингдек, бунда АҚШдаги озодликдан маҳрум этиш жойларидаги жинсий зўравонликнинг тегишли равища ҳужжатлаштирилган ҳолатларга таянилди²⁴³. PREA кўпгина озодликдан маҳрум этиш жойларини, жумладан федерал ва штат озодликдан маҳрум этиш жойларини, изоляторларини, полиция камераларини (хуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўлланиладиган сақлаш жойлари), вояга етмаганлар учун озодликдан маҳрум этиш жойларини, хусусий озодликдан маҳрум этиш жойларини, жамоат ахлоқ тузатиш муассасаларини

240 2016 йил декабр ойида Оила ва аёллар марказий бўлими детектив инспектори Алба Аркуэрос Торнос томонидан “Гендер зўравонлигидан комплекс ҳимоя чоралари тўғрисида”ги 1/2004-сонли Органик қонун ҳақида маълумот.

241 2010 йилда Вашингтондаги ахлоқ тузатиш ишлари департаменти ўша пайтдаги ва собиқ беш нафар аёл маҳбуснинг даъвосини ҳал қилиб, таълим, шикоят ва тергов тартибларини ислоҳ қилишга, шунингдек, янги ходимлар сиёсатини ўрнатишга ва 1 миллион доллар товоғ тўлашга рози бўлди. 2011 йилда Делавер штатидаги ахлоқ тузатиш ишлари департаменти бир йил ичida ходимларни тайёрлашни яхшилаш, маҳбусларга уларнинг хуқуқлари ва хавфсизлик хусусиятлари ҳақида хабар бериш шарти билан 287 000 АҚШ доллари миқдоридаги даъвони ҳал қилди.

242 PREA нинг тўлиқ матни, см. <https://www.gpo.gov/fdsys/pkg/PLAW-108publ79/pdf/PLAW-108publ79.pdf>.

243 Масалан, 2001 йилда Human Rights Watch (HRW) 34 штатдаги 200 маҳбусдан олинган маълумотлар ҳамда давлат қамоқҳоналари маъмуриятининг сўров маълумотларидан фойдаланган ҳолда 378 саҳифалик ҳисоботда “Қутулишнинг иложи йўқ: эркак маҳбусларни зўрлаш” номли ҳисоботни эълон қилди. HRW шунингдек, қамоқҳона қўриқчилари томонидан маҳбус аёлларга нисбатан жинсий зўравонлик ҳақида бир неча ҳисоботларни чоп этди.

(масалан, реабилитация марказлари) ва мигрантлар учун ҳибсоналарни қамраб олди. PREA маҳбуслар ўртасидаги жинсий тажовуз ва ходимлар томонидан жинсий зўравонлик ҳолатларини ҳам қамради.

PREA озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий зўравонликка қарши курашиш учун қўйидаги бир нечта механизmlарни назарда тутади:

1. *Қонуний асослар*: ушбу қонун унга бўйсунадиган ва федерал молиялаштиришни давом эттиришни хоҳлайдиган барча озодликдан маҳрум этиш жойларидан зўравонликка **мутлақо муросасизлик** тамойилини амалга оширишни ва федерал қоидаларда назарда тутилган тегишли кўрсатмалар ва амалиётларнинг тўлиқ тўпламини қабул қилишни талаб қиласди.
2. *Амалдаги тадқиқотлар*: PREA га мувофиқ Озодликдан маҳрум этиш жойларида зўрлашларни бартараф этиш бўйича Миллий комиссия (NPREC), яъни озодликдан маҳрум этиш жойидаги жинсий зўрлаш бўйича қонунчилик ва далилларни ҳар томонлама кўриб чиқиши ва миллий стандартларни ишлаб чиқиши вазифаси юкландиган иккала партия вакилларидан иборат федерал комиссия тузилди²⁴⁴. 2009 йилда Комиссия ҳисоботи чиқарилди ва ҳисобот асосида 2012 йилда Адлия вазирлиги томонидан мажбурий бўлган “Озодликдан маҳрум этиш жойларида зўрлашнинг олдини олиш, аниқлаш ва унга қарши курашиш бўйича миллий стандартлар” чиқарилди²⁴⁵.
3. *Маълумот йиғии, тадқиқотлар ва ҳисобот*: PREA Федерал адлия статистикаси бюросидан (Bureau of Justice Statistics – BJS) ҳар йили озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий зўравонликнинг тарқалиши ва оқибатлари бўйича сўровлар ва тадқиқотлар ўтказишни ҳамда уларнинг натижаларини таҳлил қилишни талаб қиласди. Бюро ўз фаолиятини озодликдан маҳрум этиш жойларидаги зўрлаш ҳолатлари бўйича статистик маълумотларни тўплаш бўйича маҳсус Миллий дастур доирасида олиб боради. Маъмурий хужжатларни текширишдан ташқари, дастур маълумотларни тўплаш учун тўртта маҳсус процедурадан фойдаланади: жинсий зўравонликдан жабрланган шахслар сўрови, миллий маҳбуслар сўрови, миллий ёш маҳбуслар сўрови ва миллий собиқ маҳбуслар сўрови.²⁴⁶ PREA га мувофиқ Адлия департаменти таркибида Қамоқхоналарда зўрлашлар билан боғлиқ вазиятни таҳлил этувчи гуруҳ ҳам тузилди. Гуруҳ жинсий зўравонлик бўйича учта энг ёмон статистик кўрсаткичиларга эришган муассасалар ва Адлия статистика бюроси томонидан ўтказилган сўровлар натижасида аниқланган иккита энг яхши ишлаган муассасалар бўйича жамоатчилик эшиттиришларни ўтказади. Эшиттиришларнинг мақсади “жинсий зўравонлик тез-тез учраб турадиган ахлоқ тузатиши муассасаларининг умумий хусусиятларини ва ушбу турдаги зўравонликнинг олдини муваффақиятли олиб бораётган муассасаларининг умумий

244 28 C.F.R. 115-қисм. Миллий стандартлар қўйидаги манзилда мавжуд: <http://nicic.gov/preacommission>.

245 C.F.R. 115-қисм. Миллий стандартлар қўйидаги манзилда мавжуд: http://ojp.gov/programmes/pdfs/prea_final_rule.pdf.

246 “Қамоқхонадаги зўрлашга барҳам бериш тўғрисидаги қонун (Алоҳида ахлоқ тузатиши муассасаларида жинсий зўрлаш)”, Адлия статистика бюроси: <http://www.bjs.gov/index.cfm?ty=tp&tid=20>.

хусусиятларини аниқлашдир”²⁴⁷. Бош прокурор Конгресс ва Соғлиқни сақлаш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш департаментига Бюро ва Экспертлар гуруҳи фаолияти тўғрисида йиллик ҳисобот тақдим этади.

4. *Профилактика, тергов ва жиноий жавобгарликка тортши:* PREA га биноан озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий зўравонликнинг олдини олиш, тергов қилиш ва жазолаш учун масъул бўлган давлат органлари учун ахборот ресурслари ва йўриқнома ҳужжатларини тўплаш учун Миллий ахлоқ тузатиши институти қошида Миллий ахборотни қайта ишлаш ва тарқатиш маркази ташкил этилди.²⁴⁸ PREA Миллий ресурс маркази тадқиқот, стандартлар ва илғор амалиёт бўйича маълумотлар; ўқув материаллари; техник кўрсатмалар ва текширишлар ҳамда уларни ўтказиш бўйича методологиялар базасидир.²⁴⁹ PREA га кўра, Миллий ахлоқ тузатиши тизимлари институти федерал ва штат озодликдан маҳрум этиш жойлари маъмуриятига ҳамда маҳаллий озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятига ўқув ва таълим дастурларини ўтказиши этиши шарт.
5. *Грант дастурлари ва молиялаштириши:* PREA штатлар ва маҳаллий ҳукуматларга ва жазони ўташ муассасаларига қонун ва миллий стандартлар талабларига жавоб беришга ёрдам бериш учун федерал грант маблағлар ажратилишини назарда тутади. PREA маълумотларига кўра, миллий стандартларга тўлиқ риоя қилмайдиган штатлар озодликдан маҳрум этиш жойларига мўлжалланган дастурлар доирасида олишлари мумкин бўлган грантларнинг 5 фоизини йўқотадилар.
6. *Назорат ва аудит:* Миллий стандартлар PREA қўлланиладиган барча муассасалар ҳар уч йилда бир марта мустақил текширувдан ўтишларини талаб қиласди. Ушбу текширувлар PREA Миллий Ресурс Маркази ва Адлия Департаменти томонидан ишлаб чиқилган тўртта мумкин бўлган методологиядан бири (катталар учун озодликдан маҳрум этиш жойлар ва ҳибсоналар, вақтинчалик ҳибсоналар, жамоат муассасалари ва вояга етмаганлар учун муассасалар) ёрдамида ўтказилади.

PREA нинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, ушбу қонун озодликдан маҳрум этиш жойларидаги жинсий зўравонлик инсон ҳукуқларининг бузилиши сифатида кўриб чиқилишини аниқ талаб қиласди. У илгари яширин ҳодиса ҳисобланган ЖГАЗни эндиликда кенг тарқалган муаммо сифатида тан олади. Ушбу қонун ва тегишли миллий стандартлар илғор тажрибаларга асосланади ва сиёsat ва тартибларни ўзгартиришга қаратилган. Миллий стандартлар бу ишда бошланиш нуқтаси бўлиб, ахлоқ тузатиши муассасаларида ушлаб турилганлар ва маҳбусларни

247 “Қамоқхонада зўрлашни бартараф этиш тўғрисидаги қонун бўйича фактлар ва рақаси”, Just Detention International, 2009, <http://justdetention.org/wp-content/uploads/2015/10/FS-The-Prison-Rape-Elimination-Act.pdf>.

248 Қамоқхонада зўрлашни бартараф этиш тўғрисидаги қонун (PREA), Америка Қўшма Штатлари Адлия департаменти Миллий ахлоқ тузатиши институти, <https://nicic.gov/prison-rape-elimination-act-prea>.

249 Миллий PREA ресурс марказига қаранг: <https://www.prearesourcecenter.org>.

ҳимоя қилишнинг инновацион усулларини жорий этиш, шунингдек, самарали ёндашувлар ҳақида маълумот тарқатишни рағбатлантиради.

Бироқ, эксперталар ҳал этилмаган бир қатор мураккаб масалалар борлигини таъкидламоқда. Айрим ҳолларда PREA ва миллий стандартларга риоя қилмаслик учун озодликдан маҳрум этиш жойларини жавобгарликка тортиш осон бўлмайди. Мисол учун, 2014 йилда Техас жиноий адлия департаменти федерал сўровларига кўра, бу штат “мамлакатдаги жинсий зўравонликнинг энг юқори кўрсаткичларидан бири”га эга бўлишидан қарамасдан, Техас губернатори PREA талабларига риоя қилмаслигини айтди²⁵⁰. PREA жисмоний шахслар учун даъво қилиш ҳуқуқини назарда тутмайди, лекин маҳбусларнинг конституциявий ҳуқуқларини (Саккизинчи ўзгартиш билан назарда “шафқатсиз ва ғайриоддий жазолар”га дучор бўлмаслик ҳуқуки) ҳимоя қиласди. Америка Қўшма Штатларининг прецедент ҳуқуқи зўравонлик қурбонларининг даъволарини кўришда судларда PREA изчил қўлланилмаслигини кўрсатади.²⁵¹ Назарда тутилган талабларга риоя этмайдиган институтларни жавобгарликка тортиш механизмларини такомиллаштириш билан бир қаторда, мустақил назорат тартиб-қоидаларини кучайтириш керак. Хусусан, аҳолининг инспекция ҳисоботларидан фойдаланиш имкониятини яхшилаш, шунингдек, ЖГАЗнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар доирасида жабрланувчиларнинг фикрларини ҳисобга олиш зарур.

250 “Ignoring Human Rights Crisis, Governor Perry Says Texas Won’t Adopt PREA Standards”, Just Detention International, 31 March 2014, <<http://justdetention.org/ignoring-human-rights-crisis-governor-perry-says-texas-wont-adopt-prea-standards/#search>>.

251 Viktoria Kristiansson, “Justice for Victims Behind Bars: Improving the Response to Cases of Sexual Abuse in Confinement”, Aequitas, 2014, <<https://www.prearesourcecenter.org/sites/default/files/library/justiceforvictimsbehindbars-improvingtheresponsetocasesofsexualabuseinconfinement.pdf>>.

6.2.2. Сиёсий воситалар

Асосий тавсиялар

- ✓ Озодликдан маҳрум қилиш жойларида гендерни ҳисобга оладиган бошқарув сиёсати ҳамда ходимларнинг одоб-ахлоқ кодекси бўлиши керак; ушбу ҳужжатлар ЖГАЗнинг олдини олишга қаратилган бўлиши ҳамда зўравонлик ва камситишларга мутлақ муросасизлик тамойилини ўз ичига олиши керак.
- ✓ Сиёсий асослари ЖГАЗ билан боғлиқ кенг кўламли масалаларни қамраб олиши ва тартибга солиши, жумладан, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, ўқитиши молиялаштириш, шунингдек, аёллар ҳам, эркаклар ҳам қурбон бўлиши мумкинлигини тан олиш; бироқ, жабрланувчиларнинг гендер мансублигига хос бўлган маҳсус процедуралар ёки ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш мумкин бўлиши керак.
- ✓ Заиф гурухларнинг эҳтиёжларини қондириш учун сиёсат ва йўриқнома ҳужжатларини ишлаб чиқишида тегишли ташкилотлар билан маслаҳатлашиш керак.
- ✓ Жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаш қоидалари ЖГАЗнинг барча шаклларига мутлақ муросасизлик тамойилини аниқ белгилаши керак.

ЖГАЗнинг олдини олиш, уни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича қонунчиликни амалга ошириш учун сиёсий чоралар зарур. Ушбу бўлимда ЖГАЗни ҳал қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлган сиёсайи воситалар кўриб чиқилади.

Бу соҳадаги сиёсат стратегиялар, одоб-ахлоқ кодекслари, касбий стандартлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ахлоқ тузатиш хизматлари учун йўриқномалар, ЖГАЗ ҳақидаги даъволарни текшириш тартиб-қоидалари ва муайян хавфсизлик масалалари билан боғлиқ ички қоидалар ёки хавф омиллари каби кўплаб шаклларда бўлиши мумкин.

Қоидалар кенг қамровли бўлиши ва аёллар ҳамда эркакларнинг жинсига хос эҳтиёжларини, шунингдек, ушлаб турилганлар/маҳбуслар шахсиятининг ёши, миллати ва дини каби бошқа жиҳатларини ҳисобга олиши керак. Шунингдек, улар ходимларнинг хулқ-атвори ва масъулиятини тартибга солишлари керак. Бангкок қоидаларига мувофиқ, “Аёл маҳбусларни ҳар қандай зўравонлик, ҳақорат ва жинсий зўравонликдан жисмоний ёки оғзаки шаклда максимал даражада ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ахлоқ тузатиш муассасалари ходимларининг ҳатти-ҳаракатларига оид аниқ тамойиллар ва қоидалар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши керак”²⁵².

252 Бангкок қоидалари, 31-қоида.

Халқаро миқёсда БМТнинг Ҳуқуқ-тартиботни амалга ошириш бўйича ходимларнинг хулқ-атвор кодекси давлатларнинг барча шахсларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятини белгилайди ва “қийноққа солиш ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазони ташкил этувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатни амалга ошириш, қўзғатиш ёки тоқат қилишни тақиқлайди”²⁵³. ЖГАЗга қарши кураш контекстидаги маҳбуслар ёки ушлаб турилганларни қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолардан ҳимоя қилишда тиббиёт ходимларининг, айниқса шифокорларнинг роли билан боғлик БМТнинг Тиббий этика тамойиллари ҳам долзарбдир. 2-тамойилда қисман шундай дейилган: “Софлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари, хусусан, шифокорлар, агар улар қийноқларда ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолашларда иштирок этиш ёки иштирок этишни ташкил этувчи ҳаракатларни фаол ёки пассив тарзда амалга оширсалар, тиббий этика қоидаларини қўпол равишда бузган, шунингдек, амалдаги халқаро ҳужжатларга мувофиқ жиноят содир этган бўладилар”²⁵⁴.

Давлатлар ЖГАЗнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш учун турли хил сиёsat чораларини қўллайди. Баъзи мамлакатларда озодликдан маҳрум қилиш бўйича умумий ёндашув қўлланилган бўлиб, у, жумладан, ЖГАЗнинг олдини олишни тартибга солишини ўз ичига олади. Бошқа мамлакатларда ахлоқ тузатиш тизимишнинг муайян жиҳатларига тааллуқли ички қоидалар мавжуд.

ЖГАЗнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича сиёsat воситаларига мисоллар



Австрия: Австрия миллий ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтлари ахлоқ тузатиш муассасаларига жинсий зўравонликка қарши кураш сиёsatини ишлаб чиқиши, жумладан, ходимлар иш ғоналарида яланғоч аёлларнинг фотосуратларини жойлаштиришни (иш жойидаги жинсий автономия, жинсий дахлсизлик ва ходимларнинг шахсий ҳаётига таҳдидларнинг олдини олиш воситаси сифатида) тақиқлашни тавсия қилди.²⁵⁵

Канада: Канада федерал озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗнинг олдини олиш бўйича умумий стратегиянинг йўқлигига қарамасдан, федерал жазони ижро этиш тизимининг фаолиятини тартибга солувчи Тузатишлар ва шартли озод қилиш тўғрисидаги

253 “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хулқ-атвор кодекси”, OCHCR, 1979 йил 17 декабр, <http://www.ohchr.org/Documents/ProfessionalInterest/codeofconduct.pdf>.

254 “255. “Маҳбуслар ва қамоққа олинганларни қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолардан ҳимоя қилишда соғлиқни сақлаш ходимларининг, хусусан, шифокорларнинг ролига тааллуқли тиббий этика тамойиллари”, OCHCR, 1982 йил 18 декабр, <http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/MedicalEthics.aspx>

255 Австрия Миллий Превентив Механизми (НПМ) фаолияти тўғрисидаги 2015 йил йиллик ҳисоботи.

қонун²⁵⁶ ва Озодликдан маҳрум этиш жойи хизматлари комиссарининг директивалари²⁵⁷ кенг кўламли масалалар бўйича қоидалар ва процесдуал кўрсатмаларни таъминлайди. Директивалар масъулият ва тартибларнинг тавсифларини, таърифлар ва ўзаро ҳаволаларни, режалар ва назорат рўйхатларини ўз ичига олади. Ушбу ҳужжатлар ЖГАЗ билан ишлаш, воқеаларни текшириш, маҳбусларнинг шикоятларини кўриб чиқиш, маҳбусларни жойлаштириш, озодликдан маҳрум этиш жойларида тинтуб ўтказиш (ўқитувчиларнинг ҳуқуқбузар аёлларга нисбатан кўрсатмаларига асосланиб), маҳбусларни муассасага қабул қилишда ва гендер идентификацияси бузилган маҳбуслар билан ишлашда ҳуқуқбузарларнинг эҳтиёжларини аниқлаш тартиби ва кўрсатмаларини белгилайди.

Мальта: 2016 йилда Мальта ахлоқ тузатиш хизмати ёзма қоидаларни (“Трансгендер, интерсексуал ва бошқа гендер мансублика эга маҳбуслар билан муомала қилиш қоидалари” деб номланган)²⁵⁸ қабул қилди, шу билан бирга трансгендер шахсларни, интерсексуалларни ва бошқача гендер мансублигига эга бўлган одамларни қамоқقا олишда давлат органлари амал қилиши керак бўлган тартиб-қоидаларни белгилаб берди²⁵⁹. Ушбу қоидалар “барча маҳбусларга адолатли муносабатда бўлишини ва гендер мансублиги ва/ёки жинсий хусусиятлар асосида ҳеч қандай камситиш ёки таъқиб қилинмаслигини” таъминлаши керак. Улар, шунингдек, трансгендер, интерсексуал ва бошқача гендер мансублигига эга бўлган маҳбусларнинг “камситиш, таъқиб қилиш, қурбон бўлиш ёки ҳиссий, жисмоний ва/ёки оғзаки зўравонликка” дучор бўлмаслигини таъминлашга қаратилган. Қоидаларда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ турли тартиб-қоидалар бўйича батафсил кўрсатмалар берилади: қабул қилиш тартиблари, шахсий тинтуб, душдан фойдаланиш қоидалари, кийим-кечакларга тегишли қоидалар ва бошқа хизматлардан фойдаланиш. Маҳбусларни жойлаштиришга келсак, қоидалар трансгендер маҳбуслар жинсига қараб эркак ёки аёл секторига жойлаштирилиши кераклиги кўрсатилган, аммо агар хавфсизлик бўйича асосли ташвишлар мавжуд бўлса, бошқа жойлаштириш кўриб чиқилиши мумкин (агар маҳбус жинсий зўравонлик ёки шафқатсиз муомалага дучор бўлиши мумкин деб ҳисобланса).

256 “Тузатишлар ва шартли озодлик қонуни (S.C. 1992, 20-бет)”, Канада ҳукумати, <http://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/C-44.6/>.

257 “Комиссар директивалари”, Ахлоқ тузатиш хизмати Канада, <http://www.csc-scc.gc.ca/acts-and-regulations/005006-0001-eng.shtml>.

258 “Транс, гендер ва интерсекс маҳбусларга оид сиёsat”, Малтанинг ахлоқ тузатиш хизматлари, 2016 йил, <https://homeaffairs.gov.mt/en/media/Policies-Documents/Pages/-Trans-Gender-Variant--Intersex-Inmates-Policy.aspx>.

259 Шу ерда.

Норвегия: Норвегияда Парламентнинг 37-сонли ҳисоботида Норвегия озодликдан маҳрум этиш жойи хизмати ўз фаолиятида риоя этиши керак бўлган бешта асосий тамойил кўрсатилган²⁶⁰:

- (1) жазони зўравонларнинг реабилитациясига ва жиноятларнинг такрорланишини камайтиришга ёрдам берадиган тарзда ижро этиш;
- (2) маҳбусларга инсонпарварлик тамойили асосида муомала қилиш;
- (3) муносиб хуқуқий процедура ва тенг муомала тамойилларига риоя қилиш;
- (4) маҳбуслар жазо муддатлари тугагандан сўнг жамият олдидаги қарзини тўлаган деб ҳисбланиш тамойили; ва
- (5) озодликдан маҳрум этиш жойлари учун “нормал шароитларга мослик” тамойили.

“Нормаллик” тамойили қуйидагиларни англатади:

- (1) озодликни чеклаш — маҳбус учун ягона жазо ҳисбланади ва хукм чиқаришда суд унинг бошқа хуқуқларини чекламаслиги керак;
- (2) озодликдан маҳрум этиш ҳақиқий жазодир ва шунинг учун қамоқ “хавфсизлик нуқтаи назаридан талаб қилинганидан кўра оғирроқ бўлмаслиги керак”; ва
- (3) жазони ўташ вақтида ахлоқ тузатиш муассасасидаги ҳаёт имкон қадар озодликдаги ҳаётга ўхшиши керак²⁶¹.

Ушбу беш тамойил биргаликда ахлоқ тузатиш тизимининг хавфсизлигига ҳисса қўшади. Озодликдан маҳрум этиш жойи хизмати “маҳбусларга бошқа маҳбуслар томонидан босим, таҳдид, зўравонлик ва ижтимоий назоратга дучор бўлишининг олдини олиши керак”, буни “ушлаб турилганлар ва маҳбусларга нисбатан ҳаддан ташқари қаттиқ хавфсизлик чораларини қўлламаслик” сиёсати билан боғлаши керак.²⁶² Хизмат “ҳеч ким заруридан оғирроқ жазога тортилмаслик керак” тамойили асосида фаолият юритади, бу эса озодликдан маҳрум қилишнинг маҳбус шахсиятига зарарли таъсирини камайтиришга ёрдам бериши керак. Шундай қилиб,

260 Бешта устун 2007–2008 йиллардаги 37-сонли Оқ китобда баён этилган. “Ишлайдиган жазо — камроқ жиноят — хавфсиз жамият” парламентга тақдим этилган. Норвегия ва бошқа бир қанча тиллардаги Оқ китобнинг қисқача мазмуни <http://www.kriminalomsorgen.no/propositions-to-the-storting.112048.en.html>.

261 Шу ерда., 9-бет.

262 Шу ерда., 6-бет.

буларнинг барчаси зўравонлик ҳолатлари, шу жумладан ЖГАЗ, мажбурлашларнинг сезиларли даражада камайиши туфайли камроқ содир бўлиши кераклигини англаатади.

Сербия: Сербия жазони ижро этиш хизмати қоидалари кодекси Жиноий жазоларни ижро этиш тўғрисидаги қонунга мувофик қабул қилинган озодликдан маҳрум этиш жойи хизматининг ички қоидалариридир. Уларда хавфсизлик хатарларини бошқаришни яхшилаш ва зўравонликнинг барча шаклларини, шу жумладан ЖГАЗнинг олдини олиш бўйича ахлоқ тузатиш муассасалари учун батафсил тартиб ва кўрсатмалар берилган. Бошқа нарсалар қаторида, ушбу кодлар қўйидагиларни тартибга солади:

- маҳбусларнинг ҳуқуқлари, шу жумладан инсонпарвар муоммалага бўлган ҳуқуқи (айниқса, шахсий тинтувлар, ечинтириб тинтуб ўtkазиш ва тиббий кўриклар пайтида);
- тажовузкор хатти-ҳаракатлар хавфини минималлаштиришга қаратилган маҳбусларни тақсимлаш ва таснифлашнинг хавфхатарларини баҳолаш ва тартиблари;
- ушлаб турилганлар ва маҳбусларни жойлаштириш;
- тинчлантириш воситалари ва улардан фойдаланиш шартлари ва чекловлари; ва
- шикоятларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш механизмлари²⁶³.

6.2.3. Хавф остидаги шахслар учун озодликдан маҳрум қилишнинг муқобиллари

- Москва, 1991 йил: “Иштирокчи давлатлар (i) шахсларни ушлаб туриш ёки қамоққа олиш шароитларини яхшилаш учун зарур чораларни кўришга ҳаракат қиласадилар; (ii) озодликдан маҳрум қилишнинг муқобиллари масаласига алоҳида эътибор қаратадилар”.

ЖГАЗга ўта заиф ёки хавф остида бўлган шахслар учун судгача ва ҳукм чиқаришда қамоққа олишга муқобил чораларни қўллаш мухим профилактика чораси бўлиши мумкин. ЖГАЗ хавфини самарали баҳолаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, озодликдан маҳрум этиш жойлари, пробация ва суд органлари ўртасида хавф

263 Сербиянинг Ниш шаҳридаги Вояга етган эркаклар учун тузатиш муассасасининг даволаш бўйича ходими Миле Павлович тақдимоти. Ёпиқ муассасалarda жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш. Амалиётчилар йигилиши, ЕХХТ/ДИИХБ, 2016 йил 17–18 октябр, Варшава.

омиллари ва тегишли мезонларни (ҳибсга олаётган ходимлар томонидан кўриладиган эрта чоралардан бошлаб) аниқлаш бўйича самарали мувофиқлаштириши талаб қиласди. Мувофиқлаштириш ҳукм чиқарилгунга қадар давом этиши керак, токи заиф шахслар учун озодликдан маҳрум қилишнинг муқобил турлари кўриб чиқилиши ва бу шахсларнинг ҳуқуқлари одил судлов манфаатларини таъминлаган ҳолда ҳимоя қилиниши керак.

Асосий тавсиялар

- ✓ Қамоққа олиш ва тергов ҳибсхоналаридан фойдаланиш мониторинги ва баҳолаш тизимларини жорий этиш ёки такомиллаштириш; қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган чоралар, айниқса, ЖГАЗга нисбатан заиф бўлиши мумкин бўлган гурухлар учун эътиборга олиниши керак.
- ✓ Полиция ва суд органларига озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазони ахлоқ тузатишнинг бошқа шакллари билан алмаштириш бўйича муқобил чораларни кўриб чиқиш имкониятини берувчи стандарт мезонлар ишлаб чиқилиши керак.
- ✓ Конун чиқарувчилар полиция ва прокурорларга содир этилган ҳуқуқбузарликнинг табиати ва оғирлигини ҳамда қамоқдаги пайтда зўравонликка дучор бўлиш хавфини ҳисобга олган ҳолда жиноий суд тизимидағи шахсларни бошқа хизматларга йўналтириш ҳуқуқини бериши керак. ЖГАЗ хавфи остида бўлганлар (шу жумладан, ўтмишда зўравонликни бошдан кечирганлар) учун мақбул алтернативаларни ишлаб чиқиш учун ресурслар ажратилиши керак. Бундай муқобиллар орасида, заруратга қараб, қўллаб-қувватлаш чоралари ва психологик ёрдам ҳам бўлиши керак.

Бангкок қоидаларида аёлларнинг зўравонлик билан боғлиқ кечинмалари ва уларнинг содир қилган жиноятлари ўртасида боғлиқлик мавжудлиги кўрсатилган ва “ҳуқуқбузар аёллар учун қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган чораларни аёлларнинг жиноий адлия тизими билан тўқнашишига олиб келадиган энг кенг тарқалган муаммоларни ҳал қилиш чоралари билан бирлаштириш учун мақбул алтернативаларни ишлаб чиқиш” учун ресурсларни ажратиш талаб қилинади. Бу чоралар оиласида зўравонлик ва жинсий зўравонлик қурбонлари учун терапия ва маслаҳатлашувлар, руҳий касаллиги бўлган шахсларни тегишли даволаш, бандлик истиқболларини яхшилашга қаратилган таълим ва малака ошириш дастурларини ўз ичига олиши мумкин²⁶⁴. Токио қоидаларида ҳам озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган чораларни қўллаш

264 Бангкок қоидалари, 60-қоида.

тамойиллари ва кафолатлари ҳеч қандай камситишларсиз қўлланилиши керак-
лиги таъкидланади²⁶⁵.

Адвокатлар, прокурорлар ва судялар хукуқбузар қамоққа олинган тақдирда ЖГАЗга
олдида заиф бўлиб қолиш хавфини олдиндан баҳолашлари керак. Ушбу хавф қамоққа
олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг ҳақиқий заруратини аниқлашда ёки
жиноий судлов манфаатларига ҳам мос келадиган мақбул алтернативани излашда
хисобга олиниши керак.

Қамоқ жазосига муқобил чораларга мисоллар



Швеция: 1999 йилда Швецияда енгил жиноятлар содир
этган ва 3 ойдан ортиқ бўлмаган қамоқ жазосига ҳукм
қилинган шахслар учун интенсив назорат ва электрон мони-
торинг тизими жорий этилган. Бундай маҳбусларга жазони
ахлоқ тузатиш муассасаларидан ташқарида ўташ имконияти
берилди. Бундай ёндашув ҳар йили 250–300 нафар аёлга қа-
моққа тушмаслик имконини берди, чунки акс ҳолда жазони
озодликдан маҳрум этиш жойида ўташи керак бўлганлар жа-
зони қамоқдан ташқарида ўтаган.²⁶⁶ Швеция ахлоқ тузатиш
тизимининг асоси реабилитация бўлиб, унда аёл жинояти-
нинг табиати, гендер роли ва зўравонлик билан боғлиқ ке-
чинмаси туфайли аёлларнинг алоҳида эҳтиёжларига эътибор
кучайтирилади.²⁶⁷

6.3. Статик ва динамик хавфсизлик

Озодликдан маҳрум этиш жойларида хавфсизликни таъминлаш ҳам статик (бино-
ларнинг жисмоний конфигурацияси ва инфратузилмаси, техник воситалардан
фойдаланиш), ҳам динамик хавфсизлик чораларини назарда тутади. Ягона ёндашув
доирасида статик ва динамик хавфсизлик чораларини қўллаш хавфларни бошқариш
ва зўравонликнинг олдини олишнинг зарур таркибий қисми бўлиб ЖГАЗнинг
олдини олишга ёрдам беради.

265 Токио қоидалари, п. 2.2.

266 Tamsyn Wilson, “Аёллар учун қамоқхона моделларининг халқаро шарҳи: Шотландия учун асосий
хабарлар”, Шотландия ҳукуматининг Адлия таҳлилий хизматлари, 2015, 19-бет.

267 Шу ерда.

6.3.1. Статик хавфсизлик

Ёпиқ объектларнинг статик хавфсизлик хусусиятлари, яъни архитектура ва инфра-тузилма ЖГАЗ қурбонлари бўлиши мумкин бўлган барчанинг (биринчи навбатда ушлаб турилганлар ва маҳбуслар, шунингдек, ходимлар, ташриф буюрувчилар ва бошқалар) хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши керак. Гендерга мос дизайн ЖГАЗ хавфи остида бўлган маҳбусларга (шу жумладан, ушлаб турилган ва маҳбус аёлларга) муассаса ичида тўлиқ эркин ҳаракатланиш, дастурлар ва хизматлардан хавф-хатарсиз фойдаланиш (масалан, шахсий дахлсизликни таъминлаш ва қадр-қимматни ҳимоя қилиш, аёл маҳбуслар ҳамда эркак маҳбуслар ва ходимлар ўртасидаги алоқага йўл қўймаслик) имконини бериши керак.

Ҳар хил жинсдаги ушлаб турилганлар ва маҳбусларни ажратишга имкон қадар визуал ёки эшитиш имкониятларидан ҳоли қиласиган биноларни меъморий лойиҳалаш орқали эришиш мумкин. Мисол учун, худудларни шундай режалаштириш тавсия этиладики, аёллар ўқиш, ишлаш ёки дам олиш қисмларига бориш учун йўлда эркаклар бўлимидан ўтмайдилар²⁶⁸.

ЖГАЗ эътибордан четда қолиб кетиши мумкин бўлган бино қисмларига алоҳида эътибор берилиши керак. Буларга уйқу жойлари, ҳожатхоналар ва ҳаммом жойлари киради. Ушбу худудларни кузатиш шахсий дахлсизликни ҳисобга олган тарзда амалга оширилиши керак (масалан, душ хоналарида фақат бош ва оёқлар кўринадиган ажраткичлар қўйилиши мумкин). Шахсий тинтуб ўтказиладиган хоналар шундай ташкил этилиши керакки, бунда “дахлсизликни ҳимоя қилиш ва хавфсизлик масалалари ўртасида мувозанат сақланиб қолиши ҳамда тузоққа тушиб қолиш ёки таъқиб қилиниш ва хавф остида қолиш ҳисси пайдо бўлмаслиги” керак²⁶⁹.

Видеокузатув тизимлари ЖГАЗнинг олдини олиш ва агар ЖГАЗ содир бўлган бўлса, далилларни тўплаш учун ишлатилиши мумкин. Шу билан бирга, экспертларнинг қайд этишича, видеокузатувлар нафақат фойда келтиради, балки улар ёрдамида, айниқса, полиция томонидан ҳибсга олинганда ва сўроқлар пайтида муайян хавфларга ҳам йўл қўйилиши мумкин. Видеокузатув бошқа чоралар билан биргаликда қўлланилгандагина зўравонликнинг олдини олишнинг самарали чораси бўла олади²⁷⁰.

268 “Қамоқхоналарни режалаштириш бўйича техник қўлланма”, БМТнинг Лойиҳа хизматлари бўйича идораси, 2016 йил, 44-бет.

269 Laura Maiello ва Stephen Carter, “Пушти рангга бўяш ва писсуарларни олиб ташлаш?” Аёллар қамоқхонаси қандай бўлиши керак? PRI блог, 2015 йил 9 декабр, <https://www.penalreform.org/blog/10020/>.

270 “Полиция ҳибсонасида видеокузатув: Қийноқлар ва шафқатсиз муносабатнинг олдини олиш учун хавф омилларини бартараф этиш, APT/PRI, 2015 йил.

Асосий тавсиялар

- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятлари ЖГАЗнинг олдини олиш ёки содир бўлган ҳодисалар бўйича далилларни йиғиш учун имкон қадар видеокузатувдан фойдаланишлари керак.
- ✓ Видеокузатувдан фойдаланиш тўғри тартибга солиниши керак ва бунда шахсий дахлсизлик ҳуқуқига тўлиқ риоя этилиши лозим.
- ✓ Видеокузатув фақат ҳимоя ва тергов мақсадларида ишлатилиши ва динамик хавфсизлик чоралари ўрнида ишлатилмаслиги керак.

Видеокузатувдан фойдаланганда мутахассислар қўйидаги муҳим омилларни ҳисобга олишни тавсия қиласилар: ускунанинг жойлашуви (камералар ЖГАЗ ҳаракатлари содир бўлиши мумкин бўлган “назарга тушмайдиган жойларга” қаратилганилиги ёки қаратилмаганлиги; уларнинг қўлланилишида шахсий дахлсизлик, қадр-қиммат ва маҳфийлик кафолатлари таъминланганилиги ёки таъминланмаганлиги; сўроқ хоналарининг ҳамма жойи ва ундаги барча шахслар видеога олиниши ёки олинмаслиги); қайдларни сақлаш ва улардан фойдаланиш (кузатув камераси тасвирларидан расмий фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар амалдаги ЖГАЗ қоидаларидан хабардорлиги ёки хабардор эмаслиги; материаллар қай тарзда сақланиши, уларни кўриш ҳуқуқи кимга берилганлиги ва улардан далил сифатида фойдаланиш имконияти); муассаса тури ва амалдаги қоидалар (ЖГАЗ хавфи юқори бўлган муассасалар видеокузатув билан жиҳозланлиги; буларнинг ҳаммаси қай тарзда тартибга солиниши).

ҚОА ва “Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти” қўйидагиларни таъкидлайдилар: “Баъзи ҳолларда ёпиқ доирадаги телекузатув тизимлари ходимларнинг етишмаслигини қоплаш учун ишлатилиши мумкин, лекин бу ҳолат тан олинмаслиги ҳам мумкин. Ёпиқ доирадаги телекузатув тизимларига ҳаддан ташқари ишониш ҳам озодликдан маҳрум этиш жойларининг инсонийлиги пасайиши хавфига олиб келиши мумкин”²⁷¹.

271 Шу ерда.

6.3.2. Динамик хавфсизлик

Асосий тавсиялар

- ✓ Маҳбуслар билан ишлайдиган барча ходимлар динамик хавфсизлик концепцияси бўйича ўқитилиши керак; ходимларни ушлаб турилганлар/маҳбуслар фаровонлиги билан фаол қизиқишилари ва улар билан ижобий муносабатлар ўрнатишларига рағбатлантириш керак.
- ✓ Динамик хавфсизлик тренинги гендер жиҳатларни ҳисоб оладиган бўлиши ва ЖГАЗнинг олдини олиш билан боғлик барча масалаларни ҳал қилиши керак.

Кўпгина озодликдан маҳрум этиш жойларида видеокузатув тизимлари ва электрон хавфсизлик сканерлари каби илфор технологиялардан фойдаланиш имкони йўқ. Динамик хавфсизлик деганда қўриқчилар ва маҳбуслар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кундалик хавфсизлиги тушунилади. Шундай қилиб, динамик ёндашув юқори технологияли ускуналар мавжудлигига камроқ боғлик ва ҳар қандай муассасада амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, “динамик хавфсизлик элементлари – масалан, қўриқчилар ва маҳбуслар ўртасидаги алоқа ва ўзаро муносабатларнинг кучайиши – муайян озодликдан маҳрум этиш жойида статик хавфсизлик компонентларининг этишмаслигини қоплаши мумкин”лиги ҳам таъкидланган²⁷².

Европа пенитенциар қоидаларида шундай дейилган: “Жисмоний ва техник хавфсизлик чоралари озодликдан маҳрум этиш жойидаги ҳаётнинг ажралмас қисмидир, бироқ буларнинг ўзи тартибни сақлаш учун етарли эмас. Хавфсизлик маҳбуслар билан бевосита ишлайдиган ходимларнинг хушёrlиги, содир бўлаётган воқеалардан қанчалик хабардор бўлиши, маҳбуслар ўртасида ижобий кайфиятни сақлашга интилишига ҳам боғлик”²⁷³.

Динамик хавфсизлик ЖГАЗнинг олдини олишда айниқса самарали бўлиши мумкин, чунки маҳбуслар билан мунтазам алоқада бўлган ходимлар учун заифлик белгиларини аниқлаш ёки потенциал зўравонни аниқлаш осонроқ бўлади, яъни муаммо юзага келишдан олдин уни бартараф этишга ёрдам беради. Худди шу тарзда, динамик хавфсизлик техникасидан фойдаланадиган муассасаларда суистеъмолликнинг дастлабки белгиларини аниқлаш осонроқ кечади. Бундан ташқари, жабрланган шахслар ўzlари биладиган ва ишонадиган ходимларга зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар беришга тортинмаслиги мумкин ҳамда ходимларнинг зўравонлик белгиларига қарши жавоб чораларини кўриш тайёргарлиги юқорироқ бўлади.

272 Қамоқхонадаги ҳодисаларни бошқариш бўйича қўлланма (Нью-Йорк: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2013 йил), 21-бет.

273 Европа қамоқхона қоидалари, 51-қоида.

Бундай ёндашувлар муассаса ходимлари Нелсон Мандела қоидаларида²⁷⁴ тавсия этилган динамик хавфсизлик концепцияси ва уни қўллаш бўйича етарли даражада ўқитилган тақдирдагина самарали бўлади. Динамик хавфсизлик техникасидан хавф ва эҳтиёжларни доимий баҳолаш билан биргаликда фойдаланилганда энг кўп самарага эришилади.

Динамик хавфсизликнинг асосий компонентлари:²⁷⁵

- * ходимлар ушлаб турилганлар ва маҳбуслар билан ижобий ўзаро муносабатлар ва шахслараро кўникмалардан фойдаланиш орқали яхши муносабатларни ўрнатадилар;
- * хавфсизлик таҳдидларини дастлабки босқичда аниқлаш учун профилактик ёндашув қўлланилади;
- * потенциал ҳодисаларни кучайтириб юбормаслик ёки мулоқот ва музокаралар орқали тартиби тиклаш ходимлар ва маҳбуслар ўртасидаги профессионал муносабатларга боғлиқ;
- * маҳбусларда адолатли муомала ва фаровонлик ҳиссияти пайдо бўлади;
- * ходимлар маҳбусларни конструктив ва ижобий тарзда бандлигини ушлаб туришади, бу уларнинг келажақда жамиятга қайта интеграциялашувига ёрдам беради;
- * ходимлар муассасада сақланадиган турли гуруҳларнинг хусусиятлари ва эҳтиёжларидан хабардор бўладилар.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида динамик хавфсизликни таъминлашга мисоллар



Италия: динамик хавфсизлик бўйича йўриқномалар 2000 йилда Италия пенитенциар тизимида пайдо бўлган ва 2013 йилда Озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти департаменти томонидан янгиланган. Ушбу кўрсатмалар бутун мамлакат бўйлаб озодликдан маҳрум этиш жойларининг асосий тамойилларини белгилаб беради, шу билан бирга алоҳида муассасаларга минтақавий ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда динамик хавфсизлик концепциясини амалга оширишда бироз мослашувчанлик имконини беради.²⁷⁶ Асосий тамойилларга ҳар бир маҳбуснинг индивидуал ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини тушу-

274 Нелсон Мандела қоидалари, Қоида 76(с).

275 Динамик хавфсизлик ва қамоқхона разведкаси бўйича қўлланмадан (Вена: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, 2015) мослаштирилган. 29-бет; Европа қамоқхона қоидалари, 51 ва 64-қоидалар.

276 Жазони ижро этиш бошқармасининг Жазони ижро этиш бошқармасининг ҳудудий директорларига 3649/6099-сонли циркуляр хати.

ниш, маҳбуслар куннинг асосий қисмини камерадан ташқарида ўтказиш учун шароит яратиш; динамик хавфсизлик ва ахборот алмашинувини таъминлаш учун ходимларнинг ҳамкорликдаги иши киради. Озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари маҳбуслар билан қандай мулоқот қилиш, уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш, хатти-ҳаракатларини кузатиш ва реабилитациясини осонлаштиришга қаратилган динамик хавфсизлик бўйича тренингдан ўтади.²⁷⁷ Маҳбуслар билан мунтазам мулоқот қилиш орқали озодликдан маҳрум этиш жойи ходимларининг хулқ-атвор моделларини ва оғишларини аниқлаш бўйича кўникмалари ошади.

Норвегия: Норвегия озодликдан маҳрум этиш жойлари хизмати зўравонликнинг олдини олиш бўйича ўз ишида хавфсизликнинг динамик ёндашувларига устувор аҳамият беради. Бу озодликдан маҳрум этиш жойлари ходимларини маҳбусларнинг фаровонлиги билан фаол қизиқишлигини рағбатлантиришни ўз ичига олади. Ушбу нашрни тайёрлаш доирасидаги Норвегиянинг иккита озодликдан маҳрум этиш жойига ташриф давомида, динамик ёндашув орқали ходимлар муаммоларни улар пайдо бўлишининг дастлабки босқичларида аниқлай олишлари, маҳбусларнинг хатти-ҳаракатларидаги ўзгаришларни яхшироқ сезишлари ва уларни минималлаштириш ёки камайтириш ҳамда профилактика чораларини кўриш орқали мумкин бўлган хавфсизлик хавфларини бартараф этиш мумкинлиги таъкидланди. Озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари маҳбуслар билан сухбатлашиш, уларнинг ҳаёти ва шахсияти билан танишиш уларнинг кундалик фаолиятининг жуда муҳим қисми эканлигини, ўзаро ҳурматни тарғиб қилиш ҳар қандай зўравонлик, қўпол ёки шафқатсиз муомала эҳтимолини сезиларли даражада камайтиришини таъкидладилар. Норвегия МПМ вакиллари ҳам озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари зўравонликнинг кичик кўринишларига ҳам доимий равишда жавоб чораларини кўришини таъкидладилар, бу эса кескинлашувнинг олдини олишга катта ёрдам беради. Норвегияда ходимларнинг маҳбусга нисбати жуда юқори (озодликдан маҳрум этиш жойлар ва тергов изоляторларидаги ҳар 100 маҳбусга 102 нафар ходим)²⁷⁸.

277 Carla Ciavarella тақдимоти, Адлия вазирилиги, Италия, Ёпиқ муассасаларда жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш ва ҳал қилиш, Амалиётчилар йигилиши, ЕХХТ/ДИИХБ, 2016 йил 17–18 октябр, Варшава.

278 Норвегия Ходимлар академиясининг Ахлоқ тузатиш хизмати, “Дания, Финляндия, Исландия, Норвегия ва Швециянинг 2010–2014 йиллардаги тузатиш статистикаси”, Осло, 2016, 50-бет.

6.4. Ҳуқуқлар, қоидалар ва кутилган хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар бериш

Асосий тавсиялар

- ✓ Сиёсатчилар ва қонун чиқарувчилар ҳибсга олинган/маҳбус қандай шикоят қилишлари ва ЖГАЗга қарши шикоят қабул қилинганда қандай чоралар кўриш кераклиги ҳақида ёзма кўрсатмалар мавжудлигини таъминлаши керак. Шикоятлар бўйича жавоб бериш ва тергов қилиш муддатларини ҳамда жабрланувчи ва ҳар қандай гувоҳларниң хавфсизлиги ва маҳфийлигини ҳимоя қилиш учун кўрилиши керак бўлган чоралар белгиланиши керак.
- ✓ Полиция ва озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти барча ушлаб турилганлар/маҳбуслар ва ходимларни шикоят қилиш механизми ҳақида хабардор қилишлари ва улар қасосга учрашдан ёки бошқа салбий оқибатлардан қўрқмасдан, тўлиқ маҳфийлик шароитида ЖГАЗ ҳолатлари бўйича шикоят қилишларини таъминлаши керак.
- ✓ Ходимлар ушлаб турилганлар ва маҳбусларни (улар озодликдан маҳрум этиш жойига қабул қилингандан сўнг дарҳол) ЖГАЗга нисбатан муросасизлик сиёсати тўғрисида хабардор қилишлари керак.

Қабул қилиш жараёнининг бир қисми сифатида ҳар бир маҳбусга унинг ҳуқуқлари, жумладан, унинг ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобланган ҳолатда, қай тарзда шикоят қилиш кераклиги ҳақида маълумот берилиши керак. Шунингдек, маҳбуслар муассасанинг ички тартиб-қоидаларини, шу жумладан ЖГАЗ билан боғлиқ қоидаларни бузганлик учун қўлланиладиган интизомий жазолар тўғрисида хабардор қилиниши керак.

Ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шикоят бериш тартиби тўғрисидаги маълумотлар маҳбусларга ёзма ва оғзаки равишда етказилиши, шунингдек, барча ушлаб турилганлар/маҳбуслар кўра оладиган ва тушунадиган тарзда кўринадиган жойга осиб қўйилиши керак, яъни бу ушбу маълумотларниң турли тилларда мавжудлигини ва агар керак бўлса, таржимондан фойдаланишни назарда тутади. Нелсон Мандела қоидаларига мувофиқ, маълумотлар ушлаб турилганлар/маҳбусларга самарали ва тушунарли тарзда, шу жумладан контингентда бўлиши мумкин бўлган турли хил ногиронлик турларини ҳисобга олган ҳолда етказилиши керак, бу эса маълумотни

Брайл алифбосида ва имо-ишора тилларида, шунингдек, ўқилиши осон форматда тақдим этилишини талаб қилиши мумкин”²⁷⁹.

ЖГАЗ қурбонлари кўпинча ўзларининг зўравонликлари ҳақида маъмуриятга хабар беришни хоҳламасликлари, ўзларини ночор, бефарқ ҳис қилишлари ва ҳатто у ёки бу хатти-ҳаракат зўравонлик эканлигини англамасликлари мумкинлиги сабабли, озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти янги маҳбуслар ва янги ходимларга ЖГАЗ муаммоси бўйича, бундай зўравонлик турлари, унинг оқибатлари ва маҳбуслар бундай зўравонликни бошдан кечирган ёки хавф остида бўлса, нима қилиши мумкинлиги бўйича маълумот материалларини тақдим этишни кўриб чиқиши керак.

Янги келганларга маълумот бериш жараёни турли хил манбалар ва форматлардан фойдаланган ҳолда доимий хабардорликни ошириш тадбирлари ва/ёки ўқув дастурлари билан тўлдирилиши керак.

Масалан, АҚШда жойлашган Just Detention International нодавлат ташкилоти маҳбусларга ЖГАЗга нисбатан муросасизлик сиёсати ва уларни қабул қилиш доирасида бундай зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар бериш тартиблари ҳақида маълумот беришни тавсия қиласди. Бундан кейин, 30 кун ўтгач, ходимларга маҳбусларга “жинсий зўравонлик ва жинсий шилқимликдан, бундай ҳодисалар ҳақида хабар берганлик учун жавобгарликка тортилишдан озод бўлиш ҳуқуки ва бундай ҳодисаларга жавоб бериш қоидалари ва тартиблари бўйича кенг қамровли тренинглар [...]” бериш тавсия этилади²⁸⁰. Ташкилот томонидан бундай ўқув дастурларини тайёрлаш бўйича қўлланма ишлаб чиқилди ва маҳбуслар учун иккита видеоролик (янги келганлар учун уч дақиқалик ва кенг қамровли ўқитиш бўйича 16-дақиқалик видеоматериал) тайёрланди.

Бундан ташқари, “тeng-тengига” тамойили асосидаги ўқитиш дастурларидан фойдаланиш мумкин. Бундай дастурлар орқали ЖГАЗга нисбатан шароитлар, тартиблар ва ҳисобот бериш механизмлари билан таниш бўлган ушлаб турилганлар ва маҳбуслар янги келганларга маслаҳатчи бўлиб, озодликдан маҳрум этиш жойида хавфсиз маданиятни шакллантириш учун масъулиятни ўз зиммаларига олишлари мумкин. ЖГАЗ билан боғлиқ “тeng-тengига” тамойили асосидаги ўқитиш дастурлари самарали танлаш, ўқитиш ва назорат қилиш тартиб-қоидалари асосида эҳтиёткорлик билан ишлаб чиқилишлари керак.

279 Нелсон Мандела қоидалари 54, 55; Кийноқлар ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолар бўйича маҳсус маърузачининг оралиқ ҳисоботи, 2013 йил 7 октябр, А/68/295, п. 79.

280 “Маҳбуслар учун таълим бўйича ёрдамчи қўлланма: PREA: нимани билишингиз керак”, Миллий PREA Ресурс Маркази, 2014 йил, 3-бет.

“Тенг-тенгига” тамойили асосидаги ўқитиш дастурларига мисол



АҚШ: “Тенг-тенгига” тамойили асосидаги ўқитиш дастурлари озодликдан маҳрум этиш жойлари ва баъзи изолаторларда ушбу ҳодисанинг асосий сабабларини бартараф этиш орқали ЖГАЗнинг олдини олиш воситаси сифатида қўлланилади. Амалиёт шуни кўрсатадики, таълим орқали маданиятдаги ўзгаришларга эришиш, айниқса, жинсий зўравонлик муаммоси каби нозик масала бўйича маълумотлар тенг мақомга эга бўлган шахс томонидан тақдим этилганда янада муваффақиятли бўлади²⁸¹. Бундай дастурлар маҳбусларга ижобий раҳбарлик ролларида ҳаракат қилиш имкониятини беради. Бундан ташқари, қўшимча саволлар билан муассаса ходимлари ёки бошқа ўқитувчилардан кўра, маҳбусларнинг ўзларидан чиққан мураббийларга мурожаат қилиш ёки маслаҳат сўраш осонроқ кечади.

Бироқ, “тенг-тенгига” тамойили бир қанча чекловларга ҳам эга. Биринчидан, балоғатга етмаган болалар муассасаларида бундай дастурлар ҳар доим ҳам ўринли бўлмайди, чунки “ёшлилар жинсий зўравонлик динамикаси ва чегараларни ўрнатиш каби мавзуларда самарали ўқитувчи бўлишлари мумкин бўлса-да, муросасизлик тўғрисидаги маълумотлар ўзларидан ёши каттароқ мураббийлар томонидан берилса жиддийроқ қабул қилинади”.²⁸² “Тенг-тенгига” тамойили бўйича самарали таълим бериш учун мураббийлар ва маҳбуслар билан ишлай оладиган ёрдамчи ходимлар, маҳбуслар орасидан танланган таркиби хилма-хил бўлган мураббийлар жамоаси, шунингдек, мураббийларнинг ўзларини ўқитиш ва қўллаб-қувватлаш керак бўлади.

281 “PREA ва маҳбусларнинг таълими: Ресурс қўлланмаси”, PREA Миллий Ресурс Маркази/Just Detention International, 2016, 31-бет.

282 Шу ерда, 44-бет.

6.5. Тиббий кўрик ва тиббий хизматлар

Асосий тавсиялар

- ✓ Хибсга олиш жойлари ушлаб турилган ёки ҳибсга олинган ҳар қандай шахснинг илтимосига биноан тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини таъминлаши керак.
- ✓ ЖГАЗ фактлари аниқланганда, ушлаб турилганлар/маҳбусларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам, психологик ёрдам ва психологик маслаҳат таъминланиши керак. Агар муассаса бундай мутахассисларни ходимларга жалб қилиш имкониятига эга бўлмаса, маъмурият барча тиббиёт ходимларини ЖГАЗ белгиларини аниқлаш ва уларга жавоб бериш бўйича тренинглар ўтказиши керак.
- ✓ Барча ушлаб турилганлар/маҳбуслар муассасага келтирилганидан сўнг малакали шифокор ёки бошқа тиббиёт ходими томонидан шахсий дахлсизликлари тўлиқ таъминланган ҳолда тиббий кўрикдан ўтишлари шарт. Тиббиёт ходимлари ЖГАЗнинг мумкин бўлган белгиларига ҳам эътибор беришлари керак.
- ✓ Аёлларга аёл шифокор томонидан кўрикдан ўтиш имконияти ҳамда вагинал текширувдан ёки уларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинишидан бош тортиш хуқуқи таъминланиши керак.
- ✓ Тиббиёт мутахассислари ЖГАЗнинг олдини олишда фаол иштирок этишлари керак. Ушлаб турилганлар/маҳбуслар ташқи кўринишида кўринмаслиги мумкин бўлган ЖГАЗ белгиларини аниқлаш ва bemорларга сунистеъмоллик ҳақида хабар бериш имкониятини бериш учун соғлиқни сақлаш мутахассиси билан сухбатдан ўтишлари керак.

Маҳбусни озодликдан маҳрум этиш жойига қабул қилишда малакали тиббиёт ходими уни ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтказиши, шу жумладан ЖГАЗ белгиларини текшириши керак. Нелсон Мандела қоидаларига кўра, шифокор ёки бошқа малакали тиббиёт ходими “ҳар бир маҳбус муассасага қабул қилингандан кейин имкон қадар тезроқ ва заруратга қараб уни қабул қилиши, тиббий кўрикдан ўтказиши ва у билан сухбатлашиши”²⁸³, бунда тиббий ходим маҳбуснинг озодликдан маҳрум этиш жойига келишидан олдинги шафқатсиз муносабат натижасида пайдо бўлган ҳар қандай аломатларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратишлари керак.

283 Нелсон Мандела қоидалари, 30-қоида

Бангкок қоидаларига кўра, маҳбус аёлларни тиббий кўрикдан ўтказишда асосий эътибор аёл озодликдан маҳрум этиш жойига келишидан олдин содир бўлган жинсий зўравонлик ва бошқа зўравонлик шаклларини аниқлашга қаратилиши керак.²⁸⁴ Барча ушлаб турилганлар ва маҳбуслар учун ЖГАЗ белгиларини аниқлаш бўйича гендер жиҳатларни ҳисобга олувчи тиббий текширув тартибларини ишлаб чиқиш яхши амалиёт ҳисобланади.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ ҳолатлари юзага келганилигига шубҳа туғилган ҳолатлари бўйича тиббиёт ходими учун белгиланган тартиб-таомиллар ишлаб чиқилган бўлиши керак. Бангкок қоидаларида қўйидаги тартиб таклиф қилинади: маҳбусга “суд органларига мурожаат қилиш” ҳуқуқи ва тегишли тартиб ва ҳаракатлар ҳақида маълумот берилади. “Агар аёл маҳбус қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳаракатларни бошлаш истагини билдиурса, бу ҳақда тегишли ходимлар хабар қилинади ва улар зудлик билан ишни текшириш учун ваколатли органга юборадилар. Озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти бундай аёлларга ҳуқукий ёрдам олишда кўмаклашади”²⁸⁵.

Истанбул протоколи қийноқ ҳолатларига тегишли тиббиёт ходимларининг мажбуриятларини, тергов жараёнини ва тиббий ҳужжатлаштириш жараёнини белгилайди.²⁸⁶ Маъмурият муассасанинг барча тегишли ходимларини Истанбул протоколи қоидалари ва, хусусан, ҳодисалар ҳақида хабар бериш тартиб-қоидаларидан хабардор бўлишини ва ўқитилишини таъминлаши керак.

Шахс муассасага қабул қилинганида, ушлаб турилганлар ва маҳбусларга ғамхўрлик қилиш учун масъуль бўлган тиббиёт ходимлари ЖГАЗ ҳолатларини аниқлашдан ташқари озодликдан маҳрум этиш жойларидағи зўравонликни аниқлаш ва олдини олишда жуда муҳим рол ўйнаши мумкин. Тиббиёт ходимларини ЖГАЗнинг олдини олиш ва уларга ғамхўрлик қилишда қандай иштирок этишлари мумкинлиги ҳақидағи савол муҳим ва алоҳида эътиборга лойиқлигига қарамасдан бу масала мазкур нашр мавзуси доирасида қамралмайди. Бироқ, айрим асосий ҳолатлар ушбу нашрга киритилган, чунки улар жиноий адлия тизимида ишлайдиганлар учун фойдали бўлиши мумкин.

ЖССТ томонидан маъқулланган, соғлиқни сақлаш соҳаси жамиятда зўравонликнинг олдини олишда фаол рол ўйнайдиган модел озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам қўлланилиши керак. Бунда соғлиқни сақлаш мутахассислари зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда тизимдаги барча томонларни қамраб олувчи кўп тармоқли ёндашув қисми сифатида ҳаракат қилишлари керак.²⁸⁷

284 Бангкок қоидалари, 6-қоида (е).

285 Бангкок қоидалари, 7-қоида (1).

286 Истанбул протоколи, оп. сіт., 61-изоҳ.

287 Jörg Pont ва бошқаларга қаранг: “Қамоқхонада зўравонликнинг олдини олиш: соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассисларнинг роли”, Journal of Forensic Legal Medicine, 2015 йил, 34-том, 127–132-бет.

Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги тиббий хизматлар бўйича асосий мулоҳазалар:

- * озодликдан маҳрум этиш жойларидаги тиббий хизматлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятидан мустақил давлат соғлиқни сақлаш органлари томонидан тақдим этилиши ва назорат қилиниши керак;²⁸⁸
- * озодликдан маҳрум этилган шахслар қасосга учрашдан қўрқмасдан ЖГАЗ таҳдидлари ёки ҳодисалари ҳақида хабар беришлари учун тиббиёт ходимлари ва беморлар ўртасидаги муносабатларнинг маҳфийлиги кафолатланиши керак;
- * Истанбул протоколига мувофиқ ЖГАЗни ҳужжатлаштириш билан бир қаторда, “воқеа ҳақида хабар берилган ёки аниқлангандан кейин дарҳол иккинчи даражали профилактика чоралари кўрилиши керак”²⁸⁹, шу жумладан ўз хоҳишига кўра психологияк ёрдам олиш ва жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар (ОИВ, гепатит ва бошқалар) анализидан ва kontaktдан кейинги профилактикадан ўтиш имконияти берилиши керак. ЖГАЗнинг олдини олиш ва унга қарши курашиб бўйича зарур чораларни аниқлаш учун тиббиёт мутахассислари «инфекция тарқалишини ва хавф омилларини баҳолашга ёрдам берадиган, шунингдек, шахслараро зўравонлик туфайли жароҳат олиш хавфи бўлган шахсларни аниқлашга ёрдам берадиган» маълумотларни тўплашлари керак²⁹⁰. Бундай маълумотлар вақти-вақти билан таҳлил қилиниши ва озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти ва МПМга хабар қилиниши керак. Кейинчалик бу маълумотлар халқаро назорат органларига, жумладан БМТнинг Қийноқларнинг олдини олиш бўйича қуий қўмитасига тақдим этилиши керак.

Турмалар ва озодликдан маҳрум этиш жойларида соғлиқни сақлашга ёндашувларга мисоллар



Қирғизистон ва Тожикистон: Қирғизистон ва Тожикистон соғлиқни сақлаш вазирликлари Истанбул протоколи қоидаларини тиббиёт ходимларини ўқитиш дастурларига киритиш бўйича қатор ижобий қадамлар қўйди. Иккала мамлакатда клиник кўрсатмалар ва стандартлаштирилган ҳужжат шакллари қабул қилинган ва кўплаб соғлиқни сақлаш мутахассислари, шу жумладан ёпик муассасаларда ишлайдиганлар Истанбул протоколи қоидалари бўйича ўқитилди. Бундан ташқари, тиббий хизматлар, юридик мутахассислар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик

288 “Гендер ва SSR асбоблар тўплами: жазо ислоҳоти ва гендер”, оп.cit., 211-изоҳ, 9-бет.

289 Pont ва бошқалар. оп. cit., XX-изоҳ, 130-бет.

290 Шу ерда.

жамияти ташкилотлари ўртасида йўлланма тизимини такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.²⁹¹

АҚШ: “Озодликдан маҳрум этиш жойларида зўрлашни бартараф этиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ЖГАЗ қурбонлари зўрлашдан жабрланган шахслар учун фуқаролик инқироз марказлари хизматларидан фойдаланишлари мумкин.²⁹² Ушбу марказлар озодликдан маҳрум этиш жойи хизмати ва жиноий адлия тизимидан мустақил бўлиб, зўравонлик қурбонларига маҳсус психологик ёрдам кўрсатади ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қиласди.

6.6. Маҳбуслар учун тадбирлар ва дастурлар

Асосий тавсиялар

- ✓ Барча ушлаб турилганлар ва маҳбусларга уларнинг реабилитацияси ва ижтимоий реинтеграциясига самарали ҳисса қўшиши мумкин бўлган таълим, тарбиявий ва кўнгилочар тадбирларда иштирок этиш имконияти берилиши керак.
- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятлари, иложи бўлса, тегишли давлат хизматлари ва ННТлар билан ҳамкорликда потенциал тажовузкорлар учун зўравонликни камайтирадиган психо-ижтимоий дастурларни, шунингдек, жинсий зўравонлар учун маҳсус дастурларни жорий этишлари керак.

Маҳбусларнинг тарбиявий, таълим ва дам олиш тадбирларида иштирок этиши уларнинг реабилитацияси ва жамиятга қайта интеграциялашувига ёрдам беради. Ушбу тадбирлар зерикиш ва стресс билан курашишга ёрдам беради ва озодликдан маҳрум этиш жойи ҳаётига нормаллик элементини олиб келади (айниқса, улар озодликдан маҳрум этиш жойидан ташқарида фаолият юритадиган ташкилотлар томонидан ўtkазилган бўлса).

Дастурлар ва тадбирлар маҳбуслар ўртасида ҳурматли муносабатда бўлиш учун хавфсиз муҳитни ҳам таъминлаши мумкин. Шу билан бирга, маъмурият тадбирлар ўтказиладиган жойларда ЖГАЗнинг мумкин бўлган хавфларини диққат билан кузатиб бориши керак, айниқса тадбирларда ҳам эркак, ҳам аёл маҳбуслар иштирок этса. Маҳбуслар, ходимлар ва ўқитувчиларга нисбатан зўравонлик хавфини ҳисобга

291 Қийноқлардан озодлик ахборотномаси”, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда қийноқларга қарши ННТ коалициялари/Инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки жамғармаси (Польша)/Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик (Белгия), 5-сон, 2015 йил ноябр.

292 Қамоқхонадаги зўрлашни бартараф этиш тўғрисидаги қонун, оп. сит., 242-изоҳ.

олиш керак, айниқса, агар тадбирлар иш жойлари, ошхоналар ёки озодликдан маҳрум этиш жойи ташқарисида, яъни назорат сустроқ бўлган шароитда ўтказилса. Нодавлат тузилмалар томонидан амалга оширилаётган фаолият қўшимча назоратни талаб қиласди.

Эркак ва аёл маҳбуслар учун ўтказиладиган тадбирларга мисоллар



Франция: Фақат аёл маҳбуслар ишлаган устахона ёпилгандан кейин (аёллар сонининг камлиги ва назорат харажатлари туфайли) фақат эркак маҳбуслар ишлайдиган устахона қолган. 2015 йилда Бордо-Градинян озодликдан маҳрум этиш жойида тажриба сифатида эркаклар ва аёллар учун умумий устахона ишга туширилди. Бунгача муассасада эркаклар ва аёллар учун қўшма тадбирлар (хор қўшиқчилиги бўйича дарслар ва ижтимоий-маданий тадбирлар) ўтказилар эди. Умумий устахонанинг очилишини муҳокама қилиш ва тайёрлашга олти ой кетди. Мақсад аёлларнинг касбий қўникмаларга эга бўлишлари ва уларни оддий ҳаётга интеграция қилишларига кўмаклашишга қаратилган; Европа пенитенциар қоидаларига мувофиқ, иш билан таъминлашда жинсга асосланган камситишларга йўл қўйилмаслиги керак. Қоидалар маҳбусларни жазони ўтаб бўлгандан кейинги нормал касбий ҳаётга тайёрлаш учун ахлоқ тузатиш муассасаларида меҳнатни ташкил этиш озодликдаги ишларнинг ташкил этилишига имкон қадар яқин бўлишини талаб қиласди²⁹³.

Франция МПМлари ушбу экспериментни таҳлил қилиб шуни таъкидладиларки, озодликдан маҳрум этиш жойи расмийлари дастлаб умумий устахона очиш ғоясига маҳбус аёлларнинг хавфсизлиги билан боғлиқ хавотирлар туфайли салбий муносабатда бўлган.²⁹⁴ Аёллар ҳимояси ва назоратига алоҳида эътибор қаратилди: шу мақсадда аввалги аёллар устахонасида иш тажрибасига эга бўлган посбонлардан бири янги устахонага ўтказилди, видеокузатув камералари ўрнатилди, ўзини қандай тутиш (хусусан, аёл маҳбуслар эркак маҳбуслар ёнидан ўтмасликлари учун улар устахонага эркаклардан олдинроқ келиб ва иш тугаганидан кейин ҳам олдинроқ кетишлари керак

293 Европа қамоқхона қоидалари, 26-қоида.

294 Adeline Hazan, “Enquête sur l’atelier de travail mixte hommes-femmes du centre pénitentiaire de Bordeaux-Gradignan”, [Бордо-Градинян пенитенциар марказининг аралаш жинслар устахонасини текшириш], Бош инспекторнинг озодликдан маҳрум қилиш жойлари бўйича ҳисоботи, 2016 <<http://www.cgpl.fr/2016/enquete-sur-l-atelier-de-travail-mixte-hommes-femmes-du-centre-penitentiaire-de-bordeaux-gradignan/>>.

эди) бўйича аниқ кўрсатмалар берилди ҳамда кийим-кечак коди жорий этилди.

МПМ маълумотларига кўра, ҳеч қандай салбий ҳолатлар қайд этилмаган ва умумий устахонани ташкил этиш ҳам ходимлар, ҳам аёл маҳбуслар томонидан муваффақиятли деб топилган (аёллардан баъзилари эркаклар уларга нисбатан иззат-ҳурмат билан муомала қилганларини ва устахона ишида қатнашиш орқали улар ўзларини одатдаги ҳаётга яқинроқ ҳис қилганларини айтган)²⁹⁵. МПМ бошланган тажрибани давом эттириш ва кенгайтириш мақсадида устахона ишига қўшимча маблағ ажратишни тавсия қилди²⁹⁶.

ЖГАЗнинг самарали олдини олиш учун потенциал қурбонлар ва потенциал зўравонларга қаратилган дастурлар ёрдам бериши мумкин. Бу дастурларни одатдаги тегишли дастурларни мослаштириш орқали яратиш мумкин. Агар шундай қилинса, улар ЖГАЗ бўйича ишлайдиган фуқаролик жамияти ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятлари ўртасида алоқаларни ўрнатишнинг ҳам муҳим воситасига айланади. Ушбу дастурлар психологияк маслаҳат ва қўллаб-қувватлашни ўз ичига олиши мумкин ва маҳбусларга зўравонлик хатти-ҳаракатларига муқобил ечимларни таклиф қилишга қаратилган бўлиши мумкин.

Қарамликларга қарши дастурларга мисоллар



Қирғизистон: Қирғизистондаги қатор ахлоқ тузатиши муассасаларида гиёхвандлик ва алкоголизмга қарши курашга қаратилган иккита психо-ижтимоий реабилитация дастури (“Тоза ҳудуд” дастури ва 12-босқичли “Атлантис” деб номланган дастур) жорий этилди. Ушбу дастурлар амалга ошириладиган маҳсус марказлар асосий озодликдан маҳрум этиш жойларидан узоқда жойлашган бўлиб, дастурларда иштирок этишни танлаган маҳбуслар алоҳида блокларга жойлаширилади, бу ерда уларга маҳсус тайёргарликдан ўтган тиббий мутахассислар, ижтимоий ишчилар ва психологлар уларнинг реабилитациясига ёрдам беради.²⁹⁷

Грузия: Тажриба-синов лойиҳа натижасида Грузия Жазони ижро этиш ишлари вазирлиги 2016 йилда иккита озодликдан маҳрум этиш жойида 12-босқичли Атлантис дастуруни расмий равища ишга туширди ва ушбу дастурни “2014–2017 йиллар учун озодлик-

295 Шу ерда, pp. 2, 9 бетлар.

296 Шу ерда, 9-бет.

297 Азамат Шамболов, Penal Reform International бюросининг Марказий Осиёдаги минтақавий директори тақдимоти, Қозогистон, Ёлиқ муассасаларда жинсий ва гендер асосидаги зўравонликнинг олдини олиш ва бартараф этиш, Амалиётчилар йигилиши, ДИИХБ, 2016 йил 17–18 октябр, Варшава.

дан маҳрум этиш жойларидаги маҳбуслар саломатлиги стратегияси”га киритди²⁹⁸. Дастур иштирокчилари гиёхвандликка қарам бўлиб қолганларини англашдан бошлаб реабилитация жараёнининг 12 босқичидан ўтадилар. Бундай дастурларнинг ЖГАЗга таъсири ўрганилмаган бўлса-да, психотроп моддаларга қарам бўлганларга гиёхвандликдан халос бўлишга ёрдам бериш зўравонликнинг олдини олишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, маҳбуслар ўртасида зўравонлик даражасини пасайтириш ва жавобгарликни рағбатлантириш орқали озодликдан маҳрум этиш жойларнинг умумий маданиятини оширишга қаратилган дастурлар мавжуд.

Хавфсиз муҳитни таъминлаш учун зўравонликка йўл қўймаслик ва ҳурматни тарғиб қилиш дастурига мисол



Испания: озодликдан маҳрум этиш жойларида «Хурмат модулларини» (*Módulos de Respeto*) яратиш бўйича таълим дастури илк бор 2001 йилда Леон озодликдан маҳрум этиш жойида тажриба-синов лойиха сифатида амалга оширилган. Ҳозирда у бутун Испания пенитенциар тизимида қўлланилади.²⁹⁹ “Хурмат модуллари” дастурининг асосий мақсадлари биргаликда яшаш ва максимал даражадаги ҳурмат-иззат муҳитини яратиш, тўғри хулқ-атворни рағбатлантириш ҳамда маҳбусларнинг шахсий ва жамоавий масъулиятни ўз зиммасига олиш салоҳиятини мустаҳкамлашдан иборат³⁰⁰.

Хурмат модулларига қўшилиш ихтиёрийдир ва дастурда иштирок этаётган маҳбуслар шартнома имзолашлари ва дастур қоидаларига риоя қилишлари, шунингдек, индивидуал режага амал қилишлари керак. Қоидалар орқали шахсий гигиена, камерада ва озодликдан маҳрум этиш жойи ҳудудида тартибни сақлаш, каби масалалар тартибга солинади. Ҳар қандай шаклдаги зўравонлик – жисмоний, оғзаки ёки имо-ишорали бўлсин – маҳбуслар ўртасидаги барча шахслараро муносабатларда, шунингдек, штат ва штатсиз ходимлар билан бўлган муносабатларда қатъиян ман этилади.

Хурмат модуллари маҳбусларда низоларни тинч ва ҳурматли тарзда ҳал қилиш қобилиятини ривожлантириш орқали озодликдан маҳрум этиш жойидаги зўравонликка қарши кураш ва кескинликни пасайтириш воситасидир. Ўзгаришларнинг асосий субъектлари маҳбус-

298 “Atlantis” психо-ижтимоий реабилитация дастурининг ишга туширилиши”, Европа Кенгashi, 2016 йил 20 май, https://pjp-eu.coe.int/en/web/eap-pcf/news/-/asset_publisher/PtyzI5oUnNad/content/launching-of-the-psychosocial-rehabilitation-programme-atlantis-?inheritRedirect=false.

299 “Испания қамоқхона тизими”, Жазони ўташ муассасаларининг Бош котибијати, 2011 йил, 45-бет.

300 “Módulo de respeto. Módulos penitenciarios para la mejora de la convivencia”, Ички ишлар вазирлиги, 2007, 37-бет.

ларнинг ўзлариидир, шунинг учун улар ўзларининг хатти-ҳаракатлари ва кундалик вазифалари учун масъулиятни ўз зиммаларига олишлари керак. Ижобий хулқ-атворни намойиш этган маҳбуслар кўпроқ эркинликни таъминлайдиган юмшоқрок режимга ўтказилишлари мумкин. Турли тоифаларга мансуб маҳбуслар билан ишлаш ва маҳбусларнинг турли гурухлари (масалан, гиёҳвандлар, ёшлар ва хорижликлар) бирга яшашини тарғиб қилиш учун ҳар хил турдаги “хурмат модуллари” қўлланилади. “Хурмат модуллари” билан ишлайдиган ходимларни танлашга алоҳида эътибор қаратилади, чунки улар дастур мақсадларини қўллаб-қувватлашлари ва маҳбуслар билан ишлашлари, уларнинг реабилитациясига ҳисса қўшишлари керак.³⁰¹

Францияда (Мон-де-Марсан турмаси) “Хурмат модуллари” дастури синов режимида амалга оширилмоқда.

6.6.1. Қамоқça олинишдан олдин гендерга асосланган зўравонликни бошидан кечирган маҳбуслар учун дастурлар

Асосий тавсиялар

- ✓ Барча ЖГАЗ жабрланувчилари учун, иложи борича, ташқи ихтисослаштирилган хизматлар ва ННТлар билан ҳамкорлиқда ташкиллаштириладиган зарур профессионал кўмак ва тиббий ёрдам таъминланиши керак.
- ✓ Руҳий хаста шахсларга гендер жиҳатларни ҳисобга олувчи ҳар томонлама парвариш ва қўллаб-қувватлаш дастурлари тақдим этилиши керак.
- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ қурбонлари учун ўз-ўзига ёрдам гурухлари ва “тeng-тengини” қўллаб-қувватлаш гурухларини ривожлантириши рафбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш керак.

ЖГАЗдан зарап кўрган шахслар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, юридик, тиббий, психологик ёрдам ва психологик маслаҳат олиш имкониятига эга бўлиши керак. ЖГАЗдан жабрланганлар учун хизматлар ва ёрдам дастурлари шахсларнинг эҳтиёжларини қондириши ва уларнинг имкониятларини кенгайтиришга ёрдам бериши керак. Бангкок қоидаларига кўра, озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти зўравонлик ҳолатларида (қамоқça олишдан олдин ёки ушлаб

301 Қўшимча маълумот олиш учун жазони ижро этиш муассасалари Бош котибиятининг веб-сайтига қаранг: <<http://www.institucionpenitenciaria.es/web/portal/idioma/en/Reeducacion/ProgramasEspecificos/modulosRespeto.html>> (Spanish) and “The Spanish Prison System”, General Secretariat of Penitentiary Institutions, 2011 (English).

туриш вақтида содир бўлган) зўравонлик қурбонига унинг қонун билан белгиланган ҳаракатларни амалга оширишга қарор қабул қилиши ёки қилмаслигидан қатъи назар, зудлик билан ихтисослаштирилган психологик ёрдам ёки психологик маслаҳат олиш имкониятини таъминлаши керак.³⁰²

Озодликдан маҳрум этиш жойларидағи аёллар ўтмишда ЖГАЗ қурбони бўлганлиги ва ўша пайтда сезиларла ёки ҳеч қандай ёрдам олмаганигининг эҳтимоли кўпроқ.³⁰³ Ихтисослаштирилган дастурлар ёпиқ муассасаларда маҳбусларнинг потенциал заифлигини камайтириш учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, улар қамоқقا олинган/маҳбусни реабилитация қилиш жараёнининг бир қисми бўлиб бу шахсга озодликдан кейин ҳаётга тайёрланишида ёрдам бериши мумкин. Зўравонлик қурбонлари маҳсус ёрдам орқали ўтмишдаги ёки давом этаётган зўравонлик ҳақида гапиришга ўзларида куч топа олиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этиш жойларидағи ЖГАЗ дастурлари муваффақиятли бўлиши учун улар алоҳида маҳбусларнинг эҳтиёжларига мослаштирилган, илғор халқаро тажрибага асосланган ва ўқитилган тренер томонидан амалга оширилиши керак.

Ўтмишда зўравонликдан жабрланган шахслар учун дастурларга мисоллар



Altra ва STRONG лойиҳалари: Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириладиган Daphne дастури доирасида турмаларда ГАЗдан жабрланган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва даволаш учун бир қанча мамлакатларда иккита лойиҳа амалга оширилди.

Altra лойиҳаси (Германия, Венгрия, Испания) оиласидаги зўравонлик қурбони бўлган аёллар ва оиласидаги зўравонликни содир этган эркаклар учун қамоқхонада гендерга мослаштирилган тажриба дастури эди (2004–2008 йй.).³⁰⁴ STRONG лойиҳаси (Англия, Финляндия, Германия, Литва, Польша, Шотландия) қамоқхонада болалигида, яқин шериги томонидан зўравонликка дучор бўлган ёки бошқа жисмоний ва жинсий зўравонлик шаклларини бошдан кечирган маргиналлашган аёлларнинг эҳтиёжларини таъминлаш бўйича жиноий адлия мутахассисларнинг салоҳиятини оширишга қаратилган эди (2009–2010 йй.).³⁰⁵

Ушбу икки лойиҳанинг умумий компонентларига ГАЗни бошидан кечирган маҳбус ва собиқ маҳбус аёлларнинг тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш, ўқув материаллари ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш киради.

302 Бангкок қоидаси, 7(2).

303 Бангкок қоидалари, оп. cit., 164-изоҳ.

304 Altra дастури ҳақидағи материаллар: http://www.surt.org/altra/inicio_en.html.

305 STRONG дастурига оид материаллар: <http://philipus.de/daphne-strong.eu/about.php>.

Altra дастури қўлланмаси (“Қамоқхоналарда гендерга асосланган зўравонликка қарши курашиш: Гендерга асосланган зўравонликка қарши курашиш учун озодликдан маҳрум этиш жойи дастурлари бўйича қўлланма”, 2007 й.) озодликдан маҳрум этиш жойи мутахассисларига ГАЗни бошидан кечирган аёллар ва ГАЗни содир этган эркаклар учун озодликдан маҳрум этиш жойи дастурларини қандай амалга ошириш бўйича қаратилган. Унда Венгрия ва Испанияда амалга оширилган дастурнинг тажриба-синов босқичи натижалари, шунингдек, дастурда қўлланилиши мумкин бўлган кўрсатмалар ва машқларнинг аниқ мисоллари келтирилган.

STRONG дастури материаллари ҳар куни аёл маҳбуслар билан мулоқот қиласидиган озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари учун ўқув қуролидир. Қўлланмада ГАЗнинг ҳар хил турлари ва уларнинг оқибатлари, ГАЗни аниқлаш ва бартараф этиш усуллари муҳокама қилинади, шунингдек, намунавий тузатиш дастурлари тавсифи берилган. Дастур бўйича миллий семинарлар ҳар бир иштирокчи давлатда ўтказилди. 2012 йилда Финляндияда Қамоқхоналар ва пробация ҳизматлари ходимларини касбий тайёрлаш институти озодликдан маҳрум этиш жойларида учта ўқув семинарини ўтказди.

Грузия: “Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти” (Penal Reform International) ноҳукумат ташкилотининг Жанубий Кавказ бўлими 2016 йилда зўравонлик, стигматизация ва дискриминациядан азият чеккан аёлларни (қамоқдаги, пробацияни ўтаётган ва қамоқдан озод қилинган) қўллаб-қувватлаш лойиҳасини бошлаган. Грузия пенитенциар тизими учун бу Бангкок қоидалари талабларига мувофиқ яратилган зўравонликни бошидан кечирган аёлларга ёрдам бериш бўйича биринчи дастурдир. 2017 йил бошидан буён “Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти” маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу дастурни амалга ошириб келмоқда ва бир қатор реабилитация ва қўллаб-қувватлаш ҳизматларини, жумладан, психо-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий маслаҳатлар, иш ва бизнес тренингларини, озодликка чиққан ва яшаш жойига эга бўлмаган собиқ маҳбус аёллар учун бошпана ташкил этиш, болалар билан алоқада бўлишга ёрдам бериш ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар амалга оширмоқда. Дастур тадбирларида 700 га яқин маҳбуслар, собиқ маҳбуслар ва шартли судланган аёллар, шунингдек, 60 га яқин болалар иштирок этди.³⁰⁶

306 PRI Жанубий Кавказ идораси томонидан тақдим этилган маълумотлар.

6.6.2. Потенциал тажовузкорларга қаратилған дастурлар

Асосий тавсия

- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятлари, имкон қадар, тегишли давлат хизматлари ва ННТлар билан ҳамкорлик-да зўравон шахслар учун руҳий саломатлик дастурларини, шунингдек, жинсий жиноятларни содир этган шахслар учун маҳсус дастурларни жорий этишлари керак.

Бир қатор мамлакатларда озодликдан маҳрум этиш жойидаги маҳбусларга қаратилған дастурлар мавжуд бўлиб, уларнинг жиноий тарихи асосида ЖГАЗга мойиллиги аниқланган (айниқса, маҳбус жинсий жиноят содир этганликда айбланган бўлса). Бошқа умумий дастурлар агрессияни камайтириш, гендер стереотипларни бузиш ва эркакликнинг салбий эмас, балки ижобий хусусиятларини ривожлантириш учун тренинглар орқали зўравон тусдаги хулқ-атворни камайтиришга қаратилған.

Потенциал зўравонлар учун дастурларга мисоллар



Литва: 2010 йилдан бери Литва озодликдан маҳрум этиш жойларида болаларга нисбатан жинсий ҳуқуқбузарлик содир этгандар учун терапия дастури йўлга қўйилган. У когнитив хулқ-атвор терапияси усуllibарига асосланади ва жиноятнинг такрорланишини камайтириш ва маҳбусларнинг жамиятга реинтеграциясини рағбатлантиришга қаратилған. Дарслар ўз-ўзини назорат қилиш, соғлом жинсий муносабатлар, ғазабни бошқариш, аёллар билан жинсий табиатга эга бўлмаган дўстлик, аёллар ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ва жабрланувчиларга ҳамдардлик каби мавзуларни ўз ичига олади. Литва озодликдан маҳрум этиш жойларида “Яккама-якка” дастури каби ғазаб, тажовуз, стресс ва хулқ-атворда зўравонликдан фойдаланиш даражасини пасайтиришга қаратилған хатти-ҳаракатларни ўзгартириш дастурлари ҳам мавжуд.³⁰⁷

Польша: озодликдан маҳрум этиш жойларининг бирида “Мен зўравонликка қаршиман: жинсий зўравонлик ва виктимизациянинг олдини олишда ёшларнинг фаол иштироки” деб номланган дастур бор. Дастурнинг мақсади билимларни узатиш, муносабатларни ижобий шакллантириш ва ёш ҳуқуқбузарларга муносабатлардаги жинсий зўравонлик ва кибермакондаги таҳдидларни (таъқиб қилиш, қувғин ва жинсий мазмундаги хабарлар) ажрата

³⁰⁷ ДИИХБ сўровига жавобан Литва томонидан тақдим этилган маълумотлар; Douglas P. Boer va Vilmantė Gintaraitė, “Литвадаги ахлоқ тузатишлар муассасалари учун жинсий ҳуқуқбузарларни даволаш дастури (SeNAT)”, “Бошқа курбонлар йўқ” анжуманида тақдимот, Латвия Давлат пробация хизмати конференцияси, 2011 йил 15–17 март, Рига.

олиш, шунингдек, аёлларга нисбатан жинсий зўравонликни тарғиб қилувчи мазмунга эга замонавий поп-қўшиқлар матнларини таҳлил қилишга ёрдам беришдан иборат.³⁰⁸

Швеция: зўравонликнинг олдини олишга бағишлиланган ўқув тўгараклари ташкил этиш ташаббуси учта вояга етмаганлар мусассасасида синов тариқасида ўтказилди.³⁰⁹ Ушбу лойиҳа эркаклик ҳақидаги ижтимоий меъёрлар қай тарзда шубҳа остига олиниши ва ўзгартирилиши мумкинлиги мавзусига бағишлиланган. Унда Швециянинг учта нодавлат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган 13–25 ёшдагилар учун Machofabriken (“Мачолар фабрикаси”) лойиҳасининг услублари ва материалларидан фойдаланилади. Дастур гендер тенглигини тарғиб қилиш ва зўравонликнинг олдини олишга қаратилган машқларни ўз ичига олади: иштирокчиларга эркакликка тегишли ҳукмрон меъёрлар ҳақида фикр юритиш ва жинсийлик ва гендер ҳақидаги ўз назарлари ҳақида фикр юритиш тавсия этилади³¹⁰.

308 ДИИХБ сўровига жавобан Польша томонидан тақдим этилган маълумотлар.

309 Швеция томонидан ДИИХБ сўровига жавоб сифатида тақдим этилган маълумотлар.

310 Macho Factory вебсайтига қаранг: <http://www.machofabriken.se>; қаранг: Тенгизликларни тузатишга қаранг: EXXT минтақасида эркаклар ва гендер тенглиги, Elisabeth Duban, мухаррир: Jamila Seftaoui. EXXT, Вена, 2011-йил июн. 43-бет.

6.7. Ходимларни ёллаш, касбий тайёрлаш ва назорат қилиш

- ▶ Копенгаген, 1990 (16.4): "... Қийноқларни тақиқлаш бўйича таълим ва маълумотлар ҳибсга олиш, сўроқ қилиш билан шуғулланадиган ёки ҳар қандай шаклда ҳибсга олинган, ушланган ёки қамоққа олинган шахслар билан ишлаш мумкин бўлган фуқаролик ва ҳарбий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, тиббиёт ходимлари, давлат мансабдор шахслари ва бошқа шахсларни тайёрлашга тўлиқ киритилиши таъминлансин".

Асосий тавсиялар

- ✓ Ходимлар таркиби барча даражаларда, шу жумладан юқори мансабдор шахслар, бошқарув ва сиёsatчилар даражасида ҳам хилма-хил бўлиши керак. Юқори бўғин раҳбарлари ва судялар корпуси аъзолари ЖГАЗга қарши жавоб чоралари бўйича ўргатилишлари ва бундай зўравонликнинг барча шаклларининг олдини олишга мақсадли тарзда интилишлари керак.
- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойлари ходимлари гендер масалалари бўйича ўқитилиши керак ва бундай тренинглардан ўтиш имконияти ҳеч қандай камситишсиз тақдим этилиши керак.
- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти тенгликни рағбатлантириши ва шу билан бирга ходимларнинг таркиби хилма-хил бўлиши керак; буни, хусусан, озчилик гурухлари билан ишлаш тажрибасига эга бўлган ёки уларга мансуб ходимлар вакиллигини ошириш орқали амалга ошириш мумкин.

ЖГАЗ содир этилмайдиган, эътибордан четда қолмайдиган ёки унга йўл қўйилмайдиган муҳитни яратиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва озодликдан маҳрум этиш жойларининг барча даражадаги ходимларини синчилкаб танлаш ва тўғри ўқитиш ўта муҳимдир. Ходимлар нафақат тўғри танланиши ва ўқитилиши керак — улар учун самарали назорат ва раҳбарият томонидан кўмак таъминланиши ҳам зарур.

Жиноий адлия тизимиға ишга кираётган барча шахслар, шу жумладан соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари ЖГАЗнинг олдини олишга интилишлари керак. Номзодлар ишга жойлашиш учун зарур бўлган мезонларга мос келиши диққат билан текширилиши керак. Бундай текшириш даъвогарнинг ўтмишда ЖГАЗни содир этганлигини аниқлашни ҳам ўз ичига олиши керак. Мисол учун, Америка Кўшма

Штатлари Қамоқхоналарда зўрлашнинг олдини олиш, уни аниқлаш ва назорат қилиш бўйича миллий стандартлар озодликдан маҳрум этиш жойларига олдинги лавозимларида жинсий зўравонлик содир этган ёки жамиятда бундай хатти-ҳаракатлари учун суд томонидан жазоланган шахсларни ишга олишни ёки юқорироқ лавозимларга тайинлашни тақиқлайди.³¹¹ Шундай қилиб, муассасалар PREA талабларига риоя қилиш учун амалдаги ва потенциал ходимларни тегишли текширувдан ўтказишлари керак.

ЖГАЗ муаммосини ҳал қилиш соҳасидаги жуда мухим чоралардан бири – бу озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари орасида аёллар улушини оширишdir. Аёл ходимлар сонини кўпайтириш учун ёллаш жараёнида гендер жиҳатларни ҳисобга оловчи усусларни қўллаш зарур. Бундай усуслар аёл номзодларни ишга олиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш учун квоталар ёки мақсадли кўрсаткичлардан фойдаланишни ва интервюларда ёки кадрлар қўмитасини шакллантиришда гендер жиҳатларни ҳисобга олишни ўз ичига олиши керак.³¹²

Ходимлар орасида хотин-қизларнинг вакиллигини оширишдан ташқари, ишга қабул қилиш тартиб-қоидалари озчилик гуруҳлари номзодларини ишга олиш имкониятларини ҳам таъминлаши керак, шунда ходимлар таркибига бундай гуруҳлар вакиллари ёки ҳеч бўлмагандан муайян ходимлар билан ишлаш бўйича зарур билим ва тажрибага эга бўлган ходимлар киритилиши керак.

Нелсон Мандела қоидалари ҳибсдаги аёллар фақат аёл зобитлар томонидан назорат қилинишини талаб қиласди. Бироқ, бу ҳолат аёллар сақланадиган озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки ахлоқ тузатиш муассасаларининг аёллар бўлимларида эркак ходимларнинг ўз касбий вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги керак³¹³.

Кадрлар сиёсатида гендер жиҳатларини ҳисобга олиш турли хил ходимларни, айниқса аёлларни ишда сақлаб қолишини қамраши керак. Янги ходимларни тайёрлаш, оилали ходимлар учун қулай шароитлар яратиш ва аёл ходимларнинг юқорироқ лавозимларга тайинланишидаги тўсиқларни бартараф этиш учун мураббийлик амалиётiga эътибор қартиш лозим.

Ишчи кучининг хилма-хиллиги барча даражаларда, жумладан, юқори лавозимли амалдорлар, бошқарув ва сиёсатчilar орасида ҳам мавжуд керак. Масалан, эркаклар сақланадиган озодликдан маҳрум этиш жойлари маъмурияти гендер мувозанатини акс эттириши мухимдир. Бангкок қоидаларида аёл ходимларнинг касбий ривожланишини таъминлаш бўйича “маҳбус аёллар билан муомала қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича сиёсат ва стратегияларни ишлаб чиқиш учун асосий масъулият юкланган юқори лавозимларга тайинланиш имконияти” ва “қамоқхона маъмуриятининг аёл ходимларга нисбатан гендер асосидаги камситишининг олдини олиш

311 “Қамоқхонадаги зўрлашнинг олдини олиш, аниқлаш ва жавоб бериш миллий стандартлари”, Федерал реестр, <<https://www.federalregister.gov/documents/2011/02/03/2011-1905/national-standards-to-prevent-detect-and-respond-to-prison-rape>>.

312 Кўшимча маълумотни <http://www.dcaf.ch/Publications/Gender-Security-Sector-Reform-Toolkit> сахифасида жойлашган «Гендер ва хавфсизлик секторини ислоҳ қилиш воситалари тўплами»да топиш мумкин.

313 Нелсон Мандела қоидалари, 81-қоида (3).

ва унга қарши курашиш бўйича аниқ ва доимий содиқлик”дан иборат чора-тадбирларнинг муҳимлиги таъкидланади.³¹⁴

Ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ва озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари учун малака ошириш соҳасидаги яхши амалиётлар халқаро стандартларда ҳам белгиланган. Масалан, Нелсон Мандела қоидалари муассаса ходимлари қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазоларни тақиқлаш; динамик хавфсизлик тушунчаси; тажовузкор ҳукуқбузарлар ва вазиятни бартараф этиш усуслари билан ишлаш; маҳбусларнинг айрим тоифалари билан ишлаш бўйича ихтисослаштирилган тайёргарлик каби масалалар бўйича тренинглардан ўтишларини талаб қиласди.³¹⁵ Бангкок қоидаларига кўра, аёллар ахлоқ тузатиш муассасаларини бошқариш билан шуғулланувчи барча ходимлар гендер жиҳатларни ҳисобга олиш ҳамда камситиш ва

жинсий зўравонликни тақиқлаш бўйича ўқитилишлари керак.³¹⁶

Инсон ҳукуқлари, гендер tengлиги, камситишга йўл қўймаслик, бағрикенглик, ахлоқ, хавфларни баҳолаш, гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда бошқарув ва мулоқот стратегиялари каби мавзуларда самарали ўқув дастурлари ишлаб чиқилиши керак. Шу билан бирга, ҳали лавозимга киришмаган янги ходимлар ва амалдаги ходимларни ўқитиш дастурларида ЖГАЗ муаммоси, шу жумладан ушбу ҳодисани аниқлаш ва олдини олиш масалалари аниқ кўриб чиқилиши жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ЖГАЗнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш билан боғлиқ пайдо бўладиган муаммолар бўйича доимий ва қўшимча тренинглар ўтказиш мақсадга мувофиқ амалиёт бўлади.

Асосий тавсиялар

- ✓ Ходимлар учун ўқув қўлланмалар таҳлил қилиниши ва ЖГАЗ бўйича модулларни киритиш мақсадида қайта кўриб чиқилиши керак. Мазкур модулларда ЖГАЗни аниқлаш, бундай зўравонликнинг олдини олиш ҳамда ҳодисалар ва шикоятларга жавобан ҳаракат қилиш каби муаммолар қамралиши керак.
- ✓ Ходимларни ўқитиш дастурларига гендер тамойиллар, инсон ҳукуқлари бўйича шартномалар ва заиф гуруҳлар билан ишлаш бўйича модуллар ҳам киритилиши керак.

314 Бангкок қоидалари, 29 ва 30-қоидалар.

315 Нелсон Мандела қоидалари, 76-қоида.

316 Бангкок қоидалари, 32-қоида.

ЖГАЗ масалалари бўйича полиция ходимларини ўқитиш мисоллар



Германия: бўлажак полициячилар ўз тренинглари доирасида қамоққа олишнинг гендер жиҳатларини ўрганадилар. Шунингдек, улар касбий этика курсига киритилган жинсий зўравонлик мавзусини ҳам ўрганадилар. Баъзи минтақаларда ЖГАЗдан жабрланганлар билан ишлаш бўйича маҳсус ўқув дастурлари мавжуд, бошқаларида эса полиция ходимларини ЖГАЗ белгиларини аниқлаш ва полиция зўравонлигининг олдини олиш ўргатилади.³¹⁷

Шимолий Македония: мамлакатда қамоқҳоналарда шафқатсиз муомаланинг олдини олиш, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш бўйича бир қанча ўқув дастурлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасалари ва вояга етмаган зўравонларни сақлаш ҳибсоналари ходимлари учун шахслараро низоларни ҳал қилиш усуллари бўйича 10 сессиядан иборат курс ишлаб чиқилди.³¹⁸

ЖГАЗ билан боғлиқ масалалар бўйича озодликдан маҳрум этиш жойи ходимларини ўқитиш мисоллари



Болгария: учта муассасада бағрикенглик ва камситмаслик масалалари бўйича ходимлар учун асосий тайёргарлик ва малака ошириш ўтказилди. Тренингдан кўзланган мақсад ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ тоифадаги ҳуқуқбузарлар, шу жумладан Рома вакиллари билан ишлашни такомиллаштириш эди.³¹⁹ Ўқув дастурида Рома ходимлари ҳам иштирок этишди.

Эстония: ЖГАЗ мавзуси озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари учун асосий тренингга киритилган. Бу ҳодисанинг олдини олиш, зўравонлик белгиларини аниқлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.³²⁰

Германия: ЖГАЗ билан боғлиқ масалалар бўйича тренинглар ҳар федерал штатда ҳар хил. Баъзи озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари жинсий зўравонлик, жумладан, аёл ходимларга нисбатан зўравонлик, гендерга асосланган зўравонлик ва гомофобия-

317 ДИИХБ сўровига жавобан Германия томонидан тақдим этилган маълумотлар.

318 Ўқув материалларини дастур веб-сайтидан олиш мумкин: <http://www.coe.int/t/DGI/CRIMINALLAWCOOP/>.

319 Қўшимча маълумотни Болгария Республикаси Адлия вазирлигининг Норвегия грантлари лойиҳалари бўйича веб-сайтидан олишингиз мумкин: http://nfm.mjs.bg/NFMs/EN/SitePages/rez4_pr1_en.aspx.

320 Эстония томонидан ДИИХБ сўровига жавобан тақдим этилган маълумотлар.

нинг олдини олиш бўйича тренингдан ўтадилар. Асосий ўқув дастури зўравонликни пасайтириш, низоларни ҳал қилиш, ғазабни бошқариш ва маданиятларо ўзаро таъсир каби мавзуларни ўз ичига олади.³²¹

Италия: ахлоқ тузатиш муассасалари ходимларини тайёрлаш дастури инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглиги каби мавзулар бўйича курсларни, шунингдек, ЛГБТИ маҳбуслар билан ишлаш бўйича алоҳида курсларни ўз ичига олади. Дастур шунингдек, педофилия учун ҳукм қилинган маҳбуслар билан муомала қилиш курсларини ўз ичига олади.³²²

Сербия: жазони ижро этиш бошқармаси ходимлари гендер тенглиги бўйича ўқув модули орқали ЖГАЗни аниқлаш ва унинг олдини олиш бўйича тренинг ўтадилар.³²³

Украина: “Аёллар ахборот-маслаҳат маркази” ННТ Белоцерковский номидаги жиноят-ижроия хизматлари ходимларини касб-ҳунарга тайёрлаш коллежи қошидаги Малака ошириш маркази негизида гендер масалалари бўйича ўқув курсини ўтказмоқда. Курсда бағрикенглик, камситилмаслик ва ЖГАЗ³²⁴ каби мавзулар ўргатилади. Ташкилот она-бала секторида ишлайдиган барча ходимларни маҳбус аёллар билан ишлаш бўйича илфор тажрибага ўргатади.³²⁵

Аниқ мисол: Норвегияда ходимларни ёллаш, текшириш, ўқитиш ва касбий тайёрлаш

Норвегиялик эксперtlар ушбу мамлакатда ЖГАЗнинг самарали олдини олишга эришиш ахлоқ тузатиш ишлари ходимларининг юқори профессионаллигига боғлиқлигини таъкидлашади. Норвегия ахлоқ тузатиш тизими ходимларини тайёрлаш дастурида озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗ бўйича алоҳида курс мавжуд бўлмаса-да, асосий ўқув дастури зобитлар орасида инсон ҳуқуқлари масалаларини тушуниш ва ҳурмат қилишни ривожлантиришга қаратилган. Норвегиядаги барча ахлоқ тузатиш хизматлари ходимлари Пенитенциар хизмати ходимларини тайёрлаш марказида (Kriminalomsorgens Høgskole Og

321 ДИИХБ сўровига жавобан Германия томонидан тақдим этилган маълумотлар.

322 ДИИХБ сўровига жавобан Италия томонидан тақдим этилган маълумотлар.

323 Information provided by Serbia in response to ODIHR questionnaire

324 Олена Суслованинг тақдимоти, Аёллар Ахборот Консультатив Маркази, Ёпиқ муассасаларда жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, Амалиётчилар йигилиши, ЕХХТ/ДИИХБ, 2016 йил 17–18 октябрь, Варшава.

325 Иш Украинада пенитенциар ислоҳотларни кўллаб-қувватлаш бўйича Швейцария-Украина лойиҳасининг бир қисми эди. (2009–2012), бир қанча Украина ташкилотлари ва Penal Reform International томонидан амалга оширилган.

Utdanningssenter — KRUS) ўқитилади. Ўқув курси икки йил давом этади. Яқин келажакда эса мазкур курс уч йилга узайтирилиб, унга бакалавриат дастури мақоми берилади. KRUS шаффоффлик, ҳурмат, профессионаллик ва ҳамкорлик каби түртта асосий қадриятга содик бўлган ахлоқ тузатиш мутахассисларини тайёрлаб чиқаришни мақсад қилган.³²⁶

KRUS га қабул қилиш конкурс асосида бўлиб, ҳар йили 1700 га яқин номзод 175 ўрин учун ариза топширади. Ёзма ариза топширгандан сўнг, танланган 500 нафар номзод ёзма имтиҳонлар, жисмоний тайёргарлик ва соғлигини текшириш ҳамда сухбатларни ўз ичига олган жиддий танлов жараёнидан ўтади. Аёл номзодлар учун алоҳида квота мавжуд бўлмаса-да, KRUS талабалар таркибини гендер жиҳатдан мувозанатлаширишга интилади: 2016 йилда биринчи курсга қабул қилинган талабалар сонининг 46%ни аёллар ташкил этди. Талабалар орасида аёллар улушининг юқорилиги Норвегия ахлоқ тузатиш хизматлари ходимлари орасидаги эркаклар ва аёллар нисбатида (аёллар — тахминан 40%) ҳам акс этади.

Ўқув дастури бешта мавзу бўйича гурухланган жами ҳажми 120 кредит балларидан иборат қуидаги курсларни тақдим этади: криминология, ҳуқуқ, этика ва професионаллик, қўриқлаш ва хавфсизлик, ижтимоий ишлар ва реинтеграция.³²⁷

KRUS ўқув дастуридаги бир қатор фанлар ЖГАЗга қарши кураш билан бевосита боғлиқ. Буларга қуидагилар киради:

Этика ва професионаллик

- 1-курс: Жиноят тўғрисидаги ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари асосини ташкил этувчи қадриятлар;
- 2-курс: Ахлоқ фалсафаси;
- 3-курс: Маданий хусусиятларни тушуниш;
- 4-курс: Касбий ваколат ва ҳамкорликни амалга ошириш.

Қўриқлаш ва хавфсизлик

- 1-курс: Қўриқлаш ва хавфсизлик қоидалари;
- 2-курс: Қўриқлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича амалий иш;
- 3-курс: Қўриқлаш ва хавфсизлик ишларини режалаштириш ва ҳужжатлашириш;
- 4-курс: Мулоқот ва низоларни ҳал қилиш;
- 5-курс: Куч ишлатиш;
- 6-курс: Қўриқлаш ва хавфсизликка оид ахлоқий қоидалар.

326 KRUS Стратегик режаси, 2016–2019.

327 2015 йил декабр ойида қабул қилинган: <http://www.krus.no/fengselsbetjent-studiet.291011.no.html>.

Ижтимоий ишлар ва реинтеграция

- 1-курс: Озодликдан маҳрум этиш жойларида ижтимоий ишларни олиб бориш усууллари;
- 2-курс: Маҳбуслар бошидан кечирадиган ўзгаришлар жараёнини тушуниш;
- 3-курс: Изоляциянинг салбий оқибатларини бартараф этиш;
- 4-курс: Реинтеграция;
- 5-курс: Рухий хасталиклар, ўз-ўзига заарар етказиш ва ўз жонига қасд қилиш, эътибор дефицити ва гиперфаоллик синдроми (ЭДГС), зўравонлик ва қарамлиқ;
- 6-курс: Озодликдан маҳрум этиш жойи ходими ишидаги профессионаллик.

Ўқув дастури назарий ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ижтимоий ишлар ва ҳамкорликда таълим олишга алоҳида эътибор беради. Талабалар озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари сифатидаги роли ва улар мос келиши керак бўлган ахлоқий меъёрлар ҳақида фикр юритишга ундалади. Талабалар психология ва ижтимоий иш назарияларини, шунингдек, маҳбусларнинг ўта заиф гурухлари ҳақида маълумот оладилар. Турли ижтимоий гурухлар вакиллари ҳам талабалар учун дарслар олиб борадилар³²⁸.

Талабаларни текшириш ва танлаш жараёни ўқиш давомида давом этади. Нафақат уларнинг курсдаги фаолияти, балки катта ходимларнинг доимий кузатуви натижалари ҳам ҳисобга олинади, улар талабаларнинг ютуқларини муҳокама қиласидилар ва уларнинг хатти-ҳаракатларини, шу жумладан бошқа одамларга муносабати ва ўзаро муносабат ёки чекинишлар тенденциясини баҳолайдилар. Талабалар ўқиш давомида иш ҳақи миқдорида стипендия оладилар ва бир нечта амалиётларни ўтайдилар. Шу тарзда улар иш тажрибасига эга бўладилар, бунинг натижасида улар ўқишини тутатгандан сўнг осон иш топишлари мумкин бўлади. Ушбу чора-тадбирлар озодликдан маҳрум этиш жойи ходими касби ҳақидаги тасаввурларнинг ижобийлашишига таъсири қиласиди, яъни бу касбнинг Норвегияда долзарб ва обрўли касб сифатида қабул қилинишига ҳисса қўшади.

Амалдаги ахлоқ тузатиш муассасалари ходимлари мунтазам равища KRUS малака ошириш курсларини ўтайдилар. Ўқув маркази ҳар ойда низоларни ҳал қилиш ва хавф-ҳатарларни бошқариш, етакчиликни ривожлантириш ва хавфсизлик каби мавзуларда 5–6 та курс ўтказади. Ушбу курслар туфайли жазони ижро этиш хизмати юзага келадиган ҳар қандай муаммоларни ҳал қилишга тайёр туради, унинг ходимларига эса профессионал масалалар бўйича узлуксиз ёрдам кўрсатилади.

ЖГАЗни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таълим дастурлари барча тегишли озодликдан маҳрум этиш жойи ходимларини қамраши керак. Шунингдек, ушлаб турилганлар ва маҳбуслар билан бевосита мулоқот қиласидиган ижтимоий ишчилар ва психологлар ҳам уларни ўташи мумкин. Масалан, Туркияда 2016 йилнинг ноябр

328 Шу ерда.

оидан бошлаб жазони ижро этиш муассасаларида ишловчи психолог ва ижтимоий ишчиларни тайёрлаш дастурига ЖГАЗ мавзуси киритилган.³²⁹

6.8. Шикоят бериш механизмлари, шикоятлар бўйича жавобан ҳаракатлар ва терговлар

Асосий тавсиялар

- ✓ Сиёсатчилар ва қонун чиқарувчилар озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳбуслар қай тарзда шикоят қилишлари ва ЖГАЗ шикоятларига жавобан қай тарзда ҳаракат қилиниши ҳақида ёзма кўрсатмалар мавжудлигини таъминлашлари керак.
- ✓ Шикоятларга жавоб бериш ҳамда шикоятлар бўйича тергов ўтказиш муддатлари аниқ белгиланган бўлиши керак. Шунингдек, жабрланувчилар ва барча гувоҳларнинг хавфсизлигини ва ушбу шахслар ҳақидаги маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаш чоралари кўрилиши керак.
- ✓ ЖГАЗ ҳолатларидан хабардор бўлиб, ушбу ҳодисанинг олдини олиш ёки унга қарши курашиш учун тегишли чораларни кўрмайдиган озодликдан маҳрум этиш жойи раҳбарияти ва ходимлари учун аниқ жазо чоралари белгиланган бўлиши керак.
- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти барча ушлаб турилганлар/маҳбуслар ва ходимларни шикоят қилиш механизми тўғрисида хабардор қилишлари керак ва уларга қасосга учрашдан ёки бошқа салбий оқибатлардан қўрқмасдан ЖГАЗ ҳолатлари бўйича тўлиқ маҳфийлиқда шикоят қилиш имкониятини таъминлаши керак.
- ✓ Маҳбуслар номидан учинчи шахслар томонидан шикоят қилиш имкониятини кўриб чиқиш керак.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗдан жабрланганлар кўпинча бир-бирига боғлиқ бўлган бир қатор сабабларга кўра зўравонлик ҳодисалари ҳақида давлат органларида хабар бермайдилар. Жабрланувчилар томонидан шикоят қилишдаги кўплаб тўсиқларни аниқ ва маълум қоидаларга таянадиган самарали шикоят механизмларини яратиш орқали ҳал қилиш мумкин. Қуйидаги жадвалда шикоятлар олдидағи баъзи асосий тўсиқлар ва уларни яхши ишлаб чиқилган шикоят ва аризалар бериш тартиб-қоидалари орқали ҳал қилиш йўллари ҳақида маълумот берилган.

329 ДИИХБ сўровига жавобан Туркия томонидан тақдим этилган маълумотлар.

Хабар беришдаги тұсіқлар Тұсіқларни бартараф этиш чоралари

Мустақил ёки самарали шикоят механизмларининг йүклиги/мавжуд механизмлар ҳақида маълумотларнинг этишмаслиги ёки уларга ишонмаслик.

- * ЖГАЗ ҳолатлари ҳақида махфий равища хабар беришнинг турли усууларини күриб чиқинг (масалан, ёзма шаклда, “тезкор алоқа” телефон тизими орқали ёки шахсан).
 - * Ходимлар, шу жумладан тибиёт ходимлари, улар сезган ЖГАЗ белгилари ҳақида хабар бериш механизмларини ўрнатиш лозим.
-

Қасос ёки жазога учрашдан қўрқиши

- * Воқеа ҳақида хабар берган шахснинг махфийлигини таъминлаш.
 - * Шикоятларни аноним тарзда топширишга имконият яратиш ва бу шикоятларга нисбатан цензурга йўл қўймаслик.
 - * Жабрланувчилардан, шунингдек гувоҳлар ва учинчи шахслардан, масалан, қариндошлар, адвокатлар, кузатувчилар ёки фуқаролик жамияти ташкилотлари вакилларидан шикоятларни қабул қилиш.
 - * Шикоятни олгандан сўнг дарҳол жабрланувчига ҳимоя таъминлаш ва уни кузатув остига олиш.
 - * Барча шахслар учун маълумотларни хавфсиз тарзда ошкор қилиш шартларини таъминлаш.
-

Стигма ва уялиш

- * Жабрланувчиларга шикоят қабул қилувчисини, шу жумладан ички ва ташқи назорат органларини танлаш имкониятини бериш.
 - * Жабрланган шахсларга ўз шикоятларини билдиришда қулайроқ бўлган шахсни танлашга рухсат бериш (масалан, бир жинсдаги ходим, бир хил диний ёки маданий мансубликка эга шахс, тибиёт ходими, адвокат).
 - * Шикоят шакли тўлдирилган заҳоти жабрланувчиларга маҳсус ёрдам кўрсатиш. Жабрланувчига кўрсатиладиган ихтинослаштирилган ёрдам (жумладан, жисмоний ва руҳий саломатлик муаммоларини ҳал қилиш учун тиббий хизматлар; психологияк маслаҳат, юридик ёрдам ва бошқа ёрдам) жараёни шикоят беришданоқ автоматик равишда бошланиши керак.
-

Шикоят ва ариза бериш тартиблариға мисоллар



Дания: Дания қонунчилигига кўра, ЖГАЗ ҳолатлари жабрланувчининг шикоят қилганлиги ёки қилмаганлигидан қатъий назар текширилади. Одил судлов тўғрисидаги қонунга кўра, Дания полицияси келиб тушган шикоят асосида бундай зўравонлик содир бўлган деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлса, ЖГАЗ ишлари бўйича тергов бошлиши мумкин. Полиция тергови шикоят қайтариб олинса ҳам давом этиши мумкин.³³⁰

Германия: Германияда маҳбуслар ЖГАЗ бўйича шикоятларни озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятига, хизмат кўрсатувчиларга (ижтимоий ишчилар, ўқитувчилар, психологлар, тиббиёт ходимлари ва бошқалар), полицияга, прокуратурага, судларга, Адлия вазирлигига, федерал ерлар парламентларига (лангтаглар), МПМларга, оммавий ахборот воситаларига ва халқаро органларга тақдим этишлари мумкин. Муассаса маъмурияти ЖГАЗ ҳолати тўғрисида хабар топса, қонун хужжатларида белгиланган мажбуриятлардан келиб чиққан ҳолда (*ex officio*) жиноят иши қўзғатилади.³³¹

Латвия: маҳбуслар ҳолатлар ҳақида “тезкор алоқа” телефони ёки почта орқали хабар беришлари мумкин. ЖГАЗ ҳолати бўйича шикоят келиб тушгандан кейин ишни ўрганиш учун тиббиёт мутахассислари ва професионал психологлардан иборат тармоқлараро комиссия тузилади.³³²

ЖГАЗ устидан шикоят келиб тушган заҳоти у рўйхатга олиниши ҳамда ваколатли мустақил органлар томонидан тергов бошланиши керак.³³³ Бу жараённи осонлаштириш учун турли мутахассислар гуруҳлари (масалан, озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари, полиция, прокуратура, адлия вазирлиги, миллий қайта йўналтириш механизmlари ёки омбудсман идораси) ўртасида ваколатлар аник тақсимланиши лозим. Қийноқларга қарши конвенция ва Истанбул протоколига мувофиқ қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалалар ҳақида шикоят қилинган тақдирда маҳсус қоидалар қўлланиллади. Ушбу қоидаларга қатъий риоя қилиш керак.

Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ЖГАЗ бўйича берилган барча шикоятлар жабрланувчиларга нисбатан ҳеч қандай камситилмасдан ҳамда жиноят озодликда содир этилган ҳолатда текширилиганидек текширилиши керак. Ёпиқ турдаги муассасаларда ЖГАЗ ҳолатларига нисбатан миллий жиноий адлия тартиб-қоидалари, шунингдек, аёлларга нисбатан зўравонлик/гендерга асосланган зўравонлик тергови бўйича халқаро стандартлар қўлланиллади. Халқаро стандартлар, бошқалар қатори,

330 ДИИХБ сўровига жавобан Дания томонидан тақдим этилган маълумотлар.

331 ДИИХБ сўровига жавобан Германия томонидан тақдим этилган маълумотлар.

332 Krasovska, op. cit., 221-изоҳ.

333 Бангкок қоидалари, 25-қоида

давлатлар аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини самарали текшириш ва таъқиб қилиш учун барча зарур чораларни кўришларини ҳамда жиноят жараёнининг барча босқичларида жабрланувчиларнинг хавфсизлиги, шахсий ҳаёти ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни талаб қиласди. Бундан ташқари, жабрланувчининг тергов ёки жиноий жавобгарликка тортиш жараёнида иштирок эта олмаслиги ёки иштирок этишини хоҳламаслиги ишнинг манфаатларига зарар келтирмаслиги керак³³⁴.

Давлатларнинг ГАЗ бўйича тергов ва таъқиблар жабрланувчиларнинг хабарлари ёки шикоятларига боғлиқ бўлмаслигини таъминлаш мажбурияти (ex officio тартибида иш қўзғатиш) озодликдан маҳрум этиш жойларида алоҳида ахамият касб этади. Ёпиқ муассасаларда қасос олиш ёки жазолаш, ҳаракатсизлик ва коррупция каби муаммолар учраши мумкин. Шунинг учун суд жараёнини бошлаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш юки тўлиқ жабрланувчига юкланмаслиги керак. Давлат органларига профилактик ёндашувни қўллашга имкон берадиган ex officio процедуралари “[зўравонлик фактлари тўғрисидаги] аризалар сонининг, ва шу боис ҳукмлар сонининг камайишига олиб келадиган [қурбоннинг] уялиш, қўрқиши ва ночорлик” ҳисларини енгишга ёрдам берадиган восита сифатида эътироф этиладилар³³⁵. Шу билан бирга, зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилиш учун кучли механизмлар, шу жумладан, бошқалари қатори, тергов пайтида ва ундан кейин маълумотлар ва манбаларнинг маҳфилигини таъминлаш механизми мавжуд бўлиши керак.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий шилқимликка қарши ҳаракатларга мисоллар



2015 йилда Хорватиянинг гендер тенглиги бўйича омбудсмани эркак маҳбусларнинг бири қамоқхона ходимини оғзаки ҳақорат қилиб унинг қўлини ўпган инцидентни кўриб чиқди. Эркак суд полицияси ходими ва қамоқхона ходими ҳам маҳбус билан унинг қўлмиши ҳақида аёл ходим иштирокида ҳазил қилганлар.³³⁶ Омбудсман маҳбус ва эркак ходимнинг хатти-ҳаракатларини Хорватиянинг Гендер тенглиги тўғрисидаги қонунида белгиланганидек, жинсий зўравонлик деб эътироф этган. Жумладан, мазкур қонун “шахснинг қадр-қимматини бузиш мақсадида ёки натижасида, хусусан, ёқимсиз, душманларча, камситувчи ёки ҳақоратомус вазиятда амалга оширилган жинсий характердаги исталмаган оғзаки, оғзаки бўлмаган ёки жисмоний хатти-ҳаракатларнинг ҳар қандай шаклини тақиқлайди”³³⁷.

334 Қаранг: “Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий судлов соҳасида аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш бўйича янгиланган намунавий стратегиялар ва амалий чора-тадбирлар”, Бош Ассамблеянинг 65/228-сон қарори (илова).

335 Европа Кенгаши, 2011 йил, Аёлларга нисбатан зўравонлик ва оиладаги зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиб бўйича Европа Кенгаши Конвенциясига тушунтириш ҳисоботи, CETS 210, 47-бет.

336 ДИИХБ сўровига жавобан Хорватия томонидан тақдим этилган маълумотлар.

337 Гендер тенглиги тўғрисидаги қонун, 8-модда.

6.9. Назорат ва мониторинг

Асосий тавсиялар

- ✓ Сиёsat ишлаб чиқарувчилар ва қонун чиқарувчилар ички назорат механизмларининг ишлаш қоидалари ва ваколатларини қайта кўриб чиқишилари ва керак бўлганда уларга ЖГАЗ масаласини киритишлари керак; ушбу органлар ходимлари ЖГАЗ профилактикаси бўйича ўқитилиши керак.
- ✓ Маҳаллий мониторинг органлари зарур техник ва молиявий ресурсларга, шунингдек, ЖГАЗ қурбонлари билан ишлаш учун мутахассисларни жалб қилиш имкониятига эга бўлиши керак.
- ✓ ЖГАЗ тўғрисидаги ҳисботларга жавоб бериш ва тергов ўтказиши тартиб-қоидалари, шу жумладан ҳужжатларнинг тўғрилиги ва маҳфийлигини ҳамда далилларнинг сақланишини таъминлаш учун қайта кўриб чиқилиши керак.
- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойларида содир этилган жиноятлар озодликда содир этилган тақдирда қандай жавобгарлика тортилиши керак бўлса, худди шундай тарзда жавобгарликка тортилиши керак.
- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойлари ва полиция изоляторлари маъмуриятлари ЖГАЗга оид барча шикоятлар белгиланган тартибда текширилишини таъминлаши керак.
- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойлари ва полиция изоляторлари маъмуриятлари текширувлар натижасида барча зарур чораларни кўришлари ва тегишли тавсияларни бажаришлари, шунингдек, бундай зўравонниклар такрорланишининг олдини олиш учун зўравонликка олиб келган омилларни (шу жумладан, муайян ички омилларни) текшириш учун ички аудит ўtkазишлари керак.
- ✓ Зўравонлик ҳаракатларида айбдор деб топилган барча шахслар интизомий жавобгарлика тортилиши ва агар расмий тергов бошланган бўлса, одил судлов органлари билан ҳамкорлик қилиши керак.
- ✓ Адвокатлар ва суд тизими ЖГАЗга оид жиддий ишлар, жумладан, зўрлаш жинсий зўравонлик ёки қийноқ ёки бошқа шафқатсиз муомалада айбланиши керакми ёки йўқлигини диққат билан кўриб чиқиши керак. Бу борадаги қарорлар ҳар бир ҳолат бўйича ва жабрланувчининг хоҳишига кўра қабул қилиниши керак.

ЖГАЗ муаммосининг кўламини тушуниш ва ҳал қилишда фақат жабрланган шахслар ёки бошқаларнинг ҳисоботларига таянмаслик керак. Суиистеъмоллик ва шафқатсиз мумомалани аниқлаш учун ички текширувлар ҳам, мустақил ташқи назорат ҳам зарурдир. Тизимли мустақил мониторинг қийиноқлар ва бошқа шафқатсиз мумомала шаклларининг, умуман, ЖГАЗнинг олдини олишда ҳам муҳим профилактик рол ўйнайди.

Қамоққа олиш жойларида ишловчи барча шахслар шафқатсиз мумомалага тегишли шубҳали ҳолатлар тўғрисида юқори турувчи органларга хабар беришлари, зарур ҳолларда эса қонунбузарликларни бартараф этиш ваколатига эга бўлган бошқа органларга тегишли маълумотларни тақдим этишлари шарт.³³⁸

Жиноий суд тизимининг бошқа субъектлари ҳам муҳим назорат функцияларини бажарадилар. Прокурорнинг полиция терговларини назорат қилишдаги роли сўроқ пайтида ёки тергов босқичида ҳар қандай бошқа вақтда шафқатсиз мумомала ва қийиноқлар, шунинг учун ЖГАЗ ҳаракатларининг олдини олиш мажбуриятини ўз ичига олади. Озодликдан маҳрум этиш жойи шароитлари устидан суд назорати, айниқса, суднинг ҳуқуқбузарликларни тузатиш ваколатлари билан биргаликда самарали назорат механизми бўлиши мумкин. ЕХХТга аъзо қатор давлатлар озодликдан маҳрум этиш жойлар устидан суд назорати назарда тутилган. Мисол учун, Сербияда озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятининг маҳбуслар ҳуқуқларига таъсир қиласидиган барча қарорлари суд томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Ташқи назорат механизмлари қатор мустақил органлар, жумладан МПМлар, МИҲИлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, маҳбусларнинг муайян турлари билан ишлайдиган мутахассис гурухлар, халқаро органлар ва маҳсус маърузачилар томонидан текшириш ва мониторингни ўз ичига олиши мумкин.

Мониторинг ва назорат функцияларига мисоллар



Канада: Канада озодликдан маҳрум этиш жойлари тизими бир қатор мустақил органлар, жумладан, Жазони ижро этиш инспектори идораси, Канада Инсон ҳуқуқлари комиссияси ва Баш аудитор томонидан назорат қилинади. Жазони ижро этиш инспектори идораси федерал судлар томонидан ҳукм қилинган зўравонлар учун адвокатлик муассасаси (омбудсман) вазифасини бажаради. Ушбу орган индивидуал шикоятларни кўриб чиқади, мустақил текширувлар ўтказади ва “хавфсиз, қонуний ва инсонпарвар тузатиш амалиётларини” таъминлаш учун тавсиялар беради³³⁹.

338 “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти “Ҳар қандай шаклдаги ушдаш ёки қамоққа олишда барча шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари тўплами”, 7-тамойил.

339 Аҳлоқ тузатиш терговчиси идораси, Канада ҳукумати, <http://www.oci-bec.gc.ca/index-eng.aspx>.

Россия Федерацияси: Жамоатчилик назорати комиссиялари (ЖНК) мажбурий сақлаш жойлари (вақтингчалик изоляторлар, тергов изоляторлари ва ахлоқ тузатиш колониялари) мониторингини амалга ошириш ҳамда ушлаб турилганлар ва қамоқча олингандарга ёрдам кўрсатиш функцияларини бажарадиган фуқаролик жамияти субъектлариидир.³⁴⁰ ЖНК вакиллари инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни баҳолаш ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида давлат органларини хабардор қилиш учун озодликдан маҳрум этиш жойига эркин кириш ҳуқуқига эга. Жамоатчилик назорати комиссияларининг фаолияти бир қатор қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

ҚҚКФПга мувофиқ, иштирокчи давлатлар қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалаларнинг олдини олиш учун Миллий превентив механизмларини (МПМ), ихтинослашган мустақил мониторинг органларини ташкил этишлари шарт. МПМлар озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗнинг олдини олиш, уни аниқлаш ва у ҳақида хабар бериш бўйича муҳим институтдир. Муассасаларга мунтазам ташрифлар чоғида МПМлар озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг шикоятларини ҳам қабул қиласи ва тегишли органларга қамоқда сақлаш шароитларини яхшилаш бўйича тавсиялар беради³⁴¹.

Муайян мисол: Грузия миллий превентив механизми

Грузиянинг жиноий адлия тизимида ушлаб турилганлар ва маҳбусларга нисбатан муносабатни яхшилаш бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2004–2013 йилларда жиноятларга мутлақо муросасизлик сиёсати натижасида бу мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳбуслар сони дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига айланди.³⁴² 2012 йилда собиқ озодликдан маҳрум этиш жойи қўриқчиси озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари ва маҳбуслар томонидан бошқа эркак маҳбусларга, жумладан, вояга етмаганларга нисбатан жисмоний ва жинсий зўравонлик акс этган видеотасвирни чиқарди. Шафқатсиз муомала ҳақидаги маълумотлар бутун мамлакат бўйлаб намойишларга сабаб бўлди, шундан сўнг озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари ишдан бўшатилди ва ҳисбста олинди.

Грузия Омбудсман идораси қошида Миллий превентив механизми (МПМ) 2009 йилда ташкил этилган, аммо ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар жамоатчиликка маълум бўлгандан сўнг, МПМ ишининг бир неча йўналишлари мустаҳкамланди. Унинг иш услублари ўзгартирилди ва озодликдан маҳрум этиш жойларидаги сақлаш

340 Россиядаги жамоатчилик назорати комиссиялари ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун <http://onk.su>

341 Мақолани ёзиш вактида ЕХХТнинг 41 аъзо давлати ОРСАТ ни ратификация қилган ва 39 та МПМ ташкил этган

342 2003 йилдан 2010 йилгача маҳбуслар сони 300 фойизга ошди. 2010 йилда аҳоли жон бошига ҳар 100 000 кишига 538 маҳбус тўғри келгани хабар қилинган. Қаранг: “Жиноят ва ҳаддан ташқари жазо: Грузия қамоқхоналарида инсон ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари сони ва сабаблари”, Open Society Georgia Foundation, 2014, 13-бет, http://www.osgf.ge/files/2015/Publication/Final_Report_ENG.pdf.

шароитлари тұғрисидаги маълумотлар бир қатор нашрлар (йиллик ҳисоботлар, ташриф ҳисоботлари, махсус тематик ҳисоботлар ва ахборот бюллетенлари) орқали тарқатылди³⁴³. 2014 йилда МПМ қошида унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва турли манфаатдор томонлар билан алоқани яхшилаш мақсадида Маслаҳатлашув кенгаши ташкил этилди. МПМ озодликдан маҳрум этиш жойидаги воқеалар ва умумий вазиятни хужжатлаштириш, шунингдек, маҳбусларга ҳуқуқий ва бошқа ёрдам олишда кўмаклашиш мақсадида фуқаролик жамияти ташкилотлари (турмадаги вазиятни мустақил кузатиш ҳуқуқига эга бўлмаган) билан яқин ҳамкорлик қиласди.

2015 йилда МПМ ўз ходимларига озодликдан маҳрум этиш жойларига ташриф буюрганларида суратга олиш имконини берувчи ислоҳотни таклиф қиласди. Жазони ижро этиш кодексига ўзгартиришлар киритилди ва Жазони ижро этиш вазирлиги озодликдан маҳрум этиш жойларига фототехника воситаларидан фойдаланиш қоидаларини ўзгартирди. Эндиликда суратга олишга нашр қилиш учун эмас, фақат тергов мақсадларида рухсат берилади, қамоқда сақлаш шароитлари ва маҳбусларни суратга олишга эса фақат маҳбусларнинг розилиги билан рухсат этилади. МПМ маҳбусларнинг жароҳатларини суратга олишда маҳфийлик ва гендер жиҳатларнинг ҳисобга олинишини таъминлаш бўйича йўриқнома ишлаб чиқди. Янги қоидалар айниқса қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомала ҳолатларини хужжатлаштиришда фойдали бўлиши кутилмоқда; улар шунингдек, МПМнинг вазиятни кузатиш ва ҳодисаларнинг олдини олиш билан боғлиқ функцияларини кенгайтиришлари керак.

МПМ ва фуқаролик жамияти эксперtlари хавфсизликнинг динамик моделини ишлаб чиқиши ва озодликдан маҳрум этиш жойларидаги қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалалар ҳақидаги даъволарни текшириш учун мустақил тергов организациини ташкил этиш каби кейинги ислоҳотлар зарур бўлган соҳаларни аниқладилар. МПМ ва фуқаролик жамияти ташкилотлари айниқса заиф ва кўпинча кўринмас гурухларнинг, шу жумладан эркаклар сақланадиган озодликдан маҳрум этиш жойларидаги гейлар, бисексуаллар ва трансгендерларнинг эҳтиёжларини кўриб чиқдилар. МПМ Жазони ижро этиш вазирлигига³⁴⁴ маҳбусларни жинсий ориентацияси ва жинсий мансублиги асосида камситишнинг олдини олиш учун махсус кўрсатмалар ишлаб чиқиши тавсия қиласди.³⁴⁵

Ташқи назорат жиноий адлия тизимидан ташқари ташқи субъектларнинг институтларга киришини яхшилашнинг умумий амалиёти сифатида ҳам тушунилиши мумкин. Ёпиқ муассасаларни турли мутахассисларга очиш амалиёти ёки “ташқи дунёни ичкарига киритиш”³⁴⁶ мониторингни яхшилаш воситаси бўлиб хизмат

³⁴³ МПМ ҳисоботлари грузин ва инглиз тилларида: <http://www.ombudsman.ge/en/prevenciis-erovnuli-meqanizmi>.

³⁴⁴ 2018 йилда Жазони ижро этиш вазирлиги Адлия вазирлиги таркибиға киритилди.

³⁴⁵ “Йиллик ҳисобот: Миллий профилактика механизми”, Грузия Халқ ҳимоячиси, 2015 йил, 152-бет.

³⁴⁶ Lisa A. Kort-Butler ва Sarah E. Malone, “Қамоқхонадаги кўнгиллифуқаролар: ташқаридан олиб кириш, ичкаридан чиқариш”, Жиноят ва адолат журнали, 2014 йил 10 октябр, <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/0735648X.2014.969293>.

қилади ва инсон ҳуқуқлари бузилишининг яширин қолиши хавфини камайтиради. Озодликдан маҳрум этилган шахслар адвокатлар, қариндошлари ва дўстларидан ташқари, ташқи дунёning кенг доирадаги мутахассислари, жумладан, тиббиёт мутахассислари, педагоглар, диний ва маънавият пешволари ва бошқа хизмат кўрсатувчилар билан доимий алоқада бўлиши мумкин.

**ЖГАЗни аниқлаш бўйича инспекциялар ва мониторинг самара-
дорлигини ошириш йўллари:**

- * огоҳлантиришсиз ташрифлардан фойдаланиш;
 - * кузатувчилар суҳбатдошлар билан ишончни мустаҳкамлаш учун ташрифлар етарли даражада давом этишини таъминлаш;
 - * ташриф пайтида маҳбуслар ва ушлаб турилганлар билан ба-тафсил индивидуал суҳбатлар ўтказиш учун маҳфийлик шартларини яратиш;
 - * инспекторлар ва кузатувчилар гуруҳлари таркибида гендер мувозанати ва хилма-хиллигини таъминлаш;
 - * гендер ва ЖГАЗ муаммосини тушунишга эътибор қаратган ҳолда кузатувчилар ва инспекторларни эҳтиёткорлик билан танлаш ва ўқитиш (гуруҳлар таркибига ЖГАЗ мутахассислари ҳам киритилиши керак);
 - * ташриф давомида ходимлар ёки маҳбуслар томонидан ЖГАЗ ҳолатларини аниқлаш учун шароит яратиш;
 - * ЖГАЗнинг олдини олиш учун уларни қандай самаралироқ қўллаш мумкинлигини аниқлаш учун муассасанинг мавжуд қоидалари, амалиёти ва механизмларидан фойдаланишни назорат қилиш;
 - * жамоанинг барча аъзоларини ўзларининг маъсулиятлари ва ваколатлари, шунингдек, улар ўз ишлари ҳақида кимга ҳисобот беришлари кераклиги тўғрисида хабардор қилиш.
-

6.10. Жамоатчилик хабардорлигини ошириш

Асосий тавсиялар

- ✓ Сиёсатчилар ва қонун чиқарувчилар озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ЖГАЗ муаммоси ва ЖГАЗ ҳолатлари ҳақида хабар бериши ва тергов қилишдаги түсиқлар ҳақида жамоатчилик муҳокамасини қўллаб-қувватлашлари; улар ҳам ушбу муҳокамаларда иштирок этишлари керак.
- ✓ Мумкин бўлган ҳолларда, муассасаларда ЖГАЗ ҳақида хабардорликни ошириш стратегияларини ишлаб чиқиш учун идоралараро ишчи гуруҳлар ташкил этилиши керак.
- ✓ Турмалар маъмурияти озодликдан маҳрум этиш жойларида ЖГАЗнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган сўровлар, муҳокамалар ва гуруҳ тадбирларида ходимлар, маҳбуслар, қариндошлар, хизмат кўрсатувчилар ва мавзу бўйича эксперталарнинг иштирокини рағбатлантириши керак.
- ✓ Озодликдан маҳрум этиш жойлари зўравонликдан жабрланган шахслар билан ишлайдиган жамоат ташкилотлари билан алоқа ўрнатиши ва хабардорликни ошириш ташаббусларини қўллаб-қувватлаши керак.
- ✓ Барча манфаатдор томонлар ЖГАЗнинг олдини олиш бўйича ўзига хос ёндашувлар самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш имкониятига эга бўлиши керак.

Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ЖГАЗ муаммосининг яширин табиатига қўшимча равишда, яна бир мураккаблик шундаки, жамоатчилик ушбу муаммонинг мавжудлигини эътиборсиз қолдириши ёки ҳатто уни рад этиши мумкин. Озодликдан маҳрум этиш жойида бўлиб кўрмаган одамлар орасида озодликдан маҳрум этиш жойларидаги зўрлаш ҳақидаги ҳазиллар кенг тарқалган.³⁴⁷ Бу ҳолат мазкур мавзунинг “ноқулай” хусусиятини акс эттиради, шу билан бирга озодликдан маҳрум этиш жойлари ЖГАЗ ҳолатлари ҳали ҳам “мақбул” ёки “нормал” деб ҳисобланадиган ягона муҳит бўлиши мумкинлигини кўрсатади. ЖГАЗ ҳақидаги стереотипларга, хусусан, “зўрлаш маданияти” қамоқхоналарнинг муҳим таркибий қисми эканлиги, зўравонлик жазонинг бир қисми бўлиши кераклиги ва маҳбуслар ёки ушлаб турилганларнинг шикоятлари, айниқса, шикоятлар қўриқчиларнинг томонидан салбий қабул қилинган ҳолларда жиддий эътиборга олинмаслиги ҳақидаги тушунчаларга қарши курашиш зарурлиги шубҳасизdir.

³⁴⁷ Америка Кўшма Штатларининг қамоқхонадаги зўрлашнинг олдини олиш, аниқлаш ва жавоб бериш миллий стандартлари қуидагиларни таъкидлайди: “Оммавий маданиятда қамоқхоналардаги зўрлашлар кўпинча ҳазиломус гапларга сабаб бўлади; оммавий дискурсда бальзилар зўрлашларни жиноятнинг муқаррар ёки ҳатто муносиб оқибати сифатида рад этадилар”.

Бангкок қоидалари оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликни жиноий адлия тизимидағи аёлларнинг аҳволи ва қоидаларда назарда тутилган чора-тадбирлар ва ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида ишончли маълумотлар билан таъминлашни тавсия қиласди.³⁴⁸ Ушбу амалиёт сиёsatчилар, шунингдек, жамоатчиликни ЖГАЗ ва ушлаб турилганлар ва маҳбусларнинг эҳтиёжлари ҳақида хабардорлигини оширишга ёрдам беради; бу зўравонликнинг ушбу тури билан боғлиқ бўлган стигмани ҳам камайтиради. Шунга ўхшаб, эркак маҳбуслар ва ҳимоясиз аҳвolda бўлганларнинг вазиятлари ҳақида маълумот тарқатилиши керак.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари билан ишлашда маълумотларнинг маҳфийлигини сақлашга эътибор бериш керак, айниқса матбуот хабарлари муайян воқеалар ёки аниқ ушлаб турилганлар/маҳбуслар билан боғлиқ бўлса. Шунингдек, ЖГАЗ мавзуси тўғри хабар қилинишига ва шов-шувга сабаб бўлмаслигига эътибор қаратиш лозим.

ЖГАЗдан жабрланган сobiқ маҳбусларни ёки ушлаб турилганларни, агар улар бунга тайёр бўлса ва буни хоҳласа, тарғибот ва жамоатчиликни хабардор қилиш тадбирларида иштирок этиш нафақат тадбирлар самарадорлигини, балки уларнинг тегишли эҳтиёткорлик билан ўtkазилиши эҳтимолини ҳам оширади. Норвегия, АҚШ ва Украинада сobiқ маҳбусларнинг жамоатчиликни хабардор қилиш, таълим ва сиёsatни ишлаб чиқишида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишига мисоллар мавжуд. Бундай ҳолларда ушбу шахсларнинг қайта жароҳатланишининг олдини олиш учун тегишли чоралар кўриш керак.

Жамоатчилик хабардорлигини ошириш тадбирларига мисоллар



Шимолий Македония: 2015 йилда Ички ишлар вазирлиги томонидан фуқароларнинг ички ишлар органлари билан ўзаро муносабатда бўлган ҳуқуқлари, шунингдек, ички ишлар органлари томонидан суистеъмол қилинишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ва ариза бериш тартиби тўғрисида жамоатчиликка маълумот бериш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилди. Акция шунингдек, полиция ходимлари томонидан озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳуқуқларини хурмат қилинишини таъминлаш бурчи ҳақида хабардорликни оширди.³⁴⁹ Акция доирасида чўнтақ брошюралари ва видеороликлар тайёрланди.³⁵⁰

АҚШ: Just Detention International ноҳукумат ташкилоти ҳар йили “Умид сўзлари” кампаниясини олиб боради, унда жамоатчилик

348 Бангкок қоидалари, 70-коида.

349 Европа Кенгашининг Скопъедаги Дастурлар бюроси, Европа Иттифоқи/Европа Кенгашининг қўшма дастурининг якуний рисоласи “Ҳибсга олинган ва маҳбусларга тўғри муносабатда бўлиш учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг салоҳиятини ошириш”, 10-бет

350 Македон тилидаги видео: <http://www.mvr.gov.mk/vest/347>

вакиллари қамоқдаги зўрлашдан жабрланган шахсларга байрам табрикларини йўллайдилар. Ташкилот ҳар йили камида 10 000 та табрикнома юборишни мақсад қилган.³⁵¹ Бу ташаббус нафақат маҳбусларни қўллаб-қувватлаш ва улар ёлғиз эмаслигини эслатиш, балки озодликдан маҳрум этиш жойларидаги зўрлаш муаммоси ҳақида жамоатчилик хабардорлигини ошириш воситасидир.

Украина: Украинада ҳам шу каби кампания ўтказилмоқда, унда вояга етмаган маҳбуслар байрам открыткалари танловида қатнашадилар ва голиб открыткалар муаллиф бола ҳақидаги маълумотлар билан бирга ҳукумат расмийларига юборилади.

351 Қўшимча маълумот Just Detention International веб-сайтида мавжуд: <http://justdetention.org>.

7. ХУЛОСА

7. ХУЛОСА

Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш — ҳеч қандай шароитда йўл қўйилмаслиги керак бўлган ҳодисадир. Ушбу нашрда шу турдаги инсон ҳуқуқларининг бузилишини чуқурроқ кўриб чиқишга ҳаракат қилинади ва муаммо кўлами ҳақида хабардорликни ошириш, бу борадаги тадқиқотларни фаоллаштириш ва бундай зўравонликнинг олдини олиш чораларини кўриш зарурлиги кўрсатилади.

Тадқиқот натижалари ва ДИИХБ томонидан сўровлар ва маъмурий ҳужжатлардан олинган маълумотлар озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг тарқалиши турлича бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Баъзи муассасалар ўта шафқатсиз бўлиши мумкин. Иштирокчи давлатларнинг ДИИХБ сўровига берган жавобларидан келиб чиқадиган бўлсак, ислоҳот жараёнлари амалга оширилмоқда, бироқ улар турли мамлакатларда турлича ўтказилмоқда.

Озодликдан маҳрум этилган барча шахсларнинг, шунингдек, муассаса ходимлари, хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ташриф буюрувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи сиёsatчилар ва амалиётчилар, шу жумладан юқори лавозимдаги раҳбарият бошқарув даражасида ҳам устувор вазифа бўлиши керак. Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик хавфини юмшатиш бўйича барча чора-тадбирлар гендер жиҳатларни ҳисобга олиши ва ходимлар шунга мос равища ўқитилиши керак. Муносиб раҳбарият ва профессионал ходимларга эга бўлган муассасаларда жинсий ва гендерга асосланган зўравонликни сезиларли даражада камайтириш мумкин. Вазифа бу соҳада салоҳиятни ривожлантириш ва жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларга устувор аҳамият беришдан иборат.

БМТнинг таъкидлашича, шахсни ушлашда давлат “маҳбусларнинг ҳаракатланиш эркинлигини ва ўзини ҳимоя қилиш қобилиятини жиддий чеклаб, ҳимояни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади”³⁵². Давлат органлари шахсларнинг жинсий ва гендерга асосланган зўравонликка нисбатан заифлигини оширадиган турли омилларни таҳлил қилишлари ва ушбу омилларни ҳисобга олиш учун аниқ чоралар кўришлари керак. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, озодликдан маҳрум этилган шахслар жиноий судлов тизимида бўлишларининг барча босқичларида ҳимоя қилиниши керак.

Нелсон Мандела қоидаларида таъкидланганидек, маҳбусларнинг муайян гурухлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш чора-тадбирлари камситувчи деб

³⁵² БМТнинг судсиз, тегишли судловсиз ёки ўзбошимчалик билан қатл қилиш бўйича маҳсус маърузачиси, БМТ Бош Ассамблеясига маъруза, 5 сентябр 2006 йил, А/61/311, 51-п.

ҳисобланмаслиги керак.³⁵³ БМТнинг Қийноқларнинг олдини олиш бўйича қўйи
кўмитаси “тengлик ва камситилмаслик тамойили нафақат ўзбошимчалик билан
фарқли муносабатни тақиқлашни таъминлайди [...], балки улар айнан инсон ҳуқуқ-
ларини кафолатлаш учун оқилона, зарур ва мутаносиб бўлганда, дифференциал
чораларни белгилаш мажбуриятини ҳам таъминлайди”.³⁵⁴

Фундаментал қадриятларга асосланган ислоҳотлар, жумладан, озодликдан маҳрум
этиш жазосини ўта зарур ҳоллардагина қўллаш, биринчи навбатда инсон ҳуқуқ-
ларига эътибор қаратиш, камситишларга йўл қўймаслик тамойили ва озодликдан
маҳрум этишнинг реабилитация функцияси ЕХХТ минтақасида зўравонлик
ва шафқатсиз муомаланинг кўплаб шаклларини камайтиришга ёрдам берди. Шу
билан бирга, минтақанинг барча мамлакатларида ҳам миллий, ҳам маҳаллий
миқёсда бу муаммони ҳал этиш учун ҳали кўп ишлар қилиниши кераклиги аниқ.

Ушбу нашрдаги тавсиялар ЕХХТга аъзо давлатларнинг жинсий ва гендерга асосланган
зўравонлик ҳодисаларини кузатиш саъй-ҳаракатларини кучайтириш бўйича
ҳаракатларга йўл-йўриқ сифатида хизмат қилади. Улар, шунингдек, зарур ҳимоя
механизмларини яратиш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг комплекс
усулларини ишлаб чиқишида давлатларга ёрдам беради.

Ушбу нашр давлат идораларида ҳам, нодавлат ташкилотларида ҳам ишлаётган
амалиётчилар учун мазкур мавзу бўйича батафсил йўриқнома ва қўлланмалар
ишлаб чиқиши йўлидаги биринчи қадамдир. Ўз мандатига мувофиқ, ДИИҲБ ушбу
масала бўйича хабардорликни ошириш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида
жинсий ва гендерга асосланган зўравонликни тўлиқ бартараф этиш истагида бўлган
ЕХХТ иштирокчи-давлатларига ёрдам кўрсатиш бўйича ишларни давом эттиради.

353 БМТнинг маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари, (2-коида).

354 Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо
турларининг олдини олиш бўйича кичик кўмитанинг саккизинчи йиллик хисоботи, 2015 йил 26 март,
59-п.

1-илова. Асосий тавсиялар

МУАММОНИНГ МОХИЯТИ ВА КЎЛАМИНИ ТУШУНИШ

Тегишли вазирликлар, сиёsat ва қонун ишлаб чиқарувчилар учун

- Қамоқقا олиш жойларида, жумладан, полиция бўлимлари, тергов изоляторлари ва ахлоқ тузатиш муассасаларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг кенглиги тўғрисидаги мавжуд маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун етарли ресурсларни ажратиш.
- Озодликдан маҳрум этиш жойларида, жумладан, муайян гуруҳларнинг заифлиги, қамоқقا олиш натижасида заифлик ва жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик энг кенг тарқалган жойларда жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик га нисбатан заифлик бўйича тадқиқотларни олиб бориш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.
- Озодликдан маҳрум этиш жойларида камситувчи муносабатлар ва жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик мавжудлигини институционал равишида тан олиш ва қоралаш ҳамда муаммонинг асосий сабабларини бартараф этиш ва хавф остида бўлганларни ҳимоя қилиш учун ҳаракат режаларини ишлаб чиқиши.
- Самарадорлигини аниқлаш учун мавжуд жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш ва бартараф этиш методологияларини баҳолаш ёки ташқи баҳолашга рухсат бериш.
- Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик бўйича муҳокамаларга барча тегишли вазирлик ходимлари, озодликдан маҳрум этиш жойлар амалиётчилари, маҳбуслар уюшмалари, шунингдек, фуқаролик жамияти вакиллари, яъни инсон ҳуқуqlари ва гендер масалалари бўйича эксперtlар жалб этилишини таъминлаш.

Полиция ва озодликдан маҳрум этиш жойлари маъмуриятлари учун

- Кузатувчи органларнинг ишига кўмаклашиш, шу жумладан барча ушлаб турилганлар ва маҳбуслар билан маҳфий ва тўсиқсиз мулоқот қилиш имкониятини таъминлаш орқали ёрдам бериш.
- Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик ҳодисалари тўғрисида маълумотларни тўплаш ва уларни субъектнинг гендер мансублиги, келиб тушган шикоятлар сони, муайян гуруҳларга нисбатан зўравонлик турлари, етказилган зарар турлари бўйича статистик маълумотлар бўйича гуруҳлаш ва кейинги кўрилган чоралар тўғрисида маълумот тўплаш.
- Ушбу маълумотларни жазони ижро этиш хизматининг марказий органи/ тегишли вазирликка дахлдор шахсларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш учун аноним шаклда амалга ошириш шарти билан мунтазам равишида узатиш.
- Ходимлар ва маҳбусларга жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик муаммоси тўғрисидаги муҳокамаларда хавфсиз ва маҳфий тарзда гапиришга рухсат бериш ва буни рағбатлантириш.

- Жамиятдаги жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик муаммоси билан шугулланувчи ташкилотлар, жумладан, заиф вазиятларга тушган ва зўравонлиқдан жабрланган шахслар билан ихтисослашган ташкилотлар билан алоқа ва ҳамкорликни йўлга қўйиш.

ҚОНУНЛАР, СИЁСАТ ВА ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ

Тегишли вазирликлар ва қонун чиқарувчилар учун

- Миллий қонунчиликда жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик аниқ белгиланиши ва уни озодликдан маҳрум этиш жойларида тақиқлашини таъминлаш.
- Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш ва ундан ҳимоя қилишни кучайтириш мумкин бўлган соҳаларни, шу жумладан қамоқда сақлашга муқобил чоралар тўғрисидаги қоидаларни аниқлаш учун мавжуд қонунлар, сиёсат ва тартибларни кўриб чиқиш, жинсий ва гендерга асосланган зўравонликка йўл қўядиган ёки уни рағбатлантирадиган ҳар қандай қоидаларни ўзгартириш.
- Қонун ҳужжатларида озодликдан маҳрум қилиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик қилмишларини тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортишни тартибга солувчи ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида зўравонлик ҳаракатларига нисбатан худди озодликда содир этилгандек жиноий жавобгарликка тортилишини назарда тутувчи қоидалар мавжудлигини таъминлаш.
- Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва/ёки сиёсий базаси маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, ўқитиш ва молиялаштиришни ўз ичига олган кенг кўламли масалаларни қамраб олишини таъминлаш, шунингдек, аёллар ҳам, эркаклар ҳам қурбон бўлиши мумкинлигини тан олиш; бироқ, жабрланганларнинг гендер мансублигига хос бўлган маҳсус процедуралар ёки ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш мумкин бўлиши керак.
- Тегишли давлат органларини жинсий ва гендерга асосланган зўравонликка қарши курашиш бўйича таълим ва ўқув машғулотларини ўтказиши қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиш.
- Гендер жихатларни ҳисобга оловчи бошқарув сиёсатини, шунингдек, ходимларнинг ахлоқ кодексини амалга ошириш; ушбу ҳужжатлар жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олишга қаратилган бўлиши ва зўравонлик ва камситишларга мутлақо муросасизлик тамойилини ўз ичига олиши керак.

Ихтисослашган ташкилотлар, жумладан, инсон ҳуқуқлари, аёллар ва маҳбуслар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан алоқада бўлиш ва улар билан заиф гурухларнинг эҳтиёжларини қондириш учун сиёсат ва йўриқномаларни ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатлашиш мақсадга мувофиқ.

АХЛОҚ ТУЗАТИШ БҮЙИЧА ТАЪЛИМ ЧОРАЛАРИ ВА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШНИНГ МУҚОБИЛ ЧОРАЛАРИ

Тегишли вазирликлар ва қонун чиқарувчилар учун

- ЖГАЗга айниқса заиф бўлиши мумкин бўлган гуруҳларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда қамоққа олиш, шу жумладан дастлабки қамоққа олиш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган чораларни қўллаш мониторинги ва баҳолаш тизимларини жорий этиш ёки такомиллаштириш.
- Полиция ва суд органларига айбланувчининг шахси ва келиб чиқиши, шу жумладан зўравонликка тегишли олдинги тажрибаси, қайта жиноят содир этиш хавфи ва содир этганлигига айбланаётган жиноятнинг хусусиятига қараб, қамоққа олишда эҳтиёт чораси ва муқобил чораларни кўриб чиқиш имконини берадиган стандартлаштирилган мезонларни ишлаб чиқиш.
- Полиция ва прокурорларга содир этилган жиноятнинг табиати ва оғирлигини, шунингдек, ҳибсда бўлганида зўравонлик қурбони бўлиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, жиноий суд тизимидағи шахсларни бошқа хизматларга қайта йўналтириш ҳуқуқини бериш.
- ЖГАЗ хавфи остида бўлганлар учун, шу жумладан зўравонлик қурбонлари учун мақбул муқобил чораларни ишлаб чиқиш учун ресурсларни ажратиш. Бундай муқобил чоралар, зарур ҳолларда, қўллаб-қувватлаш чоралари ва психологияк маслаҳатларни ўз ичига олиши керак.

Суд органлари учун

- Терговга қадар қамоққа олиш масаласини кўриб чиқишида енгиллаштирувчи ҳолатларни (масалан, ўтмишда бошидан кечирган зўравонлик), учинчи шахсларнинг, шу жумладан зўравонлик қурбонлари ва жабрланган шахслар билан ишловчи ташкилотларнинг илтимосига кўра, кейинги қурбонликка йўл қўйиб маслик учун кўриб чиқиш.
- Гендерга асосланган заифликларни, жумладан, вояга етмаган зўравонларнинг алоҳида ҳолатини ҳисобга олиш. Жабрланувчилар/гувоҳлар ва судланувчиларнинг далиллари эшитилаётганда, заруратга қараб, қийноқларга тортилиш эҳтимолини ҳисобга олинг.

ЭҲТИЁЖЛАР ВА ХАВФЛАРНИ КОМПЛЕКСЛИ БАҲОЛАШ

Тармоқли вазирликлар, сиёсатчилар ва қонун чиқарувчилар учун

- Мавзу бўйича эксперталар, шу жумладан фуқаролик жамияти вакиллари билан ҳамкорликда шахснинг ЖГАЗ қурбони бўлиши ёки уни содир этиш хавфини аниқлашнинг аниқ мезонларини ўз ичига олган баҳолаш методологияларини ишлаб чиқиш ёки мослаштириш.
- ЖГАЗ хавфи ва муассаса ходимлари, шунингдек, маҳбуслар ва ушлаб турилганлар эҳтиёжларини баҳолаш, шу жумладан потенциал ва амалдаги ходимларни текшириш сиёсати мавжудлигини таъминлаш.

- ЖГАЗнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, бундай баҳолаш методологияларининг самарадорлигини мунтазам равишда кўриб чиқиши.
- Ҳукм чиқариш бўйича кўрсатмаларга хавф ва эҳтиёжларни баҳолашни киритиш ва судялар ва прокурорлар учун тегишли тренингларни ўтказиш.

Полиция ва озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятлари учун

- Ҳар бир ушлаб турилган шахс/маҳбуснинг ўзига, ходимларига, бошқа ушлаб турилганларга/маҳбусларга ва ташриф буюрувчиларга етказилиши мумкин бўлган ЖГАЗ хавфини тўлиқ баҳолаш ва маҳбусларни жойлаштиришда буни ҳисобга олиш. Баҳолаш гуруҳлари таркиби гендер жиҳатдан мутаносиб бўлиши ва имкон қадар, ЖГАЗ эксперталарини ўз ичига олиши керак.
- Ушлаб турилганларни ҳибсга олиш ёки муассасага киритишда ЖГАЗ хавфи остида бўлган шахсларни, шу жумладан зўравонликдан жабрланган шахсларни аниқлаш ва уларни ҳимоя қилиш учун тезкор чоралар кўриш.
- Ахборот маҳфийлигини ҳимоя қилишга устувор аҳамият бериб, ходимларни билиш зарурати асосида ЖГАЗ хатарлари хақида маълумот бериш; тегишли муассасалар билан биргаликда қўллаб-қувватлаш ва ёрдам режаларини ишлаб чиқиши.
- Ҳимоя чоралари камситиш ва шафқатсиз муомала, стигматизация янада кучайиш ёки қамоқда сақлаш шароитлари ёмонлашиши хавфига олиб келмаслигига ишонч ҳосил қилиш.
- Ушлаб турилганлар ва маҳбусларга уларнинг хавф-хатарлари ва эҳтиёжларини баҳолаш бўйича ўз фикрларини билдириш имкониятини таъминлаш; ушбу баҳолашни мунтазам равишда кўриб чиқиши ва янгилаш.
- Барча тегишли ходимлар, шу жумладан тиббиёт ходимлари ЖГАЗ хавфини ёки бундай зўравонлик ҳаракатларини содир этиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш бўйича кенг қамровли тренингдан ўтишларини таъминлаш.

МАҲСУС ҲОЛАТЛАРДА ХАВФНИ КАМАЙТИРИШ

Сиёсатчилар ва қонун чиқарувчилар учун

- Қамоқقا олиш муддати ошгани сайин ЖГАЗ хавфи ортиб боришини эътироф этиш ва тергов қамоқ муддатини ўзгартиришда буни ҳисобга олиш.
- ЖГАЗнинг олдини олиш учун, шу жумладан, муайян усуллар ва тартибларни жорий этиш орқали сўроқларни ўтказишнинг мавжуд усуллари ва амалиётларини таҳлил қилиши.
- Маҳбуслар ва ушлаб турилганларни ташишда, шу жумладан нодавлат ташкилотлар томонидан олиб борилганда, ЖГАЗга қарши ҳимоя чоралари тенг қўлланишини таъминлаш.
- Ушбу муассасаларнинг ходимлари тегишли равишида ўқитилиши ва ЖГАЗ ҳаракатлари учун тенг даражада жавобгар бўлиши керак.

- Инсон ҳуқуқлари стандартларига, шу жумладан қонунийлик, зарурат ва мутаносиблик тамойилларига мувофиқ шахсий тинтувдан фойдаланиш ва ўтказиш қоидаларини белгилаш. Тинтувнинг (сканерлаш) муқобил усулларини ишлаб чиқиш ва қўллашни рағбатлантириш.
- Янги озодликдан маҳрум этиш жойларни лойиҳалашда ЖГАЗНИНГ олдини олиш, шу жумладан кузатувни ташкил этиш, тураг-жой секторларини реjalаштириш ва тибиёт бўлимларини жойлаштириш зарурлигини ҳисобга олиш.

Полиция ва/ёки озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти учун

- Барча ушлаб турилганларнинг адвокат билан тезкор ва маҳфий тарзда, шу жумладан сўроқ пайтида ҳам фойдалана олишини таъминлаш ҳамда қариндошлари ёки бошқа алоқада бўлган шахсларни ҳибсга олинганилиги, қаерда эканлиги ва уларнинг ҳуқуқлари, шу жумладан ЖГАЗНИНГ мумкин бўлган бузилиши тўғрисида хабардор қилиш.
- Барча сўроқларнинг тўлиқ ёзувлари, шу жумладан иштирок этганларнинг шахсий маълумотларининг сақланишини таъминлаш.
- Сўроқларни ўтказишида иштирок этаётган барча мансабдор шахслар гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш, шу жумладан ЖГАЗНИ тақиқлаш бўйича тегишли тарзда ўқитилишини таъминлаш.
- Ушлаб турилганлар ва маҳбусларни ташиида ЖГАЗга тегишли бўлган хавф ва эҳтиёжларни баҳолаш натижаларини ҳисобга олиш.
- ЖГАЗга қарши тегишли ҳимоя чоралари қандайдир жазо турига дучор бўлган ёки изоляция қилинган барча шахсларга нисбатан қўлланилишини таъминлаш.
- Барча ходимларни тинтув ўтказишида қўлланиладиган мезонлар ва тартиблар, шу жумладан гендер жиҳатлари бўйича тренинглардан ўтказиш.
- Хожатхоналар, ҳаммом ва кийиниш жойлари фақат бир жинсдаги шахслар томонидан назорат қилинишига ишонч ҳосил қилинг.
- Эркак ва аёл маҳбуслар/ушлаб турилганлар, шунингдек, вояга етмаганлар ва катталарнинг самарали ажратилишини таъминлаш.
- Трансгендер шахсни эркаклар ёки аёллар озодликдан маҳрум этиш жойига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда ушбу шахснинг фикрини инобатга олиш ва ҳар бир ҳолатда хавфсизлик нуқтаи назарини ва трансгендер шахснинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда алоҳида қарор қабул қилиш. Видеокузатув камераларидан, имкон қадар, ЖГАЗНИНГ олдини олиш ёки далиллар тўплаш учун фойдаланиш. Видеокузатувдан фойдаланиш тўғри тартибга солиниши ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини тўлиқ хурмат қилиши керак. Шунинг учун, видео кузатув фақат ҳимоя ёки тергов мақсадларида ишлатилиши керак ва динамик хавфсизлик техникасининг ўрнини босмаслиги керак.

ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ МУАЙЯН ШАХС ВА ГУРУҲЛАР УЧУН КАМАЙТИРИШ

Сиёсатчилар ва қонун чиқарувчилар учун

- Ўқув дастурининг барча модулларида гендер жиҳатлари ва хавф остида бўлган гуруҳларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда камситмаслик тамойиллари мавжудлигини таъминлаш.
- Муайян заиф гуруҳлар ва шахслар учун ЖГАЗ хавфини камайтириш учун маҳсус стратегияларни аниқлаш. Бундай стратегияларни ишлаб чиқишида мавзу бўйича мутахассислар ва ЖГАЗдан жабрланганлар билан маслаҳатлашиш керак.
- Ушлаб турилганлар ва маҳбусларни тинтуб қилиш фақат бир жинсдаги зобитлар томонидан амалга оширилишини таъминлаш.
- Трансгендер ва интерсекс шахсларини тинтуб қилиш ва жойлаштириш уларнинг жинсига мос келадиган тарзда амалга оширилишини ва қарорлар уларнинг хабардор қилинган розилиги билан қабул қилинишини таъминлаш. ЛГБТИ шахсларга тинтуб ўтказадиган зобитнинг жинсини танлаш имконияти берилиши керак.
- ЛГБТИ шахсларни тинтуб қилиш қоидаларини ва агар иложи бўлса, ЛГБТИ ҳибсга олинганлар/маҳбуслар ва тегишли эксперталар ёки ташкилотларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда трансгендер ёки интерсекс шахсларни жойлаштириш қоидаларини ишлаб чиқиши.
- Зўрлаш ва жинсий зўравонлик учун ҳукм қилинган шахсларни, шунингдек, бошқа маҳбусларнинг хусусиятлари ёки содир этилган жиноят турига кўра зўравонлик ва қасоста учраш эҳтимоли туфайли хавф остида бўлган бошқа шахсларни жойлаштириш бўйича мавжуд қоидаларни қайта кўриб чиқиши.

Полиция ва озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятлари учун

- Заиф шахслар ва гуруҳларни, шу жумладан руҳий касалликларга чалингларни аниқлашнинг мавжуд усуулларини кўриб чиқиши.
- Барча янги келган маҳбусларни ЖГАЗга йўл қўймаслик тўғрисида тушунтириш учун ўқув материалларидан фойдаланиш; барча янги келган маҳбусларни ЖГАЗ муаммоси ва зўравонликка дучор бўлганда нима қилиш кераклиги ҳақида маълумот берувчи материаллар билан таъминлаш. Жамиятнинг зўравонликнинг олдини олиш бўйича хабардорлигини ошириш учун бошқа стратегиялардан фойдаланишни кўриб чиқиши.
- Ходимларни ушлаб турилганлар, маҳбуслар ёки бошқа ходимлар томонидан ЖГАЗдан ҳимоя қилиш чораларини кўриб чиқиши / амалга ошириш.
- Зўравонликдан шикоят қилган ёки алоҳида хавф остида деб ҳисобланган шахсларни мониторинг қилиш тартибларини белгилаш.
- Ушлаб турилганлар ва маҳбусларни зўравонликдан ҳимоя қилиш чоралари камситиши, стигматизация ёки хизматлар ва дастурлардан фойдаланиш имкониятини қисқартиришга олиб келмаслигига ишонч ҳосил қилиш.

Хавфсизлик изоляцияси фақат ҳибсга олинган/маҳбуснинг розилиги билан, кафолатлар билан бирга ва мунтазам текширилиши шарти билан қўлланилиши керак.

- Махбусларни ажратиш бўйича ҳимоя чораларини қўллаш ва барча озодликдан маҳрум қилиш ҳолатларида, шу жумладан транспортда, ўқув дастурларида қатнашишда ва жазони ижро этиш муассасасининг барча биноларини кузатишида етарли даражада ходимларнинг мавжудлигини таъминлаш.

ТИББИЙ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИ

Тегишли вазирликлар, сиёсатчилар ва қонун чиқарувчилар учун

- Озодликдан маҳрум этиш жойи тиббиёт ходимларининг бандлик ҳолатини кўриб чиқиши ва бу шахслар соғлиқни сақлаш тизимининг бир қисми эканлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятларидан мустақил эканлигига ишонч ҳосил қилишг.
- Барча ҳибсга олинган ва қамоққа олинган шахсларнинг илтимосига биноан шифокор билан маслаҳатлашиш имкониятини таъминлаш.

Полиция ва/ёки озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти учун

- Агар ЖГАЗ ҳолати аниқланса, қамоққа олинганга/маҳбусга судга мурожаат қилиш ва уларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам, психологик ёрдам ва психологик маслаҳат бериш ҳуқуқи ҳақида хабар бериш.
- ЖГАЗни аниқлаш ва бартараф этиш соҳасидаги мутахассисларни, шу жумладан бундай зўравонликнинг психологик оқибатлари бўйича ўқитилганларни, шунингдек, аёллар ва болалар саломатлиги бўйича мутахассисларни жалб қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга ошириш. Агар бунинг иложи бўлмаса, барча соғлиқни сақлаш ходимлари ЖГАЗ белгиларини аниқлаш ва уларга жавоб бериш бўйича қандайдир тренингдан ўтишлари керак. Энг яхши ҳолатда, ходимлар Истанбул протоколини қўллаш бўйича ўқитилиши керак.
- Махбуслар ёки ушлаб турилганлар муассасага етиб келгач, шифокор ёки бошқа малакали тиббиёт ходими томонидан шахсий дахлизлиги тўлиқ ҳисобга олинган ҳолда тиббий кўрикдан ўтказилиши таъминланади. Тиббиёт ходимлари ЖГАЗнинг мумкин бўлган белгиларига ҳам эътибор беришлари керак. Аёлларга аёл шифокор томонидан кўрикдан ўтиш имконияти ва вагинал текширувдан ва репродуктив саломатлиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишдан бош тортиш ҳуқуқи берилиши керак.

Тиббий ходимлар учун

- Тиббиёт мутахассислари тармоқлараро ёндашувдан фойдаланган ҳолда ЖГАЗнинг олдини олишда фаол иштирок этишлари керак.

- Ушлаб турилганлар ёки маҳбуслар ЖГАЗнинг нозик белгиларини аниқлаш ва уларга нисбатан зўравонлик ҳақида хабар бериш имкониятини бериш учун тиббий мутахассис билан учрашув вақтида сухбатдан ўтишлари керак.
- Тиббиёт ходимлари ЖГАЗнинг барча белгиларини ҳужжатлаширишлари ва ушлаб турилган/маҳбуснинг розилиги билан тегишли органларга хабар беришлари керак.
- Тиббиёт ходимлари муаммо даражаси ва хавф омилларини баҳолаш ва хавф остида бўлган ёки ўзлари хавф туғдирадиган шахсларни аниқлаш учун маълумотларни тўплашлари керак. Ушбу маълумотлар таҳлил қилиш учун мавжуд бўлиши ва маҳфийликни таъминлаш шарти билан жазони ижро этиш тизимининг марказий бошқаруви ва мустақил органлар билан бўлишиши керак.

ХОДИМЛАРНИ ЁЛЛАШ, КАСБИЙ ТАЪЛИМ ВА МАЛАКА ОШИРИШ

Тегишли вазирликлар, сиёсатчилар ва қонун чиқарувчилар учун

- Ходимларни ўқитиш бўйича жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг аниқ таърифини, шунингдек ҳодисаларнинг олдини олиш ва уларга жавоб бериш ва шикоятларни бошқаришдан иборат жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик бўйича модулларни ўз ичига оладиган қўлланмаларни қайта кўриб чиқиши ва қайта ишлаб чиқиши. Ходимларни тайёрлаш дастури, шунингдек, гендер тамоийллари, инсон ҳуқуқлари воситалари ва заиф тоифалар билан ишлаш бўйича модулларни ўз ичига олиши керак. Машғулотларни ўтказишига ихтисослашган жамоат гурухларини жалб қилиш тавсия этилади.
- Бўлажак ва амалдаги ходимларни синчковлик билан танлаш, шу жумладан ўтмишда жинсий ва гендерга асосланган зўравонликни содир этганлиги бўйича маълумотни текшириш, шунингдек, муайян гурухларга нисбатан камситиш бўйича шахсий этика бўйича билимлар тести.
- Ишчи кучининг хилма-хиллиги барча даражаларда, жумладан, юқори лавозимили амалдорлар, бошқарув ва сиёсатчилар орасида ҳам мавжуд бўлиши керак.
- Юқори даражали қарор қабул қилувчилар ва суд аъзоларининг жинсий ва гендерга асосланган зўравонликка қарши курашиш бўйича тренингдан ўтишларини таъминлаш ва уларнинг барча кўринишларида бундай зўравонликнинг олдини олиш бўйича мажбуриятларини таъминлаш.

Полиция ва/ёки озодликдан маҳрум этиш жойи маъмурияти учун

- Ходимларнинг teng асосда таълим олишини таъминлаш ва уларга ҳеч қандай камситишларсиз касбий ривожланиш имкониятларини таъминлаш, жумла-

дан, инсон ҳуқуқлари масалалари, жумладан, аёллар ҳуқуқлари ва гендер тамойиллари бўйича тренинглар бериш.

- Аёлларнинг иш билан таъминланиши, юқорироқ лавозимни эгаллаши ва ишда сақлаб қолиниши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш орқали уларнинг иш кучидаги вакиллигини ошириш.
- Муассаса ходимлари ўртасида тенг ҳуқуқлилик ва турли гурухларнинг вакиллигини таъминлаш, шу жумладан озчилик гурухлари билан ишлаш ёки уларга тегишли бўлган тажрибага эга ходимлар вакиллигини ошириш орқали.
- Полиция ва озодликдан маҳрум этиш жойи ходимларини жинсий ва гендерга асосланган зўравонликдан жабрланганлар билан ишлаш ва бундай зўравонлик белгиларини, шу жумладан психологик ёки бошқа жароҳат белгиларини аниқлаш бўйича доимий равишда ўқиш.
- Барча ходимларни динамик хавфсизлик контепцияси билан таништириш ва уларни ушлаб турилганлар ва маҳбусларнинг фаровонлигига фаол қизиқиш ва улар билан ижобий муносабатларни ривожлантиришга ундаш.

ШИКОЯТ МЕХАНИЗМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИ

Тегишли вазирликлар, сиёsatчилар ва қонун чиқарувчилар учун

- Ушлаб турилганлар ёки маҳбуслар қандай қилиб шикоят қилишлари ва жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик шикояти олинганидан кейин қандай чоралар кўришлари ҳақида ёзма кўрсатма мавжудлигини таъминлаш. Процедуралар жавоб бериш/текширув вақтини, шунингдек жабрланувчилар ва барча гувоҳларнинг хавфсизлиги ва маҳфийлигини таъминлаш чораларини ўз ичига олиши керак.
- Озодликдан маҳрум этиш жойи раҳбарияти ёки жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик ҳодисаларидан хабардор бўлиб, бундай ҳодисаларнинг олдини олиш ёки уларга жавоб бериш учун тегишли чораларни кўрмаган ходимлар учун аниқ жазо чораларини белгилаш. Агар бундай чоралар аллақачон мавжуд бўлса, уларнинг самарадорлигини кўриб чиқиши керак.
- Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликни содир этишда гумон қилинган озодликдан маҳрум этиш жойи раҳбарлари ёки ходимларини зудлик билан ишдан бўшатишнинг аниқ тартибларини белгилаш.

Полиция ва озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятлари учун

- Барча ушлаб турилганлар ва маҳбусларни шикоят қилиш механизmlари ҳақида хабардор қилиш ва улар қасосга учраш ёки бошқа салбий таъсирлардан қўрқмасдан, тўлиқ маҳфийлик шароитида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликка қарши шикоят ёзиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаш.
- Маҳбус номидан учинчи шахслар томонидан шикоят қилиш имкониятини таъминлаш.

- Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик ҳодисалари ҳақида ҳокимият органларига хабар беришнинг муқобил усууларини кўриб чиқиш ва ушлаб турилганлар ва маҳбусларгага кимга шикоят қилишни танлаш имкониятини бериш; ахборотни хавфсиз ошкор қилиш учун ҳам шарт-шароит яратиш. Муқобил шикоят усуулари расмий механизмларни тўлдириши керак.
- Шикоят келиб тушгандан кейин жинсий ва гендерга асосланган зўравонликка алоқадор деб тахмин қилинган шахслар тергов бошланмасдан олдин бирон бир ваколатни амалга оширишдан вақтинча четлатилиши керак. Уларнинг шикоятчилар, гувоҳлар, қариндошлари ва терговни олиб бораётган шахслар билан боғланишига йўл қўймасликка эътибор қаратиш лозим.

ИНСПЕКЦИЯЛАР ВА ТЕРГОВЛАР

Тармоқли вазириклар, сиёсатчилар ва қонун чиқарувчилар учун

- Ички назорат механизмларининг иш шароитлари ва техник топшириқларини кўриб чиқиш ва агар керак бўлса, жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик билан боғлиқ масалаларни киритиш; тегишли органларнинг барча ходимлари жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик профилактикаси бўйича тренингдан ўтишларини таъминлаш.
- Ички мониторинг органларини тегишли техник ва молиявий ресурслар билан таъминлаш ва иложи бўлса, зўравонлик қурбонлари билан ишлашга мутахассисларни ўз фаолиятига жалб қилиш.
- Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик тўғрисидаги ҳисоботларга жавоб бериш ва тергов ўтказиш, шу жумладан аниқ ва маҳфий ёзувларни сақлаш ва далилларни ҳимоя қилиш бўйича тартибларни кўриб чиқиш.
- Қамоқقا олиш жойларида содир этилган жиноятлар худди жамиятда содир этилгандек тергов қилинишини ва айбдорларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш.

Озодликдан маҳрум этиш жойлари маъмурияtlари учун

- Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик ҳақидаги даъволар белгиланган тартибларга мувофиқ текширилишини таъминлаш.
- Барча текширувларнинг хulosалари ва тавсияларига мувофиқ чора кўриш ва зўравонликка сабаб бўлган омилларни, шу жумладан, айрим ички омилларни ички таҳлилини ўтказиш, бундай зўравонликнинг такрорланишининг олдини олиш.
- Зўравонлик ҳаракатларида айбдор деб топилган ҳар қандай шахс интизомий жазога тортилишини ва агар расмий тергов бошланган бўлса, адлия органлари билан ҳамкорлик қилишини таъминлаш.

Хуқуқ соҳаси ва суд тизими мутахассислари

- Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг оғир ҳолатлари, жумладан, зўрлаш ҳолатлари жинсий зўравонлик ёки қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалалар сифатида айбланиши керакми ёки йўқлигини дикқат билан кўриб чиқиши. Бундай қарорлар ҳар бир ҳолатда ва жабрланувчининг хоҳишига кўра қабул қилиниши керак.

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАСТУРЛАРИ

Озодликдан маҳрум этиш жойлари маъмурияти учун

- Зўравонлик даражасини пасайтиришга қаратилган потенциал тажовузкорларни қўллаб-қувватлаш дастурларини, шунингдек, иложи бўлса, тегишли давлат хизматлари ва ННТлар билан ҳамкорликда жинсий ҳуқуқбузарлар учун маҳсус дастурларни жорий этиш.
- Муассасаларда ҳурмат-иззат маданиятини ошириш учун умумийроқ дастурларни амалга ошириш.
- Тегишли давлат хизматлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг барча жабрланувчиларини зарур профессионал ёрдам ва даволаш билан таъминлаш. Ушбу хизматлар озодликдан маҳрум этиш жойидан ташқарида мавжуд бўлган хизматлар билан бир хил сифатда бўлиши керак.
- Руҳий касаллиги бўлган шахсларни гендер жиҳатларни ҳисобга олевчи комплекс даволаш ва қўллаб-қувватлаш дастурлари билан таъминлаш.
- Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликдан жабрланганлар учун озодликдан маҳрум этиш жойларида ўз-ўзига ёрдам ва тенгдошларни қўллаб-қувватлаш гурухларини ривожлантиришни рафбатлантириш.
- Барча маҳбусларга уларнинг реабилитацияси ва ижтимоий реинтеграциясига самарали ҳисса қўшиши мумкин бўлган турли хил таълим, ўқув ва дам олиш тадбирларида иштирок этиш имкониятини таъминлаш.

ХАБАРДОРЛИКНИ ОШИРИШ

Тегишли вазирликлар, сиёсатчилар ва қонун чиқарувчилар учун

- Озодликдан маҳрум этиш жойларидағи жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик муаммоси ва зўравонлик ҳақида хабар бериш ва тергов қилишдаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича жамоатчилик муҳокамаларини қўллаб-қувватлаш ва уларда иштирок этиш.
- Муассасаларда жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик ҳақида хабардорликни ошириш стратегияларини ишлаб чиқиши учун идоралараро ишчи гурух тузиш.

- Оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва манфаатдор томонлар билан озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик муаммоси бўйича жамоатчиликни хабардор қилишда ҳамкорлик қилиш.

Озодликдан маҳрум этиш жойлари маъмуриятлари учун

- Ходимлар, маҳбуслар, хизмат қўрсатувчи ходимлар ва мавзу эксперталарининг аноним сўровларда иштирок этишини, шунингдек, қамоқхоналарда жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш бўйича муҳокамалар ва жамоавий тадбирларни рағбатлантириш. Ушбу шахсларнинг ушбу тадбирларда хавфсиз иштирок этиши учун шароит яратиш.
- Аҳолини хабардор қилиш ташабbusларини қўллаб-қувватлаш учун зўравонлик қурбонлари билан ишлайдиган жамоат ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш.
- Барча манфаатдор томонларга жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш бўйича муайян тадбирларнинг самарадорлиги ҳақида фикр билдиришларига рухсат бериш.

2-илова. Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик ҳолатларини ўрганиш учун мониторинг ташрифларини ўтказиш бўйича текширув варақаси

Тадқиқот ва сиёsat

- ▶ Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик муаммоси, ушбу ҳодисанинг сабаблари ва оқибатлари, шунингдек, бундай зўравонликка энг заиф одамлар тоифалари бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун ресурслар ажратилди.
- ▶ Маъмурият жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик муассаса муаммоси эканлигини ва бу муаммони ҳал қилиш учун чора кўриш зарурлигини тан олади.
- ▶ Ушлаб турилганлар ва маҳбусларни, ходимларни, хизмат кўрсатувчи ходимларни ва ташриф буюрувчиларни жинсий ва гендерга асосланган зўравонликдан ҳимоя қилиш учун аниқ қонунлар, қоидалар ва сиёsatлар мавжуд.
- ▶ Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик шикоятлари ва хавф остида бўлган шахслар муносиб кузатиладилар.

Қамоққа олишга муқобил чоралар

- ▶ Қамоқ жазосини тайинлашда судлар енгиллаштирувчи ҳолатларни, шу жумладан олдинги зўравонлик билан боғлиқ кечинмаларини ҳисобга олади.
- ▶ Қамоққа олишнинг муқобил усууларидан, жумладан, вояга етмаганлар, хомиладор ва эмизикли аёллар, уларнинг қарамоғида болалари бўлган, руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан самарали қўлланилади.
- ▶ Қамоққа олишга қадар қамоққа олиш ва қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш устидан тегишли назоратни амалга ошириш учун оқилона муддат мавжуд.

Хабардорликни ошириш

- ▶ Маҳбуслар муассасага келтирилганда муассаса қоидалари, шунингдек, ўз хуқуqlари, шу жумладан жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик билан боғлиқ бўлган хуқуqlар тўғрисидаги маълумотлар улар тушунадиган тил ва форматда тақдим этилади.
- ▶ Ушлаб турилганлар ва маҳбуслар, шунингдек, аҳолининг озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш бўйича хабардорлигини ошириш бўйича стратегиялар амалга оширилмоқда.
- ▶ ННТ/ОАВ озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ва ҳужжатлаштиришда фаол.

Динамик хавфсизлик, режалаштириш ва иштирок

- ▶ Ходимларга ушлаб турилганлар ва маҳбусларнинг фаровонлиги билан фаол қизиқиши ва улар билан ижобий муносабатларни ривожлантириш тавсия этилади.

- ▶ Ушлаб турилганлар ва маҳбусларни, ходимларни, ташриф буюрувчиларни, хизмат кўрсатувчи провайдерларни ва мавзу бўйича эксперталарни озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликни ҳал қилиш бўйича муҳокамалар ва ечимларни жалб қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.
- ▶ Озодликдан маҳрум этиш жойида ҳукмрон маданият ва Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликка муносабат баҳоланмоқда.
- ▶ Ҳибсга олинганлар ва маҳкумларга, ходимларга, ташриф буюрувчиларга, хизмат кўрсатувчи провайдерларга, маҳкумлар уюшмаларига ва мавзу бўйича экспертларга СГБВнинг олдини олиш бўйича аниқ ёндашувлар самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш имкониятини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.
- ▶ Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олиш зарурати янги озодликдан маҳрум этиш жойи бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш ва рејалаштиришда ҳисобга олинади.

Процессуал кафолатлар

- ▶ Қийноқлар жиноий ҳуқуқбузарликдир, яъни озодликдан маҳрум этиш жойида зўрлаш, зўрлаш билан таҳдид қилиш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий зўравонлик ва таъқиб қилишнинг бошқа шаклларини тақиқлашни англатади.
- ▶ Қийноқлар остида берилган икрорлар судда далил сифатида қабул қилинмайди.
- ▶ Гумонланувчиларни тергов органи назорати остидаги муассасада 48 соатдан ортиқ ушлаб туриш мумкин эмас.
- ▶ Назорат қилувчи органларга барча озодликдан маҳрум этиш жойларига эркин ва мунтазам киришга имконияти берилади.
- ▶ Конун озодликдан маҳрум этиш жойларидаги зўрлаш ва жинсий зўравонлик билан боғлиқ барча шикоятларни мустақил текширишни талаб қиласди.
- ▶ ЖГАЗ жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан жазо чоралари, жумладан, жиноий одил судловдан кейинги терговлар мавжуд.

Ҳибсга олиш ва полиция қамоғида сақлаш

- ▶ Барча ушлаб турилганлар ва олиб келинган шахслар ўз ҳуқуқлари тўғрисида кечиктирмасдан, улар тушунадиган тил ва форматда хабардор қилинади.
- ▶ Ушлаб турилганлар ўз адвокати билан ишончли маслаҳатлашишлари ва сўроқ пайтида адвокат иштирок этиши мумкин.
- ▶ Барча ушлаб турилганлар ҳибсга олингани ва турган жойи ҳақида қариндошларини дархол хабардор қилишлари мумкин.
- ▶ Ушлаб турилганлар ўзлари танлаган шифокорга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
- ▶ Мустақил полиция назорати механизми мавжуд.

Сўроқ пайтидаги ҳимоя кафолатлари

- ▶ Барча сўроқ олувчилар ва ҳозир бўлган бошқа шахслар сўроқ бошланишидан олдин ўзларини таништиришлари керак.
- ▶ Барча сўроқ ва сухбатлар давлат органлари томонидан тегишли тарзда хужжатлаштирилади.
- ▶ Зарур ҳолларда, барча гумонланувчилар таржимондан фойдаланиш ҳуқуқига эга.
- ▶ Кўзни боғлаш ва бошни ёпиш тақиқланади.
- ▶ Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари гумонланувчиларни сўроқ қилиш бўйича етарли даражада ўқитилган.

Тиббий кўриклар ва соғлиқни сақлаш

- ▶ Барча маҳбуслар муассасага етиб келгач, уларнинг жинси ва ўзига хос заиф томонларига эътибор қаратган ҳолда малакали тиббиёт ходими томонидан тиббий кўрикдан ўтказилади.
- ▶ Тиббиёт ходимлари ЖГАЗнинг ҳар қандай белгиларини маъмуриятга хабар қилишлари шарт.
- ▶ Аёллар вагинал текширувдан воз кечиш ва аёл шифокор томонидан ёки аёл гувоҳ иштирокида кўрикдан ўтиш ҳуқуқига эга.
- ▶ Тиббий маслаҳатлар маҳбусларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқини тўлиқ ҳурмат қилган ҳолда ўтказилади ва тиббий сирларга риоя этилишини таъминлаш чоралари кўрилади.
- ▶ Бокираликни текшириш тақиқланади ва бу жиноий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Шахсий тинтувлар

- ▶ Тинтув ёки инвазив қидибувлар қачон ўтказилишини тартибга солувчи аниқ қонунлар ёки қоидалар мавжуд ва муқобил скрининг усуллари қўлланилади.
- ▶ Барча тана ва бўшлиқларни тинтувлар малакали тиббий ходимлар ёки тинтув қилинаётган шахс билан бир жинсдаги ходимлар томонидан ўтказилади ва барча заиф гуруҳлар учун қидибув ўтказишнинг алоҳида қоидалари мавжуд.
- ▶ Маъмурият тинтув ўтказган шахслар, унинг сабаблари ва натижалари тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда барча тинтувларни хужжатлаштиради.

Турли тоифадаги маҳбусларни алоҳида сақлаш

- ▶ Ҳар хил тоифадаги маҳбуслар ва ушлаб турилганлар, жумладан, эркаклар ва аёллар, вояга етмаганлар ва катталар, гумон қилинувчилар ва маҳбуслар, фуқаролик ва жиноий ҳуқуқбузарлик учун ушлаб турилганлар алоҳида сақланади.

- ▶ Гумон қилинувчи ва маҳбус аёллар устидан назорат фақат аёл ходимлар томонидан амалга оширилади; эркак ходимларга аёллар ҳудудига фақат аёл ходим ҳамроҳлигига киришга рухсат берилади. Трансгендер ва интерсекс маҳбусларни жойлаштириш учун маҳсус қоидалар мавжуд.
- ▶ Ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар ва болалари бор шахслар шахсий дахлсизлиги таъминланган ҳолда уларнинг маҳсус эҳтиёжларига мослаштирилган, шу жумладан эмизиш учун мўлжалланган туар жойлаштирилади.

Жойлаштирилиш

- ▶ Барча маҳбуслар ва ушлаб турилганлар дучор бўладиган ёки ҳозир бўлган хавф даражасини мунтазам ва тўғри баҳолаш олиб борилади.
- ▶ Зўрлаш, жинсий зўравонлик ва бошқа зўравонлик жиноятлари учун судланганларни жойлаштириш учун маҳсус тартиблар мавжуд.
- ▶ Бир камерага жойлаштирилган маҳбуслар синчковлик билан танлаб олинади ва бир-бирига мувофиқлиги текширилади.
- ▶ Маъмурият икки нафар ушлаб турилганлар/маҳбуслар бир камерага жойлаштирилмаслиги учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширади; ҳар бир киши алоҳида ётоқ билан таъминланади.
- ▶ Барча камералар ва ётоқхоналар тунги вақтда мунтазам ва самарали назорат қилинади.

Ташқи дунё билан алоқалар

- ▶ Барча маҳбуслар ва ушлаб турилганлар ўзларининг қонуний вакили билан тўлиқ маҳфийлик шароитида учрашишлари ва мулоқот қилишлари мумкин.
- ▶ Барча маҳбуслар ва ушлаб турилганлар ўзларининг қариндошларига ёки алоқада бўлган шахсга ҳисбса олинганлиги ҳақида дарҳол айтишлари ва қариндошлари ва дўйстлари билан мунтазам мулоқот қилишлари мумкин.
- ▶ Хорижий фуқаролар ўзларининг дипломатик ва консуллик вакиллари билан боғлана оладилар.
- ▶ Маҳбусларни, айниқса, аёлларни имкон қадар уйларига яқин жойда сақлашга ҳаракат қилинади.
- ▶ Эркак ва аёл маҳбуслар учун турмуш ўртоги билан учрашишга рухсат берилади ва бундай учрашувлар хавфсизлик ва маҳфийликда ўтказилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этиш жойидаги кундалик ҳаёт ва институционал маданият

- ▶ Озодликдан маҳрум этиш жойи ходимлари бутун озодликдан маҳрум этиш жойи ва маҳбусларнинг барча фаолиятини тўғри назорат қиласи
- ▶ Маҳбуслар ва ушлаб турилганлар ҳамманинг кўз ўнгига душ қабул қилишга мажбур бўлмайдилар, аёллар эса эркак қўриқчилар олдида (ва аксинча) душ қабул қилишлари ёки ҳожатхонадан фойдаланишга мажбур бўлмайдилар.

- ▶ Бир нечта киши томонидан содир этилган зўравонлик, озодликдан маҳрум этиш жойи коррупцияси ва норасмий бартер тизимларининг олдини олиш чоралари кўрилмоқда.
- ▶ Ходимларга хизмат пайтида спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш қатъяян ман этилади.

Маҳбусларни ташиш шартлари

- ▶ Маҳбуслар ва ушлаб турилганларнинг ташиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилади; ташиш фақат давлат органларининг буйруғи билан амалга оширилади.
- ▶ Ташиш вақтида аёллар ва эркаклар алоҳида сақланади, аёллар ва қизлар эса фақат аёл ходимлар томонидан назорат қилинади.
- ▶ Маҳбуслар ва ушлаб турилганлар бошқа муассасага ўтказилганлиги тўғрисида адвокатига, қариндошларига ёки алоқада бўлган шахсга дарҳол хабар беришлари мумкин.
- ▶ Маҳбус билан бирга унинг шахсий иши ва тиббий ҳужжатлари ҳам топширилади.
- ▶ Чекловлар, интизомий чоралар ва жазолар.
- ▶ Одатда, чеклашлар, интизомий чоралар ва жазолар фақат алоҳида ҳолларда ва бошқа чоралар самарасиз бўлган ҳолларда қўлланилади. Интизомий жазолар ваколатли маъмурий орган томонидан қабул қилинган қонун ёки норматив ҳужжатлар асосида қўлланилади; бу шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойининг асосий контингентидан беихтиёр изоляция қилишнинг ҳар қандай шаклига, масалан, бир кишилик камерага қўйиш учун ҳам амал қиласди.
- ▶ Чекловлар, интизомий чоралар ва жазолардан фойдаланиш жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик хавфини оширмаслигини таъминлаш учун хавфсизлик чоралари мавжуд. Шунингдек, жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик хавфини камайтириш учун интизомий жазо ёки чеклов чоралари қариндошлар билан алоқа қилишни тақиқламаслиги керак. Қариндошлар билан алоқа фақат хавфсизлик ва тартибни сақлаш учун зарур маълум вақтга чекланиши мумкин.
- ▶ Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликнинг алоҳида хавфларини ҳисобга олган ҳолда, бундай чораларни қўллаш Нелсон Мандела қоидаларида (38, 44 ва 45-қоидалар) кўзда тутилган минимал стандартлар ва кафолатларга мос келиши керак.

Кадрларни танлаш ва ўқитиши

- ▶ Ходимларни ёллаш ва ўқитиши, шунингдек, ходимларга нисбатан муомала қилиш камситмаслик ва хилма-хилликни қўллаб-қувватлаш тамойилига бўйсунади.
- ▶ Хизматга фақат билимли, гендер масалаларини инобатга олишга қодир ва етарли маълумотга эга бўлган муносаб номзодлар қабул қилинишини таъминлаш учун мезонлар мавжуд.

- ▶ Барча ходимлар хизмат вазифасини бажаришдан олдин тегишли тайёргарликдан ўтадилар, шу жумладан жинс ҳамда жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик бўйича; ходимлар самарали назорат қилинади.
- ▶ Ходимлар ва маҳбуслар нисбати, шунингдек, ходимлар ўртасидаги гендер мувозанати яхши.
- ▶ Иш ҳақи дараражаси, ижтимоий кафолатлар ва хизмат кўрсатиш шартлари ма-лакали кадрларни жалб қилиш ва ушлаб туриш учун етарли.

Шикоят механизмлари

- ▶ Маҳбуслар ва ушлаб турилганларга ўzlари тушунадиган тил ва шаклда қандай қилиб шикоят қилиш кераклиги ҳақида маълумот берилади.
- ▶ Ушлаб турилганлар, маҳбуслар (ёки уларнинг вакиллари) ва ходимлар тўлиқ маҳфийлик шароитида, цензурасиз ва қасос, таҳдид ёки бошқа салбий оқибатлардан қўрқмасдан шикоят қилишлари мумкин.
- ▶ Ходимлар ҳар қандай жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик эҳтимоли ҳақида хабар беришлари шарт.
- ▶ Шикоятлар тез, хавфсиз ва тўлиқ маҳфийлик асосида кўриб чиқилади.
- ▶ Шикоятларни текшириш бўйича маъбуллар етарли техник ва молиявий ресурсларга эга.
- ▶ Шикоятлар маҳбуснинг шахсий ишига, агар бу унга хавф туғдирмайдиган бўлса, қайд этилади; инспекторлар ушбу шахсий ишлардан чексиз фойдаланиш имкониятига эга.

Зўравонлик ҳақидаги аризаларга жавобан ҳаракат қилиш

- ▶ Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликка оид барча шикоятлар белгиланган тартибларга мувофиқ қайд этилиши ва текширилиши талаби мавжуд.
- ▶ Мурожаатчиларга зудлик билан мустақил равища малакали тиббий мутахассисдан тиббий ёрдам олиш имконияти берилади.
- ▶ Барча кўзга кўринадиган жароҳатлар маҳбуснинг шахсий ишида қайд этилади.
- ▶ Маъмурият зўравонликка сабаб бўлган омилларни таҳлил қиласди ва унинг такорланишининг олдини олиш чораларини кўради.
- ▶ Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликдан жабрланганларга етказилган зарар зудлик билан адолатли тарзда қопланади.

Психологик консультация ва ёрдам

- ▶ Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликдан жабрланганлар зарур ихтисослаштирилган психологик ёрдам/маслаҳат билан таъминланади.
- ▶ Зўравонлар ва бошқа маҳбусларга хибста олиш дастурлари ва бошқа ташаббусларда иштирок этиш имконияти берилади.

- ▶ Күнгилли маҳбуслар гиёхвандлик ва спиртли ичимликлардан даволаш дастурларида иштирок этишлари мумкин.
- ▶ Рухий касалликка чалинган шахсларга зарур индивидуал ёрдам мутахассис билан маслаҳатлашиш, психо-ижтимоий ёрдам ва дори терапияси шаклида берилади.

Тергов ва жиноий таъқиб

- ▶ Жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик жабрланувчилари судга даъво қилиш ҳуқуқи, тартиб-қоидалар ва ўзлари тушунадиган тил ва форматда даъво аризаси бериш ҳақида хабардор қилинади.
- ▶ Улар бепул юридик ёрдам оладилар.
- ▶ Улар тергов давомида маълумотни маҳфий сақлашга ҳақли.
- ▶ Зўравонлиқда айбланган шахслар ҳар қандай бошқарув ёки ҳукумат лавозимларидан четлаштирилади.

Инспекциялар ва мониторинг

- ▶ Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога қарши конвенциянинг Факультатив протоколи ратификация қилинган ва тўлиқ мустақил Миллий превентив механизм (МПМ) мавжуд.
- ▶ Бошқа мустақил механизмлар, жумладан, ҳибсхоналарни назорат қилувчи ННТлар ҳам мавжуд.
- ▶ Кузатувчилар ўз ишларини самарали бажариш учун етарли техник ва молиявий ресурсларга эга.
- ▶ Кузатувчилар қайси ҳибсхона ёки озодликдан маҳрум этиш жойига боришини, қайси ушлаб турилганлар ёки маҳбуслар билан гаплашишни эркин танлашлари мумкин; улар шахсий дахлсизликни ҳимоя қиласидиган ва тўлиқ маҳфийликни сақлайдиган мухитда эълон қилинмаган ташрифлар ва сухбатлар ўтказишлари мумкин.
- ▶ Кузатув кенгашларида аёллар ва бошқа мутахассислар бор, аёллар муассасаларини текширишда аёл кузатувчилар доимо иштирок этадилар.

З-илова. Озодликдан маҳрум этиш жойларида³⁵⁵ жинсий ва гендерга асосланган зўравонликтин олдини олиш бўйича ЕХХТга аъзо давлатлар учун ДИИХБ сўровномаси

1. Озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликтин миқёси ҳақида биладиган маълумотларингизни беринг. Имкон қадар, маълумотларни ушлаб турилганлар/маҳбусларнинг жинси, ёши ва қамоқда сақланган жойи кесимида тақдим этинг.
2. Мамлакатингиз озодликдан маҳрум этиш жойларидаги жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик муаммосини ҳал қилиш учун ҳукуматнинг бошқа даражаларида қонунлар, қоидалар, ички қоидалар ва/ёки бошқа ҳужжатларни қабул қилганми? Жавобингиз изжобий бўлса, ҳужжат турини, қабул қилинган санасини ва натижасини кўрсатинг.
3. Ходимлар ва ушлаб турилганлар/маҳбуслар томонидан жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик содир этилишининг олдини олиш учун озодликдан маҳрум этиш жойлари ва ахлоқ тузатиш муассасаларида қандай чоралар кўрилмоқда? Қисқача тавсиф беринг.
4. Озодликдан маҳрум этиш жойларида ўта заиф гурухлар (аёллар/қизлар, вояга етмаганлар, ёшлар, ногиронлар, биринчи марта жиноят содир этганлар ва бошқалар) зўравонликтан қандай ҳимояланган?
5. Ушлаб турилган ёки маҳкумнинг зўравонликтин нисбатан заифлигини баҳолаш бўйича қандай механизмлар қўлланилади?
6. Жинсий ва гендерга асосланган зўравонликтин олдини олиш ва унга қарши курашиш мавзуси озодликдан маҳрум этиш жойларида ишлайдиган ходимлар учун ўқув дастурларига киритилганми? Жавобингиз изжобий бўлса, қисқача тавсиф беринг.
7. Озодликдан маҳрум этилган шахслар жинсий ёки гендерга асосланган зўравонлик ҳақида шикоят қилиш ва бошқаларга бундай зўравонлик ҳақида хабар бериш учун қандай ҳимоя механизмлари ва тизимларидан фойдаланиши мумкин?

355 Жиноий судлов тизимида озодликдан маҳрум қилиш жойлари: полиция ва вақтинчалик ҳибсоналар, тергов ҳибсоналари, эркаклар ва аёллар қамоқхоналари, вояга етмаганлар ҳибсоналари.

356 Ушбу сўровноманинг мақсадлари учун жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик (ЖГАЗ) атамаси кенг кўламли сунистемолликларни, шу жумладан зўрлаш ва зўрлашга уриниш, жинсий таҳдидлар, эксплуатация, таҳқирлаш, тажовуз қилиш, вояга етмаганларнинг номусига тажовуз қилиш, беихтиёр фоҳишалик (жинсий бартер), қийноқлар, жинсий аъзолар тешикларига номақбул ва зарарли тарзда буюмларни киритиш, мажбурий хомиладорлик, мажбурий стерилизация, мажбурий аборт, мажбурий фоҳишалик, одам савдоси, жинсий қуллик, мажбурий хатна қилиш, кастрация ва ечинишга мажбуурлашларни қамрайди. Жинсий зўравонлик гендерга асосланган зўравонликтин бир тури бўлиб, ҳар қандай жинсий алоқани, жинсий алоқага уринишни, номақбул жинсий гаплар ёки хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади ёки жабрланувчи билан муносабатларидан қатъи назар ҳар қандай шахс томонидан, ҳар қандай вазиятда, мажбуурлаш орқали инсоннинг жинсий мансублигига қарши қаратилган бўлади.

8. Озодликдан маҳрум этиш жойларидағи жинсий ва гендерга асосланган зўравонлик ҳолатлари бўйича зўравонларни аниқлаш, хужжатлаштириш, тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун қандай жавобгарлик механизмлари ва ҳимоя қилиш тизимлари жабрланувчилар ва гувоҳлар учун мавжуд? Бундай ҳолатлар фактлари бўйича ҳозиргача қандай чоралар кўрилган (суд ёки суддан ташқари)? Уларнинг натижаси қандай бўлди?
9. Озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендерга асосланган зўравонликни бартараф этиш бўйича мавжуд дастур ёки стратегиялар самарадорлиги баҳоланганими?

ЕХХТ минтақасидаги озодликдан маҳрум этиш жойлари учун жинсий ва гендер зўравонлик одатий муаммолардан ҳисобланади. Бу борадаги нобоп вазият, бир томондан, жамиятнинг бундай зўравонликларга лоқайд ёндашувини англатса, иккинчи томондан, қамоқхоналар ва ҳибсда сақлаш жойларида аксарият ҳолларда маҳбуслар ва маҳкумлар хавфсизлигини таъминлаш вазифаси рисоладагидек бажарилмаётганлигини кўрсатади.

Ушбу нашрда давлатлар, инсон ҳуқуқларига риоя этган ва айни муаммонинг гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, қамоқхоналарда жинсий ва гендер зўравонликнинг олдини олиш ва унга барҳам беришда қандай чораларни кўриши мақсадга мувофиқ эканлиги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти минтақасига мансуб турли мамлакатлардаги мисоллар ёрдамида очиб берилган.

Бу нашрнинг вазифаси аввало озодликдан маҳрум этиш жойларида жинсий ва гендер зўравонлик муаммосидан ҳамда бундай зўравонлик жабрдийдаларининг мавжуд эҳтиёжларидан хабардорликни оширишдир. Шу билан бирга, китобда қамоқхоналар ва ҳибсда сақлаш жойларида бундай зўравонликларнинг олдини олишда яхши самара берадиган ҳимоя чоралари ҳам тавсия этилган.

